

Ш. Ш. Шорахметов

**Фуқаролик ишларини
судда кўриш жараёнидаги
хужжат (васиқа)лар
намуналари**

182
18143

Ш. Ш. Шораҳметов

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ
СУДДА КЎРИШ
ЖАРАЁНИДАГИ
ҲУЖЖАТ (ВАСИҚА)ЛАР
НАМУНАЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
университетларнинг юридик факультетлари,
юридик институт ва техникумларнинг
талабалари учун тавсия этилган*

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН"
1994

Мухаррир — З. О. ЖЎРАЕВ

Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси,
профессор А. А. АЪЗАМХЎЖАЕВнинг
умумий тахрири остида

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Раисининг ўринбосари, юридик
фанлар номзоди Б. О. ЭШОНОВ, Республика Адлия Вазирининг
биринчи ўринбосари М. Э. АБДУСАЛОМОВ, Ўзбекистон
Республикаси Олий Судининг аъзоси К. САЙДОВ

Шораҳметов Ш. Ш.

Ш 79 **Фуқаролик ишларини судда кўриш жараёнидаги
ҳужжат (васиқа)лар намуналари: Ун-тларнинг
юридик фак., юридик ин-т ва техникумларнинг
талабалари учун (А. А. Аъзамхўжаевнинг умумий
тахр. остида).**

ISBN 5-640-01631-0


Ушбу китоб фуқаролик ишларини судда кўриб, ҳая қилиш
ишларига кўмаклашиш мақсадида тайёрланган. Унда муаллиф
бир мунча мураккаб ҳисобланган фуқаролик суди ишларини
юритиш ҳужжатларини тўғри тузиш, айрим процессуал қоида-
ларни ўзлаштириш борасидаги аниқ тақлифларни ўртага тап-
лайди. Бундан ташқари, китобда ўз қонуний ҳуқуқ ва манфа-
атларини ҳимоя қилишда ҳар бир фуқаро, давлат ва жамоат
ташкilotи нимага диққатни қаратиши лозимлиги ҳақида
ҳам тушунчалар беришга ҳаракат қилинади.

Китоб ҳуқуқшунослик олий ва ўрта махсус ўқув юртлири
талабаларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига
ва кенг китобхоналарга мўлжалланган.

**Шораҳметов Ш. Ш. Образцы процессуальных
документов по гражданским делам.**

ББК 67.99(2)92

№ 416-92
Паштун бо
Республика
қўраш



Ш 440-000000--108 92
М 351 (04) 93

МУАЛЛИФДАН

Гражданлик, яъни фуқаролик суди ишларини юритиш тўғрисидаги қонунлар фуқаролик, оила, меҳнат ва колхоз ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган изоли ишларни, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ва алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриш тартибини белгилайди. Қолаверса, бундай қонунлар ишларни кассация ва назорат судларида кўриш, суд ҳал қилув қарорини ижро этиш тартибини ҳам белгилайди. Зотан, ҳар бир ҳуқуқшунос мутахассис иш кўриш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатларни бажаришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қанчалик тўғри татбиқ этса, ишларнинг шунчалик қонуний ва асосли ҳал этилишига кўмаклашган бўлади. Айни чоғда иши кўриладиган шахслар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш усулларини аниқ билиб олсалар, ишни тўғри ҳал этиш ҳам анча осонлашади.

Фуқаролик ишлари бўйича одил судловликни амалга оширишда суд бир-бири билан мантиқан боғлиқ бўлган қатор процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Бундай ҳаракатлар қонунда кўрсатилган талаблар асосида, яъни ариза, даъво аризаси, шикоят, эътироз (протест), суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари шаклида ўз ифодасини топади.

Фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал этиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳужжатларни асосли, саводли, ихчам ва мантиқан тузиш — ишни кўришни енгилаштиради, бу ўз навбатида тўғри ҳал этишга ёрдамлашади. Аксинча, процессуал талабларга риоя қилинмасдан тузилган ҳужжатлар ишни кўришни қийинлаштиради, қонунда кўзда тутилган баъзи ҳолларда эса юқори судлар томонидан бекор қилинишга ҳам олиб келади.

Фуқаролик суд ишларини юритиш қонунчилиги суддаги ҳамма процессуал ҳужжатлар учун қатъий белгиланган шаклни тавсия этмайди, бироқ бир қатор ҳужжатларни тузишда ГПК (Гражданлик-процессуал кодекси) нормаларида кўрсатилган элементларга эътибор бериш лозим бўлади.

Кўп йиллик суд амалиёти фуқаролик ишлари бўйича қатор суд ҳужжатлари намуналарини вужудга келтирдик, ушбу китобда уларнинг асосийларини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилдик. Масалан, булар — уй-жой, никоҳ ва оила муносабатлари, алимент ундириш ишлари, келтирилган зарарни ундириш, меҳнат ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар ҳамда ишларни кассация ва назорат тартибда, янгидан очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш, ижро босқичидаги бажариладиган процессуал ҳаракатлардир.

Мазкур китобнинг афзаллиги шундаки, унда айрим туркумдаги ишлар бўйича процессуал ҳужжатларнинг намуналари иш юргизишни қўзғатишдан тортиб то шу ишнинг яқунланиши билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатлар кўрсатиб берилган. Бу ҳол суд амалиётида кам тажрибага эга бўлганлар учун ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади ҳамда фуқаролик жараёни принципларининг қандай ҳаракатда бўлиши лозимлигини ифодалаб беради, деган умиддамиз.

Процессуал ҳужжатларнинг бу нормалари республика-миздаги судлар амалиётида кўпдан бери фойдаланиб келинаётган, судларда иш юритиш тўғрисидаги Низомда келтирилган айрим процессуал ҳужжат (васиқа)ларнинг тахминий намуналарига асосланган ҳолда келтирилди. Шу сабабли ҳужжат намуналарида номлар ва бошқа маълумотлар тасодифан мос келиб қолган ҳолларда фуқаролар ва мансабдор шахслардан узр сўраймиз ҳамда бу ишлар хайрли мақсадда қилинаётганлигини эслатиб ўтамиз.

Ушбу ишнинг амалиёт учун қулайликларидан яна бири — судга қадар ва ҳар бир процессуал ҳаракатни бажаришдан аввал бу ҳолат қонунда ва юридик адабиётларда қандай ифодаланганлиги ҳамда бу ҳаракатларни амалга ошириш учун манфаатдор шахс нималарга эътибор бериши лозимлиги ҳақида ҳам тушунтиришлар берилганлигидадир.

Қўлингиздаги китоб фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал қилиш ишларига кўмаклашиш мақсадида тайёрланган: яъни бир мунча мураккаб бўлиб ҳисобланган фуқаролик суд ишларини юритишни тўғри амалга оширишга, айрим процессуал қоидаларни ўзлаштиришга ҳамда ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳар бир фуқаро, давлат ва жамоат ташкилотига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қаратилган. Бу борадаги илк уриниш сифатида чоп этилаётган ушбу китоб олий ва ўрта малакали ҳуқуқшунослар тайёрлайдиган ўқув юртларининг талабаларига, суд, прокуратура, адвокатура, нотариат, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилувчи идораларнинг ходимларига, ўртоқлик судларига, қолаверса, ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини судда ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган барча фуқароларга мўлжалланган.

Китобни нашрга тайёрлашда ўз маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ва Олий Судининг малакали ходимларига муаллиф самимий миннатдорчилик билдиради.

I.

СУД АЖРИМЛАРИ ТЎҒРИСИДА ТУШУНЧА ВА УЛАРГА ОИД АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАР

Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарорига ажрим деб айтилади (ГПКнинг 233-моддаси).

Биринчи инстанция судида гражданлик ишларини кўриш, одатда, ҳал қилув қарори қабул қилиниши билан тамом бўлган ҳисобланади. Ажрим эса фуқаролик жараёнининг юритилиши ёки унинг тўхталиши, тугатилиши масалалари бўйича далилларни тўплаш, жараёнга янги шахсларни жалб қилиш, суднинг ҳал қилув қарорларини ижро этиш, шунингдек, ташкилотларнинг ишларидаги жиддий камчиликлар ҳамда фуқаролар томонидан қонуннинг бузилиши ва бошқа баъзи масалалар бўйича чиқарилади.

Демак, биринчи инстанция суди томонидан чиқариладиган ажримлар ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарор ҳисобланади.

Ишни юргизиш вақтида суд мажлисигача чиқарилган ажримлар, қондага мувофиқ, судьянинг ёлғиз ўзи томонидан тарафларни чақирмасдан, суд мажлисидан ташқари чиқарилади. Иш суд мажлисида кўриляётганда ажримларни суд ҳайъати чиқаради. Бундай ҳолларда тарафларнинг, шунингдек, ишда иштирок этувчи прокурорнинг фикрлари тингланади, бошқача қилиб айтганда, бунда тарафларнинг тортинувчилик ва тенг ҳуқуқлилик принципига риоя қилинади.

Ишни мазмунан кўриб ажрим чиқариш тартиби тўғрисидаги масала, яъни суд қандай ҳолларда маслаҳатхонага кириб, суд ҳужжати сифатида ажрим чиқариши ва қандай ҳолларда суд мажлисини ўзида маслаҳатлашиб ажрим чиқариши ва унинг мазмунини протоколга ёзиш масаласи ГПКнинг 233-моддасида кўрсатиб ўтилган. Суд ҳайъати томонидан айрим ҳужжат тарзида, яъни ажрим тариқасида

чиқариб, масалани ҳал қилганда фақат раислик қилувчигина эмас, балки барча судьялар иштирок этадилар ва имзо чекадилар.

Шуни айтиб ҳам ўтиш керакки, мураккаб масалаларни маслаҳатхонага кирмасдан ҳал қилиш мазкур масалаларни ҳал қилишга жиддий эътибор берилмаслигини кўрсатади, бу эса суднинг обрўсини кетказди. Ана шунинг учун ҳам кўриладиган масаланинг мазмуни (характери)га қараб асослантирилиши лозим бўлган ажримлар биринчи инстанция судининг суд мажлисида суднинг бутун ҳайъати томонидан маслаҳатхонада чиқариладиган ва суднинг бутун ҳайъати томонидан имзоланадиган айрим ҳужжат сифатида ёзилади.

Бошқа ажримларнинг ҳаммаси, масалан, суд мажлисини бошқа кунга кўчириш, далилларни текшириш тартиби, қўшимча далиллар талаб қилиб олиш ва бошқа масалалар тўғрисидаги ажримлар суд томонидан ишнинг аҳволига қараб ёки юқорида кўрсатилган тартибда ёхуд маслаҳатхонага кирмасдан суд мажлисининг ўзидаёқ кенгашиган ҳолда айрим ҳужжат сифатида эмас, балки суд мажлисининг протоколига ёзиш йўли билан чиқарилади.

Ҳал қилув қарори сингари ажрим ҳам тўрт қисмдан иборат бўлади.

ГПКнинг 234-моддасида кўрсатилганидек, маслаҳатхонада чиқариладиган суд ажримида қуйидагилар кўрсатилади: 1) ажримнинг чиқарилган вақти ва жойи; 2) суднинг номи ва ҳайъати, суд мажлисининг котиби; 3) судда иштирок этувчи шахслар, вакиллар; 4) низонинг предмети ва ажрим билан ҳал қилинадиган масаланинг мазмуни; 5) суд ўз хулосаси учун олган асослар ва суд қўллаган қонунлар; 6) суднинг қарори; 7) ажрим устидан шикоят қилиш тартиби ва муддати.

Маслаҳатхонага кирмасдан туриб суд томонидан чиқариладиган ажрим ГПК 234-моддасининг 4, 5, 6-бандларида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

Биринчи поғона суди томонидан чиқарилган ажримларнинг ҳаммаси ҳам қонуний кучга киравермайди. Баъзи ажримлар шу ажримларни чиқарган суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам мумкин. Масалан, агар суд даъвои таъмин қилиш, экспертиза тайинлаш, учинчи шахсларни ишга жалб қилиш ва шу сингарилар тўғрисидаги илтимосини рад қилган бўлса, кейинчалик

ишни кўрганда аниқланган ҳолатларга қараб, суд ўзининг ажримини хоҳ тарафларнинг илтимосига мувофиқ, хоҳ ўз ташаббуси билан қайтадан кўриши мумкин. Бошқа ажримларни суд ўзгартира олмайди, бекор ҳам қила олмайди. Бундай ажримларни тарафларнинг хусусий шикоятига ёки прокурорнинг протестига мувофиқ юқори суд бекор қила олади.

Қонун бўйича шикоят қилиб бўлмайди деб ҳисобланадиган хусусий ажримлар ёки хусусий шикоят ва протест беришга йўл қўйилмайдиган ажримларгина қонуний кучга киради. Бу ажримлардан аввалгилари ажрим чиқарилиши биланоқ қонуний кучга киради, иккинчилари эса — шикоят қилиш учун берилган муддат ўтгандан кейин ёки шикоят ё протест юқори суд томонидан рад қилинганидан кейин қонуний кучга киради. Бошқа ажримлар эса иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори билан бирга қонуний кучга киради.

Ажримнинг қонуний кучга кириши муайян ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади. Чунончи: биринчидан, шу ажрим билан ҳал қилинган низони янгидан кўриб бўлмайди: иккинчидан, унинг устидан шикоят қилиб бўлмайди, лекин уни назорат тартибда бекор қилиш мумкин бўлади: учинчидан, шу ажримга мувофиқ, тарафлардан бири бирор ҳаракатни содир этиши лозим бўлса, ажрим мажбурий равишда ижро этилиши мумкин.

Юқорида қайд қилинган ажримларнинг айримларини намуна сифатида келтирамиз.

ХАЛҚ СУДЬЯСИНИ ЧЕТЛАШТИРИШНИ РАД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Гражданлик ишини кўришда иштирок этишдан четлаштириш асослари ва бу масалага оид бошқа қоидалар Ўзбекистон Республикаси Гражданлик-процессуал кодексининг 19—25-моддаларида белгиланган. Жумладан, судья, халқ маслаҳатчиси, прокурор суд мажлисининг котиби шаҳсан бевосита ёки билвосита ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлсалар ёки уларнинг беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, улар ишни кўришда иштирок эта олмайдилар ва ишни кўришдан четлатишлари лозим.

Четлатиш тўғрисидаги арз асослантирилган бўлиши ва бу ҳақда ишнинг мазмуни бўйича кўришдан олдин бил-

дирилиши керак. Четлатиш тўғрисида кейинчалик арз қилишга, фақат бунинг учун асослар бўлиши лозим — судга ёки кимга нисбатан арз қилинадиган бўлса, шу шахсга ишнинг кўрилиши бошланганидан сўнг маълум бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Четлатиш учун асослар деганимизда, кимга нисбатан четлатиш тўғрисида арз қилинган бўлса, ўша шахснинг ишда иштирок этувчи шахслар билан дўстлик, қариндошлик муносабатларида бўлиши, хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатлардан манфаатдорлиги тушунилади.

ГПКнинг 18—22-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлса, судья, халқ маслаҳатчилари, прокурор, эксперт, таржимон, суд мажлисининг котиби, жамоат ташкилотининг ёки меҳнат жамоасининг вакили бу ҳақда судга арз қилишга мажбур, яъни ўз-ўзини четлатиш тўғрисида масала қўйишлари керак.

Шу асослар бўйича ишни кўришда иштирок этувчи шахслар ҳам четлатиш ҳақида масала қўйишлари мумкин.

Четлатиш тўғрисида арз қилинган тақдирда суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларини, шунингдек, ишни кўришдан четлатилиши талаб қилинган шахснинг сўзини (агар у изоҳ беришни хоҳласа) эшитиши керак.

Судьяни ишни кўришдан четлатиш масаласи (шу суднинг иштирокисиз) бошқа судьялар томонидан ҳал қилинади. Четлатишни ёқлаб берилган овозлар сони билан четлатишга қарши берилган овозлар сони тенг бўлса, судья ишни кўришдан четлатилган ҳисобланади.

Икки судья ёки суднинг бутун ҳайъатини четлатишни талаб қилиш ҳақидаги арз ўша суднинг тўлиқ ҳайъатида оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Прокурорга, жамоат ташкилотлари ёки меҳнат жамоаси вакилига, экспертга, таржимонга ва суд мажлиси котибига нисбатан четлатиш тўғрисидаги масалани ишни кўраётган суд ҳал қилади. Четлатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун суд маслаҳатхонага киради, агар талаб қонуний бўлса, қаноатлантириш ёки аксинча, ғайриқонуний бўлса, рад қилингани тўғрисида ажрим чиқаради (ГПКнинг 24-моддаси).

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судига
Гражданлик иши бўйича даъвогар Йўлдош Эшон-
овнинг судья М. И. Раҳимовни ушбу ишни
кўришдан четлатиш ҳақидаги

АРИЗАСИ

Ангрен шаҳар судида даъвогар Йўлдош Эшоновнинг жавобгар Р. Эшоновга нисбатан мерос мулкани бўлиб бериш ҳақидаги гражданлик иши юритилаётган бўлиб, бу иш халқ судьяси М. И. Раҳимов раислигида кўрилмоқда.

Судья М. И. Раҳимовни иш кўришдан қўйидаги асосларга кўра четлатишни лозим деб ҳисоблайман: судья М. И. Раҳимов менинг акам бўлмиш — иш юзасидан жавобгар Раҳим Эшонов билан яқин дўст бўлиб, улар яқинда бирга Москвага саёҳат қилганлар ва бир неча кун дам олганлар. Шунинг учун ишни одилона ҳал қилинишига шубҳаланаман.

ГПКнинг 19-моддасига асосланиб,

Арз қиламан:

Менинг гражданлик ишимни кўришдан Ангрен шаҳар судининг судьяси М. И. Раҳимов четлатилсин.

Илова: 1. Москва шаҳридан ёзилган хат.

2. Москва шаҳрига саёҳатга борганлиги ҳақида маълумотнома.

3. Р. Эшоновнинг иш жойидан маълумотнома.

1990 йил 9 август.

Й. Эшонов

АЖРИМ

1990 йил 9 август.

Ангрен шаҳри.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар судининг халқ маслаҳатчилари Комил Исаев ва Ўткир Маликовларнинг ҳайъатида, халқ судьяси М. Раҳимовни ушбу ишни кўришдан четлатиш тўғрисидаги Йўлдош Эшоновнинг аризаси кўрилиб, қўйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар Йўлдош Эшонов жавобгар акаси Раҳим Эшоновга нисбатан даъво қўзғатиб, отасидан қолган мерос мулкани бўлиб беришни суддан илтимос қилади.

Суд мажлисида ишни мазмунан кўришга қадар Й. Эшонов халқ судьяси М. И. Раҳимовни ушбу ишни кўришдан четлатишни сўраб, уни қўйидагича асослайди:

Судья М. И. Раҳимов даъвогарнинг акаси Раҳим Эшонов билан яқин дўстона муносабатда эканлигини, улар

Судда ўз бурчларини бажариш вақтида халқ маслаҳатчилари судьяларга оид барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Чунончи, ишнинг судда кўрилиши давомида келиб чиқадиган барча масалаларни ҳал қилишда фаол қатнашишлари лозим. Улар маслаҳат уйида қарор чиқаришда ҳам судья билан тенг ҳуқуққа эга бўладилар ва масалаларнинг кўпчилик овоз билан ҳал қиланишида муҳим ўрин тутадилар.

Агар жараёнда иштирок этувчи тарафлар суд ҳайъатини иш кўришда бевосита ёки билвосита боғлиқ эканлигини аниқласалар, уларни четлатиш тўғрисидаги масалани қўйишлари мумкин. Бу принцип (қоида) фуқаролик ишларини халқ судида тўғри, бегараз кўрилишини таъминлаш имкониятини бериш билан бирга, суд ҳайъатидан халқ маслаҳатчиларини ва судьяни асоссиз четлатишга йўл қўймайди. Четлатиш тўғрисидаги арз асослантирилган бўлиши ва ишнинг мазмуни бўйича кўришдан олдин билдирилиши керак. Четлатиш тўғрисида кейинчалик арз қилишга, фақат бунинг учун асослар бўлиши лозим — судга ёки кимга нисбатан арз қилинадиган бўлса, шу шахсга ишнинг кўрилиши бошланганидан сўнг маълум бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Судья, халқ маслаҳатчиси ёки суднинг бутун ҳайъати ишни кўришдан четлатилган тақдирда, иш шу район (шаҳар) судида, лекин судьяларнинг бошқа ҳайъатида кўрилади ёки иш кўриш учун бошқа район (шаҳар) судига ўтказилади.

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий Судида, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Судида, вилоят судида, Тошкент шаҳар судида кўриляётганда суд аъзоси ёки суднинг бутун ҳайъати четлатилса, иш шу судда, лекин судьяларнинг бошқа ҳайъатида кўрилади.

АЖРИМ

1990 йил 9 август.

Олмалиқ шаҳри.

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар судининг судьяси А. Расулов раислигида, халқ маслаҳатчилари И. Имомов ва Н. Жумасвларнинг ҳайъатида, прокурор А. Б. Ботировнинг иштирокида халқ маслаҳатчиси Н. Жумасвни ишни кўришдан четлатиш тўғрисидаги Азиз Қодировнинг аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар Азиз Қодиров судда жавобгар Олмалиқ қурилиш бошқармасига нисбатан даъво қўзғатиб, уй-жойдан асоссиз равишда бошқа уйга кўчирилганлигини кўрсатади.

Суд мажлисида ишни мазмунан кўришга киришгунча, яъни иш юритишни тайёрлаш жараёнида даъвогар А. Қодиров халқ маслаҳатчиси Н. Жумаевни ишни кўришдан четлатиш ҳақида арз қилади. Бунга асос у қурилиш бошқармаси бошқарувчисининг укаси эканлиги ҳамда иш жойида қурилиш касаба уюшмаси қўмитасининг аъзоси сифатида ишни ҳал этишда манфаатдор бўлишдир.

Жавобгар қурилиш бошқармасининг вакили В. Қиёмов Н. Жумаевни ишни кўришдан четлаштириш тўғрисидаги даъвогарнинг аризасини қаноатлантирмасликни сўрайди, бунга эса етарли асослар келтирилмайди.

Судда иштирок этувчи шахсларнинг баёнотларини ҳамда халқ маслаҳатчиси Н. Жумаевни бу ҳақдаги тушунтиришини, прокурорнинг фикрини тинглагач, А. Қодировнинг талаби асосли деб топилади, чунки бундай ҳолатлар бўйича ГПКнинг 18-моддасида, агар халқ маслаҳатчиси ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлса ёки уларнинг беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, улар иш кўришда иштирок эта олмасликлари қайд қилинган. Айниқса, касаба уюшмаси қўмитасининг мажлисида Н. Жумаевнинг А. Қодировга қарата: "Сенинг қўлингдан ҳеч нарса келмайди, биз хоҳлаган иш бўлади", дейиши ҳам ишнинг тўғри ҳал этилишига шубҳа туғдиради. Шуларга кўра суд ГПКнинг 18—19 моддаларига биноан

Ажрим қилади:

Халқ маслаҳатчиси Н. Жумаевни ишни кўришдан четлатиш бўйича даъвогар Азиз Қодировнинг арзи қаноатлантирилсин.

Иш кўриш қолдирилиб, 1990 йил 12 август соат 10 га тайинлансин.

Халқ судьяси: А. Расулев
Халқ маслаҳатчиси: И. Имомов

ДАЪВОГАРНИ ДАЪВОСИДАН ВОЗ КЕЧГАНЛИГИ ТУФАЙЛИ ИШ ЮРИТИШНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг гражданлик-процессуал қонунчилиги судда иш юритишини низо юзасидан ҳал қилув қарори чиқармасдан тамомлашнинг икки шаклини: биринчидан, иш юритишни тугатиш, иккинчидан, аризани кўрмай қолдириш шакллари белгилайди.

Иш юритишни тугатиш деганда — суднинг иш юзасидан фаолияти, даъвогарни худди шу иш бўйича судга қайтадан мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан тугатилиш назарда тутилади.

Аризани кўрмай қолдириш, чоғида эса — ишни юритиш тамомланса-да, аммо даъвогарга аризанинг кўрилмай қолдирилишига асос бўлган тўсқинликлар бартараф қилинган, худди шу иш бўйича қонун тарафларга қайтадан мурожаат қилиш ҳуқуқини беради.

ГПКнинг 241-моддасига мувофиқ, суд қуйидаги ҳолларда: 1) агар иш судларда кўришга тегишли бўлмаса; 2) агар судга мурожаат қилган манфаатдор шахс низои шу туркумдаги ишлар учун белгиланган тарзда дастлаб судсиз ҳал қилиш тартибига риоя қилмаган бўлса ва бу тартибни қўллаш имкониятини йўқотган бўлса; 3) агар мазкур иш юзасидан, худди шу тарафлар ўртасида ўша предмет тўғрисида ва ўша асослар бўйича қилинган низо юзасидан суднинг чиқарган ва қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса ёки даъвогарнинг даъводан воз кечишини қабул қилиш тўғрисида суднинг ажрими бўлса; 4) агар даъвогар даъводан воз кечса ва унинг даъводан воз кечганлиги суд томонидан қабул қилинган бўлса; 5) агар тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва бу битим суд томонидан тасдиқланган бўлса; 6) агар худди шу тарафлар ўртасида ўша предмет тўғрисида ва ўша асослар бўйича низо юзасидан ўртоқлик судининг ўз компетенцияси доирасида чиқарилган ҳал қилув қарори бўлса; 7) агар тарафлар ўртасида ушбу низои ҳакамлар судининг ҳал қилишига топшириш ҳақида шартнома тузилган бўлса; 8) агар иш бўйича тарафлардан бири бўлган гражданнинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқининг бошқаларга ўтказилишига йўл қўймаса — иш юргизишни тугатади.

Иш юргизишнинг юқорида санаб ўтилган асослари қатъий бўлиб, кенгайтирилмайди ва унга бошқа асослар қўшилмаслиги керак. Иш юргизиш суднинг ажрими билан тугатилади. Агар иш юргизиш ишнинг судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли тугатилса, суд ариза берувчига қайси органга мурожаат қилиш кераклигини кўрсатишга мажбур (ГПКнинг 242-моддаси).

Наманган вилояти, Наманган шаҳар судига
Наманган шаҳри, Ёилқўприк кўчасининг Висол берк
кўчаси. 10-ўйда яшовчи Парпи Хушвақтовдан

АРИЗА

(Даъводан воз кечганлик сабабли иш юритишни тугатиш ҳақида)

Мен жавобгар Исо Боқиевга нисбатан даъво ариза билан судга мурожаат қилган эдим.

Ушбу гражданлик иши юзасидан қуйидаги асосларга кўра иш юритиш тугатилишини сўрайман:

1. Қўшним Исо Боқиев мenden вақтинча фойдаланиш учун 400 сўмлик 4X3 метр квадратли янги туркман гилами олган эди. Гилами қайтариш муддати ўтиб кетганлигига қарамай, уни бермай келди ва ўртамизда низо пайдо бўлди. Бу ҳақда судга ариза берганимни эшитган жавобгар гиламни 1990 йил 16 август куни қайтариб берди. Шунга кўра даъводан воз кечдим. Даъводан воз кечганлигимни қабул қилиш билан Ўзбекистон Республикаси ГПКнинг 102-моддасига асосан жавбгардан иш қўзғатиш билан боғлиқ бўлган 24 сўм суд харажатларини ундириб беришингизни сўрайман.

Даъводан воз кечиш оқибатлари тўғрисидаги ГПКнинг 241—243-моддалари менга маълум.

1990 йил 17 август

П. Хушвақтов

АЖРИМ

1990 йил 18 август

Наманган шаҳри.

Наманган вилояти, Наманган шаҳар суди очиқ суд мажлисида раислик қилувчи халқ судьяси С. М. Мирқосимов, халқ маслаҳатчилари А. Рўзиев ҳамда В. Башаровлардан иборат ҳайъатда, О. Эрназаров котиблигида Парпи Хушвақтовнинг даъво аризасига кўра Исо Боқиевдан бир

дона гиламни ундириб бериш тўғрисидаги фуқаролик иши кўрилиб, куйидагилар

Аниқланди:

П. Хушвақтов судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, қўшниси жавобгар Исо Боқиев вақтинча фойдаланиш учун ундан бир дона қизил рангли (4X3 метрли 400 сўмлик) туркман гиламини олиб, асоссиз равишда қайтариб бермаётганлигини, буни тасдиқлаш учун асос қилиб 1990 йил 10 апрелда берган тилхатини тақдим қилган эди.

Суд мажлисида даъвогар П. Хушвақтов даъвосидан воз кечганлигини, бунга сабаб тариқасида 1990 йил 16 август кун Исо Боқиев олган гиламини қайтариб берганлигини билдиради. Шу билан бир қаторда даъвогар жавобгардан сарф қилган 24 сўм миқдордаги божни ундириб беришни сўрайди.

Суд П. Хушвақтовга ГПКнинг 243-моддасида кўзда тутилган даъводан воз кечиш оқибатларини тушунтирди.

Судда Парпи Хушвақтовнинг даъводан воз кечиши қонунга хилоф эмаслиги ҳамда бирон-бир шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зид келмаслиги аниқланди.

Даъводан воз кечганлиги сабабли иш юргизишни тутатиш учун судда етарли асос борлиги исботланди.

Даъвогарнинг суд харажатларини жавобгардан ундириш тўғрисидаги илтимосини ҳам қаноатлантириш лозим, чунки ГПКнинг 102-моддасига мувофиқ, агар даъво қўзғатилгандан сўнг даъво талабларини жавбгар ўз ихтиёри билан бажарса, даъвогар шу туфайли ўзининг даъволарини қувватламаса, даъвогарнинг илтимоси бўйича унинг иш юзасидан қилган ҳамма харажатлари жавобгардан ундирилади. Шунга кўра, ГПКнинг 88-моддасига асосан 400 сўмдан 6 фоиз бож ундирилиб, у 24 сўмни ташкил қилади.

Юқоридагиларга кўра, суд ГПКнинг 35, 102, 185, 241 ва 243-моддаларига асосан

Ажрим қилади:

Парпи Хушвақтовнинг даъводан воз кечиш тўғрисидаги арзи қабул қилинсин ва даъвогарнинг даъвоси бўйича жавобгар Исо Боқиевдан бир дона 400 сўмлик гиламни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича иш юритиш тутатилсин.

Жавобгар Исо Боқиевдан 24 (йигирма тўрт) сўм суд харажатлари П. Хушвақтов фойдасига ундирилсин.

Ажримдан норози томон 10 кун муддат ичида хусуси шикоят ёки хусусий протестни шу суд орқали Наманган вилояти судига беришга ҳақли.

Халқ судьяси: С. М. Мирқосимов
Халқ маслаҳатчилари: А. Рўзиев
В. Башаров

ИШГА ТЕГИШСИЗ ТАРАФНИ АЛМАШТИРИШ ҲАҚИДА

Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ишни суд мажлисида кўриш учун тайинлашда ариза билан судга мурожаат қилган шахснинг (фуқаро ёки ташкилотнинг) ҳуқуқи ёки қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаати жавобгар сифатида кўрсатилган шахс томонидан бузилганлигини ҳануз билмайди, фақат бундай ҳолатнинг бўлиш фараз қилинади ва кимнинг жавобгар бўлишитахминан белгиладинади.


Даъвогар шахс ҳуқуқининг бузилганлиги ва шу муносабат билан унинг ўзи даъвогар бўлиши ва бу низоли ҳуқуқни бузувчи жавобгар сифатида кўрсатилган шахснинг айнан ўзи жавобгар бўлиши суд мажлисида атрофлича, холислик билан текшириш натижасида аниқланади.

Ишнинг кўрилишида аксарият ҳолларда даъвогар ҳам, жавобгар ҳам даъво аризасида кўрсатилган шахслар ҳисобланади.

Аммо баъзи ҳолларда суд жараёнида ё даъвогар, ё жавобгар тараф, ёинки ҳар икки томон ҳам хатолик билан ишга жалб этилишлари туфайли тегишсиз тараф (тарафлар) бўлиб чиқиши, яъни даъвогар даъво иши кўзғатишга ҳақли бўлмаган тараф, жавобгар эса мазкур даъво юзасидан жавоб беришга мажбур бўлмаган шахс бўлиб топилиши мумкин. Шундай ҳолатларни назарда тутиб, қонун ишга тегишсиз тарафни суднинг ташаббуси билан ёки прокурорнинг талаби бўйича ёинки тарафлардан бирининг илтимосига кўра бошқа тегишли тараф билан алмаштиришга йўл қўяди.

ГПКнинг 37-моддасида кўрсатилишича, суд ишни текшириш вақтида даъвонинг талаб қилиш ҳуқуқига эга

* "Ажрим"лардаги шикоят ёки протест билан судга келинган ишнинг



бўлмаган шахс томонидан қўзғатилганини ёки жавоб бериш лозим бўлмаган шахсга нисбатан қўзғатилганлигини аниқласа, даъвогарнинг розилиги билан ишни бекор қилмасдан, дастлабки даъвогарни ёки жавобгарни тегишли даъвогар ёки жавобгар билан алмаштиришга йўлқўйиши мумкин. Суд бу ҳақда ажрим чиқаради.

АЖРИМ

1990 йил 10 август.

Сирдарё шаҳри.

Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳар судининг очиқ суд мажлисида раислик қилувчи халқ судьяси А. К. Каримов, халқ маслаҳатчилари А. Бердиев ва С. Ғаниевларнинг ҳайъатида, Г. Эгамбердиевнинг котиблигида даъвогар Анорбой Бекнозовнинг жавобгар Раҳим Абдуллаевга нисбатан келтирилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги фуқаролик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар А. Бекнозов даъво аризасида ўзига қарашли томорқадаги экинларни Р. Абдуллаевнинг чорва моллари пайҳон қилганлиги натижасида, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2850 сўмлик моддий зарар кўрганлигини билдиради.

Даъвогар аризасида Р. Абдуллаевни жавобгар деб топишни, чунки бу иш унинг бепарволиги туфайли, яъни молларни назоратсиз қолдириши натижасида вужудга келган зарар деб таъкидлайди.

Суд мажлисида Р. Абдуллаев етказилган зарарни тўламаслигини, бунга асос қилиб икки кун илгари шу чорва молларнинг ҳаммасини укаси Бўрон Абдуллаевга сотганлигини ва бу ишда ўзининг айби йўқлигини айтади.

Даъвогар эса бу ҳолатдан хабари йўқлигини, иложи бўлса, тегишли жавобгар билан алмаштиришга рози эканлигини билдиради.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини эшнтиб, ишда тўпланган материалларни ўрганиб чиқади ва ишга тегишсиз тарафни тегишли тараф билан алмаштиришни лозим топади. Бундай ҳолида ГПКнинг 37-моддасида қайд қилинган.

Юқоридагиларга кўра, суд ГПКнинг 37-моддасига асосан

Ажрим қилади:

Ишга тегишсиз бўлган жавобгар алмаштирилсин. Келтирилган зарарни ундириш бўйича тегишли жавобгар сифатида Бўрон Абдуллаев даъвогар Анорбой Бекнозовнинг даъво ишига жалб қилинсин.

Раҳим Абдуллаев ишда жавобгар сифатида қағнашишдан озод қилинсин.

Иш кўриш қолдирилиб, шу йил 13 август соат 10 га тайинлансин.

Иш кўришнинг вақти ва соати ҳақида даъвогар тилхат орқали, жавобгар эса чақириқ хати билан даъво аризанин бир нусхаси ва ушбу ажримдан нусха юбориб, кабардо қилинсин.

Халқ судьяси: *А. К. Каримов*
Халқ маслаҳатчилари: *А. Бердиев*
С. Ганиев

ДАЪВОГАР ПОМИДАН ИШ ЮРИТИШГА ВАКОЛАТИ БЎЛМАГАН ШАХСНИНГ БЕРГАН АРИЗАСИНИ КЎРМАСДАН ҚОЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

Суд мажлисида аризани кўрмай қолдириш асослари ГПКнинг 244-моддасида белгиланган. Бу моддада кўрсатилган беш асосдан ташқари, яна бошқа ҳолларда ҳам, чунончи: судда қўзғатилган ишнинг (ГПКнинг 270—272-моддалари бўйича) алоҳида тартибда кўрилиши лозимлиги аниқланганда иш ҳал қилув қарори чиқарилмасдан тугатилган ҳисобланади ва аризага ишнинг суд мажлисида кўрилмай қолдирилиши ва алоҳида иш юритиш тартибида кўрилиши тушунтирилади.

Суд аризани кўрмай қолдирган ҳолларда, иш юзасидан юқорида айтилганидек, ҳал қилув қарори чиқармай, ишнинг кўрилмай қолдирилиши тўғрисида ажрим чиқариш билан тамом қилади. Ажримда ишни ҳал этишга тўсқинлик қиладиган, ГПКнинг 244-моддасида кўрсатилган ҳолатларни қандай бартараф этиш кераклиги кўрсатилади.

Ишни кўрмай қолдириш учун асос бўлган шарт-шароитлар бартараф этилгандан сўнг манфаатдор шахс умумий тартибда ариза билан яна судга мурожаат қилишга ҳақлидир (ГПКнинг 246-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг "Гражданлик ишларини кўришда процессуал қонунчиликни судларда татбиқ этиш ҳақида"ги 1988 йил 7 сентябрь қарорида иш юритишни тўхтатиш, тугатиш, аризани кўрмай қолдириш масалалари кўзда тутилган.

АЖРИМ

1990 йил 17 август.

Чуст шаҳри.

Наманган вилояти, Чуст шаҳар судининг очиқ суд мажлисида халқ судьяси А. Э. Эминов раислигида, халқ маслаҳатчилари П. Ғозиев ва А. Пўлатовларнинг ҳайъатида, Л. Эшонова котиблигида даъвогар К. П. Ҳамидов номидан вакил С. Ю. Қаҳҳоров даъвоси бўйича жавобгар Чуст шаҳар маиший хизмат комбинатидан келтирилган зарарни ундириш тўғрисидаги фуқаролик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Чуст шаҳар судига даъвогар К. П. Ҳамидов номидан қўшниси С. Ю. Қаҳҳоров даъво ариза билан мурожаат этиб, К. П. Ҳамидовнинг соғлиғига етказилган 490 сўмлик зарарни Чуст шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинатидан ундириб беришни сўрайди. Судда вакиллик қилувчи С. Ю. Қаҳҳоров ваколат берувчи даъвогар касаллиги сабабли ишга қатнаша олмаслигини, шунинг учун ҳам нотариал идора томонидан тасдиқланган ишончномага асосан судга даъво ариза бериб, ишни кўришда даъвогарнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиш топширилганлигини билдиради.

С. Ю. Қаҳҳоров ўз ваколатини тасдиқловчи ишонч қозини судга тақдим этади ва шунга асосан даъво аризаси қабул қилиниб, ишни мазмунан кўриш учун тайинланган.

Ишни судда кўриш жараёнида даъвогар вакилининг ваколати ҳар томонлама текширилганида, вакил Қаҳҳоровга ишончнома нотариал идора томонидан 1988 йил августда берилган бўлиб, у қанча муддатга мўлжалланганлиги кўрсатилмаган. ГК (Гражданлик кодекси)нинг 77-моддасига кўра агар ваколатномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан эътиборан бир йил давомида ўз кучини сақлайди. Мазкур иш бўйича ишончнома икки йил муқаддам берилганлиги аниқланди.

Шунга асосан суд даъво аризасини даъвогар номидан ваколоти бўлмаган шахс томонидан берилган деб ҳисоблайди.

Суд ГПК 244-моддасининг 3-бандига асосан

Ажрим қилди:

Даъвогар К. П. Ҳамидов номидан унинг вакили С. Ю. Қаҳҳоровнинг Чуст шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинатидан 490 сўмлик етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги аризаси кўрилмай қолдирилсин.

К. П. Ҳамидовга кўрсатилган камчиликлар бартараф қилинган, яна қайта умумий тартибда ариза билан судга муурожаат этиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон шу суд орқали Наманган вилоят судига 10 кун ичида хусусий шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Халқ судьяси: А. Э. Эминов
Халқ маслаҳатчилари: П. ҒОЗИЕВ
А. Пулатов

ИШДА ТАРАФ БЎЛГАН ГРАЖДАННИНГ ЎЛИМИ ТУФАЙЛИ ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА

Иш юргизишни тўхтатиш — фуқаролик ишининг судда ҳал этилишига тўсқинлик қиладиган муайян ҳолатларнинг рўй бериши туфайли иш юритишдан процессуал ҳаракатларнинг тўхтатилишини билдиради. Иш юритишни тўхтатиш *мажбурий* ва *факультатив асосларга* бўлинади.

Иш юритишни тўхтатишнинг мажбурий асослари ГПКнинг 236-моддасида белгиланган. Бунда кўрсатилишича, суд қуйидаги ҳолларда: биринчидан, ишда тараф бўлган граждан ўлиб, низолашилаётган ҳуқуқий муносабат, ҳуқуқларнинг бошқаларга ўтказилишига йўл қўйилса ёки ишда тараф бўлган юридик шахс тугатилса; иккинчидан, тараф муомила лаёқатини йўқотса; учинчидан, жавобгар Қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар илтимос қилса; тўртинчидан, мазкур ишни гражданлик, жиноий ёки маъмурий тартибда кўриляётган бошқа иш ҳал қилинмасдан илгари кўриш мумкин бўлмаса — иш юргизишни тўхтатишга мажбур бўлади.

Иш юритишнинг факультатив, яъни қўшимча, мажбурий бўлмаган асоси ГПКнинг 237-моддасида белгиланган. Унда таъкидланишича, қуйидаги ҳолларда: даъвогар ёки жавобгар Қуролли Кучлар таркибида ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматда бўлса ёки у бирор давлат бурчини бажариш учун жалб қилинган бўлса: даъвогар ёки жавобгар шифохонада бўлса, шунингдек, уларнинг бирида судга келишга тўсқинлик қиладиган ва медицина муассасасининг ҳужжати билан тасдиқланган касал бўлса: ГПКнинг 124-моддасида кўзда тутилган ҳолларда жавобгар қидирилаётган бўлса; даъвогар ёки жавобгар узоқ вақт хизмат командировкасида бўлса; суд томонидан экспертиза ўтказиш тайинланганида — суд иштирок этувчи шахсларнинг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан иш юргизишни тўхтатишга ҳақли бўлади.

Судда ишнинг юритилиши қанча муддатга тўхтатилиб турилиши ГПКнинг 238-моддасида кўрсатиб ўтилган. Суднинг иш юритишини тўхтатиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят қилиш ёки хусусий протест келтириш мумкин (ГПКнинг 239-моддаси). Иш юритиш уни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф қилинганда, ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси ёки суднинг ташаббуси билан яна қайта тикланади.

Суд иш юритишни қайтадан бошлаганида ишда иштирок этувчи шахсларни умумий асосларга мувофиқ чақиради (ГПКнинг 240-моддаси).

Иш юритишни тўхтатишни даъвои кўрмай қолдиришдан (ГПКнинг 244-моддаси) ва иш кўришни кейинга қолдиришдан (ГПКнинг 182-моддаси) фарқлай билиш керак. Уларнинг фарқи юқорида келтирилган моддаларнинг мазмунидан англашилади.

АЖРИМ

1990 йил 13 август.

Фаргона шаҳри.

Фаргона вилояти, Фаргона шаҳар судининг очиқ суд мажлисида раислик қилувчи халқ судьяси Н. А. Маҳмудова, халқ маслаҳатчилари А. Назиров ва А. Ибратоваларнинг ҳайъатида, Э. Мўминов котиблигида Б. Азаматов даъвосига кўра О. Жобировдан 1210 сўман ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишн кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар Барот Азаматов жавобгар Олим Собировага нисбатан 1210 сўмлик етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишини қўзғатади.

Даъвогарнинг даъво аризасида жавобгар О. Жобировни подачи бўла туриб, ўзига биркитилган маҳалланинг 30 бош сигирини яйловда боқиш чоғида ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараши натижаси ўлароқ, моллар даъвогарнинг томорқасини пайҳон қилганлиги, оқибатда экин-полиэларга зарар етиб, келтирилган бу зарарни ихтиёрий равишда тўламаёлгани кўрсатилган.

Суд мажлисига жавобгар тариқасида чақирилган О. Жобиров 1990 йил 10 августда вафот этганлиги тўғрисида оила аъзолари хабар қиладилар ва бу ҳақда Фарғона шаҳар ЗАГС бўлимининг берган гувоҳномасини судга тақдим этадилар.

Фарғона вилояти, Санзар қишлоқ кенгашининг 1990 йил 11 августда берган маълумотномасига кўра марҳум О. Жобиров ўз ўғли билан бирга яшаганлиги ва унинг барча мол-мулкига ўғли Али Жобиров ворис эканлиги тасдиқланган.

Юқорида келтирилган ҳолатлар иш юритишни тўхтатиш учун асос бўлади, бу эса ГПК 236-моддасининг 1-бандида ўз ифодасини топган. ГКнинг 606-моддасига асосан меросни қабул қилган ворис мерос қолдирувчининг қарзлари юзасидан ўзига ўтган мерос мулкнинг ҳақиқий қиймати доирасида жавобгар бўлади.

Юқоридагиларга асосан суд ГПК 236-моддасининг 1-бандини, 238-моддасини ҳамда ГКнинг 606-моддасини қўллаб

Ажрим қилади:

Даъвогар Барот Азаматовга келтирилган 1210 сўм зарарни Олим Жобировдан ундириш тўғрисида қўзғатилган фуқаролик иши, жавобгарнинг ўлими сабабли процессдан чиқиши муносабати билан, ҳуқуқни қабул қилувчи шахс аниқлангунга қадар, иш юритишдан тўхтатилсин.

Суднинг иш юритишида шундай даъво бўйича фуқаролик иши борлиги ҳақида марҳум жавобгарнинг ўғли Али Жобировга маълум қилинсин ҳамда мерос мулкни ол-

гандан сўнг уни жавобгар тариқасида процессга жалб қилиш мумкинлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар 10 кун муҳлат ичида шу суд орқали Фарғона вилояти судига хусусий шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Халқ судьяси: Н. А. Маҳмудова
Халқ маслаҳатчилари: А. Назаров
А. Ибратов

Тошкент вилояти судига
Тошкент вилояти, Тошкент райони, Юсупов кўчаси,
73-уйда яшовчи Мирза Баратовдан

ХУСУСИЙ ШИКОЯТ

(Фуқаролик иши бўйича суднинг ажримига нисбатан)

Тошкент райони судининг 1991 йил 20 сентябрдаги ажримига кўра, менинг Нодир Авазовга нисбатан 3050 сўм қарзни ундириш тўғрисидаги даъво бўйича қўзгатган гражданлик иши жавобгарнинг вафоти туфайли иш юритиш тугатилган эди. Суд ишни тугатишга низоли ҳуқуқий муносабатни бошқаларга ўтказишга йўл қўйиш имконияти йўқлигини асос қилиб кўрсатган.

Халқ судининг ажримини қуйидаги ҳолатларга кўра асоссиз деб ҳисоблайман:

Марҳум жавобгар Нодир Авазов ўзига тўқ бўлиб, жуда бадавлат яшаган. Унинг бутун мол-мулки иккинчи хотиндан тугилган якка ўғли Собир Авазовга мерос бўлиб ўтган. Мен бу ҳақда суд тафтиши жараёнида баён қилган бўлсам-да, суд протоколида бу ҳолат қайд қилинмаган, ажримда эса "жавобгарнинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабатни қабул қилувчи шахс бўлмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилди", деган хулосага келинган. Вақоланки, суд қарзни тўлашга қодир бўлган жавобгарнинг меросхўр ўғли Собир Авазовни суд тафтишига жалб қилиши мумкин эди, бироқ бунга суд эътибор бермади.

Юқоридагиларга кўра ГПКнинг 344—355-моддаларига асосан

Сўрайман:

Тошкент вилояти Тошкент райони судининг 1991 йил 20 сентябрдаги ажрими бекор қилиниб, шу судга бошқа ҳайъатда ишни янгидан кўриш учун юборилсин.

Илова:1. С. Авазов марҳум жавобгарнинг ўғли эканлиги ҳақида маълумот.

2. Меросни қабул қилганлиги ҳақида ҳужжат.

3. Хусусий шикоятнинг нусхаси.

1991 йил 23 сентябрь.

М. Баратов

БИР НЕЧА ДАЪВО ТАЛАБЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

Қонун даъвогарнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча даъво талабларини бирлаштириб, бирга кўрилиши ва ҳал этилишига йўл қўяди. Бундай даъволар бир даъвогар томонидан бир жавобгарга ёинки бир неча даъвогар томонидан жавобгарларга нисбатан қилиниши мумкин.

ГПКнинг 145-моддаси бир даъво аризасида ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талабларни бирлаштиришга ҳақлидир, деб кўрсатади. Бундай ҳолларда даъво асослари ва предметлари умумий, бир-бирлари билан боғлиқ бўлганида, талаблар ҳам бир турда бўлганида даъвогарни объект бўйича бирлаштириш тўғрисида сўз боради. Мисол тариқасида ишга қайта тикланиш ва ноилож бекор юрган вақти учун ҳақ тўланиши тўғрисидаги даъвогарни ёки ҳовли-жойга (иморатга) бўлган эгалик ҳуқуқининг эътироф этилиши (тан олинishi) ва жавобгарнинг кўчирилиши тўғрисидаги даъвогарни ёинки эр-хотиннинг ажралиши тўғрисидаги ишнинг кўрилишида, уларнинг вояга етмаган фарзандлари учун алиментлар ундириш тўғрисидаги даъвонинг бошқа ишга қўшиб ҳал қилиниши кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бундай ҳолларда даъвони бирлаштириш тўғрисида судья ажрим чиқаради.

АЖРИМ

1990 йил 27 июль

Наманган шаҳри.

Наманган вилояти, Наманган шаҳар судининг халқ судьяси А. И. Рашидов томонидан даъвогарлар — Акбар Азимов, Наим Фозилов, Мутал Ишимовларнинг жавобгар Пётр Иванович Губковдан 200, 350 ва 175 сўм қарз шартномаси асосида олинган пулларни ундириб бериш тўғрисидаги даъво аризаларининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб, қуйидагилар

Аниқланди:

Жавобгар П. И. Губков ГАЗ-21 автомашинаси олиш учун даъвогарлар: А. Азимовдан — 200 сўм, Н. Фозиловдан — 350 сўм ва М. Ишимовдан — 170 сўм қарз олиб, ҳар қайсиларига 1989 йил 30 ноябргача қайтариб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Жавобгар олган қарзни қайтариш муддати ўтганлигига қарамай олган мажбуриятини бажармаган. Шу муносабат билан ҳар қайси даъвогар жавобгар П. И. Губковдан қарзни алоҳида ундириб беришни сўраб даъво қўзгатган.

Суд ишни тез кўриб чиқиш мақсадида ҳамда ҳар бир даъво предметини бир-бири билан боғлиқ бўлган учта талаб бир жавобгарга нисбатан қўзгатилганлигини назарда тутиб, уларни бирлаштириш ва бирга кўришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, суд ГПКнинг 145-моддасига асосланиб

Ажрим қилади:

Даъвогарлар: Акбар Азимов, Наим Фозилов ва Мутал Ишимовларнинг даъвосига кўра, жавобгар Пётр Иванович Губковдан 200, 350 ва 175 сўмни ундириб бериш тўғрисидаги даъво аризаларини бирга кўриш мақсадида бир иш юритишга бирлаштирилсин.

Ажрим қатъий — шикоятга ўрин йўқ.

Халқ судьяси:

А. И. Рашидов

II.

КЕЛТИРИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШ ТАРТИБИГА ОИД ХУЖЖАТ НАМУНАЛАРИ

ИШНИ БИР СУДДАН БОШҚА СУДГА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Маълумки, гражданлик ишининг судловлигини, яъни ишнинг мазкур судда кўрилиши ёки кўрилмаслиги тўғрисидаги масала (даъво аризасининг қабул қилиниши билан) судьянинг якка ўзи томонидан ҳал этилади.

Суд судловлилик тўғрисидаги қоидаларга риоя қилиб, ўзининг иш юритишга қабул қилган ишини, гарчи кей-

инчалик бу иш бошқа суднинг судловлигига тегишли бўлиб қолган ҳолларда ҳам, шу суднинг ўзи мазмунан ҳал қилиши лозим (ГПКнинг 135-моддаси).

Аммо баъзан қабул қилинган ишнинг бошқа судда кўрилиши зарур ва мақсадга мувофиқ деб ҳам топилиши мумкин. Бундай ҳолларда қонун судьяга ишни кўриш учун бошқа тенг даражадаги судга ўтказиш ҳуқуқини беради.

Қуйидаги ҳолларда:

1) агар шу иш бошқа судда, хусусан, далилларнинг кўпчилиги турган жойдаги судда тез ва тўғри кўрилиши мумкин деб топилса;

2) агар илгари турар-жойи маълум бўлмаган жавобгар ишни ўзи яшаб турган жойдаги судга ўтказишни илтимос қилса;

3) агар судьялардан бири ёки бир нечтаси четлатилгандан сўнг, шу судда уларни алмаштириш мумкин бўлмай қолса;

4) иш муайян судда кўрилаётганида, бу ишнинг судловлилик ҳақидаги қоидаларни бузган тарзда, ўз иш юритишига қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолса, ишни кўриш бошқа судга ўтказилади.

Ишнинг бошқа судга ўтказилиши тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилади. Ажримда ишнинг бошқа судга ўтказилиши сабаблари, важлари аниқ кўрсатилган бўлади. Бундай ажрим юзасидан хусусий шикоят ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Фуқаролик иши Ўзбекистон Республикаси судидан бошқа мустақил республика судига ёки бошқа республика судидан Ўзбекистон Республикаси судига, суднинг ажримга асосан, шу ажримга шикоят ёки протест келтирилган ҳолда эса, шикоят ёки протестни қаноатлантирмаслик тўғрисида ажрим чиқарилгандан сўнг, ўтказилади (ГПКнинг 136-моддаси).

АЖРИМ

1990 йил 6 август.

Учқўрғон шаҳри.

Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳар суди биносида очик суд мажлисида халқ судьяси М. Азизов раислигида, халқ маслаҳатчилари Б. Қиличев ва У. Бозоровлардан иборат ҳайъатда, Р. Ғаниевнинг котиблигида даъвогар Учқўрғон пахта тозалаш заводи жавобгар Азиз Уришевга нисбатан даъво қўзғатиб, заводга келтирилган 1800 сўм

зарарни ундириш тўғрисидаги даъво талаблари кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

А. Уришев Учқўрғон пахта тозалаш заводидида омборчи бўлиб ишлаб келган. У иш даврида ўз вазифасига совуққонлик билан қараши туфайли омбордаги 2 тонна пахта толаси чиришига йўл қўйилган. Бу хатти-ҳаракати билан заводга моддий зарар келтиради. Жавобгар ўз ҳаракатларидан чўчиб, ишдан ҳам бўшамай, номаълум томонга кўчиб кетган. Бу Учқўрғон шаҳар "Гузар" маҳалла қўмитасининг 1990 йил 24 августда берган маълумотда ҳам тасдиқланади.

Шу боис ГПК 130-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, даъво аризаси жавобгарнинг ҳозирда доимий яшаб, ишлаб турган жойи номаълум бўлганлиги сабабли у охириги доимий яшаб, ишлаб турган жой — Учқўрғон шаҳри судига берилган.

Гражданлик иши Учқўрғон шаҳар судида кўрилишини эшитган жавобгар А. Урушев судга хат йўллаб, ҳозирда Бухоро вилояти, Ғиждувон шаҳри, К. Маркс кўчаси, 10-уйда яшаётганини билдирган ва гражданлик ишини шу ҳудуддаги судга юборишни илтимос қилган.

Иш бўйича даъвогар вакили Т. Эшметов жавобгарнинг талабини қаноатлантиришга қарши эмаслигини билдирди.

Суд жавобгар А. Урушев талаби ГПК 130-моддасининг 1-қисмига асосланганлигини эътиборга олади ва унга биноан

Ажрим қилади:

Даъвогар Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳар пахта тозалаш заводига жавобгар Азиз Уришевдан 1800 (бир минг саккиз юз) сўм зарарни ундириш тўғрисидаги гражданлик иши мазмунан кўриш учун Бухоро вилояти, Ғиждувон шаҳар судига юборилсин.

Ажримдан норози томон шу суд орқали Наманган вилоят судининг гражданлик судлов коллегиясига 10 кун муддат ичида хусусий шикоят, протест келтириши мумкин.

Халқ судьяси: М. Азизов
Халқ маслаҳатчилари: Б. Қиличев
У. Бозоров

Прокуратуранинг
штампини ўрни

Тошкент шаҳар Октябрь райони судига
Даъвогар — Тошкент шаҳри, Октябрь райони про-
курори (Ўзбекистон ГПКнинг 5 ва 42-модда-
ларига асосан).

Даъвогар — Раҳима Абилова — Тошкент шаҳри, Чи-
лонзор райони, Қодирий кўчаси, 3-уйда и-
тиқомат қилади.

Жавобгар — Тошкент шаҳар, Октябрь райони, 15-
таксимотор парки, Ҳамза кўчаси, 10-уйда жой-
лашган.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Боқувчисининг ўлими натижасида келтирилган
зарарни ундириш ҳақида)

Даъвонинг қиймати 2100 сўм.

1990 йил 19 август куни гражданин Аброр Маликов
маст ҳолда 1-май кўчасида кетаётган Ихтиёр Абиловни
сабабсиз уриб йиқитиши натижасида 15-таксопаркка
қарашли такси автомашина ҳайдовчиси К. Азизов маши-
наси билан уни йўлда уриб кетади. Натижада И. Абилов
воқеа содир бўлган жойда вафот этади.

К. Азизов устидан қўзғатилган жиноят иши район про-
куратураси томонидан унинг ҳаракатларида жиноий аломат-
лар бўлмаганлиги сабабли бекор қилинган. Бундан ташқари,
тергов жараёнида К. Азизов ҳаракатида автотранспортни
ҳайдаш қоидалари бузилмаганлиги ҳам аниқланган.

Марҳум И. Абилов қарамоғида 1986 йил 10 майда
туғилган Нодир Абилов исмли балоғатга етмаган ўғли
тарбия топмоқда.

Тошкент шаҳри, Октябрь райони ижтимоий таъминот
бўлими боқувчисининг ўлими туфайли болага нафақа
таъминламаган, бунга асос қилиб И. Абилов етарли да-
ражада иш стажига эга эмаслиги кўрсатилган. Миконд
заводи берган маълумотга қараганда, бахтсиз ҳодисага
қадар И. Абилов кейинги 12 ой ичида ҳар ойда олган
маошининг ўртача миқдори 200 сўмни ташкил қилган.
Оилада марҳумнинг қарамоғида ўғлидан бошқа ҳеч ким
бўлмаган. Демак, ўғлига нафақа таъминлашнинг ўртача
миқдори 100 сўмни ташкил қилади. ГПКнинг 488-модда-
сида ортқча хавф манбаи туфайли етказилган зарарни
жавобгардан ундириш лозимлиги кўрсатилган.

Ушбу иш бўйича қабул қилинадиган қарор А. Маликов
ва К. Азизовларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир

этини мумкинлигини инобатга олиб, уларни жавобгар тарафда қатнашувчи мустақил талаби бўлмаган учунчи шахс сифатида ишга жалб қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагиларга кўра ГПКнинг 488-моддасига ҳамда ГПКнинг 5, 42, 139-моддаларига асосланиб,

Сўрайман:

1. Тошкент шаҳри, Октябрь райони, 15-автопаркнинг ҳисобидан Раҳима Абилова фойдасига 1986 йил 10 майда туғилган ўғли Нодир Абиловнинг тарбияси учун ҳар ойига 100 сўмдан, 1990 йил 3 сентябрдан токи бола 16 ёшга тўлгунга қадар, агар ўқини давом эттирган ҳолда эса 18 ёшга қадар ундирилсин. Иш бўйича суд харажатлари жавобгардан давлат фойдасига ундириб олинсин.

2. А. Маликов ва К. Азизов ГПКнинг 40-моддасига асосан процессга жалб этилсин.

Илова: 1. К. Азизовнинг тугатилган жиноий иши ҳақида маълумот.

2. И. Абиловнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан нусха.

3. И. Абиловнинг ўртача маоши ҳақида "Миконд" заводининг берган маълумоти.

4. Нодирнинг онаси билан бирга яшаши ҳақида Чилонзор маҳалла қўмитасининг берган маълумоти.

5. Нафақа таъминлашни рад этиш ҳақида Чилонзор район ижтимоий таъминот бўлимининг берган маълумоти.

6. Даъво аризасининг 5 та нусхаси.

Тошкент шаҳар, Чилонзор райони прокурори, катта адлия маслаҳатчиси

1990 йил 3 сентябрь.

Р.Қобулов

Тошкент шаҳар, Бўка райони судига
Бўка райони Тимирязев колхози, Қулдувроқ участкасида яшовчи Бекмурод Хожимуродовдан

АРИЗА

(Гайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилиш натижасида етказилган зарарни ундириш ҳақида)

Мен 1986 йил 14 октябрда ЖК (Жиноят кодекси) 118-моддасининг 3-қисми билан айбдор топилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум бўлишга ҳукм қилиндим.

Ушбу айблов юзасидан 1986 йил 15 мартдан бошлаб менинг эҳтиёт чорам ўзгартирилиб, қамоққа олиндим. 1987 йил 7 июнда эса эҳтиёт чорам ўзгартирилиб, тилкат орқали очиққа чиқарилдим. Жами озодликдан маҳрум қилиш жазоси 1 йил, 2 ойю 21 кунга тенг бўлди.

Қамоққа олингунига қадар Бўка райони Тимирязев номли бетон заводида ҳисобчи-бухгалтер бўлиб ишлаб келганман. Менинг устимдан Бўка райони халқ судининг 1987 йил 15 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 118-моддасининг 1-қисми ва 151-моддалари билан айблаб чиқарган сўнгги ҳукм бекор қилиниб, менинг ҳаракатларимда жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли иш тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди томонидан 1991 йил 30 сентябрда юборилган хабарномага кўра, менга асоссиз равишда етказилган моддий зарар, юридик хизмат ҳақлари тўлиқ ундириб олиш ҳуқуқи берилган.

Иш жойимдан берилган маълумотда кўрсатилишича, жазога тортилгунига қадар ўртача иш ҳақим 287 сўм (икки юз саксон етти сўм) ни ташкил қилган. 1 йил, 2 ойю 21 кунни агар ойига ҳисоблаганда ўн беш ой, шунингдек, амалдаги тегишли қонун актларига асосан 1987 йил июнь ойидан то сентябрь ойига қадар тергов ва суд органларига қатнаб юрилган 3 ой 15 кунлик муддат ҳам қўшилса, ўн саккиз ойю ўн беш кунни ташкил этади. Бу муддат ойлик иш ҳақига кўпайтирилса, 5553 сўмдан иборат бўлади. Дастлабки тергов даврида мендан бетон заводи ҳисобига 783 сўм ҳамда суд процессида иштироки учун ҳимоя хизмат ҳақи сифатида 226 сўм — ҳаммаси бўлиб 1009 сўм ундирилган. Демак, жами мен кўрган зарар: $5553 + 1009 = 6562$ сўмни ташкил қилади.

Шунингдек, 1987 йил сентябрдан то 1991 йил сентябрь ойига қадар 4 йил, яъни 48 ой давомида ўз ишимга тикланиш имкониятига эга бўлолмай юрган вақтим учун ўртача маош 287 сўм ҳисобидан шу ойларга кўпайтирилганда 13776 сўм, бўлади. Бундан чиқди, мен кўрган жами зарар 20338 (йигирма минг уч юз ўттиз саккиз) сўмни ташкил этар экан.

Жазони ўташ даврида колония маъмуриятига кетган даромадни чиқариб ташлаганда муассасада топган иш ҳақимдан ўртача ҳисобда 62 сўми шахсий ҳисобига теккан. Бундан ташқари, пенсия пулларим 1990 йил 1 июлдан 113 сўм миқдорда белгиланган, 1990 йил учун 6

ойлик, 1991 йил учун 9 ойлик пенсия пулларим 2169 сўм, жами эса $62 + 2169 = 2231$ (икки минг икки юз ўттиз бир) сўм бўлади.

Етказилган жами зарарлардан, яъни 20338 сўмдан 2231 сўм олиб ташланса, 18107 (ўн саккиз минг бир юз етти) сўм миқдорда менга моддий зарар етказилган.

Шунга кўра, ГКнинг 481-моддасига асосланиб,

Талаб қиламан:

Менга асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилишим натижасида бевосита етказилган 18107 (ўн саккиз минг бир юз етти) сўмлик моддий зарар ундириб берилсин.

Илова: 1. Аризанинг иккинчи нусхаси.

2. Ўзбекистон Олий Судининг ажрими.

3. Адвокатларнинг хизмат ҳақи тўғрисида маълумоти.

4. Колониядаги иш ҳақим ҳақида маълумот.

5. УЯ 64/8 маълумот.

6. Ўртача ойлик ҳақида маълумот.

7. Турар-жойдан маълумот.

8. Пенсия суммаси ҳақида маълумот.

1991 йил 26 ноябрь

Б. Хожимуродов

ДАЪВО АРИЗАСИНИ ҲАРАКАТСИЗ ҚОЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

Даъво аризалари район (шаҳар) судида халқ судьяси томонидан, бошқа судларда эса — суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки суднинг аъзоси томонидан қабул қилинади. Гражданлик иши бўйича аризани қабул қилиш масаласини судьянинг ёлғиз ўзи ҳал қилади. Агар ариза почта орқали юборилган бўлса, тушган кунининг ўзидаёқ (ҳар ҳолда иккинчи кундан кечиктирмасдан) судда судьяга топширилиши лозим.

Судья даъво аризаси ГПКнинг 139—140-моддаларида белгиланган талабларга риоя қилмасдан ёки давлат поштинаси тўланмасдан берилганлигини аниқласа, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради ва бу ҳақда даъвогарни хабардор қилиб, камчиликларни тузатиш учун унга муддат беради.

Аризанинг кўрмасдан қолдирилиши тўғрисидаги судья томонидан чиқариладиган ажримда даъво аризасининг камчиликлари, уни тузатиш йўллари ва муддати, судья

таклифларининг бажармаслик оқибатлари кўрсатилган бўлади. Агар даъвогар белгиланган муддатда даъво аризининг камчиликларини тузатса, гражданлик иши ҳаракатга киритилади ва бундай ҳолда даъво муддатининг ўтиши ариза берилган куннинг ўзидаёқ узилган ҳисобланади. Акс ҳолда судья даъво аризаси берилмаган деб ҳисобланиши тўғрисида ажрим чиқаради ва аризани даъвогарга қайтаради. Ариза қайтарилгани ҳолда даъво муддатининг ўтиши узилмайди. Даъво аризаси кейинчалик — даъво муддати давомида, қонун талабларига риоя қилинган ҳолда қайта берилиши мумкин.

А Ж Р И М

1990 йил 14 июль.

Тошкент шаҳри.

Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони судининг раиси М. Азимов томонидан даъвогар Тошкент шаҳар "Малика" фирмасининг жавобгар Маҳмуд Йўлдошевга нисбатан уй-жойдан кўчириш ҳақидаги даъво аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Ишда тўпланган ҳужжатларни ўрганиш якуни шуни кўрсатдики, даъвогар даъво аризасини беришда, ГПК 88-моддасининг 7-бандига мувофиқ, мулкий характерда бўлмаган ва баҳоланиши мумкин бўлмаган даъво аризаларидан 10 сўм давлат божи (пошлинаси) тўлаши лозим бўлса-да, бу қоидага риоя қилинмаган. Шунга кўра суд ГПКнинг 144-моддасига асосан

Ажрим қилади:

Даъвогар Тошкент "Малика" фирмасининг жавобгар Маҳмуд Йўлдошевга нисбатан уй-жойдан кўчириш тўғрисидаги даъво аризаси ҳаракатсиз қолдирилсин.

Ушбу ажримнинг бир нусхаси даъвогарга юборилсин ва 1990 йил 5 августдан кечиктирилмасдан қонунда белгиланган 10 сўм давлат божини тўлаганлик ҳақидаги маркани судга топшириш тавсия этилсин. Акс ҳолда, даъво аризаси берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилади.

Ажримдан норози тараф 10 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг гражданлик судлов

коллегиясига хусусий шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Халқ судьяси: М. Азимов

КЕЛИШУВ БИТИМИ ТУЗИЛГАНЛИГИ САБАБЛИ ИШ ЮРИТИШНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

Суд раиси гражданлик ишининг судда кўрилишидан аввал ёки суд мажлиси бошланишида ёхуд давом этишида ҳар сафар тарафлардан низонинг ўзаро келишув битими тузиш йўли билан тамомлашини истар-истамасликларини сўрайди (ГПКнинг 184-моддаси).

Тарафлар ўртасидаги низонинг битишув йўли билан, судлашмай, муайян шартларда мурасага келиш асосида ҳал қилиниши кўп ҳолларда мақсадга мувофиқ, манзур ва маъқул ишдир. Келишув битимининг тузилиши, баъзи ҳолларда арзимаган иш (низо, даъво) бўйича кўплаб гражданларнинг ишдан қолиб, суд идораларига келишларидан озод қилади. Шунинг учун ҳам суд (судья) тарафлар ўртасидаги низонинг ўзаро келишув йўли билан тугатилишига қаратилган чораларни кўриши лозим.

Агар тарафлар келишув битими тузишга рози бўлсалар, суд ҳамма ҳолларда битимни тузиш сабабларини аниқлаши, текшириши лозим. Бундай битимлар ғайриқонуний, қалбаки бўлмаслиги, тарафлардан бирининг ёинки учинчи шахсларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини бузишга қаратилмаслиги керак. Агар битим тузилишида ғайриқонуний ҳаракатлар, мақсадлар мавжудлиги аниқланса, суд битимни тасдиқламайди ва суд ишни юргизишни давом эттиради.

Келишув битими суд мажлисида, суддан ташқари ҳам ва ижро босқичида ҳам тузилиши мумкин. Тарафларнинг келишув битимининг шартлари суд мажлиси протоколига киритилади ва иккала тараф томонидан имзоланади.

Агар тарафларнинг келишув битими уларнинг судга юборилган ёзма аризаларида ифодаланган бўлса, бу аризалар ишга қўшиб қўйилиб, бу ҳақда суд мажлиси протоколида кўрсатилади.

Тарафларнинг келишув битимларини тасдиқлашдан олдин суд даъвогарга ёки тарафларга тегишли процессуал ҳаракатларининг оқибатларини тушунтиради.

Тарафларнинг келишув битимларини тасдиқлаш тўғрисида суд ажрим чиқаради, айти вақтда шу ажрим билан бу ишнинг юритилиши тугатилади. Ажримда тарафларнинг келишув битимидаги шартлари кўрсатилиши керак.

Агар суд тарафларнинг келишув битимини тасдиқламаса, суд бу ҳақда асослангандан ажрим чиқаради ва ишни мазмунан кўришга ўтади (ГПКнинг 185-моддаси).

Келишув битими тузилгандан ва тасдиқлангандан сўнг тарафлар иш қўзғатишга, суд эса худди шу ишни кўришга ҳақли эмас. Тарафларнинг ўз хоҳишлари билан тузилган келишув битими — суднинг ҳал қилув қарори кучига эга бўлади.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судига
Гражданлик иши юзасидан даъвогар А. Исмамов ва
жавобгар Т. Аҳмедовлар томонидан тузилган
келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида

АРИЗА

Гражданлик иши юзасидан тарафлар бўлмиш биз, яъни даъвогар А. Исмамов, жавобгар Т. Аҳмедовлар қудуқ сувидан бирга фойдаланиш ҳақидаги даъво бўйича келишув битимини туздик. Бу битимнинг шартларига кўра, жавобгар Т. Аҳмедов тўлаши лозим бўлган 110 сўм эвазига ҳовлидаги бир туп гилос мевасидан ҳар йили даъвогар билан бирга истеъмол қилишга рози бўлганини билдиради.

Даъвогар А. Исмамов жавобгарга қудуқ сувидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратадиган бўлди.

Юқоридагиларга кўра келишув битимини тасдиқлашни ва иш юритишни тугатишни сўраймиз.

ГПКнинг 243-моддасида кўрсатилган келишув битимини тузишдан келиб чиқадиган оқибатлар бизга аён. Бу ҳақда тушунтирилди.

1990 йил 19 август.

*А. Исмамов
Т. Аҳмедов*

АЖРИМ

1990 йил 19 август.

Ангрен шаҳри.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг очиқ суд мажлисида судья П. Шеровнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари Р. Полвонов ва К. Ибодовларнинг ҳайъатида,

Ф. Файзуллаева котиблигида Али Исматовнинг даъвоси бўйича жавобгар Тўлқин Аҳмедовнинг қудуқ сувидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги гражданлик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

А. Исматов билан Т. Аҳмедовлар Ангрен шаҳар Боғ кўча, 10-уйда яшаб, умумий ҳовлидан фойдаланганлар. Ёз кунлари шаҳар сув тармоқларида сув камайиб кетиши сабабли ҳар иккиси келишган ҳолда ўз ҳовлисидан қудуқ қазиб сувдан бирга фойдаланганлар. Қудуқ қазиш учун сарф қилинган харажатларни тенг тақсим қилинишига қарамай жавобгар Т. Аҳмедов тўлаши лозим бўлган 110 сўм пулни беришдан бош тортиб келиши туфайли даъвогар А. Исматов қудуқ сувидан фойдаланишни тақиқлаб қўяди ва харажат пулини ундириб беришни сўраб даъво аризаси билан судга мурожаат этади.

Суд мажлисида жавобгар Т. Аҳмедов тўлаши керак бўлган 110 сўм ўрнига ўз ҳовлисидаги бир туп гилос мевасидан ҳар йили даъвогар билан бирга фойдаланишини кўрсатиб, келишув битими тузишни таклиф қилади. Даъвогар келишув битимини тузишга рози бўлади ва бу ҳақда тарафлар судга ариза тақдим этадилар.

Келишув битимининг шартлари суд мажлисининг протоколига киритилиб, тарафлар томонидан имзоланади.

Келишув битимини тасдиқлаш ва иш юритишни тугатиш оқибатлари ҳақидаги ГПКнинг 243-моддаси А. Исматов ва Т. Аҳмедовларга тушунтирилди.

Суд тарафлар ўртасида тузилган келишув битими тарафларнинг манфаатларини кўзлаб тузилганлигини, битим ва шартлари бошқа шахсларнинг манфаатларига зид келимаслигини назарда тутиб, ГПКнинг 35, 185-моддалари ва 241-моддаси 5-бандига асосан

Ажрим қилади:

А. Исматов билан Т. Аҳмедовлар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқлансин, унга кўра:

Али Исматов Ангрен шаҳри, Боғ кўчаси, 10-уйнинг ҳовлисидан қудуқ қазиш учун сарфлаган 110 сўмни ундириш ҳамда қудуқ сувидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги низодан воз кечади;

Т. Аҳмедов 110 сўми тўламаслик эвазига ҳовлисидаги бир туп гилос мевасидан ҳар йили Исматовни баҳраманд этади.

А. Исматов даъвосига кўра, Т. Аҳмедовдан 110 сўм ундириш ва қудуқ сувидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги гражданлик иши иш юритишдан тугатилсин.

Ажримдан норози томон шу суд орқали Тошкент вилояти судига 10 кун муддат ичида хусусий шикоят, протест келтиришга ҳақли.

Халқ судьяси: *П. Шеров*

Халқ маслаҳатчилари: *Р. Полвонов*

К. Ибодов

УЗРСИЗ САБАБЛАРГА КЎРА СУД МАЖЛИСИГА КЕЛМАГАН ГУВОҲЛАРГА ЖАРИМА СОЛИШ ҲАҚИДА

Гувоҳнинг вазифалари ГПКнинг 68-моддасида белгиланган. Бу қонунда айтилишича, гувоҳ сифатида чақирилган шахс судга келишга ва ҳаққоний кўрсатув беришга мажбур.

Агар чақирилган гувоҳ суд мажлисига суд узрсиз деб топган сабабларга кўра келмаса ёхуд суд мажлисига келишдан қасддан бўйин товлаган тақдирда, суд унга ўн беш суткагача ҳибсга олиш ёки юз-сўмгача жарима солиш тарзида маъмурий жазо қўллаши ва ички ишлар органлари орқали мажбурий тарзда олиб келиши мумкин.

Гувоҳ суд томонидан асоссиз деб топилган сабаблар билан судга кўрсатма беришдан бош тортса ёки бўйин товласа, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 162-моддаси бўйича, била туриб ёлгон кўрсатма берса, мазкур кодекснинг 161-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

Судда гувоҳлик бериш кўпинча гражданнинг ишдан қолдирилиши билан боғлиқ бўлади. Шундай бўлса-да, қонун гражданларнинг судда гувоҳлик беришга бурчли эканликларини белгилайди ва бундай ижтимоий бурчни бажаришдан бош тортувчиларнинг, юқорида кўрсатилганидек, жавобгарликка тортилишини назарда тутади.

Гражданлик ишини кўриш процессининг иштирокчилари ўзларига қонун томонидан юклатилган барча процессуал бурчларни, қоидага кўра, ихтиёрий равишда ва виждонан бажарадилар. Агар ишда иштирок этувчи шахслар процессуал бурчларини бажармасалар, суд уларга процессуал таъсир этиш чораларини қўллашга мажбур бўлади. Бундай санкциялар асосан суд жарималари шаклида татбиқ этилади.

Суд жаримаси деб, процессуал бурчлари ёки суд мажлисидаги тартибни бузишда айбли бўлган шахсларга, қонунда кўрсатилган ҳолларда, пул билан белгиланган процессуал таъсир этиш чорасига айтилади.

Суд томонидан жарима солиниши ҳоллари ва унинг миқдори ГПКнинг 72, 78, 154, 180, 382, 414, 436-моддарида кўзда тутилган. Суд қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари ва белгиланган суммадан ортиқ жарима солишга ҳақли эмас. Жариманинг миқдори, юқорида келтирилган қонунларга биноан, умумий қоида бўйича белгиланган миқдордан ошмаслиги керак. Аммо қарздорни муайян харажатларни қилишга мажбур этадиган суд ҳал қилув қарорининг бажарилмаганлиги учун солинадиган жарима миқдори, ГПКнинг 436-моддасида кўрсатилишича, бирмунча юқори.

Суд мажлисига узрсиз сабаблар бўйича келмаган гувоҳларга, суд чақириғи бўйича келмаган ёки фикр беришдан бош тортган ёхуд атайин ёлгон фикр берган экспертларга жавобгарлик белгиланган.

Суд чақириғи бўйича кела омасликнинг сабаби узрли бўлиши судга аввалдан маълум қилиниши керак, акс ҳолда судда ҳозир бўлмаслик сабаби узрсиз деб қаралади.

Жарима солиш тўғрисидаги суд ажримларининг нусхаси жаримага тортилган шахсга тезлик билан юборилади. Бу шахс суд ажримининг нусхасини олиши билан беш кун муддат ичида жарима солинган суддан жаримани олиб ташлаш ёки камайтириш тўғрисида илтимос қилиши мумкин. Бу тўғридаги ариза жарима солинган шахс чақирилиб, очиқ суд мажлисида кўрилади. Лекин бу шахснинг келмаслиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Суднинг жаримани олиб ташлаши ёки унинг миқдорини камайтиришни рад қилганлик ҳақидаги ажрими устидан хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест келтириш мумкин.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг очиқ суд мажлисида раислик қилувчи халқ судьяси С. И. Меҳмонов, халқ маслаҳатчилари З. Зокиров, А. Боқиевлар ҳайъатида, В. Баҳриева котиблигида, прокурор Б. Бухоров иштирокида Қобил Ўрмоновнинг Қодир Ёрматовга нисбатан етказган зарарни ундириш тўғрисидаги иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогарнинг аризасида жавобгар Қ. Ўрмонов Ангрен шаҳри, Космонавтлар хиёбони, 10-уйда яшаб, ўз ҳовлисида ўтадиган ариқдан хўжасизларча фойдаланиб келган, унда ўрнатилган сув тақсимлаш (тўғон) га бефарқ қараши туфайли даъвогар қўшниси бўлмиш К. Ёрматовнинг томорқасини сув босиб кетиши натижасида мутахассисларнинг берган хулосасига кўра, унга 350 сўмлик зарар келтирганлиги, бу воқеа бўйича Космонавтлар хиёбони, 6-уйда яшовчи Ю. Фозилов гувоҳлик бериши мумкинлиги билдирилган. Шу боис судни тайёрлов мажлисининг ажримида ишни мазмунан кўриш чоғида Юнус Фозиловни гувоҳ сифатида чақириш лозимлиги кўрсатилган эди.

Суд мажлисга келиш тўғрисида гувоҳ Ю. Фозиловга 1990 йил 5 август куни суд чақириқ қоғозини юборади, бироқ у: "Менинг судга борадиган ишим йўқ, боринглар., қўлларингдан келганини қилинглар", дея шу ҳақда чақириқ қоғозига имзо чекиб, судга қайтариб юборади. Ишдаги материаллар гувоҳни суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаганлигини кўрсатади.

ГПКнинг 181-моддасига мувофиқ, агар чақирилган гувоҳ суд узрсиз деб ҳисоблаган сабаблар бўйича суд мажлисига келмаган тақдирда, унга 100 сўм миқдорида жарима солиниши, мазкур шахс иккинчи чақириқ бўйича ҳам келмаган тақдирда — мажбурий равишда олиб келиниши кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, суд ГПКнинг 65, 181, 182-моддаларига асоеланиб,

Ажрим қилади:

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Космонавтлар хиёбони, 6-уйда яшовчи гувоҳ Юнус Фозиловга нисбатан 100 (юз) сўм миқдорида жарима солинсин.

Ишни кўриш 1990 йил 10 август соат 10 га қолдирилсин.

Судда иш кўриш 1990 йил 10 август соат 10 га қолдирилганлиги ҳақида Ю. Фозилов чақириқ қоғози орқали хабардор қилинсин. Мазкур шахс иккинчи чақириқ бўйича ҳам келмаган тақдирда — мажбурий равишда олиб келиниши тўғрисида огоҳлантирилсин.

Ажримнинг бир нусхаси Юнус Фозиловга юборилсин.

Халқ судьяси: *С. И. Меҳмонов*
Халқ маслаҳатчилари: *З. Зокиров*
А. Боқиев

ЁЗУВНИНГ КИМГА ТЕГИШЛИЛИГИНИ АНИҚЛАЙДИГАН (ГРАФИК) ЭКСПЕРТИЗАНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ишни текшириш вақтида келиб чиққан фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимослари бўйича ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайин қилиши мумкин (ГПКнинг 81-моддаси).

Экспертиза ҳар турли масалалар бўйича тайинланади. Чунончи, гражданнинг руҳий ҳолати текширилганда, криминалистик экспертиза ва шу каби экспертизалар тайинлашини мумкин.

Экспертиза воситасида фактлар таҳлил қилинади. Фактларни экспертлар фан нуқтаи назаридан ёки ўзларининг махсус тажрибаларига асосланган ҳолда тушунтирилади.

Экспертнинг фикри исботлаш воситаси ҳисобланади. Экспертиза эса билимдон ёки ҳунарманд шахсларнинг ёрдамида далилларни текшириш усули ҳисобланади. Экспертиза судда фактларни текшириш вақтида зарур бўлиб қолади, чунки судьяларда махсус билимлар бўлмаганлиги туфайли баъзи фактлар суд томонидан текширилиши ва тўғри баҳоланиши анча мураккаб кечиши мумкин.

Экспертлар ўз фикрини бериш учун далилларни текширишлари, материаллар билан танишишлари, гувоҳларга ва тарафларга саволлар беришлари мумкин.

Экспертлар ўз фикрларини беришда далилларни текшириш йўли билан белгиланган фактларга ва ўзларининг махсус билимларига асосланадилар. Экспертизани экспертларнинг фикрларига тенглаштирмаслик керак. Экспертиза— далилларни текшириш жараёни бўлса, экспертларнинг фикрлари эса иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни текшириш натижаси, исботлаш воситаси (далил) бўлиб ҳисобланади.

Экспертиза тайин қилиш тўғрисидаги ажримда қандай масалалар бўйича экспертларнинг фикри талаб қилиниши ва экспертиза ўтказиш кимга топширилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Экспертиза қилиш тайинланган шахс суднинг чақируви бўйича келишга ва ўз олдига қўйилган масалалар бўйича ҳолис фикр беришга мажбур.

Агар эксперт суднинг чақируви бўйича суд узрсиз деб топган сабабларга кўра келмаса, унга ГПКнинг 68-моддасида белгиланган миқдорда жарима солинади.

Эксперт фикр беришдан бош тортса ёки бўйин товласа, Жиноят кодексининг 162-моддаси бўйича, била туриб ёлгон фикр берса, Жиноят кодексининг 161-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади (ГПКнинг 83-моддаси).

Экспертнинг ҳуқуқлари ГПКнинг 84-моддасида белгиланган. Унда кўрсатилишича, эксперт ўзини эксперт сифатида қизитирадиган ҳолатларни аниқлаш учун иш материаллари билан танишишга, ишда иштирок этаётган шахсларга ҳамда гувоҳларга саволлар беришга, жойни бориб кўришда иштирок этишга ва ўзига қўшимча материалларнинг берилиши тўғрисида суддан илтимос қилишга ҳақлидир.

Эксперт, агар унга берилган материаллар етарли бўлмаса ёки ўз зиммасига юкланган вазифани бажариш учун етарли билимга эга бўлмаса, фикр беришдан бош торта олади.

Белгиланган тартибда экспертиза ўтказилгандан сўнг эксперт ўзининг фикрини ёзма шаклда беради ва у ишга қўшиб қўйилади. Суд экспертга ўз фикрини оғзаки тушунтириб беришни таклиф қилиш ҳуқуқига эга. Оғзаки тушунтириш суд мажлисининг протоколига ёзилади, экспертга ўқиб берилади ва унинг томонидан имзоланади.

Экспертнинг фикри ўтказилган текширувларнинг ба-тафсил баёнидан, уларнинг натижасида чиқарилган хуло-салар ва суднинг қўйган саволларига асослантирилган жавоблардан иборат бўлмоғи лозим. Агар эксперт экспер-тиза ўтказаетганида суднинг қўйган саволларида кўрсатилмаган, лекин иш учун аҳамиятли бўлган ҳолат-ларни аниқласа, у ўзнинг фикрига шу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларни киритишга ҳақлидир (ГПКнинг 85-моддаси).

Эксперт суднинг ажрида қўйилган саволларга аниқ жавоб бермоғи лозим.

А Ж Р И М

1990 йил 1 август.

Қўқон шаҳри.

Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар судининг очиқ суд мажлисида халқ судьяси Э. Р. Раҳимов раислигида, халқ маслаҳатчилари Р. Чориев ва К. Ҳамидовларнинг ҳайъа-тида, А. Худойбердиев котиблигида Л. М. Агишеванинг даъвоси бўйича Маҳмуд Солиҳовдан 125 сўм ундириш тўғрисидаги гражданлик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар Л. М. Агишева даъво аризасида жавобгар Маҳмуд Солиҳовни 1989 йил декабрь ойида 125 сўм қарз олганини ва 1990 йил 1 мартга қадар қайтариб бериши лозимлигини, бироқ бу мажбуриятга у амал қилмай келаётганини кўрсатади. Даъво талабини тасдиқлаш мақсадида даъвогар жавобгарнинг 1989 йил 4 декабрда ёзган тилхатини судга тақдим қилади.

Суд мажлисида жавобгар М. Солиҳов ўз навбатида ҳеч кимдан қарз олмаганлигини, ҳеч қандай тилхат ёзмаган-лигини, кўрсатилган тилхат қалбаки эканлигини асослаб, даъвогарнинг талабини тан олмайди.

Суд ишдаги материалларни кўриб чиқиб, тарафлар-нинг баёнотларини эшитгач, ёзилган тилхатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш юзасидан махсус билим талаб қилинишини назарда тутиб, низони ҳал этиш учун график (ёзувларни аниқлайдиган) экспертиза тайинлаш-ни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, суд ГПКнинг 81-моддасига асос-ланиб,

Ажрим қилади:

Даъвогар Л. М. Агишеванинг даъвоси юзасидан жавобгар Маҳмуд Солиҳовдан 125 сўм қарзни ундириш тўғрисидаги иш бўйича график экспертиза тайинлансин ва унинг олдига қуйидагича савол қўйилсин:

1989 йил 4 декабрда ёзилган тилхат ва қўйилган имзо М. Солиҳовникими?

Экспертизани ўтказиш Ҳ. Сулаймонова номидаги Тошкент шаҳар суд экспертиза институтининг етакчи мутахассиси Эгамберди Эгамовга топширилсин.

Эксперт ЖПК (Жиноят-процессуал кодекси) нинг 161—162-моддалари билан огоҳлантирилсин. Экспертга экспертиза ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланиш имконияти берилсин:

1) 1990 йил 4 декабрда 125 сўмни ундиришга берилган тилхат;

2) М. Солиҳов ёзувлари ва қўйилган имзолардан намуналар;

3) М. Солиҳовнинг 1989 йил сентябрда дўсти Андрей Павловга ёзган хати;

4) М. Солиҳовнинг иш жойидан маош олган ведомостларидаги имзоси;

5) М. Солиҳовнинг иш жойига моддий ёрдам сўраб 1989 йил 20 сентябрда ёзган аризаси.

Шу муносабат билан ишни кўриш қолдирилиб, 1990 йил 18 август соат 10 га тайинлансин.

Халқ судьяси: Э. Р. Раҳимов
Халқ маслаҳатчилари: Р. Чориев
К. Ҳамидов

III.

УЙ-ЖОЙ МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАР

Турар-жойга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳамма низолар гражданлик-ҳуқуқий назолар бўлиб, асосан судга тааллуқлидир. Истисно сифатида, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 104—113-моддаларида кўрсатилган ҳолларда, яъни турар-жойлар ўзбошимчалик билан эгалланган ҳолларда, уйнинг босиб қолиш ҳавфи туғилган тақдирда бундай уйларда яшовчиларни кўчириш тўғрисидаги ишлар судларга тааллуқли

бўлмай, маъмурий органларга, яъни прокуратура органларига тегишли бўлади.

Қоида бўйича маъмурий тартибда кўчириш учун прокурорнинг санкцияси (қарори) талаб қилинади. Прокурор маъмурий тартибда кўчириш тўғрисида санкция бермаган тақдирда ҳам манфаатдор ташкилотлар, муассасалар, корхоналар турар-жойда яшовчиларни кўчириш тўғрисида судга мурожаат қила олмайдилар.

Ўзбекистон Олий Судининг 1984 йил 30 октябрдаги "Ўзбекистонда Уй-жой кодексини судлар томонидан қўлланиш амалиёти" ва унга 1988 йил 27 декабрда киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан қабул қилинган пленум қарорларида уй-жой масалаларига оид қандай низоларнинг судга тааллуқли бўлиши ва қандай уй-жой масалаларининг бошқа идораларда ҳал этилиши кўрсатилган.

Қонун билан белгиланган тартибни бузиб, турар-жойни эгаллаш учун берилган ордер суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (Уй-жой кодексининг 54-моддаси).

"Давлат ва жамоат манфаатларини кўзлаб фуқароларга тегишли уй-жойларни бузилиши туфайли ер участкаларини олиб қўйишдан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш тўғрисидаги қонунчиликни татбиқ этиш ҳақида" илгари ушбу номда қабул қилинган қарорида ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги даъволарнинг судларга тааллуқли бўлмаслиги тушунтирилади.

Турар-жой қуриш кооперативи билан кооператив аъзолари ўртасидаги, кооператив аъзолари билан уларнинг оила аъзолари ўртасидаги гражданлик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган бошқа низолар ҳам, масалан, турар-жойни алмаштириш, кооператив аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги ва шу каби бошқа баъзи низолар судларга тааллуқли бўлади.

Агар кооператив аъзоларининг умумий мажлиси турар-жойни айирбошловчи шахсни кооператив аъзолигига қабул қилишга рози бўлса-ю, халқ депутатлари маҳаллий кенгашининг ижроия комитети айирбошлаш учун рухсат бермаса, бундай ҳолда ҳам, кооператив аъзосининг эгаллаб турган турар-жойини бошқа турар-жойга айирбошлаш тўғрисидаги низо судларга тааллуқли бўлади.

Уй-жой қуриш кооператив аъзолигидан чиқариш билан боғлиқ бўлган низолар ҳам судлар томонидан ҳал қилинади.

Тўхтатилган гражданлик иши иш юритишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф қилинган, ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси ёки суднинг ташаббуси билан яна қайта тикланиши мумкин.

Суд иш юритишни қайта бошлаганида ишда иштирок этувчи шахсларни умумий асосларга мувофиқ чақиради.

Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳар судига
Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳар, Раҳимов
кўчаси, 10-уйда яшовчи Нодира Абуловадан

АРИЗА

(Тўхтатилган ишни яна қайта тиклаш ҳақида)

Халқ судининг иш юритишида менинг даъво аризам бўлиб, унда жавобгар Бахтиёр Абуловни уй-жойдан кўчириш тўғрисида баён қилган эдим.

Жавобгар Бахтиёр Абулов узоқ муддатли хизмат сафарига кетганлиги сабабли суднинг 1990 йил 15 январь ажримига мувофиқ иш юргизиш тўхтатилган эди. Ҳозир жавобгар Б. Абулов хизмат сафаридан қайтганига бир ойдан ортиқ муддат ўтишига қарамай, ўзи ҳақида судга маълумот бермасдан келмоқда. Мен эса никоҳдан ажрашган собиқ эрим билан бир уйда яшаб келмоқдаман, унинг ҳар куни маст ҳолда уйга келиши эса болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқоридагиларга кўра ГПК 238-моддасининг 7-бандига ҳамда 240-моддасига асосан

Сўрайман:

Жавобгар Бахтиёр Абуловга нисбатан қўзғатилган ва 1990 йил 15 январда суд ажрими билан тўхтатилган гражданлик ишини тўхтатиш учун тўсқинлик қилган ҳолатларни бартараф бўлганлиги сабабли иш юритиш қайта тиклансин.

1990 йил 12 август.

Н. Абулова.

ТАРАФЛАРНИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ХИЗМАТ САФАРИДАН ҚАЙТИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШ ЮРҒИЗИШНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА

А Ж Р И М

1990 йил 17 август.

Учқўрғон шаҳри.

Наманган виляти, Учқўрғон шаҳри суди очиқ суд мажлисида раислик қилувчи халқ судьяси В. Қосимов, халқ маслаҳатчилари Р. Булоқов ва Д. Қўчқоровларнинг ҳайъатида, О. Иброҳимова котиблигида Нодира Абулованинг жавобгар Бахтиёр Абуловга нисбатан уй-жойдан кўчириш тўғрисидаги муқаддам тўхтатилган ишини қайта тиклаш тўғрисидаги даъвогарнинг аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Н. Абулова даъвоси бўйича жавобгар Бахтиёр Абуловга нисбатан уй-жойдан кўчириш тўғрисида қўзгатилган иш Учқўрғон шаҳар судининг 1990 йил 15 январдаги ажрими билан жавобгарнинг узоқ муддатли хизмат сафарига кетганлиги муносабати билан иш юритишдан тўхтатилган эди.

Даъвогар Н. Абулова аризасига ҳамда жавобгарнинг иш жойи — Учқўрғон шаҳар ижроия қўмитасининг молия бўлимининг 1990 йил 10 августда берган маълумотига қараганда, Б. Абулов сафардан қайтган. Шуларга кўра, иш юритишни тўхтатиш учун сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилганлиги аниқланди.

Суд юқоридагиларга кўра ҳамда ГПК 238-моддасининг 7-бандига ва 240-моддасига асосан

Ажрим қилади:

Нодира Абулованинг даъвоси бўйича, Бахтиёр Абуловни уй-жойдан кўчириш тўғрисида муқаддам тўхтатилган гражданлик иши иш юритиш учун қайта тиклансин. Ишни суд мажлисида кўриш 1990 йил 25 август соат 10 га тайинлансин ва бу ҳақда тарафлар хабардор қилинсин.

Халқ судьяси: В. Қосимов
Халқ маслаҳатчилари: Р. Булоқов
Д. Қўчқоров

Уй-жойларга, турар-жойларга, инженерлик ускуналарига, ободончилик объектларига ва уй атрофидаги дарахтзорларга зарар етказган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек гражданлар етказилган ана шу зарарнинг ўрнини қоплашлари шарт.

Зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ бўлган харажатларни мансабдор шахслар ва бошқа шахслар айби билан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар тўлаган бўлсалар, бу ҳолда мазкур шахслар ва ходимлар белгиланган тартибда моддий жавобгарликка тортиладилар.

- Тошкент шаҳри. Октябрь райони судига
Даъвогар: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Чилонзор кўчаси, 17-уйнинг 12-хонадонида яшовчи
Сўлим Абдазов
Жавобгар: Тошкент шаҳар, Октябрь райони, Чилонзор кўчаси, 17-уйнинг 16-хонадонида яшовчи
Ботир Қодиров.
Учинчи шахс: Тошкент шаҳар "Миконд" ишлаб чиқариш бирлашмаси.
С. Раҳимов райони, Бирлашма кўчаси, 10-уйда жойлашган

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Турар-жойни сув босиши натижасида келтирилган зарарни ундириш ҳақида)

Мен юқорида қайд қилинган манзилда, "Миконд" ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли турар-жойда 1987 йил 20 майдан буён 4 хонали квартирада ижара шартномаси асосида оиламиз билан яшамоқдамиз.

Биздан бир қават юқорида 16-квартирада Ботир Қодиров истиқомат қилади. Б. Қодиров бир ўзи яшайди. У уйга тез-тез маст ҳолда келиб, сув жўмраklarини очиқ қолишига йўл қўйиб келганлиги сабабли бир неча марта қўшнилар ва уй бошқармаси томонидан огоҳлантирилган эди. 1991 йил 10 августда шу ҳолат яна такрорланиб, ваннага сув очиб қўйиб, ўзи ухлаб қолиши туфайли бизнинг иккита хонамизни сув босган. Уй бошқармаси тузган комиссия ҳолатни текшириб, менга 1200 сўмлик моддий зарар етказилганлигини аниқлади.

Жавобгар келтирилган зарарни тан олишига қарамасдан, уч ойдан буён хоналарни ремонт қилиш ва зарар

қийматини тўлашдан асоссиз равишда бўйин товлаб кел-моқда.

Юқоридагиларга кўра Уй-жой кодексининг 168-моддаси ҳамда Гражданлик кодексининг 479-моддасига асосланиб,

Сўрайман:

Жавобгар Ботир Қодировдан менинг фойдамга турар-жойимни сув бостириши натижасида келтирган 1200 (бир минг икки юз) сўм миқдордаги моддий зарар ундириб берилсин.

Иш юзасидан қуйидаги гувоҳлар чақирилсин:

1. Собир Абулов — уй бошқармасининг бошлиғи: Октябрь райони, Чилонзор кўчаси, 20-уйда яшайди.

2. Дўрман Бакиров — уй-жойдан фойдаланиш идорасининг бош муҳандиси: Октябрь райони, Чилонзор кўчаси, 70-уйда яшайди.

Илова: 1. Уйни сув бостирганлик ҳақида тузилган акт.

2. Уйнинг плани

3. Келтирилган зарарни қоплаш ҳақидаги тилхат.

4. Давлат пошлинасининг тўланганлиги ҳақида чипта.

5. Даъво аризанинг нусхаси.

1991 йил 20 октябрь.

С. Абдазов

Тошкент шаҳри, Октябрь райони судига

Тошкент шаҳри, Октябрь райони Чилонзор кўчаси,
17-уйнинг 12-хонадонида яшовчи Сўлим Абда-
зовдан

АРИЗА

(Келишув битимини тасдиқлаш ҳақида)

Мен судга ариза билан жавобгар Ботир Қодировга нисбатан гражданлик даъвоси қўзғатган эдим. Даъво аризамда биздан бир қават юқорида яшовчи Б. Қодировнинг бепарволиги туфайли (сув жўмрақларини очик қолдириб, ухлаб қолиши натижасида) шу йилнинг 10 августида квартирамизни сув босганлиги ва шунга кўра 1200 сўмлик зарар етганлиги кўрсатилган эди.

Биз — тарафлар, ушбу иш бўйича судга қадар ўзаро келишув битимини туздик, унинг шартларига кўра, мен 300 сўмга турли рангдаги бўёқларни жавобгар ҳисобидан топиб беришга аҳд қилдим, жавобгар Б. Қодиров эса барча харажатларни ўз зиммасига олиб, бир ой мобай-

нида, яъни 1991 йил 30 ноябрга қадар ҳамма ишларни тўлиқ бажаришга ваъда берди.

Шуларга кўра келишув битимини тасдиқланиши ва иш юритиш тугатилишини сўраймиз.

ГПКнинг 241 ва 243-моддаларида кўзда тутилган келишув битимини тузиш туфайли келиб чиқадиган оқибатлардан хабардормиз ва бу қоидалар тушунтирилди.

1991 йил 25 октябрь.

Тарафлар: С. Абдазов
Б. Қодиров

ОРДЕРНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат ёки жамоат уй-жой фондига қарашли уйдан турар-жой бериш тўғрисидаги қарорга асосланиб, маҳаллий ҳокимият идоралари фуқарога турар-жойга кўчиб кириш учун бирдан-бир асос ҳисобланган ордер беради.

Ордер фақат бўш бўлган алоҳида турар-жой учун, янги қурилган турар-жой биноларида эса давлат комиссиясининг уйни қабул қилиб олиш тўғрисидаги акти халқ депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитети қарори билан тасдиқланганидан кейингина берилиши мумкин.

Ордернинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилган.

Ҳарбий шаҳарчаларда турар-жой олиш ордерлари амалдаги қонунларида кўзда тутилган тартибда берилади.

Гражданлар ўз уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтожлиги тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар топширган, бошқа гражданлар ёки ташкилотларнинг ордерда кўрсатилган турар-жойни олиш ҳуқуқи бузилган, мансабдор шахслар томонидан турар-жой бериш тартиби ва шартлари бузилган бошқа ҳолларда турар-жой олиш ордери суд йўли билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Одерни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб ордер берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида қўзғатилиши мумкин. Бундай талаб, агар ордер уни олган шахсларнинг ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари натижасида берилган бўлса, ордер берилган кундан кейин уч йил ўтгач, қўзғатилиши мумкин.

Тошкент шаҳри, Октябрь райони судига

- Даъвогар: Азим Хўжаев — Тошкент шаҳар, Октябрь райони, Ҳамза кўчаси, 10-уй, 40-хонадонда яшайди.

1-Жавобгар: Бурхон Азизов — Тошкент шаҳар, Октябрь райони, Ҳамза кўча 10-уй 41-хонадонда яшайди.

2-Жавобгар: Тошкент шаҳри, Октябрь райони ижроия қўмитаси.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Ордери ҳақиқий эмас деб топиш, турар-жойдан кўчириш ва турар-жойга бўлган ҳуқуқни тан олиш ҳақида)

Мен — Азим Хўжаев Тошкент шаҳар, Октябрь райони Ҳамза кўча 10-уйнинг 40-хонадондаги 18 метр квадратли икки хонали турар-жойда оила аъзолари билан истиқомат қиламан. Бу хонадонда мен билан бирга: 1) Лолахон Хўжаева — онам; 2) Азиза Хўжаева — хотиним; 3) Нодир Хўжаев — 1970 йилда туғилган ўғлим; 4) Гулнора Хўжаева — 1972 йилда туғилган қизим; 5) Қодир Хўжаев — 1978 йилда туғилган ўғлим истиқомат қиладилар.

1990 йил 20 майда қўшним Ю. Одилов иш жойидан уч хонали квартира олганлиги сабабли оиласи билан бошқа жойга кўчиб кетди. Бўш қолган ўша бир хонали 12 метр квадратли хонадонга Октябрь райони ижроия қўмитаси Бурхон Азизов деган шахсга ордер берибди.

Муқаддам уч маротаба ёзма равишда Октябрь райони ижроия қўмитасига яшаш шароитимни яхшилаш ҳақида ариза билан мурожаат қилишимга қарамай 12 метр квадратли бир хонали турар-жойни бошқа шахсга берилишидан жуда таажжубдаман. Бизни яшаш шароитимизда оддий бир инсонга тегишли шароит йўқ. Балоғатга етган фарзандларим, II тоифа ногирони, уруш қатнашчиси 70 ёшга кирган касалманд онам — ҳаммамиз икки хонада яшашни, буни мутлақо ғайритабiiй ҳол деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларга кўра Уй-жой кодексининг 53—54-моддаларига асосланиб,

Сўрайман:

1. Тошкент шаҳри, Октябрь райони ижроия қўмитаси томонидан Бурхон Азизовга 1990 йил 20 сентябрда берилган 210-ордер ҳақиқий эмас деб топилсин.

2. Тошкент шаҳри Октябрь райони, Ҳамза кўча, 10-уйнинг 41-хонадондаги 12 метр квадратли турар-жойни эгаллаб турган Бурхон Азизов кўчирилсин.

3. Ушбу низоли турар-жойга бўлган ҳуқуқ менга тегишли деб топилсин.

Илова: 1. Ордернинг нусхаси.

2. Турар-жойнинг плани (режаси).

3. Ижроия қўмитасига мурожаат қилганлигим ҳақидаги аризанинг нусхаси.

4. Давлат пошлинаси тўланганлиги ҳақидаги квитанция.

5. Даъво аризадан нусха.

1990 йил 10 сентябрь.

А. Хужаев

ТУРАР-ЖОЙДАН КЎЧИРИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси уй-жой қонунчилигида кўзда тутилишича, турар-жойда вақтинча яшовчилар қўйидаги ҳуқуқларга эга: Турар-жойни ижарага олувчи ва у билан бирга яшовчи оила аъзолари, ўзаро келишилган ҳолда, ўзлари фойдаланиб турган турар-жойни ижарага қўйиш шартномаси тузмасдан ва турар-жойдан фойдаланганлик учун ҳақ олмасдан бошқа граждандарга (турар-жойда вақтинча яшовчиларга) вақтинча яшаб туриш учун беришлари мумкин.

Турар-жойга вақтинча яшовчиларни бир ярим ойдан ортиқ муддатга кўчириб киритишга ушбу кодекснинг 45-моддаси биринчи қисмида белгиланган уй-жой майдони нормасига риоя қилиш шарти билангина йўл қўйилади.

Турар-жойда вақтинча яшовчилар ижарага олувчи ёки у бирга яшайдиган оила аъзолари талаби билан дарҳол мазкур турар-жойни бўшатиб беришлари шарт. Акс ҳолда турар-жойда вақтинча яшовчилар бошқа турар-жой берилмаслик шарти билан суд орқали кўчириб чиқариладилар.

Ижарага олувчининг турар-жойига ижарага қўйиш шартномаси асосида ёки вақтинча яшовчилар сифатида яшаб келаётган граждандар, бу турар-жойда қанча вақт яшаб келаётганликларидан қатъи назар, унга мустақил эгалик қилиш ҳуқуқига эга эмасдирлар.

Турар-жойни ижарага олиш шартномаси бекор қилинган заҳоти ижарага қўйиш шартномаси ҳам бекор бўлади. Ижарага қўйилувчилар, шунингдек, вақтинча яшовчилар ҳам турар-жойни бўшатиб беришдан бўйин товлаганлари

тақдирда, улар (бошқа турар-жой берилмасдан туриб) суд йўли билан кўчириб юборилдилар.

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар халқ судининг раисига

Даъвогар: Собир Собиров — Чирчиқ шаҳри, Бобур кўчаси, 15-уйнинг 15-хонадонида яшайди.

Жавобгар: Мурод Алиев — Чирчиқ шаҳри, Бобур кўчаси, 15-уйнинг 15-хонадонида яшайди.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Турар-жойдан кўчириш ҳақида)

Менга Чирчиқ шаҳар ижроия қўмитаси томонидан 1991 йил 12 май куни берилган 411/5-рақамлик ордерга асосан юқорида кўрсатилган турар-жой берилди. Бу хонадонда мен, турмуш ўртоғим Каримахон Собирова ва ўғлим Сойибжон Собировлар яшаб турибмиз. 1991 йил 4 июлда оиламиз ҳамма аъзолари таътилга чиқиши муносабати билан Андижонда яшовчи ўртоғим Носиржон Муҳитдиновнинг уйига оилавий меҳмонга бориб, 25 кун туриб қайтдик. Кетиш олдидан уйни ёлғиз қолдирмаслик учун мен (хотиним билан келишган ҳолда) Мурод Алиевни бир ой муддатга вақтинча яшаб туриш учун уйга киритган эдик. Қайтиб келсак, бизнинг мол-мулкларимизни иккита хонага киритиб, қолган икки хонага эса ўзининг буюмларини жойлаштириб олибди. Бунга асос шу эмишки, бизнинг беш кишидан иборат оиламиз иккита хонада яшаса бўлармиш, қолган икки хонада эса Мурод Алиевнинг оиласи яшаши керак экан. Унинг бу хатти-ҳаракати ғайриқонуний эканлигини уй-жой ходимлари тушунтиришларига қарамай, эгаллаб турган турар-жойни бўшатиб бермасдан келмоқда.

Юқоридаги ҳолатларга кўра ҳамда Уй-жой кодексининг 69, 92-моддаларига асосан

С ў р а й м а н :

Чирчиқ шаҳри, Бобур кўчаси, 15-уй, 15-хонадонида вақтинча яшаб турувчи жавобгар Мурод Алиев мажбурий тартибда кўчирилсин.

Илова: 1. Шаҳар ижроия қўмитаси томонидан берилган ордернинг нусхаси.

2. Юқоридаги турар-жойга мен ва оила аъзоларим прописка қилинганлиги ҳақида маълумот.

3. Мен ва хотиним ўртамиздаги никоҳ гувоҳномасидан нусха.

4. Фарзандларимнинг туғилиш гувоҳномасидан нусха.

1991 йил 12 август.

С. Собиров.

Давлат ёки жамоат уй-жой фондига қарашли уйларни эгаллаб турганларни турар-жойдан кўчиришга фақат қонунда белгиланган асослар бўйича йўл қўйилади.

Кўчириш суд йўли билан амалга оширилади. Турар-жойни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки босиб қолиш хавфи бўлган уйларда яшовчи шахсларнигина прокурорнинг рухсати билан маъмурий тартибда кўчиришга йўл қўйилади.

Турар жойларидан кўчириладиган гражданларга айна вақтда бошқа турар-жой берилади. Уй-жой тўғрисидаги қонунларда кўрсатилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан гражданларнинг шахсий мулкидаги уй-жойлар бузиладиган бўлса, ундай гражданларга, ва оила аъзоларига, шунингдек, ана шу уйларда доимий истиқомат қилувчи бошқа гражданларга давлат ёки жамоат уй-жой фонди уйларидан белгиланган нормаларда турар-жой берилади. Бундан ташқари, уй-жой эгаларига, уларнинг хоҳишига қараб бузиладиган уйнинг қиймати, иморатлар ва қурилмалар қиймати тўланади ёхуд уларнинг истаги билан мазкур уйлар, иморатлар ва қурилмалардан чиқан материаллардан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Гражданларнинг хоҳишига қараб, маҳаллий ҳокимият идоралари уларга турар-жой бериш ўрнига уй-жой қуриш кооперативлари аъзолигига навбатсиз кириш ва бу кооперативлардан квартира олиш имкониятини яратиб берадилар.

Уй-жой тўғрисидаги қонунларга мувофиқ, квартира бериш тартиби, бузиладиган уй, иморат ва қурилмалар қийматининг миқдори ва уни тўлаш тартиби белгилаб қўйилган.

Тошкент шаҳри, А. Икромов райони судига
Даввогар: Тошкент шаҳри, "Малика" фирмаси — У.
Юсунов кўчаси, 20-уйда жойлашган.

Жавобгар: Маҳмуд Йўлдошев — Тошкент шаҳри, А.
Икромов райони, Қоратол кўчаси, 15-уйда
яшайди.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Шахсий уй-жойнинг бузилиши сабабли уйдан кўчириш ҳақида)

Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг 1990 йил 15 майдаги 217-рақамли қарорига асосан А. Икромов райони, Қоратол кўчаси Қорасув бўйидаги очиқ ер майдони "Малика" фирмаси ишчи-хизматчиларининг ихтиёрига кўп қаватли иморат қуриш учун ажратилган эди. М. Йўлдошевнинг ана шу ажратилган ерда шахсий уй-жойи бўлиб, у юқоридаги сабабларга кўра бузилиши лозим эди. Бироқ жавобгар уйнинг қийматини олса-да, бузилиши лозим бўлган уйдан кўчишдан бўйин товламоқда, бунга асос қилиб У. Юсупов кўчасида жойлашган 9 қаватли 5-уйнинг 3-қаватидан берилган 15 метр квадратли хона алоҳида бўлмаганлигини кўрсатиб, у ерга кўчмаслигини билдирган.

"Малика" фирмаси М. Йўлдошевнинг бу талабини гайриқонуний деб ҳисоблайди. Амалдаги қоидаларга биноан, давлат ва жамоат ташкилотларининг зарурияти учун ер участкасини ажратишда гражданларга тегишли уй-жойларни бузилиши туфайли уларнинг қийматини қоплаш ҳақидаги қарорига зид деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда ГПКнинг 5, 129, 139-моддаларига ва Уй-жой кодексининг 104, 151-моддаларига асосланиб,

Сўрайман:

Маҳмуд Йўлдошеври Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, Қоратол кўчаси 15-уйдан шу район У. Юсупов кўчасидаги 9 қаватли 5-уйнинг 3-қаватидан ажратилган 15 метр квадратли 17-хонадонга кўчирилсин.

Илова: 1. Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг 1990 йил 15 май қароридан кўчирма.

2. Кўчиш тўғрисида ёзилган хатлардан нусха.

3. Қоратол кўчаси 15-уйнинг плани ва рўйхатга олинганлик тўғрисида коммунал хўжалик бўлимидан маълумотнома.

4. Даъво аризасдан нусха.

1990 йил 30 июль. "Малика" фирмасининг директори Б. М. Олимов

ОРТИҚЧА ТЎЛАНГАН ДАВЛАТ БОЖИНИ ҚАЙТАРИШ ҲАҚИДА

ГПКнинг 92-моддасига ва давлат пошлинаси тўғрисидаги инструкцияга мувофиқ, давлат божи даъвогарга қуйидаги ҳолларда: яъни амалдаги қонун бўйича талаб қилинганидан кўп миқдорда пошлина тўлаган бўлса; ариза (шикоят) ни қабул қилиш рад этилса; ГПКнинг 144-моддасида назарда тутилган асослар бўйича даъво аризаси қайтариб берилса; ГПКнинг 241-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган асосларга кўра иш судда кўрилмайдиган бўлиб, бу ишни судда кўриш тугатилган бўлса, шунингдек, ариза берувчи низони дастлаб суддан ташқари ҳал қилиш юзасидан шу тоифадаги ишлар бўйича белгиланган тартибга риоя этмаган бўлса: ГПК 244-моддасининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган асосларга кўра ариза кўрилмай қолдирилса, тўла ёки қисман қайтарилади.

Тошкент шаҳри, А. Икромов райони судига

Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, Уста Ширин
кўчаси, 20-уйда истиқомат қилувчи Собир
Қосимовдан

АРИЗА

(Давлат божининг бир қисмини қайтариб бериш ҳақида)

Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, Уста Ширин кўчаси, 20-хонадонининг мен билан укам Анвар Қосимов ўртамизда бўлиниши тўғрисида судга даъво ариза берган эди. Бутун уйнинг умумий нархи 10000 сўм бўлиб, биз шу сумма ҳисобидан 1000 сўм давлат божини тўлаган эдик. Аслида аризада уйнинг иккидан бир қисми, яъни ярмини тақсимлаш назарда тутилган.

Агар бир бутун уйнинг иккидан бир қисми 5000 сўм бўлса, унда шу сумма ҳисобида 10 фоиз пошлина тўланса, 500 сўмни ташкил қилиши лозим бўлади. Бундан кўриниб турибдики, мен 500 сўм ортиқча бож тўлаган эканман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ГПК 92-моддасининг 1-бандига асосан

Сўрайман:

Ортиқча тўланган 500 сўм суд харажатини менга қайтариб бериш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, ҳал этилсин.

- Илова: 1. Уйнинг баҳоси ҳақида маълумот.
2. Пошлинанинг тўланганлиги ҳақида маълумот.
3. Яшаш жойимдан маълумотнома.

1990 йил 10 октябрь.

С. Қосимов

ТУРАР-ЖОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ ЙЎҚОТГАНЛИК ҲАҚИДА

Уй-жой кодексининг 68-моддасида кўрсатилишича, шахснинг белгиланган муддатлардан ташқари уйда бўлмаслиги оқибатида турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи ижарага берувчининг ёки мазкур турар-жойда яшаб қолиб, унда доимий фойдаланувчиларнинг даъвоси бўйича суд йўли билан йўқолган деб топилиши мумкин.

Агарда ижарага олувчи ёки унинг оила аъзоси узрли сабаблар билан уйда олти ойдан кўпроқ вақт бўлмаган бўлса, бу муддат ижарага олувчи ёки унинг уйда бўлмаган оила аъзосининг аризаси бўйича ижарага берувчи томонидан узайтирилиши мумкин, орада низо чиққан тақдирда эса суд томонидан узайтирилади.

Тошкент шаҳри, Ҳамза райони судига

Даъвогар: Ирода Ҳамидова — Тошкент шаҳри,
Ҳамза райони, Жуковский кўчаси, 50-уй, 106-хонадонда яшайди.

Жавобгар: Анвар Ҳамидов — Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Ҳамза кўчаси, 30-уйда яшайди.

Учинчи шахс: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони иж-
роия қўмитасининг уй-жой бошқармаси, Про-
летар кўчаси, 3-уйда жойлашган.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Шахснинг турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган
деб топиш ҳақида)

Жавобгар Анвар Ҳамидов ҳам мен яшаётган Жуковский кўчаси, 50-уй, 106-хонадоннинг уй дафтарида рўйхатда турса-да, бироқ у мазкур хонадонда 1985 йил 10 январидан бошлаб яшамасдан келади. У киши билан мен 1975 йилда никоҳдан ўтган ҳолда оилавий турмуш қурган эдик. Собиқ эрим никоҳдан ажрашмасданок бошқа аёлга уйланиб, оилавий турмуш қурган. Мен мазкур турар-жойда 1985 йил 10 январдан бошлаб, 1978 йилда туғилган ўғлим Вали билан яшаб келмоқдаман ва турар-жойдан доимий фойдаланиб келмоқдаман. Жавобгар турар-жойдан

1985 йилдан буён фойдаланмаса-да, шу кунга қадар уй рўйхатида бўлиб, рўйхатдан чиқиш хоҳиши йўқлигини билдирмоқда. Бу ҳақда бир неча бор огоҳлантиришимга қарамай, жавобгар бўйин товлаб келмоқда.

Жавобгарнинг турар-жойдан фойдаланмаганлик ҳолатлари ижара ҳақи тўлаганлигим, электр энергияси ва бошқа харажатларни ўз вақтида тўлаб келганлигим ҳақидаги ҳужжатлар била тасдиқланади.

Мен 20 йилдан буён мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқдаман. Ҳукуматимизнинг кейинги қарорига асосан ўқитувчиларга берилган имтиёзларга кўра ўзим яшаётган турар-жойни шахсий уй-жойга ўтказишга ҳаракат қилмоқчи эдим, лекин юқоридаги ҳолатлар бунга тўсқинлик қилмоқда.

Шу боис уй-жой кодексининг 68—69-моддаларига асосан

Сўрайман:

Жавобгар Анвар Ҳамидовнинг Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Жуковский кўчаси, 50-уйнинг 106-хонадонига нисбатан фойдаланиш ҳуқуқи йўқолган деб топилсин.

Ушбу даъво иши бўйича қуйидаги гувоҳлар чақирилишини сўрайман:

1. Р. Қодиров — ЖЭК бошлиғи, Ҳамза райони, Жуковский кўчаси, 70-уй, 10-хонадонда яшайди.

2. Олим Ҳамидов — жавобгарнинг отаси, Ҳамза райони, Бешариқ кўчаси 3-уйда яшайди.

3. Палина Семеновна Иванова — қўшним, шу манзилнинг 107-хонадонига яшайди.

Илова: 1 Турар-жойдан фойдаланиш учун олинган ҳужжатдан кўчирма.

2. Жавобгарнинг турар-жойда 1985 йилдан буён яшамаслиги ҳақида тузилган акт.

3 Турар-жойни менинг номимга ўтказишга розилиги ҳақида муқаддам берилган тилхат.

4 Даъво аризаси жавобгар ва учинчи шахсга бериш учун нусхалари.

1992 йил 10 январь.

И. Ҳамидова

ТУРАР-ЖОЙДАН КЎЧИРИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1991 йил октябрь ойининг 15 кuni Термиз шаҳар суди биносида очиқ суд мажлисида халқ судьяси З. С. Каттаева

раислигида, халқ маслаҳатчилари Р. Ражабов ва Н. Зоировларнинг ҳайъатида, З. Раҳмонованинг котиблигида даъвогар Теша Эшонунинг жавобгар Мавжуда Воҳидовага нисбатан турар-жойдан кўчириш ҳақидаги даъвоси бўйича гражданлик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар аризасида 1982 йилдан Мавжуда Воҳидова билан қонуний никоҳдан ўтиб, оилавий турмуш қуриб, Термиз шаҳри, Наримонова кўчаси, 50-уйда яшаб келганлигини, оилавий келишмовчиликлар туфайли улар ўртасидаги никоҳ 1987 йил шаҳар судининг ҳал қилув қарори билан бекор қилинганлигини, никоҳдан ажрашганидан кейин Термиз шаҳри, Хиёбон кўчаси 10-уйдан жавобгарга икки хонали турар-жой олиб берганлигини сўнгра М. Воҳидова билан бир маҳалла ва уйда яшаш иложи бўлмагач, янги оила қуриб, бошқа жойда яшаб келганини, жавобгар даъвогарга тегишли уйдан чиқмай, 3 йилдан буён низоли уйни бўшатмаслигини, даъвогар эса 5 киши билан 2 хонали бир эшикдан кириб-чиқадиган бошқаларнинг шароити оғир уйда яшаб келаётганлигини кўрсатади. Шу сабабли даъвогар аризасида ўзига тегишли уй-жойдан жавобгарни, яъни хотини М. Воҳидовани кўчиришни сўрайди.

Жавобгар М. Воҳидова судга қадар берган тушунтириш хатида ҳақиқатан ҳам даъволи уй-жойда 2 йилдан буён яшаётганлигини, ҳозирда эса шу кўчадаги ота-онасининг уйда истиқомат қилаётганини, ундан ташқари яна икки хонали турар-жойи борлигини, низоли уйдан даъвогарга нисбатан қасдма-қасдлик қилиш мақсадида бўшатиб бермаётганлигини билдирган.

Жавобгарнинг турар-жойда узоқ муддат яшамаётганлиги ва унинг бошқа уй-жойи борлиги шаҳар уй бошқармасининг 1991 йил 10 августда берган маълумоти ва қўшнилари Р. Абилов, Г. Азизовларнинг берган кўрсатмалари билан ҳам тасдиқланади.

Жавобгар М. Воҳидова 1991 йил 10 октябрда чақирув қоғози билан судга чақирилишига қарамай, узрсиз сабабларга кўра келмаган ва судга хат йўллаб: "Менинг судда қиладиган ишим йўқ", деб кўрсатган. Шу суд мажлисига ҳам узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги иш материалларидан аниқланади.

Шу сабабли суд ГПКнинг 178-моддасига асосан ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўришни лозим топади.

Даъвогар Теша Эшонов суд мажлисида ўз даъвосини қувватлаб, М. Воҳидованинг турар-жойи бўлишига қарамай, низоли турар-жойни ғайриқонуний равишда эгаллаб турганлигини кўрсатади ва уни уйдан кўчиришни сўрайди.

Суд даъвогарнинг важларини эшитгач, иш материаллари билан танишиб, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглайди ва даъвони қаноатлантиришни лозим топади.

Суднинг бу хулосаси Уй-жой Кодексининг 104, 113-моддаларида ўз ифодасини топган, унга кўра турар-жойни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар бошқа турар-жой берилмай туриб кўчириб юбориладилар. Жавобгар М. Воҳидова ўзи яшаётган икки хонали турар-жойи бўлишига қарамай, низоли турар-жойни қасдан бўшатмасдан келганлиги суд тафтишида аниқланди.

Суд юқоридагиларга кўра ҳамда Уй-жой кодексининг 104, 113-моддалари ва ГПКнинг 208-213-моддаларига асосланиб,

Қарор қилади:

Даъвогар Теша Эшоновга тегишли Термиз шаҳри, Наримонова кўчаси, 50-уйдан жавобгар Мавжуда Воҳидова бошқа турар-жой берилмаган ҳолда кўчирилсин.

Қарордан норози томон 10 кун муддат ичида Термиз шаҳар суди орқали Сурхондарё вилоят судига шикоят ариза билан мурожаат қилиш, прокурор протест келтириш ҳуқуқига эга.

Раислик қилувчи: *З. С. Каттаева*
Халқ маслаҳатчилари: *Р. Ражабов*
Н. Зоиров

Сурхондарё вилоят судининг президиумига

Сурхондарё вилояти судининг раиси томонидан

Термиз шаҳар халқ судининг даъвогар Теша Эшонони, жавобгар Мавжуда Воҳидовага нисбатан уй-жойдан кўчириш тўғрисида 1991 йил 15 октябрда чиқарган ҳал қилув қарорига назорат тартибида

ЭЪТИРОЗ

(Ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида)

Даъвогар Теша Эшонов жавобгар Мавжуда Воҳидова билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган ва Термиз шаҳри, Наримонова кўчаси, 50-уйда яшаб келиш-

ган. 1988 йилда улар ўртасидаги никоҳ суд томонидан бекор қилинган.

Даъвогар Теша Эшонов судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, Мавжуда Воҳидовани Наримонов кўчаси, 50-уйдан чиқаришни сўраган. Термиз шаҳар судининг 1991 йил 15 октябрдаги ҳал қилув қарори билан Мавжуда Воҳидова болалари Шоира ва Дилоромлар билан Наримонов кўчаси, 50-уйдан бошқа турар-жой берилмаган ҳолда кўчирилган.

Ушбу иш кассация тартибида кўрилмаган.

Қуйидаги асосларга кўра иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни янгидан кўриш учун юбориш лозим деб ҳисоблайман.

Иш материалларига кўра, суд томонидан М. Воҳидовага бир неча маротаба чақирув қоғозлари жўнатилганлиги таъкидланган бўлса-да, аммо бу чақирув қоғозларини жавобгар М. Воҳидованинг олганлиги ҳақида бирон-бир асос келтирилмаган ва ГПКнинг 116—120-моддаларга амал қилинган. Шунга қарамай, суд гражданлик ишини жавобгарнинг иштирокисиз кўриб, ГПКнинг 31-моддасида кўрсатилган тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қўпол равишда бузилган.

Суд ҳал қилув қарорида гражданлик ишини ГПКнинг 179-моддасига асосан жавобгарнинг иштирокисиз кўрилади, деб уқтирилган. Ҳолбуки, бу модданинг талабларига мувофиқ, суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаган даъвогар ёки жавобгарга 30 сўмча жарима солиниши, иккинчи маротаба томонлар суд мажлисига келмасалар, иш кўрилмасдан қолдирилиши кўзда тутилган.

Даъвогар Т. Эшонов аризасида жавобгар М. Воҳидова Наримонова кўчаси, 50-уйдан чиқарилишини сўраган бўлса-да, суд М. Воҳидова болалари билан шу уйдан кўчирилиши тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган.

Ишни янгидан кўриш чоғида юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этилиб, қонун талаблари асосида ҳал қилиниши лозим деб ҳисоблайман. Юқоридагиларга ва ГПКнинг 349 ва 351-моддаларига асосан

Сўрайман:

Термиз шаҳар халқ судининг 1991 йил 15 октябрда ушбу гражданлик иши бўйича чиқарган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан бошқа ҳайъатда кўриш учун шу судга юборилсин.

Илова: 1. Гражданлик иши 1 (бир) томдан иборат,
30 бет.

Сурхондарё вилояти судининг раиси

М. С. Жўраева

IV.

НИКОҲ ВА ОИЛА ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАР БЎЙИЧА ҲУЖЖАТ НАМУНАЛАРИ

НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ КЎРИШ

Никоҳ эр-хотиннинг ҳаётлигида улардан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ ажралиш йўли билан бекор қилиниши мумкин. Суд ажралиш тўғрисида ариза берган эр ва хотинни яраштириш учун барча чораларни кўришга мажбур. Суд эр ва хотиннинг келгусида биргалликда оилавий турмуш олиб бориш ва оилани сақлаб қолиш имконияти йўқ деб топгандагина никоҳ бекор қилиниши мумкин.

Вояга етмаган фазандлари бўлмаган эр ва хотиннинг ажралишга ўзаро розиликлари бўлган тақдирда, агар улар ўртасида мулк тўғрисида ва бир-бирларининг таъминоти учун алимент ундирилиш тўғрисида даъво бўлмаса, никоҳ гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш идораси (ЗАГС) да бекор қилиниши мумкин.

Белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган шахслар, руҳий касаллик ёки ақли заиф бўлганлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек, камида уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилишига ҳукм қилинган шахслар билан бўлган никоҳ ҳам гражданлик ҳолати актларини ёзиш идораларида бекор қилинади. Аммо низо бўлган тақдирда бундай никоҳ суд орқали бекор қилинади.

Никоҳ ва Оила кодексининг 43-моддасида белгиланганидек, хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишни хотиннинг розилигисиз қўзғатишга ҳақли эмас.

Умумий қоидаларга биноан никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги низоли ишлар жавобгарнинг турар-жойидаги судга тегишли бўлади.

ГПКнинг 132-моддасига кўра, ажралиш тўғрисидаги низоли ишлар эр ва хотиннинг ўзаро келишуви бўйича ҳар қайсиларининг турар-жойидаги судда кўрилиш мумкин.

Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ариза ўзининг мазмуни бўйича даъво иши сифатида кўрилади, бинобарин ГПКнинг 21^а-бобида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан ҳар қандай даъво аризасига нисбатан татбиқ этиладиган ГПК 139—140-моддаларининг талаблари тўла равишда бу аризага нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ариза фақат эр-хотиннинг ҳар иккиси томонидан ёинки уларнинг бири томонидангина берилиши мумкин.

Ажралиш тўғрисидаги ариза судья томонидан қабул қилиниши пайтидан эътиборан, ажралувчи эр ва хотин гражданлик иши жараёнида тарафлар бўлиб ҳисобланадилар ва қонун билан белгиланган ҳамма процессуал ҳуқуқларни оладилар.

Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда баён этилиши лозим. Аризанинг мазмунида эр ёки хотиннинг ажралишни хоҳлашларигина кўрсатилмай, балки ажралиш сабаблари, ҳам, шунингдек, ажралувчиларнинг тўлиқ исм-шарифлари, туғилган йиллари ва турар-жойлари ҳам кўрсатилиши лозим. Аризада бу маълумотларнинг кўрсатилиши ишнинг тааллуқлилигини тўғри белгилаш ва тарафларни судга чақириш учун зарур.

Ажралиш сабабининг аризада кўрсатилиши иккинчи тарафнинг суд мажлисига қадар бу сабаблар (важлар) билан танишиш имкониятига эга бўлиши учун ва ажралишга рози бўлмаганида ёки ажралиш сабаблари билан келишмаганида, уларни рад қиладиган далилларни судга келтириши мумкин бўлиши учун керак.

Ажралувчиларнинг фарзандлари бўлгани тақдирда, аризада уларнинг исмлари, ёшлари, шунингдек, кимнинг тарбиясида бўлишлари, эр-хотиндан қайси бири болаларни ўз қарамоғига ва тарбиясига олиши кўрсатилади. Бундан ташқари, болаларни келгусида боқиш ва тарбиялаш тўғрисидаги масала юзасидан ўз таклифларини кўрсатадилар.

Агар ариза берувчи ўзининг никоҳга қадар бўлган фамилиясини сақлашни хоҳласа, у ўзининг бу тўғридаги илтимосини аризада баён этиши мумкин.

Ариза ажралиш тўғрисида мурожаат қилган эр ёки хотин томонидан имзоланаши шарт. Аризага болалар тўғрисидаги ва уларнинг асралиши тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳужжатлар: фуқаролик ҳолати актларини ёзиш идораларидан туғилганлик ҳақида олинган гувоҳномалар, болаларнинг ким билан бирга яшашлари ва ҳақиқатда кимнинг қарамоғида бўлишлари тўғрисида уй бошқармасининг берган маълумотлари, болаларнинг ота-оналари оладиган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар илова қилинади. Оилавий мулкни бўлиш талаб қилинганида, мулкнинг рўйхати, баҳолари даъвогарнинг аризасида кўрсатилади.

Ажралиш тўғрисидаги ариза судга берилишида 30 сўм миқдорида давлат божи олинади.

Тошкент шаҳри, Ҳамза райони судига

Даъвогар: Ёқубжон Мирзамаҳмудович Раҳмонов — 1950 йилда туғилган, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчасининг 2-тор кўчаси, 2-уйда яшайди.

Жавобгар: Адолат Абдувалиевна Раҳмонова — 1952 йилда туғилган, шу манзилда яшайди.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Никоҳни бекор қилиш тўғрисида)

Мен Адолат Раҳмонова билан 1984 йил 10 мартда Тошкент шаҳри, Ҳамза райони "Бахт уйи"да 210-рақамли никоҳни қайд эттириб, оилавий турмуш қурганмиз. У билан бирга яшаган давримизда — 1985 йил 19 мартда Умида, 1988 йил 7 январда Муножат, 1989 йил 10 сентябрда Марғуба исмли қизларимиз туғилди. 7 йил бирга яшаган давримиз фақат жанжал билан ўтди. Биттагина онам борлар, шу кишини чиқиштирмайди, уйнинг тозалигига қарамайди. Оиладаги камчиликка кўника олмайди, у йўқ, бу йўқ деб жанжал қилгани қилган. Ишхонамда бериб турадиган танқис озиқ-овқат молларини ҳарой озми-кўпми олиб турибман. Менинг кийимларимни 70 ёшдан ошган онам, келинойиларим ёки жиянларим ювишади. Вақти келса, ҳовли ҳам супурилмайди. Идиш-

товоққа қарамайди. Ишдан келишимга жанжал тайёрлаб туради. Мен шу пайтгача жондан азиз фарзандларим учун яшадим. Унинг гапига кирсам, онамдан воз кечишим керак экан. Қайси фарзанд ўз онасидан воз кечади?

Менга ҳам фарзандларим ширин, мен ҳам уларнинг келажагини ўйлайман. Лекин бу вазиятда яшай олмайман. Қилдан қийиқ ахтариб, ойисиникига 1—2 ойга кетиб қоларди. Бир кетганда, 4 ойга кетди ва ўз ихтиёри билан ажралиш учун судга ариза берди, сўнг яна ўзи аризасини қайтариб олди. Ҳар ҳафтада 2—3 марта онасиникига ёки опасиникига кетиб қоладиган бўлди. Бизнинг оиламизни бузаётган опаси эканлигини ўзи айтган ва у билан ҳам жанжаллашиб қолганмиз, чунки у ўзидан катта опасининг ҳаётини ҳам бузмоқчи бўлган.

Охирги 2 ой ичида ҳеч нарсага қарамай қўйди, на уй-жойга, на идиш-товоққа, умуман ҳеч нарсага. Фарзандларимга қонун бўйича нафақа тўлашга ва моддий ёрдам беришга розиман. Мол-мулкка нисбатан низоли ишимиз йўқ.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб ҳамда Никоҳ ва оила кодексининг 44—45-моддаларига асосланиб,

Сўрайман:

Жавобгар Адолат Раҳмонова билан ўртамизда Тошкент шаҳар, Ҳамза райони гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш идораси томонидан тузилиб, 1984 йил 10 мартдаги 210-рақамли берилган гувоҳномада қайд қилинган никоҳ бекор қилинсин.

Илова: 1. Никоҳ гувоҳномаси.

2. Болаларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари.

3. Маҳалла қўмитасида аризанинг муҳокама қилингани ҳақидаги қайднома.

4. Маошим ҳақида маълумот.

5. Давлат божи тўланганлиги ҳақида.

6. Аризанинг нусхаси.

1989 йил 10 декабрь.

Ё. Раҳмонов

НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ ҲАҚИДА

Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш ГПКнинг 161-моддасига мувофиқ ўтказилади.

Агар эр ва хотин бир шаҳарда, бир аҳоли пунктида яшасалар, халқ судьяси тубандагича процессуал ҳаракатларни амалга оширади:

1) даъво аризасини берган тарафдан ажралишнинг сабабларини аниқлайди, умуман ажралиш тўғрисида берилган аризининг мазмуни бўйича сўроқ қилади, ажралиш важларини асослаш учун ва ажралиш тўғрисида қўйган талабларининг қандай асосланганлиги тўғрисида қандай далиллар борлигини аниқлайди ва даъвогар унинг процессуал ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиради;

2) агар ажралувчиларнинг вояга етмаган болалари бўлса, ажралиш тўғрисида ариза берган эр ёки хотиннинг болаларни ўзида қолдириш ёки ўзига топширилиши тўғрисида талаби бўлиш-бўлмаслиги, бу масала эр ва хотин ўртасида низоли бўлиш-бўлмаслигини ва бундай келишувнинг нимадан иборат бўлишини белгилайди;

3) даъвогардан алиментлар ундириш тўғрисидаги талаблари нималардан иборат бўлиши ва ўртада орттирилган мулкни бўлиш тўғрисида қандай талаблари борлиги тўғрисида сўраб олади;

4) даъвогардан унинг аризасида кўрсатган талаблари юзасидан жавобгарнинг қандай эътирозлари борлигини ва судга даъвогар томонидан чақирилиши лозим бўлган гувоҳларни аниқлайди;

5) даъвогардан тегишли ҳужжатларни: болаларнинг туғилиши тўғрисидаги гувоҳномаларни, болаларнинг эр ва хотиннинг қайси бири қарамоғида бўлиши тўғрисида уй бошқармасининг, қишлоқ кенгашининг, маҳалла қўмитасининг маълумотини, эр ва хотиннинг ҳар қайсилари оладиган иш ҳақи миқдори тўғрисидаги, эр ва хотиннинг турмуш давомида орттирган мулклари рўйхатини, ҳар қайси буюмнинг қийматини ва ҳамма мулкнинг умумий қийматини кўрсатиб, топширишини талаб қилади. Мулкнинг қиймати (баҳоси) тўғрисида эр ва хотин ўртасида келишмовчилик бўлгани ҳолда — судья товарларни текшириш экспертизасини тайинлайди;

6) судья жавобгар тарафни ажралиш тўғрисида берилган ариза билан таништириш ва арз қилинган даъвога муносабатини аниқлаш мақсадида сўроқ қилиш учун чақиради. Жавобгарнинг ажралиш важлари юзасидан эътирозлари бўлиш-бўлмаслигини, ажралишга рози бўлиш-бўлмаслигини, болаларнинг тақдири тўғрисидаги масалалар бўйича қандай эътирозлари борлигини, алимент талаблари,

мулкни тақсимлаш масалалари юзасидан қандай эътирозларни борлигини ва бу эътирозлар нималар билан исботланишини сўрайди. Судья жавобгарга унинг қандай процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишини тушунтиради;

7) судга жавобгар томонидан чақирилиши лозим бўлган гувоҳларни аниқлайди ва жавобгардан унинг эътирозларини тасдиқлайдиган бошқа далилларни талаб қилади;

8) ишда иштирок этувчи шахслар доирасини белгилайди, жараёнга васийлик ва ҳомийлик идоралари вакиллари, прокурорни, жамоатчилик вакиллари жалб қилиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилади.

Судья, одатда, ишнинг судда кўрилишидан аввал суҳбатлашиш учун эр ва хотиннинг ҳар иккисини бир вақтда чақиради. Агар эр ва хотин ҳар қайсилари бошқа-бошқа районларда яшасалар, ажралиш тўғрисидаги иш эса даъвогар тарафнинг турар-жойидаги суднинг иш юритишига қабул қилинган бўлса, жавобгарни ажралиш тўғрисида берилган ариза билан таништириш, жавобгарни сўроқ қилиш ва ундан эътирозларини тасдиқлайдиган далилларни талаб қилиш юзасидан судда кўришга тайёрлаш бўйича қилинадиган ҳамма ҳаракатлар жавобгар турган халқ судьяси томонидан амалга оширилади. Бунинг учун ишни қабул қилган суд бошқа район (шаҳар) судига алоҳида топшириқ беради.

Тошкент шаҳри, Октябрь райони судига
Даъвогар: Зафар Нарзуллаевич Самиев — 1955 йилда туғилган, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Кўкча-Қорабоев кўчаси, 17-уйда яшайди.
Жавобгар: Гулчеҳра Бекмуродова — 1958 йилда туғилган, Тошкент шаҳар, Октябрь райони, Кўкча-Қорабоев кўча, 17-уйда яшайди.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Никоҳни бекор қилиш ҳақида)

Мен 1986 йил 20 августда Гулчеҳра Бекмуродова билан қонуний никоҳдан ўтган ҳолда оилавий турмуш қурганман, бу Тошкент шаҳри, Октябрь районининг никоҳни қайд қилиш бўлимида расмийлаштирилиб, 2867-рақамли никоҳ гувоҳномаси берилган. Биргаликдаги ҳаётимиз дав-

рида — 1987 йил 23 майда туғилган Жамила исмли 1 нафар фарзанд кўрдик.

Жавобгар билан 1987 йил декабрь ойдан бошлаб ажралган ҳолда яшаймиз. Ажралишимизнинг асосий сабаби қуйидагилардан иборат: жавобгар, фарзандимиз туғилгач, менга нисбатан муомаласи ўзгариб, ўртамиздаги ҳурмат йўқола бошлади, тез-тез сабабсиз уриш-жанжал чиқариб турарди. Менга, ота-онам ва укам устидан шикоят қилиб, уларни менинг уйимизга келмасликларини талаб қилади.

Жавобгарнинг онаси оилавий ҳаётимизга аралашавериши оиламизнинг бузилишига олиб келди. Жавобгар мен билан қурган турмушидан норози бўлиб, ажрашгандан кейин мендан тузукроқ эрга тегишини айтиб, ҳақорат қила бошлади, оила билан иши бўлмай қолди.

Мен фарзандимнинг келажагини ўйлаб, оилани тиклашга ҳаракат қилдим, лекин менинг ҳаракатларимни жавобгар тушунмай, бутунлай қўпол муомалада бўлаверди.

Унинг феъл-атворидан ота-онам, дўстларим ҳам уйга келмай қўйдилар. Шунда ҳам у тинчимади, жанжални давом эттираверди.

1987 йил декабрь ойида у билан ажрашишга мажбур бўлдим. Ўртамиздаги мол-мулкка ҳеч қандай даъвоим йўқ. Оиламизни умуман тиклаб бўлмайди. Мен С. Раҳимов райони судига 1988 йилда ҳам никоҳни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожат қилган эдим, лекин жавобгар сабабсиз судга келмаганлиги учун даъво аризам кўрилмай қолдирилган эди.

Ҳозирги вақтда мен янги оила қурганман, бироқ никоҳимиз расмийлаштирилмаган. Шу сабабли келишиш учун муҳлат тайин этишнинг ҳам фойдаси йўқ деб ҳисоблайман.

Фарзандимизнинг тарбияси бўйича унга моддий ёрдам кўрсатиш ҳақида жавобгар билан келишиб олганмиз.

Юқоридаги ҳолатларни эътиборга олиб, Никоҳ ва оила кодексининг 45-моддасига асосан

С ў р а й м а н :

Тошкент шаҳри, Октябрь райони никоҳни қайд қилиш бўлими томонидан 1986 йил 20 августда берилган 2867-рақамли гувоҳномада қайд этилган мен билан жавобгар Гулчеҳра Бекмуродова ўртамизда тузилган никоҳ бекор қилинсин.

Шунингдек, жавобгар билан амалда ажрашганимиз ва менинг янги оила қурганим инобатга олиниб, ярашиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинмаслигини сўрайман.

Илова: 1. Никоҳ гувоҳномаси.

2. Боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси.

3. Турар-жойдан маълумотнома.

4. Иш жойидан маълумотнома.

5. Тўланган бож ҳақида чипта.

6. Даъво аризасидан нусха.

1988 йил 10 октябрь

З. Н. Самиев

Тошкент шаҳри, А. Икромов райони судига
Даъвогар: Жамол Саматов — 1938 йилда туғилган,
яшаш жойи: Тошкент шаҳри Чилонзор райони,
Қўчқор Исоқов кўчаси, 44-уй.

Жавобгар: Ҳаёт Саматова — 1940 йилда туғилган,
яшаш жойи: Тошкент шаҳри А. Икромов райони,
Ильич кўчаси, 35-уй.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Никоҳни бекор қилиш ҳақида)

Мен 1952 йил 10 мартда Тошкент шаҳри. А. Икромов райони фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш идорасида Ҳаёт Саматова билан никоҳдан ўтиб, қонуний равишда оилавий турмуш қурганман, у билан турмушимиздан 2 нафар фарзандимиз бор: ўғлим Тожи Саматов — 1954 йилда ва қизим Раҳима Саматова — 1956 йилда туғилган. 1958 йилдан бери оилавий муносабатимиз келишмай қолганлиги сабабли мен ўз уйимдан ҳеч нарса олмай чиқиб кетганман.

Фарзандларимга ўз ихтиёрим билан вояга етгунча нафақа бериб келганман. Шу сабабдан ҳам биринчи никоҳимдаги фарзандларим билан доимо учрашиб турман, улар ҳам мендан тез-тез хабар олиб туришади.

1958 йилдан буён мен Муҳаррам исмли аёл билан турмуш қуриб, шу кунга қадар у билан оилавий турмуш қуриб келмоқдаман. Аммо Ҳаёт Саматова билан ҳанузгача никоҳимиз бекор қилинган эмас. Мана, 20 йилдан кўпроқ вақт ўтибдики, бу масала қонуний ҳал эгилмаган. Мол-мулк тўғрисида ҳеч қандай даъво-талабларимиз йўқ. Бизни яраштириш ҳақида фикр ҳам бўлиши мумкин эмас.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Никоҳ ва оила кодексининг 44—45-моддаларига асосан

Сўрайман:

Жавобгар Ҳаёт Саматова билан ўртамизда 1952 йил 10 мартда А. Икромов район никоҳни қайд қилиш идораси томонидан расмийлаштирилган 2230-рақамли никоҳ бекор қилинсин.

Илова: 1. Никоҳ гувоҳномасидан нусха.

2. Мол-мулк тўғрисида жавобгарнинг ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида тилхат.

3. Давлат божининг тўланганлиги ҳақида марка.

4. Даъво аризанинг нусхаси.

1990 йил 10 май.

Ж. Саматов

Халқ судларига зарур ҳолларда ажралиш тўғрисидаги ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдириш ҳамда эр ва хотинга ярашиш учун муҳлат тайинлаш ҳуқуқини берди. Бу муддат даъво ишининг ҳолатларига қараб суд томонидан белгиланади, аммо Никоҳ ва оила кодексининг 44-моддасида кўрсатилганидек, олти ойдан ошмаслиги керак, суд бу ҳақда ажрим чиқаради.

ЭР-ХОТИННИНГ ЯРАШИШИ УЧУН МУҲЛАТ БЕРИШ ҲАҚИДА

А Ж Р И М

1990 йил 19 январь.

Марғилон шаҳри.

Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар судининг очиқ суд мажлисида раислик этувчи халқ судьяси Ф. М. Абаев, халқ маслаҳатчилари М. Азизов ва Б. Каримовларнинг ҳайъатида, Ф. Рўзиева котиблигида Мурод Ғафуровнинг Жамила Ғафуровага нисбатан никоҳдан ажралиш ҳақидаги даъво аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Мурод Ғафуров билан Жамила Ғафурова 1985 йилдан буён қонуний никоҳда бўлиб, оилавий турмуш даврида — 1986 йилда Ботир исмли фарзанд кўрадилар.

М. Ғафуров судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўрталаридаги никоҳни бекор қилишни, бунга асос

сифатида унинг рафиқаси асоссиз равишда бошқа хотин-қизларга рашк қилишини ҳамда дўстлари билан учрашса, жанжал чиқаришини айтиб, бундан буён эр-хотин бўлиб яшаш мумкин эмаслигини ва бунинг учун унда ҳеч қандай ҳафсала қолмаганлигини кўрсатади.

Жамила Ғафурова никоҳни бекор қилишга қаршилик билдириб, бунга асос сифатида эрини ҳурмат қилишини, у ўз фарзандини яхши кўришини, ҳақиқатан ҳам кейинги вақтларда тез-тез спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда келадиган бўлиб қолганлигини, шу сабабли уйда жанжал чиққанлигини билдиради. Жавобгарнинг юқоридаги асосларига кўра суд М. Ғафуров томонидан никоҳдан ажралиш масаласига чуқур қаралмаган, ўйламай-нетмай қилинган ҳаракат деб ҳисоблайди.

Тарафларнинг баёнотларини инобатга олган суд, Никоҳ ва оила кодексининг 44-моддасига асосланиб, эр-хотинни яраштириш чораларини кўришни лозим топади ва бунинг учун иш кўришни бошқа вақтга қолдириб, уларга ярашиш учун олти ойгача муҳлат беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд Никоҳ ва оила кодекси 44-моддасининг 2-қисмига ва ГПКнинг 233-моддаларига асосан

А ж р и м қ и л а д и :

Даъвогар Мурод Ғафуров билан Жамила Ғафуровани ўзаро ярашишлари учун олти ой муҳлат берилсин.

Шунинг учун иш кўриш қолдирилиб, 1990 йил 25 июль соат 10 га тайинлансин.

Халқ судьяси: *Ф. М. Абаев*
Халқ маслаҳатчилари: *М. Азизов*
Б. Каримов

ЯРАШИШ УЧУН БЕРИЛГАН МУҲЛАТНИ ҚИСҚАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

А Ж Р И М

1991 йил 5 январь.

Фарғона шаҳри.

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар судининг очиқ суд мажлисида халқ судьяси А. А. Иминов раислигида, халқ маслаҳатчилари П. Назаров ва Б. Зухуровларнинг ҳайъатида, О. Башаров котиблигида эр-хотин Р. Қ. Қодиров

билан М. Ҳ. Қодироваларнинг ярашиш учун берилган муҳлатни қисқартириш ҳақидаги арзаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Фаргона шаҳар судининг 1990 йил 3 октябрдаги ажримига кўра даъвогар Р. Қ. Қодиров жавобгар М. Ҳ. Қодироваларга никоҳдан ажралиш тўғрисидаги гражданлик ишлари бўйича тарафларга ярашиш ва оилани тиклаш учун олти ой муҳлат берилган эди.

Тарафлар судга ариза билан берилган олти ой муҳлатни ўзгартириш, яъни уни қисқартириш ҳақида мурожаат этдилар, бунга асос сифатида ўтган тўрт ой вақт ичида эр-хотин ярашиш тўғрисида бирор-бир ҳаракат қилмаганликлари, аксинча, Р. Қ. Қодиров бошқа аёлга уйланиб, оила қурганлиги ва у ҳозирда Қозоғистон Республикасининг Оқсув районида кўчиб кетганлиги кўрсатилади, ҳатто у ўзи яшаб, ишлаб турган жойидан судга маълумотнома ҳам тақдим қилгани айтилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1974 йил 14 декабрдаги ва унга 1989 йил 14 апрелда киритган қўшимча ва ўзгаришлар ўрин олган "Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишлар бўйича судлар томонидан қонунчиликни татбиқ этиш амалиёти ҳақида"ги қарорининг 4-бандига кўра, суд конкрет ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда томонларнинг ёки улардан бирининг аризасига кўра ярашиш учун берилган муҳлатни ўзгартириши ва ишни муҳлат ўтмасдан ҳам кўришга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Суд тарафларнинг ярашиши учун берилган муддатни қисқартириш ва бу ҳақда тақдим қилинган бошқа ҳужжатларни эътиборга олиб, уларнинг аризасини қаноатлантиришга асос бор деган хулосага келди.

Суд ГПК 233-моддасининг 2-қисмига асосан

Ажрим қилади:

Даъвогар Раҳим Қодирович Қодиров ва жавобгар Малика Ҳалимовна Қодировнага оилани тиклаш учун берилган муҳлат ўзгартирилсин.

Р. Қ. Қодиров даъвоси бўйича М. Ҳ. Қодированинг ажралиш ҳақидаги гражданлик ишини судда кўриш 1991 йил 26 январь соат 10 га тайинлансин.

Халқ судьяси: А. А. Иминов
Халқ маслаҳатчилари: П. Назаров
Б. Зухуров

ЭР-ХОТИН ЯРАШГАНЛИКЛАРИ ТУФАЙЛИ НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШНИ ТУГАТИШ ҲАҚИДА

А Ж Р И М

1991 йил 21 январь.

Ангрен шаҳри.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг очиқ суд мажлисида халқ судьяси Ж. Ирисов раислигида, халқ маслаҳатчилари О. Мирзаев ва К. Муллаевларнинг ҳайъатида, М. Фозилова котиблигида даъвогар Санобар Ботирова билан жавобгар Носир Ботировлар ўртасидаги никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар Санобар Ботирова судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, эри Носир Ботиров билан 1985 йилда қайд қилинган никоҳларини бекор қилишни, бунга асос сифатида жавобгарнинг тез-тез спиртли ичимлик истеъмол қилиб, уйга кеч келишини, уй-рўзғорига қарамай қўйганлигини ва асоссиз равишда уруш-жанжал чиқаришини кўрсатиб ўтади.

Н. Ботиров даъвога иқроор бўлмаса-да, ҳаётда айрим ножўя хатти-ҳаракатлар қилганлигини, бундан буён йўл қўйган камчиликларни такрорламаслигини, никоҳдан ажралмаслигини ва хотини билан ярашиб, бундан буён яхши турмуш қуришга ҳаракат қилишини билдиради.

Суднинг ярашиш тўғрисидаги таклифига тарафлар розилик билдиришиб, юқоридаги асосларга кўра иш юргизишни тугатишни ва суд протоколига шу фикр киритилса, ўзларининг имзоларини қўйиш билан тасдиқлашларини билдирдилар.

Суд тарафларнинг оилани сақлаб қолишга манфаатдор эканлигини ва ярашишга рози бўлганликларини ҳисобга

олиб, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги гражданлик ишини тугатиш учун етарли асос бор деб ҳисоблайди.

Суд ГПК 250⁸, 241-моддасининг 5— бандига асосланиб,

Ажрим қилади:

Санобар Ботированинг даъвоси бўйича Носир Ботиров билан тузилган никоҳларини бекор қилиш тўғрисидаги фуқаролик иши ҳар иккала тарафнинг ўзаро ярашганлик-лари туфайли иш юргизиш тугатилсин.

Ажримдан норози томон шу суд орқали Тошкент вилояти судига 10 кун муддат ичида хусусий шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Халқ судьяси: *Ж. Ирисов*

Халқ маслаҳатчилари: *О. Мирзаев*

К. Муллаев

МУСТАҚИЛ ТАЛАБ БИЛАН АРЗ ҚИЛУВЧИ УЧИНЧИ ШАХСЛАР ТЎҒРИСИДА

Гражданлик ишининг судда кўрилишида икки тараф: даъвогар ва жавобгар иштирок этади, суд улар ўртасидаги низоли даъвони ҳал қилади.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, низонинг ҳал этилишида тарафлардан ташқари бошқа шахслар ҳам манфаатдор ҳисобланадилар. Бундай шахсларнинг манфаати ҳуқуқий манфаат саналади, чунки иш юзасидан чиқарилган суд қарори маълум даражада уларнинг гражданлик ҳуқуқига таъсир этиши, ишнинг судда ҳал қилиниши натижасида уларга нисбатан муайян ҳуқуқ ёки мажбурият вужудга келтириши мумкин. Шу туфайли бу шахслар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларида бошланган гражданлик ишига аралашилари ёки бошланган жараёнда иштирок этиш учун суд томонидан жалб қилинишлари мумкин. Шунинг учун улар *учинчи шахс* деб аталадилар.

Учинчи шахс манфаатининг характери ва иш юзасидан чиқариладиган қарор билан боғлиқ бўлган оқибатларга қараб бундай шахслар мустақил талаб билан арз қилувчи (мустақил даъво қилувчи) учинчи шахсларга ва мустақил талаб билан арз қилмайдиган (мустақил даъволари бўлмаган) учинчи шахсларга ажратадилар.

Даъвогар билан жавобгар ўртасидаги низонинг предмети ўзига тегишли бўлиши тўғрисида арз қилувчи шахс — мустақил даъво қилувчи шахс деб аталади.

ГПКнинг 39-моддасига мувофиқ, низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар суд ҳал қилув қарорини чиқаргунига қадар ишга киришлари мумкин.

Учинчи шахснинг ишга киришиши умумий асосларга (ГПКнинг 138—140-моддаларига) биноан даъво қўзғатиш йўли билан амалга оширилади. Бинобарин, мустақил талабни арз қилувчи шахс аризасига тегишли ҳужжатларни илова қилиши, судга таклиф қилиниши керак бўлган гувоҳларни кўрсатиш ва давлат божини тўлашдан озод қилмаган бўлса, тегишли бож тўлаши лозим бўлади.

Учинчи шахснинг процессуал ҳолати даъвогарники билан баб-баробардир. Дастлабки даъвогардан учинчи шахснинг фарқи фақат шундаки, даъвогар даъво қилиш йўли билан ишни бошласа, учинчи шахс биров томонидан бошланган жараёнга киришади.

Мустақил даъво қилувчи учинчи шахснинг процесда иштирок этишга йўл қўйилиши тўғрисидаги илтимоси, агар ишнинг судда кўрилишига тайёрланиши даврида қилинган бўлса, судьянинг якка ўзи томонидан кўрилади, агар иш кўриш бошлангандан кейин қилинган бўлса, ишни суд мажлисида кўрувчи суднинг тўла ҳайъати ҳал қилади.

Учинчи шахс иштирок этиши лозим бўлган гражданлик ишининг барча манфаатдор шахслар қатнашгани ҳолда кўрилиши, биринчидан, суд ва тарафларнинг вақтларини анча тежашга имкон беради; иккинчидан, агар дастлабки мулкий низо алоҳида кўрилса, бу тўғрида чиқарилган қарорга мувофиқ, низоли мулкнинг кейинчалик сотилиши ёки ишлатиб юборишининг олди олинади; ниҳоят, учинчидан, низоли ҳуқуқ алоҳида-алоҳида кўрилганида, унинг юзасидан қарама-қарши ҳал қилув қарорларининг чиқарилмаслиги мумкин.

Ишда иштирок этишга йўл қўйилмаган учинчи шахс алоҳида мустақил даъво қўзғатиш йўли била низоли предметга нисбатан бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишга ҳақли бўлади.

МУСТАҚИЛ ТАЛАБ БИЛАН АРЗ ҚИЛУВЧИ УЧИНЧИ ШАХС СИФАТИДА ЖАРАЁНГА КИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳри, Чилонзор райони судига
Даъвогар: Пўлат Зарипов — Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Қурбонов кўчаси, 10-уйда яшайди.

1. Жавобгар: Асад Каримов — Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Муқимий кўчаси, Одил берк кўчаси, 3-уйда яшайди.
2. Жавобгар: Нозик Каримова — Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси, 120-уйда яшайди.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Даъво қиймати 550 сўм)

Мен оилам билан 1988 йил апрель ойида мутахассис-муҳандис сифатида хорижий мамлакатлардан бирига 2 йил муддатга ишга юборилган эдим. Кетиш арафасида қўшнимиз Асад Каримов 800 сўмлик рангли "Электрон" телевизоримиздан вақтинча фойдаланиб туришни илтимос қилди ва бу ҳақда 1988 йил 10 апрелда Б. Азизов иштирокида тилхат ёзиб берди.

Сафардан қайтишим билан телевизорни қайтариш тўғрисида гап борганда А. Каримов никоҳдан ажралиши тўғрисида судда иш кўрилаётганини, хотини Н. Каримова телевизорни ҳам умумий оилавий мулк қаторига қўшиб, уни ўртада тақсим бўлиши тўғрисида судга баёнот берганлигини билдиради.

Шу боис ГПКнинг 39 ва 133-моддаларига асосан

Сўрайман:

Менинг даъво аризамни иш юргизишга қабул қилиб, уни Асад Каримовнинг даъвоси билан бирга қўшиб кўрилсин ва менга қарашли 800 сўмлик бир дона рангли "Электрон" телевизорини олиб берилсин. Сарфланган 45 сўм суд пошлинаси Асад Каримов ва Н. Каримовадан ундирилсин.

Суд мажлисига гувоҳ Б. Азизов чақирилсин.

Илова: 1. А. Каримовнинг 1988 йил 10 апрелда телевизорни олганлиги ҳақида берган тилхати.

2. Суд харажатлари (муҳрона)ни тўланганлиги ҳақида.

3. Гувоҳ Б. Азизов Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Чилонзор кўчаси, 15-уйда яшайди.

1990 йил 30 сентябрь.

П. Зарипов

МУСТАҚИЛ ТАЛАБ БИЛАН АРЗ ҚИЛУВЧИ УЧИНЧИ ШАХСНИНГ ДАЪВОСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

А Ж Р И М

1990 йил 22 август.

Тошкент шаҳри, Чилонзор райони судининг судьяси Б. В. Валиев томонидан даъвогар П. Зариповнинг даъво аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Асад Каримов билан Нозик Каримоваларнинг ажралиш тўғрисидаги гражданлик даъво ишини кўриш жараёнида уларнинг оилавий турмуш даврида жамғарган 2500 сўмлик мулкларини бўлиш масаласи ҳам кўрилиб, рўйхатга олинган мулклар ичида қўшниси, яъни П. Зариповга тегишли бир дона 800 сўмлик рангли "Электрон" телевизори ҳам бўлган.

Даъвогарни бу ҳақда таъкидлашига қарамай, жавобгар Н. Каримова телевизорни ҳам умумий мулк қаторида бўлишни сўраган. Бундан хабардор бўлган телевизорнинг эгаси П. Зарипов бошланган процессга мустақил талаб билан учинчи шахс сифатида арз қилиб, ишга киришишни ва телевизорни қайтариб олиб беришни сўраб ариза беради.

Суд П. Зариповнинг даъво аризаси ГПКнинг 138-моддаси талаблари асосида берилганлигини эътиборга олиб ҳамда ГПКнинг 39, 250⁹, 344-моддаларига асосан

Ажрим қилади:

Пўлат Зариповнинг даъво аризаси суднинг иш юргизишига қабул қилинсин. Асад Каримов ва Нозик Каримоваларнинг никоҳдан ажралиш ва оилавий турмуш даврида жамғарган мулклари қаторида телевизорни ҳам бўлиш масаласида П. Зарипов мустақил даъво билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида қатнаштирилсин.

Ажрим қатъий — шикоятга ўрин йўқ.

Халқ судьяси: Б. В. Валиев

ТАРАФЛАРНИНГ СУД МАЖЛИСИГА КЕЛМАСЛИК ОҚИБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ишнинг судда кўрилишида умумий қоидага кўра, тарафларнинг иштирок этиши мақсадга мувофиқдир, бусиз суд ўзига оилани мустақамлаш бўйича юклатилган вазифаларни бажара олмайди.

Суд мажлисига чақирилган тарафларнинг келмасликлари тубандагича оқибатларни туғдиради: биринчидан, тарафлардан бири келмаган тақдирда ишнинг кўрилиши бошқа вақтга қолдирилади ва тарафлар қайтадан чақирилади;

иккинчидан, агар жавобгар иккинчи маротаба чақирилишида ҳам узрсиз сабаблар билан келмаса, судда унга чақирув хатининг топширилганлиги тўғрисида маълумотлар бўлса, иш унинг иштирокисиз кўрилади.

Никоҳни бекор қилиш тўғрисида ариза берган эр, хотин узрсиз сабаблар бўйича иккинчи маротаба чақирилишда ҳам суд мажлисида ҳозир бўлмасалар, агар иш уларнинг иштирокисиз кўрилиши мумкинлиги тўғрисида улардан ариза тушмаган бўлса, суд аризани кўрмасдан қолдиради (ГПК 244-моддасининг 5-банди).

НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДАЪВОГАРНИ ИККИНЧИ МАРТА ЧАҚИРИШДА ҲАМ СУДГА КЕЛМАГАНЛИГИ САБАБЛИ АРИЗАНИ КЎРМАСДАН ҚОЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

А Ж Р И М

1991 йил 19 январь.

Марғилон шаҳри.

Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар судининг очиқ суд мажлисида судья Д. Ғоипов раислигида, халқ маслаҳатчилари А. Акрамов ва У. Азизовларнинг ҳайъатида, Л. Бўронова котиблигида даъвогар М. Собировнинг даъвоси бўйича жавобгар Г. Собирова билан тузилган никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги гражданлик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар М. Собиров судга ариза билан мурожаат этиб, 1986 йил 30 июнда иш бўйича жавобгар Г. Собирова билан Марғилон шаҳар гражданлик ҳолати актларини

қайд қилиш идорасида 278-рақамли тузилган никоҳлари бекор қилинишини сўраган.

Ишни судда кўриш 1990 йил 29 декабрга тайинланган ва тарафлар чақириқ қоғозлар орқали шахсан хабардор қилинганлар. Бироқ даъвогар ва жавобгар шу кун суд мажлисига келмаганлар, сабабини эса судга хабар қилмаганлар.

Ишни кўриш такроран 1991 йил 18 январь кунига тайинланиб, томонларга чақириқ қоғозлари юборилади. Иш кўриш жойи, вақти тегишлича шахсан хабардор қилинишига қарамай, даъвогар яна суд мажлисига келмади, суд даъвогарни суд мажлисига қандай сабабларга кўра келмаганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган. Демак, даъвогар иккинчи чақириқ бўйича ҳам суд узрсиз деб топган сабабларга кўра келмаган. Даъвогар эса ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилмаган.

Суд тўпланган материалларни таҳлил қилиб, жавобгарнинг баёнотларини тинглаб, оилани сақлаб қолиш мақсадида даъвогарнинг судда иштирокини зарур деб ҳисоблайди.

Шу боис ГПК 244-моддасининг 5-бандига мувофиқ, агар ўзлари ҳозир бўлмасалар ҳам ишни кўраверишни илтимос қилган тарафлар иккинчи чақириқ бўйича ҳам узрсиз сабабларга кўра судга келмасалар, суд эса ишга оид материаллар бўйича ишни кўриб ҳал қилиш мумкин эмас, деб ҳисобласа, суд аризани кўрмай қолдиради.

Юқоридагиларга кўра суд ГПКнинг 244-моддасининг 5-бандига асосан

А ж р и м қ и л д и :

Даъвогар Мирза Собировнинг даъвоси бўйича жавобгар Гўзал Собирова билан ўрталарида тузилган никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси кўрилмай қолдирилсин.

Ажримдан норози тараф шу суд орқали Фарғона вилоят судига 10 кун муддат ичида хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришлари мумкин.

Халқ судьяси: *Д. Гоипов*
Халқ маслаҳатчилари: *А. Акрамов*
У. Азизов

ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ ҲАҚИДА

Судья ишни кўришга тайёрлаш вақтида ҳамда ишни текшириш вақтида келиб чиққан фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимослари бўйича ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайин қилиши мумкин.

Экспертиза ҳар турли масалалар бўйича тайинланиши мумкин. Чунончи, гражданнынг руҳий ҳолати текширилганида — психиатрия экспертизаси, ёзувлар, хатлар текширилганида — криминалистик экспертиза ва шу каби экспертизалар тайинланиши мумкин.

Экспертиза воситасида фактлар таҳлил қилинади. Фактларни экспертлар фан нуқтаи назаридан ёки ўзларининг махсус тажрибаларига асосланган ҳолда тушунтирадилар.

Экспертнинг фикри исботлаш воситаси ҳисобланади. Экспертиза эса билимдон ёки ҳунарманд шахсларнинг ёрдамида далилларни текшириш усули бўлиб, экспертиза судда фактларни текшириш вақтида зарур бўлиб қолади. Чунки судьяларда махсус билимлар бўлмаганлиги туфайли баъзи фактлар суд томонидан текширилиши ва тўғри баҳоланиши анча мураккаб кўчиши мумкин.

Экспертлар ўз фикрларини бериш учун далилларни текширишлари, материаллар билан танишишлари, гувоҳларга ва тарафларга савол беришлари мумкин.

Экспертлар ўз фикрларини беришда далилларни текшириш йўли билан белгиланган фактларга ва ўзларининг махсус билимларига асосланадилар. Экспертизани экспертнинг фикрига тенглаштирмаслик керак. Экспертиза далилларни текшириш жараёни бўлса, экспертларнинг фикрлари иш учун аҳамиятли ҳисобланган ҳолатларни текшириш натижаси, исботлаш воситаси (далил) бўлиб ҳисобланади.

Суд экспертларни тайинлашда ишда иштирок этаётган шахсларнинг фикрларини эътиборга олади. Экспертиза тегишли муассасаларнинг экспертлари ёки суд тарафидан тайинланадиган бошқа мутахассислар томонидан ўтказилади (ГПКнинг 81-моддаси). Бундай муассасалар, чунончи, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд экспертизаси институти, Ўзбекистон Ре-

спубликаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги суд-медицина экспертизаси ва шу каби бошқа экспертиза муассасалари бўлиши мумкин.

Одатда, экспертизани суд ўз ташаббуси билан тайинлайди. Аммо тарафлар суд тайинлаган экспертларнинг текшириш ўтказишларига қарши чиқишлари мумкин. Тарафлар экспертларга саволлар беришлари, уларнинг хулосалари тўғрисида ўз фикрларини билдиришлари, такрор экспертиза ўтказилиши тўғрисида илтимос қилишлари мумкин.

Эксперт қилиб тайинланган шахс суднинг чақируви бўйича келишга ва ўз олдига қўйилган масалалар бўйича холис фикр беришга мажбур.

Агар эксперт суднинг чақируви бўйича суд узрсиз деб топган сабабларга кўра келмаса, ишни кўришни маълум муддатга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Эксперт фикр беришдан бош тортса ёки бўйин тоъласа, ЖКнинг 162-моддаси бўйича, била туриб ёлғон фикр берса, ЖК8нинг 161-моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

Экспертнинг ҳуқуқлари ГПКнинг 84-моддасида белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича, эксперт ўзини эксперт сифатида қизиқтирадиган ҳолатларни аниқлаш учун иш материаллари билан танишишга, ишда иштирок этаётган шахсларга ҳамда гувоҳларга саволлар беришга, жойни бориб кўришда иштирок этишга ва ўзига қўшимча материалларнинг берилиши тўғрисида суддан илтимос қилишга ҳақлидир.

Экспертнинг фикри суд учун мажбурий эмас ва суд унга ГПКнинг 63-моддасида белгиланган ҳодаларга биноан баҳо беради. Экспертнинг фикрига суднинг қўшилмаганлик сабаби иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорида ёки ажримда асослантирилган бўлиши лозим.

Экспертларнинг фикри қатъий бўлсагина исботлаш воситаси (далил) сифатида фойдаланиши мумкин. Тахминий хулосаларни суднинг чиқарадиган қарорига асос қилиб олиб бўлмайди.

А Ж Р И М

1992 йил ноябрь ойининг 25 кунда Тошкент шаҳар, Октябрь райони судининг очиқ суд мажлисида судья К. Ҳасанова раислигида, халқ маслаҳатчилари В. Юнусова ва Д. Аҳмедовалар ҳайъатида, О. Ризаеванинг котиблиги-

да даъвогар А. Б. Шодиевнинг жавобгар С. А. Шодиевага нисбатан никоҳни бекор қилиш даъвоси бўйича гражданлик иши кўрилиб қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар А. Шодиев аризасида 1988 йил 20 октябрда жавобгар билан қонуний никоҳни қайд қилдирган ҳолда турмуш қурганликлари, ўрталарида фарзандлари йўқлигини кўрсатган. Булардан ташқари, жавобгар унинг ота-онасини ҳурмат қилмаслигини, сабабсиз жанжал чиқариб, уйдан кетиб қолишини, энди эса турмушни давом эттира олмаслигини айтиб, шуларга кўра никоҳни бекор қилишни илтимос қилган.

Жавобгар О. Шодиева аризага эътироз билдириб, оила бузилишининг сабаби бошқа эканлигини, яъни жинсий алоқалари бўлмай, ўзи ҳали қиз бола эканлигини, эри эса жинсий томондан қобилиятсизлигини маълум қилиб, шу ҳолатни текшириш учун экспертиза тайинлашни сўрайди.

Суд ҳайъати даъвогар ва жавобгарнинг баёнотларини ҳамда жавобгар О. Шодиевнинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги талабини муҳокама қилиб, унинг талабини қаноатлантиришни лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда суд ГПКнинг 81-моддаси ва 237-моддасининг 5-бандига асосан

Ажрим қилади:

Даъвогар А. Б. Шодиевни жавобгар О. А. Шодиева билан ўрталаридаги никоҳни бекор қилиш ҳақидаги гражданлик иши бўйича суд-медицина экспертизаси тайинлаб, эксперт олдиға қуйидаги саволлар қўйилсин:

1. Жавобгар Ойдин Асиловна Шодиевнинг қизлик иффати бузилганми, йўқми?

2. Даъвогар Акбар Баҳриддинович Шодиевнинг жинсий алоқаға қобилияти борми?

Ушбу суд-медицина экспертизасини ўтказиш Тошкент шаҳар суд-медицина экспертиза бюросига топширилсин.

Ушбу гражданлик иши экспертизанинг хулосасини олгунга қадар вақтинча ҳаракатдан тўхтатиб турилсин.

Раислик этувчи: К. Ҳасанова
Халқ маслаҳатчилари: В. Юнусова
Д. Аҳмедова

ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН МАНФААТДОР ШАХСЛАРНИНГ АРИЗАСИГА КЎРА СУД (СУДЬЯ)НИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

Даъвони таъминлаш бўйича асослар ГПКнинг 150-моддасида белгиланган. Унда кўрсатилишича, суд ёки судья ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан даъвони таъминлаш чораларини кўра олади. Даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик суднинг ҳал қилув қарорининг ижросини қийинлаштирадиган ёки унинг бажарилмаслигига сабаб бўладиган бўлса, ишнинг ҳар қандай ҳолатида ҳам даъвони таъминлашга йўл қўйилади.

Умумий қоида бўйича даъвони таъминлаш чораси даъво қўзғатилгандан сўнггина кўрилади. Бу қоидадан айрим истиснолар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси қоидалари билан белгиланган бўлиб, баъзи шароитларда ҳали қўзғатилмаган даъволарни ҳам таъминлаш чоралари кўрилиши назарда тутилади.

Жумладан, ушбу кодекснинг 24-моддасида таъкидланишича, жиноят орқасидан моддий зарар етказилганлиги тўғрисида етарли маълумотлар бўлган тақдирда терговчи, прокурор, суриштирувчи шахс судда қўзғатилган ёки келажакда қўзғатилиши мумкин бўлган гражданлик даъвосини таъминлаб қўйиш чорасини кўришга мажбур. Масалан, шахсий автомашинанинг эгаси томонидан бировга шикаст етказилганида ёки у бировнинг ўлимига сабабчи бўлганида, келгусида ўзига нисбатан гражданлик даъвоси қилинишини назарда тутиб, омонат кассасидаги пулларни олиши, уйдаги қимматбаҳо буюмларни бекитиши мумкинлигини кўзда тутиб, терговчи жиноят содир бўлганидан хабардор бўлгани ҳамон, ҳеч кечиктирмай, келажакда қўзғатилиши мумкин бўлган даъвони таъминлаш чорасини (бу тўғрида арз бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар) ўз ташаббуси билан кўриши лозим.

Юқорида келтирилган қоидаларга асосланиб, чиқариладиган қарорнинг ижро этилишини таъминлаш учун суд ва бошқа ваколатли орган томонидан чора кўрилишига даъвони таъминлаш деб айтилади.

Гражданлик даъвосини таъминлаш, чунончи, даъвогарга тегишли ҳақнинг келгусида ундирилишини таъминлаш юзасидан бундай чоранинг белгиланиши — жавобгарнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатига қарши бўлиб, даъвогарнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун зарур.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим суднинг ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро қилинади. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани ишини кўраётган судья ёки суд ўша куннинг ўзидаёқ жавобгарни ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни хабардор қилмасдан ҳал этади.

Наманган вилояти, Чортоқ райони судига
Ҳалим Манноновдан (Чортоқ райони, Қудуқ кўчаси,
15-уйда яшайди)
Салима Манноновага нисбатан мол-мулкни тақсим-
лаш тўғрисидаги иш бўйича берилган даъво
юзасидан

АРИЗА

(Даъвони таъминлаш тўғрисида)

Мен шу йили 10 июлда Салима Маннонова билан оилавий турмуш қурган давримизда тўплаган умумий мол-мулкимиздан бир қисмини бўлиб бериш тўғрисида ариза берган эдим.

Умумий мол-мулкимиз 2000 сўмлик бўлиб, шундан фақат бир қисмини, яъни (кир ювиш машинаси — 100 сўм, 2X2 метрли гилам — 150 сўм, янги рангли телеви-зор — 650 сўм) жами 900 сўмлик ашёларни бўлиб бе-ришни илтимос қилган эдим.

Менинг даъво аризаси билан судга мурожаат этганим-дан хабардор бўлган собиқ хотиним уйга келиб, ҳеч кимдан сўрамасдан юқорида санаб ўтилган мулкларни онасиннинг уйига олиб кетиб яширган.

Ушбу иш бўйича даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик суднинг ҳал қилув қарори ижросининг кечик-тирилишига ёки бажарилмаслигига сабаб бўлиши мумкин-лигини инобатга олиб, ГПКнинг 150—152-моддаларига асосан

Сўрайман:

Жавобгар Салима Манноновага нисбатан мол-мулкни тақсимлаш тўғрисида қўзгатилган даъво аризасидаги мулкларни (кир ювиш машинаси, 2X2 метрли гилам, рангли телевизор) иш кўриб ҳал этилгунга қадар хатлаб қўйилсин, жавобгар улардан фойдаланиш ҳуқуқидан

маҳрум этилсин ва шу йўл билан даъвони таъминлаш чоралари кўрилсин.

Қуйидагиларни илова қиламан:

- 1). Никоҳ гувоҳномасидан кўчирма.
- 2) Яшаш жойимдан маълумотнома.

1990 йил 13 июль.

Ҳ *Мамнопов*

ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДА

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани ишни кўраётган судья ёки суд ўша куннинг ўзидаёқ жавобгарни ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни хабардор қилмасдан ҳал этади.

ГПКнинг 152-моддасида белгиланишича, даъвони таъминлаш чоралари қуйидагилардан:

- 1) жавобгарга тегишли ва унинг ўзида ёки бошқа шахсларда турган мулкка ёки пул суммасига арест солиш;
- 2) жавобгарнинг муайян ҳаракатлар қилишини тақиқлаш:

- 3) бошқа шахсларга жавобгарнинг мулкни унга бериш ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришни тақиқлаш;

- 4) мулкни рўйхатдан (арестдан) чиқариш тўғрисида даъво кўзгатилган ҳолда, рўйхатга олинган мулкни сотишни тўхтатиш;

- 5) агар қарздор ижро хати юзасидан даъво тартибидан низолашса ва бундан низога қонун бўйича йўл қўйилса, бу хат бўйича ундирувни тўхтатишдан иборат бўлиши мумкин.

Алимент ундириш тўғрисидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача шикаст етиши, шунингдек, боқувчисининг ўлими натижасида келган зарарни қоплаш тўғрисидаги, давлат мулкни талон-торож қилиш, ўғирлаш ва ўзлаштиришдан келган зарарларни ундириш тўғрисидаги даъволардан бошқа даъволарнинг иш ҳақиға, колхозчиларнинг колхоздаги меҳнат даромадларига, пенсия ва стипендияларига арест солиш йўли билан таъминлашга йўл қўйилмайди.

Даъвони таъминлаш юзасидан бажариладиган процесуал ҳаракатлар ГПКнинг 150—160-моддаларида батафсил берилган.

А Ж Р И М

1990 йил 31 июлда Наманган вилояти, Чортоқ районининг халқ судьяси Яхёхон Икромов томонидан Ҳалим Манноновнинг даъвои таъминлаш тўғрисида берган аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Халқ судининг иш юргизишида Ҳалим Манноновнинг Салима Маннонова билан оилавий турмуш қуриш даврида бирга тўплаган 2000 сўмлик мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги гражданлик иши мавжуд.

Ҳ. Манноновнинг шу йил 13 июлдаги судга берган аризасида жавобгар Салима Манноновани ўзбошичалик билан даъвогарнинг уйдан (бир дона рангли телевизор — 650 сўм, бир дона 2X2 метрли гилам — 150 сўм ҳамда бир дона кир ювиш машинаси — 100 сўм) 2000 сўмлик буюмни онасининг уйига яшириб қўйганлигини маълум қилган. Шунга кўра Ҳ. Маннонов жавобгар С. Маннонова олган молларни хатлаб (арест солиб) қўйишни ва шу йўл билан унинг даъвосини таъминлаш чораларини кўришни, акс ҳолда бор мол-мулкларини жавобгар ўзбошимчалик билан йўқ қилиб юбориши мумкинлигини айтади.

Иш ҳолатига биноан, агар даъвои таъминлаш чоралари кўрилмаса, суднинг ҳал қилув қарори ижроси қийинлашишига ва бажармай қолишига сабаб бўлиши ҳам мумкинлиги аниқланди.

Суд юқоридагиларга кўра ҳамда ГПКнинг 150—152-моддаларига асосан

Ажрим қилади:

Наманган вилояти, Чортоқ райони, Байналмилал кўчаси, 10-уйда яшовчи Салима Маннонованинг ихтиёридаги бир дона 100 сўмлик кир ювиш машинаси, бир дона 150 сўмлик қизил рангли 2X2 метрли гилам ҳамда бир дона 650 сўмлик рангли телевизор (паспорти 52890-сонли) рўйхатга олинсин.

Ажримдан норози томонлар шу суд орқали Наманган вилояти судининг гражданлик судлов коллегиясига 10 кун муддат ичида хусусий шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Халқ судьяси: Я. Икромов

ИШНИ ЁПИҚ СУД МАЖЛИСИДА КЎРИШ ТЎҒРИСИДА

Гражданлик ишлари умумий ҳолида бўйича ошкора кўрилади, бу эса ўз навбатида одил судловни амалга оширишда халқнинг назорат этилишини таъминлайди. Қонун билан бегиланган айрим истиснолардан ташқари, барча ҳолларда, ишларнинг ҳамма судларда очиқ кўрилиши; амалдаги ҳолидаларга асосан белгиланган. Шунга биноан гражданлик суди ишлари ошкора равишда, яъни халқ олдида, фуқароларнинг иштирокида кўрилади.

Гражданлик суди ишларининг очиқ, ошкора кўрилишида ишда иштирок этувчиларга, шунингдек, суд залида ҳозир бўлган бошқа шахсларга ҳам кучли таъсир этиб, суд жараёнининг тарбиявий аҳамиятини оширади.

Ишларнинг очиқ кўрилиши гражданларга улар томонидан сайланган судьяларнинг ишлари билан бевосита танишиш, уларнинг фаолиятини халқ назорати остига олиш имконини беради ва айти чогда фуқаролик ишларининг тўғри ҳал этилишини таъминлайди.

ГПКнинг 10-моддасида кўрсатилганидек, барча судларда ишларни кўриш ошкора олиб борилади. Бунда баъзи истиснолар белгиланган. Чунончи, вояга етмаган шахслар, яъни 16 ёшга тўлмаган фуқаролар, агар улар ишда иштирок этувчи ёки гувоҳ бўлмасалар, суд залига киритилмайдилар.

Юқорида келтирилган қонунда белгиланишича, давлат сирини сақлаш манфаатларини ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаёт сирларига оид маълумотларнинг фош қилинмаслиги талаб қилинган барча ҳолларда, суднинг асосланган ажримига биноан судда иш кўриш бутунлай ёки қисман ёпиқ ҳолда ўтказилади.

Суд мажлисида иш ёпиқ кўрилса, бу суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг вакиллари, судда иш кўришда қатнашишга йўл қўйилган жамоат ташкилотлари ҳамда меҳнат жамоаларининг вакиллари, зарур ҳолларда эса гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлар ҳам қатнашадилар.

Ишнинг ёпиқ суд мажлисида кўрилиши тўғрисидаги ажрим суд ҳайъати томонидан чиқарилиб, тегишли равишда асослантилган бўлиши керак. Ёпиқ суд мажлисида қабул қилинган суд қарорлари ҳамма ҳолларда ошкора эълон қилинади.

Тошкент вилояти, Янгиер шаҳар судининг очиқ суд мажлисида халқ судьяси М. Т. Тошматов раислигида, халқ маслаҳатчилари О. Эрназаров ва М. Ашуровларнинг ҳайъатида, Ю. Фироқова котиблигида Мирза Алимовнинг жавобгар Нодира Алимовага нисбатан никоҳдан ажралиш тўғрисидаги фуқаролик ишини ёпиқ суд мажлисида кўриш бўйича тўпланган материаллар кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишни суд мажлисида мазмунан кўриш жараёнида оила сирларига оид кўп ҳолатлар борлигини ҳисобга олиб, уларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда даъвогар Алимовнинг шу ҳақдаги илтимосини қаноатлантирган ҳолда суд, ишни ёпиқ суд мажлисида ўтказиш тарафларнинг талабларига жавоб беради, деган хулосага келди.

Суд юқоридагиларга кўра, ГПКнинг 10-моддасига асосан

Ажрим қилади:

Мирза Алимовнинг жавобгар Нодира Алимовага нисбатан никоҳдан ажралиш тўғрисида қўзғатилган фуқаролик иши ёпиқ суд мажлисида кўрилсин.

Халқ судьяси: *М. Т. Тошматов*
Халқ маслаҳатчилари: *О. Эрназаров*
М. Ашуров

Тошкент шаҳри, А. Икромов райони судига
Даъвогар: *Дамира Раҳмонова* — Тошкент шаҳри,
А. Икромов райони, Б. Потемкин кўчаси, 18-
уйда яшайди.
Жавобгар: *Шокир Раҳмонов* — Тошкент шаҳри,
А. Икромов райони, Дурбек кўчаси, 4-уйда
истиқомат қилади.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Никоҳга қадар бўлган шахсий мулкни қайтариб олиш ва никоҳ даврида тўпланган умумий мулкни бўлиш хусусида)

Мен 1986 йил 11 октябрда жавобгар Шокир Раҳмонов билан қонуний никоҳдан ўтиб, оилавий турмуш қурган-

миз. Жавобгар билан аввал яхши яшардик, кейинчалик жавобгарнинг онаси (қайнонам) бизнинг турмушимизга аралаша бошлагандан сўнг, турмушимиз ёмонлаша бошлади ва жавобгарни менга қарши қўйиб, жанжал чиқариб, оиламизнинг бузилиб кетишига сабабчи бўлди.

Жавобгар эса оиламиз тўғрисида ўз мустақил фикрига эга эмасди. У фақат онасининг нотўғри ва ноҳақ кўрсатмаларига амал қилиб яшади. Оиламизни мустақил бошқаришга қодир бўлмади.

Мен, жавобгарнинг фсъл-атвори кейинчалик ўзгариб, оиламизга бўлган қараши анча мустақилроқ бўлади, деб ўйлаган эдим, аммо бунинг акси бўлиб чиқди. Шу сабабли бизнинг никоҳимиз А. Икромов райони судининг 1990 йил 30 августдаги ҳал қилув қарори билан бекор қилинди. Шу суд мажлисида асабийлашганим сабабли шахсий мол-мулкларимни ажратиб олиш хаёлимга ҳам келмаган эди. Суд мажлисидан кейин бир неча мартаба жавобгардан менга тегишли мол-мулкларимни ихтиёрий равишда қайтариб бериш тўғрисидаги талабларим натижасиз қолмоқда.

Никоҳдан аввал менга тегишли бўлган шахсий мулкларим қуйидагилардан иборат:

1. Стенка — Чехославакияда ишлаб чиқарилган, нархи 1800 сўм;
2. Ётоқхона жиҳозлари (Олмалик шаҳрида тайёрланган) — 1300 сўм;

Яна жавобгар билан биргаликда, никоҳ давомида қуйидаги мулкларни орттирганмиз: 140 сўмдан 3 дона палос, жами 420 сўм.

Бу мулклар жавобгар билан менинг умумий мулкимиздир.

Юқорида баён қилинганларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Никоҳ ва оила кодексининг 25, 27-моддаларига ҳамда "Никоҳни бекор қилиш ишларини кўришда суд томонидан қонунларни қўллаш практикаси тўғрисида"ги 1989 йил 14 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Пленум қарорига биноан

Сўрайман:

Жавобгар Шокир Раҳмоновдан никоҳга қадар менга тегишли бўлган қуйидаги мулкларни қайтариб олиб берилсин:

1. Чехославакияда тайёрланган стенка — 1800 сўм.

2. Олмалиқ шаҳрида тайёрланган ётоқхона жиҳозлари —1300 сўм.

3. Никоҳ даврида жамғарган умумий мулкларимиздан 4X3 метрли 3 дона қизил рангли палос —420 сўм.

Илова: 1. Никоҳни бекор қилинганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси.

2. Қизимнинг туғилиш гувоҳномасидан нусха.

3. Жавобгарнинг иш ҳақи тўғрисида маълумот.

4. Давлат божини тўлаш ҳақида чипта.

5. Умумий мулккимизнинг рўйхати.

6. Даъво аризасининг нусхаси.

1990 йил 30 сентябрь.

Д. Раҳмонова

СУД ХАРАЖАТЛАРИ ҲАҚИДА

Давлат божининг миқдори ҳақида қонунда кўрсатиладиган ҳолларда суд харажатлари даъво аризаларидан, давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан қилинган шикоятлардан, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар устидан судга берилладиган аризалар (шикоятлар) дан, судларнинг қарорлари устидан кассацион тартибда берилладиган шикоятлардан, шунингдек, судлар томонидан берилладиган ҳужжатларнинг нусхалари учун қуйидаги миқдорда давлат божи олинади:

1) даъво қиймати юз сўмгача бўлган даъво аризаларидан — беш сўм;

2) даъво қиймати юз сўмдан ортиқ ва беш юз сўмгача бўлган даъво аризаларидан — даъво қийматининг олти фоизи;

3) даъво қиймати беш юз сўмдан ортиқ ва минг сўмгача бўлган даъво аризаларидан — даъво қийматининг саккиз фоизи;

4) даъво қиймати минг сўмдан ортиқ бўлган даъво аризаларидан — даъво қийматининг ўн фоизи;

5) колхозларнинг ва колхозлараро ташкилотларнинг давлат, кооператив бошқа жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари билан, шунингдек, ўзаро низолари бўйича берилган даъво аризаларидан бож ушбу модданинг 1—4-бандларига мувофиқ даъво қиймати бўйича белгиланади;

6) гражданларнинг ҳуқуқларига путур етказаётган давлат бошқарув органларининг ва мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан қилинган шикоятлардан — ўн сўм;

7) никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан — ўттиз сўм;

8) иккинчи никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан — эллик сўм;

9) никоҳ бекор қилинмаётганида мол-мулк тақсимланадиган ҳолларда бож ушбу модданинг 1—4-бандларига мувофиқ даъво қиймати бўйича белгиланади;

10) бедарак йўқолган ёки руҳий касаллиги ёхуд ақлий заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган, ё бўлмаса, камида уч йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан белгиланган тартибда никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан — беш сўм;

11) уй-жойларни ижарага олиш тўғрисидаги шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш, меросни олиш муддатини узайтириш, мол-мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги даъво аризаларидан ва мулкий характерда бўлмаган (ёки баҳолаш мумкин бўлмаган) бошқа даъво аризаларидан, шунингдек, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар юзасидан аризалар (шикоятлар) бўйича — ўн сўм;

12) колхозлар ва колхозлараро ташкилотларнинг давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, муассалари ва ташкилотлари билан, шунингдек, ўзаро шартнома олди низолари бўйича даъво аризаларидан — йигирма беш сўм;

13) судларнинг қарорлари устидан кассация аризаларидан — даъво аризаси (алоҳида тартибда кўриладиган ишлар юзасидан ариза) берилганда тўланиши керак бўлган қийматнинг эллик фоизи, молу-мулк низолари бўйича эса — низо юритилаётган суммадан ҳисоблаб чиқариладиган қийматнинг эллик фоизи.

Суднинг ажрими юзасидан берилган хусусий шикоятлар учун давлат божи тўланмайди:

14) суд қарорининг, ҳукмнинг, ажримнинг ва суд чиқарган бошқа қарорнинг нусхасини такрор берганлик учун — уч сўм ва бундан ташқари тайёрлаган ҳар бир соат учун олтимиш тийин (Бож ҳақида яна қаранг: Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги 1992 йил декабрдаги Қонуни).

Булардан ташқари, суд ёки судья гражданнинг мулкый аҳволига қараб уни давлат даромадларига тўланадиган суд харажатларини тўлашдан озод қилишга ҳақли.

Давлат бюджетига турган баъзи муассасалар ўзларининг хизмат фаолиятлари билан боғлиқ ишлар юзасидан давлат пошлинасини тўлашдан озод қилинадилар. Бундай муассасалар жумласига: биринчидан, даввогар ёки жавобгар бўлган Давлат банки, Қурилиш банки, Молия Вазирлигининг Қимматбаҳо металллар бошқармаси, ўзларининг муассасалари билан (аммо бу имтиёз мазкур муассасаларнинг хўжалик ҳисоби асосида иш кўрувчи корхона ва ташкилотларга жорий қилинмайди); иккинчидан, давлат сугурта органлари; учинчидан, давлат жамғарма банклари; тўртинчидан, алиментлар ва бошқа тўловларни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича бўлган даввогарлар (масалан, ички ишлар бўлимлари) киради.

Даввогарлар: Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари — атроф муҳитни ифлослантириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш оқибатида давлатга келтирилган зиённи қоплаш учун пул ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;

Ўзбекистон Нархлар давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари — нарх интизомини бузиш оқибатида кооперативлар асоссиз равишда орттирган даромадни бюджетга ундириб олиш ва тегишли жарима ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича.

Қонунга биноан суд ёки судья тарафларининг мулкый аҳволига қараб, тарафлардан бири ёки қар иккаласидан ҳам давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек, бу харажатларнинг миқдорини камайтирилиши ёхуд бу харажатларни тўлашдан бутунлай озод қилиши мумкин (ГПКнинг 94, 95-моддалари).

Даввогарнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда, у гражданлик ишининг юргизилиши туфайли қилган харажатларини тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлади. Бундай харажатлар даввогарнинг олдидаги мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажармагани ва шу туфайли даввогар муайян суд харажатларини қилишга мажбур бўлгани учун бу харажатлар жавобгар ҳисобидан ундирилиши лозим. Худди шунингдек, жавобгар ҳам, агар даввогарнинг унга нисбатан қилган даввоси рад этилса,

иш юзасидан қилган харажатларнинг даъвогар томонидан ўзига тўланишини талаб қила олади.

ГПКнинг 101—102-моддалари мазмунига кўра, суд харажатлари (давлат божи, суд чиқимлари) суд ажрими бўйича тақсимланиши кўрсатилган.

Пошлина суммаларининг миқдорини белгилашда суд тарафларнинг моддий аҳволи, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, ажралувчиларнинг айбли бўлиш даражаларини эътиборга олади. Суд тарафларнинг аҳволига қараб, эр-хотиндан бирини ёки ҳар иккисини пошлина тўлашдан озод қилиш ҳуқуқига эгадир.

Наманган вилояти, Зардарё райони судига

Наманган вилояти, Зардарё райони, Улугбек кўчаси,

73- уйда яшовчи Эгам Маликовадан

АРИЗА

(Суд харажатларини тўлашдан озод қилиш ҳақида)

Мен жавобгар Худоёр Маликов билан оилавий турмуш қурган эдим. Ўн беш йиллик турмуш давримизда бир қанча мол-мулк жамғарганмиз. Собиқ эрим Х. Маликов билан тузилган никоҳимиз 1990 йил май ойида суд тартибида бекор қилинди. Бироқ жавобгар менга тегишли 1200 (бир минг икки юз) сўмлик мол-мулкни қайтариб бермаяпти. Бу ҳақда судга ариза билан мурожаат этган эдим, суд 1990 йил 25 июлдаги ажрими билан ишни кўрмай қолдирди ва 120 (юз йигирма) сўм давлат божи тўлаш лозимлигини кўрсатди.

Бу божни қуйидаги сабабларга кўра тўлашга қурбим етмайди:

1) менинг қарамоғимда беш нафар ёш болаларим бўлиб, улар ҳали мактаб ёшидадирлар;

2) ўзим касаллигим туфайли иккинчи тоифа ногирони бўлиб қолганман ва ҳозирда ҳеч қаерда ишламайман.

Юқоридагиларга кўра, моддий аҳволимни инобатга олиб ҳамда ГПКнинг 95-моддасига асосан

Сўрайман:

Камина ушбу гражданлик иши бўйича тўланиши лозим бўлган 120 (бир юз йигирма) сўм миқдордаги давлат божини тўлашдан озод қилинсин.

Илова: 1. Менинг қарамоғимдагилар ҳақида маълумот.

2. Ноғиронлигим ҳақида маълумот.

3. Ишламаслигим ҳақида уй бошқармасининг берган маълумотномаси.

1990 йил 27 июль.

Э. Маликова

А Ж Р И М

1990 йил 29 июль.

Задарё райони.

Наманган вилояти, Задарё райони судининг судьяси Я. И. Икромов томонидан даъвогар Эгам Маликованинг жавобгар Худоёр Маликовга нисбатан мол-мулкни тақсимлаш тўғрисида қўзғатган даъво аризаси бўйича давлат божини тўлашдан озод қилиш ҳақидаги талаби кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар Эгам Маликова ўз даъво аризасида Х. Маликов билан оилавий турмуш жараёнида жамғарилган 3500 сўмлик мол-мулкнинг 1200 сўмини ундириб бериш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилган.

Даъвогар Эгам Маликовани муқаддам, яъни шу йил 19 июль куни юқоридаги суммани ундириш тўғрисидаги даъво талабини судья кўриб, тўланиши лозим бўлган 120 сўм давлат божини тўламасдан судга мурожаат этганлиги туфайли судья ажрим билан даъво аризасини ҳаракатсиз қолдирган ҳамда даъвогарга тегишли бошни давлат банкига тўлашни ва бу ҳақдаги ҳужжатни шу йил 25 июлгача ишга қўшиб судга тақдим этиш лозимлигини кўрсатган эди.

Э. Маликова шу йил 25 июлдаги аризасида эса ўзининг моддий аҳволини ночор эканлигини (5 та ёш фарзанди борлиги ва ўзининг ишламаслигини) кўрсатиб, давлат божини тўлашдан озод қилишни сўрайди. Бу ҳақда маҳалла қўмитасининг маълумотномасини судга тақдим этади. Суд ишдаги материалларни таҳлил қилиб, тарафларнинг баёнотларини тинглаб, даъвогарнинг илтимосини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд юқоридагиларга кўра ГПКнинг 95-моддасига асосан

Ажрим қилади:

Даъвогар Эгам Маликовани жавобгар Худоёр Маликовга нисбатан қўзғатилган гражданлик иши бўйича

тўланиши лозим бўлган 120 (юз йигирма) сўм давлат божини тўлашдан озод қилинсин.

Ажримдан норози томон шу суд орқали Наманган вилоят судининг гражданлик судлов ҳайъатига 10 кун муддат ичида хусусий шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Халқ судьяси: *Я. И. Икромов*

СУД ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ТУҒРИСИДА ТУШУНЧА

Гражданлик ишларини кўриш ва ҳал қилишда суднинг мулоҳза ва хулосалари муайян процессуал тартибда чиқариладиган суд қарорларида ўз ифодасини топади.

Гражданлик ишлари бўйича ҳал этиладиган масалаларга кўра суд қарорлари икки турга: ҳал қилув қарорлари ва ажримларга бўлинади.

Биринчи инстанция судининг ишини мазмунан ҳал қиладиган қарорига *ҳал қилув қарори* деб айтилади (ГПКнинг 208-моддаси). Бундай ҳал қилув қарори суд томонидан кўрилаётган асосий масалаларга жавоб тариқасида — тарафларнинг талаблари бўйича, маъмурий идораларнинг ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар, чунончи, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни белгилаш бўйича қабул қилинади.

Суд ўзининг ҳал қилув қарори билан тарафлар ўртасида чиққан моддий-ҳуқуқий низога жавоб беради, бузилган шахсий ва мулкий ҳуқуқларни тиклайди ҳамда баъзи низосиз ишларни ҳал қилади.

Ҳар бир ҳал қилув қарори аниқ бўлсин учун тўрт қисмдан: кириш, баён қилиш, асослантириш ва қарордан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ҳал қилув қарори чиқарилган вақт ва жой, ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи, суднинг ҳайъати, суд мажлисининг котиби, процессда қатнашган прокурор, тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, вакиллар кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмида даъвогарнинг талаби, жавобгарнинг эътирозлари ва ишда иштирок

этувчи бошқа шахсларнинг баёнотлари кўрсатилиши керак.

Ҳал қилув қарорининг юқорида кўрсатилган баён қилиш қисми мумкин қадар қисқа ёзилиб, низонинг нимадан иборат эканлиги тўла баён қилинмоғи лозим. Бу қисмда даъвогарнинг талаблари ва уларнинг асослари, шунингдек, даъвогарнинг талабига қарши жавобгарнинг эътирозлари ва бу эътироларга асос бўлган материаллари баён қилиши лозим. Агар учинчи шахс мустақил талаб киритган бўлса, бу қисмда учинчи шахсларнинг ҳам иштирок этганликларини ва уларнинг талабларини кўрсатиш лозим. Агар иш юзасидан бир марта ҳал қилув қарори чиқарилиб, кассацион ёки нозорат тартибда иш бекор қилинган бўлса, муқаддам қарорлар чиқарилганлиги ва юқори суд ўзининг қарор ажримда қандай кўрсатмалар бергани зикр қилиниши керак.

Суд амалиётида ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмини ёзишда турли хатолар учрайди. Баъзан қарорнинг бу қисмида ишдаги барча ҳолатларнинг мазмуни, тарафларнинг барча баёнотлари, ҳеч бир зарурат бўлмаса-да, тўла равишда ёзилган бўлади. Қарорда тарафлар ўртасида даъво қилинаётган нарсани аниқлаш учун зарур бўлган факт ва далилларгина баён қилиниши, яъни даъвогарнинг нимани ва қандай асосга биноан ўша нарсани талаб қилганлиги, жавобгар даъвогарнинг қандай талабларга ва нима учун эътироз билдирганлиги кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари ва келтирилган далиллар тўғрисидаги хулосалар, даъвони қаноатлантириш ёки рад қилиш учун бўлган асослар, суд қўллаган ҳонунлар кўрсатилмоғи лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида тарафлар топширган ҳужжатларни, суд мажлисида аниқланган фактларни таҳлил қилиб, тарафлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида чиқарилган хулоса ва бу муносабатларга берилган юридик баҳони кўрсатиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, суд ҳал қилув қарорининг шу қисмида далилларга баҳо беради, қандай фактлар аниқланган деб ҳисобланганлигини ва даъвогарнинг қандай талаблари ёки жавобгарнинг қандай эътирозларини тўғри деб топганлигини ва қандай ҳонунларга биноан тўғри деб ҳисоблаганлигини кўрсатиб ўтади.

Судьялар ишдаги ҳужжатларга, далилларга ўз фикрлари асосида баҳо берадилар. Аммо судьяларнинг фикрлари асоссиз фикр бўлмаслиги қерак. Бу фикр ишнинг суд аниқлаган ҳолатларига асосланган бўлмоғи лозим. Токи, суднинг ҳал қилув қароридан тарафларга, иш судда кўрилишида ҳозир бўлган гаржданларга ва бу қарорни текширувчи юқори судга суднинг нима учун шундай қарорга келганлиги ва тарафларнинг талабини тўғри ёки нотўғри деб топишга қандай асос борлиги очиқ кўриниб турсин. Бундан ташқари, суд нима учун у ёки бу қонунни (моддий-ҳуқуқий нормани) қўллаётганлигини кўрсатиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг қарор қисмида эса суднинг даъвони қаноатлантириш ёхуд даъвони тўла ёки қисман рад этиш тўғрисидаги хулосаси, суд харажатларининг тақсимооти ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилиши лозим (ГПКнинг 213 моддаси). Ҳал қилув қарорининг қарор қисмида су қандай қарорга келган бўлса, шу қарор ёзилади. Қарорнинг бу қисмида, агар даъво қондирилган бўлса, жавобга нимани бажариши кераклиги қатъий, аниқ ва равшан кўрсатадиган буйруқ шаклида ёзилмоғи лозим. Агар даъво қисман қондирилса, суд қандай талаблар қондирилганлигини ва қандай талаблар рад қилинганлигини аниқ кўрсатиши керак. Агар суд даъвонинг ҳаммасини рад қилиши зарур деб топса, қарор қисмида "даъво рад қилинсин" дебгина ёзиб қолдирмасдан, балки қайси даъвогарнинг даъвоси рад қилинганлигини ҳам аниқ кўрсатиши лозим. Ҳал қилув қарорининг аниқ ва равшан ёзилмаслиги бу қарорнинг бажарилишини қийинлаштиради.

Суд ҳал қилув қарорининг қарор қисмида қарорни ижро қилиш тартибини, яъни ҳал қилув қарорини ижро қилиш усули ва муддатини ҳам кўрсатади.

Ҳал қилув қарорининг қарор қисми охирида суд тарафларининг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилишга ҳақли эканликларини ва шикоят қилиш тартибини (қайси муддатда, қаерга топшириш ва шу сингариларни) кўрсатиб ўтиши лозим.

Агар суд ажралиш тўғрисидаги ишнинг қўзғатилиши чуқур ўйланилган ва асослантирилган важлар бўйича бўлганлигини ва никоҳни келгусида сақлаш ахлоқ талабларига зид келади деб топса ва эр-хотиннинг келгусида

бирга яшашлари учун етарли шароитлар яратилиши мумкин эмаслигига ва болаларни тарбиялаш учун талаб даражасидаги шароитлар бўлмаслигига ишонса, никоҳни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқариш лозим.

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1992 йил 6 февраль Тошкент шаҳар, Октябрь райони судининг очиқ суд мажлисида халқ судьяси А. И. Жалилова раислигида, халқ маслаҳатчилари А. Фозилова ва У. Собироваларнинг ҳайъатида, Л. Темурованинг котиблигида даъвогар Шоира Раҳматовна Боқиеванинг жавобгар Тўра Валиевич Боқиев билан тузилган никоҳни бекор қилиш, бир бола учун алимент ундириш ва мол-мулкни тақсимлаш тўғрисидаги фуқаролик иши кўрилиб, тубандагилар

Аниқланди:

Шоира Раҳматовна Боқиеванинг даъво аризасида ва суд мажлисидаги баёнотида жавобгар Тўра Валиевич Боқиевга 1987 йил 10 январда турмушга чиққани, ўрталарида 1988 йил 12 ноябрда туғилган Отабек исмли фарзандлари борлигини, турмуш қурганларидан сўнг жавобгар бирор жойда ёлчитиб ишламаганлигини, ҳомиладор вақтида кўчадан ўртоқлари уни сўраб келганида: "Сени нотаниш кишилар чақириб келади", деб рашк қилишини, уйга кирганида жавобгар папиросга наша ўраётганини кўриб қолганида: "Сен қилаётган ишимни кўриб қолдинг", деб роса урганини ва уйдан ҳайдаб чиқарганини, шунинг натижасида 1987 йил 30 декабрдан бери бирга яшамаётганликларини, энди оилани тиклашни ҳечам истамаслигини, жавобгар доимо уни сўкиб, ёши катталигини юзига солавергани, "хунуксан" деб ҳақоратлаб, хўрлаб келгани учун кўнгли ундан бутунлай совиб кетганини кўрсатиб, никоҳни бекор қилишни талаб этади. Шунингдек, жавобгарнинг ота-онаси олиб қолган рўйхатда кўрсатилган 52 турдаги молни ундириб беришни талаб қилиб, бу мол-мулклар унга онаси томонидан қилинган сарполар ва чиннилардан иборат эканлигини, бу мулклар унга совға қилинганлигини кўрсатади ва болани ўз тарбиясида қолдиришни сўрайди.

Жавобгар даъво талабларига иқрор бўлгани ҳолда, даъвогарнинг ота-онаси зўрлаб уйлантирганлигини, даъво-

гарга уйланишни итамаганлигини, тўйдан аввал икки ёш катта деб айтса-да, бироқ ЗАГСдан ўтаётганида даъвогар ундан 7 ёш катта эканлиги аниқланганлигини, шу боис унга умуман кўнгли бўлмаганлигини, ҳақиқатан ҳам доим уруш-жанжаллар бўлиб турганлигини, ҳозирда бошқа аёл билан оила қуриб, яшаётганлигини, даъвогар билан эса 1987 йилнинг декабрь ойдан бери бирга яшамаётганлигини, суд томонидан берилган муҳлат давомида бир марта "ярашасанми" деб борганлигини, даъвогарнинг ўзи "ярашмайман" деганидан сўнг бошқа бормаганлигини, ҳеч ҳам наша истемол қилмаганини кўрсатиб, никоҳни бекор қилишни сўрайди. Мол-мулк масаласида эса эр-хотин турмуш даврида ҳеч нарса олмаганликларини, тўйга қадар қилинган буюмларни улар ўртада тенг олганликларини ва мулк ҳақида даъвогарнинг даъвоси йўқлиги ҳақидаги тилхат борлигини, уни ишга қўшиб қўйилганлигини баён қилади. Жавобгар Тўра Боқиев 1988 йил 12 ноябрда туғилган ўғли Отабекка нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, уни тарбияси учун алимент тўлаб туришга рози эканлигини ва болани даъвогар тарбиясида қолишига рози эканлигини айтади.

Суд ҳайъати тарафларнинг баёнотини, гувоҳлар кўргазмаларини эшитиб, иш материалларини муҳокама қилиб, даъво аризасининг никоҳни бекор қилиш ҳақидаги қисмини қаноатлантиришни, мол-мулкни ундириш ҳақидаги қисмини эса кўрмасдан қолдиришни лозим топди.

Суд аниқлаган ҳолатга қараганд, тарафлар 1987 йил 10 январда никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар, аммо 1987 йил 30 декабрдан буён бирга яшамайдилар. Доимий уруш-жанжаллар туфайли уларнинг муносабати келишмай, даъвогар ҳомиладор вақтидаёқ ота-онасининг уйига кетишга мажбур бўлиб, фарзандини ҳам ўша ерда туққан. Ҳар икки тарафнинг ҳам умуман бир-бирига меҳр-муҳаббати йўқлиги юқоридаги кўрсатмалардан кўриниб турибди, бунинг сабабини жавобгар бошиданоқ даъвогарга мажбуран уйланганлигида деб кўрсатиб, ҳозирда эса у бошқа оила қурганини ҳам маълум қилади. Суд томонидан оилани сақлаш мақсадида муқаддам тарафларга ярашиш учун 6 ой муҳлат берилган бўлса-да, лекин бу муҳлат ичида ҳар икки томон ҳам ярашишга ҳаракат қилмаган.

Суд бундай ҳолдаэр ва хотинни бундан буён бирга яшаб кетишига ва оилани сақлаб қолишига имконият қолмаган деб ҳисоблайди. Даъвогар Ш. Р. Боқиевнинг

болани тарбиялаш масаласи онада қолиши кераклиги тўғрисидаги талабини суд асосли исботлайди ва бу тўғрида низо йўқлигини ҳисобга олиб, Никоҳ ва оила кодексининг 95—96-моддаларига асосан жавобгардан Отабек исми ўглининг тарбияси учун барча даромадларидан ҳар ойда тўртдан бир қисмини ундиришни лозим топади.

Даъвогар рўйхатда келтирилган мол-мулкларининг ҳаммаси жавобгарнинг ота-оналари томонидан никоҳга қадар олинган нарсалари бўлиб, тарафлар бирга турмуш қурган вақтларида ҳеч нарса сотиб олмаганликлари аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1989 йил 14 апрель қарорида эр-хотиннинг никоҳгача бўлган шахсий ва бошқа мулкларини ундириш тўғрисидаги талаблари никоҳни бекор қилиш иши билан кўрилиши мумкин эмаслиги қайд этилган. Шунинг учун даъвогарнинг бу талаби кўрилмасдан қолдирилиши лозим бўлади. Даъвогар низони умумий асосларда давлат божини тўлаб, алоҳида даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга.

Бинобарин, суд Никоҳ ва оила кодексининг 45, 47, 95—96-моддалари ва ГПКнинг 208—213-моддаларга асосланиб

Қарор қилади:

Ш. Р. Боқиеванинг никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилсин. Тўра Боқиев билан Шоира Боқиеваларнинг ўрталаридаги 9-рақамли ёзув билан 1987 йил 20 февралда Тошкент вилояти, Калинин райони, Фрунзе қишлоқ кенгаши гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш бўлими томонидан қайд этилган никоҳлари бекор қилинсин. Никоҳни бекор қилиш вақтида Т. Боқиевдан 150 (бир юз эллик) сўм давлат божи ундирилсин. Ш. Боқиева бож тўловидан озод этилсин. 1988 йил 12 февралда туғилган Отабек исми ўгли даъвогар Ш. Боқиева тарбиясида қолдирилсин. Жавобгар —1960 йилда Тошкент вилояти, Калинин районида туғилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор районидаги Авиасозлар заводида дурадгор бўлиб ишлаб, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Чувалачи кўчасининг 10-берк кўчаси, 10-уйда яшовчи Тўра Валиевич Боқиевнинг барча даромадларидан 1988 йил 12 ноябрда туғилган Отабек исми ўгли таъминоти учун тўртдан бир қисмини, лекин 20 сўмдан кам бўлмаган миқдорда Шоира Раҳматовна Боқиеванинг фойдасига ундирилсин.

Алимент 1992 йил 6 февралдан бошлаб ҳар ойда боланинг балогат ёшига етгунига қадар ундирилсин.

Т. В. Боқиевдан 47 сўмдан давлат божи давлат ихтиёрига ундирилсин.

Мол-мулкни ундириш тўғрисидаги даъвогар Ш. Р. Боқиевнинг даъвоси бу ишга тегишли бўлмаганлиги сабабли кўрмасдан қолдирилсин ва алоҳида даъво кўзғатиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига эга эканлиги тушунтирилсин.

Қарордан норози томонлар 10 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг гражданлик судлов ҳайъатига шикоят, ариза билан муурожаат этишлари, прокурор процести келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: *А. И. Жалилова*
Халқ маслаҳатчилари: *А. Фозилова*
У. Собирова

НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1991 йил 2 декабрда Тошкент вилояти, Оҳангарон райони судининг очиқ суд мажлисида раислик этувчи халқ судьяси А. К. Умаров, халқ маслаҳатчилари Д Раимбобоева ва С. Бойматовларнинг ҳайъатида, Г. Тожиевнинг котиблигида, Ш. Х. Норматовнинг жавобгар Ҳадия Норматовага нисбатан никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъвоси бўйича гражданлик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар Ш. Х. Норматов жавобгар, яъни хотини бўлиши Ҳ. М. Норматова билан 1979 йил 27 сентябрда Тошкент вилояти, Оҳангарон райони никоҳни қайд қилиш бўлимида 5276-рақамли гувоҳномада кўрсатилганидек, қонуний никоҳдан ўтиб, оилавий турмуш қурганлар. Биргаликдаги турмушларида 1981 йил 23 февралда Асадулла, 1984 йил 23 мартда Анвар исмли ўғиллар туғилган, уларнинг муросалари келишмай қолганлиги сабабли тез-тез жанжаллар бўлиб турган ва шу боис 1985 йилдан бошлаб томонлар бирга яшамайдилар. Даъвогар Ш. Норматов никоҳсиз Муҳаббат Қурбонова исмли аёлга уйлانган, у билан биргаликдаги турмуш даврида Наргиза исмли фарзандли бўлишган.

Ушбу иш биринчи марта 1988 йил 27 майда судда кўрилиб, уларга оилани тиклаш учун 6 ой муҳлат берилган. Бу даврда эр-хотин оилани тиклаш учун ҳеч қандай ижобий иш қилмаганлар, аксинча, даъвогар никоҳсиз уйланиб олган.

Суд мажлисида сўралган даъвогар Ш. Х. Норматов билан жавобгар Ҳ. М. Норматова бундан буён биргаликдаги турмушлари бўлмаслигини билдириб, иккалови ҳам никоҳни бекор қилишни илтимос қилдилар. Жавобгар Норматова ҳам яқин кунларда бошқа турмуш қурганини билдирди. Тарафлар турмуш даврида мол-мулк орттирмаганликларини, судга қадар бу масалани эр-хотин одилона ҳал этилганларини баён қиладилар.

Даъвогар фарзандлари Асадулла ва Анварларни жавобгарда қолдириш масаласида судга қадар ўзаро келишганлигини ва ихтиёрий равишда алимент тўлаётганини, бу масалада ҳам низо йўқлигини баён қилади, бу ҳолатни жавобгар ҳам тасдиқлайди.

Суд томонларнинг баёнотларини тинглаб, иш материалларини текширгач, бундан буён томонлар ўртасида оилавий турмушни тиклаб бўлмаслигини инobatга олиб, никоҳни бекор қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, суд Никоҳ ва оила кодексининг 45-моддасига ҳамда ГПКнинг 208—213-моддаларига асосан

Қарор қилади:

Шуҳратилла Холмуродович Норматов билан Ҳадия Мирҳамидовна Норматоваларнинг ўрталаридаги 1979 йил 27 сентябрда Тошкент вилояти, Оҳангарон район фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш бўлимида 5276-рақамли тузилган никоҳ бекор қилинсин.

Ш. Х. Норматован давлат фойдасига 200 сўм давлат божи ундирилсин.

Т. М. Норматова давлат божини тўлашдан озод этилсин.

Қарордан норози томонлар 10 кун муддат ичида Оҳангарон райони суди орқали Тошкент вилоят судининг фуқаролик судлов ҳайъатига шикоят ариза билан мурожаат қилишга ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Халқ судьяси: А. К. Умаров
Халқ маслаҳатчилари: Д. Раимбобоева
С. Бойматов

НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ ДАЪВОНИ РАД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси номидан
ҳал қилув қарори

1990 йил октябрь ойининг 29 куни Тошкент шаҳри, Ҳамза райони судининг биносида очиқ суд мажлисида раислик қилувчи халқ судьяси Р. Усмонов, халқ маслаҳатчилари С. Аллаёров ва Т. Нурхоноваларнинг ҳайъатида, У. Сафаровнинг котиблигида, даъвогар Ёқубжон Мирзамаҳмудович Раҳмоновнинг жавобгар Адолат Абдувалиевна Раҳмоновага нисбатан ўрталаридаги никоҳни бекор қилиш ҳақидаги фуқаролик иши кўрилиб, тубандагилар

Аниқланди:

Даъвогар Ё. М. Раҳмонов 1983 йилда А. А. Раҳмонова билан қонуний никоҳдан ўтган ҳолда оилавий турмуш қурганлар, турмушлари давомида 3 нафар фарзанд туғилган. Даъвогар Ё. М. Раҳмонов судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, турмуш даврида хотинининг феъл-атвори жуда ҳам ёмонлашиб борганини, арзимаган ишдан жанжал чиқаришини ва хотинининг уй-рўзғор ишлари билан шуғулланмаслигини кўрсатади. Оилавий муносабатлари 1990 йил август ойидан бошлаб тўхтаганлигини билдириб, никоҳни бекор қилишни сўрайди.

Жавобгар Адолат Раҳмонова даъво талабларини тан олмай, уч нафар фанзанди борлиги учун оилани сақлаб қолишни сўрайди ва никоҳ муносабатлари шу йил август ойининг охирларидан даъвогарнинг айби билан узилганлигини, эри ўз болаларини яхши кўришини, шунинг учун даъвогарнинг келтирган майда-чуда важлари никоҳни бекор қилиш учун асос бўла олмаслигини баён қилиб, даъво ни рад этишини сўрайди ва эрини яхши кўриб турмуш қурганини, ҳозир ҳам ҳурмат қилишини баён қилади. Дарҳақиқат, оилавий турмуш жараёнида ўткинчи уруш-жанжаллар бўлиб ўтган. Жавобгар бу жанжалларга даъвогарни сабабчи деб кўрсатади, чунки у охири вақтларда уйга кеч ҳамда спиртли ичимлик ичиб маст ҳолда келадиган бўлганини, шунга қарамай, фарзандлари отасини жуда ҳам севишларини кўрсатади.

Суд томонларнинг баёнотларини, иш материалларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, гувоҳларнинг кўрсатмаларини

тинглагач, Никоҳ ва оила кодексининг 45—46-моддаларига асосланиб, даъвогарнинг никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги талаби учун етарли асослар йўқ деб ҳисоблайди, чунки эр ва хотин ўртасидаги ўткинчи майда гаплар никоҳдан ажралиш учун асос бўла олмайди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг "Никоҳни бекор қилиш ишларини кўришда судлар томонидан қонунларни қўллаш практикаси тўғрисида"ги 1989 йил 14 апрелдаги Пленуми қарорида кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, суд даъвогарнинг аризасидаги "жавобгар эрини севмаслиги ва уй-рўзғор ишларини ўз вақтида бажармаслиги, онасига ёрдам бермаслиги" каби важларнинг асоссизлигини, даъвогарнинг қўшнилари — гувоҳлар В. Асқаров, К. Ботировлар ўз кўрсатмаларида эр-хотиннинг жуда ҳам иноқ яшашлигини, жавобгар ниҳоятда одобли, хушмуомала эканлигини, даъвогар онасининг ва оила аъзоларининг ҳурматини сақлаб юришини баён қилдилар. Даъвогар гувоҳларнинг кўрсатмаларига ҳеч қандай эътироз билдирмади.

Жавобгарнинг фарзандлари ўз отасини жуда севишлари тўғрисидаги баёноти иш материаллари ва даъвогарнинг тан олиши билан ҳам тасдиқланади, бундай ҳолларда суд фарзандларни ота меҳридан жудо қилиш учун асос йўқ деб ҳисоблайди. Шуларга кўра, суд даъвогарнинг келтирган важлари никоҳни бекор қилиш учун асос бўла олмайди ҳамда Никоҳ ва оила кодексининг 45-моддасидаги талаблар йўқ деган хулосага келди.

Суд юқоридаги ҳолатларни эътиборга олиб, Никоҳ ва оила кодексининг 45, 46-моддаларига ҳамда ГПКнинг 208-213-моддаларига асосан

Қарор қилади:

Даъвогар Ёқубжон Раҳмоновнинг жавобгар Адолат Раҳмоновага нисбатан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъвоси асоссиз бўлганлиги сабабли рад этилсин.

Қарордан норози томонлар 10 кун муддат ичида шу халқ суди орқали Тошкент шаҳар судининг гражданлик судлов коллегиясига шикоят қилишлари ёки эътироз билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи: *Р. Усмонов*
Халқ маслаҳатчилари: *С. Аллаёров*
Т. Нурхонова

СУД МАЖЛИСИ ПРОТОКОЛИ (ҚАЙДНОМАСИ)

1992 йил апрел ойининг 14 куни Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони судининг биносида суд мажлиси бўлиб, унда судья С. А. Ҳошимова раислигида, халқ маслаҳатчилари Ю. Хонкелдиев ва В. Очиловларнинг ҳайъатида, С. Ҳамидовнинг котиблигида даъвогар Гулнора Абдумаликованинг жавобгар Мақсуд Абдумаликовга нисбатан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги гаржанданлик иши кўрилди.

Суд мажлиси соат 10 да бошланиб, 12 да тамом бўлди. Раислик этувчи суд мажлисини очиб, кўриладиган ишни эълон қилди.

Котибнинг маърузаси:

Суд мажлисига тарафлар — даъвогар Гулнора Абдумаликова, жавобгар Мақсуд Абдумаликов келдилар. Гувоҳ Абдураззоқ Қаюмов суд залидан ташқарига чиқарилди.

Раислик этувчи суд ҳайъати, суд котиби ва прокурорнинг исм-шарифларини эълон қилди. Ишда иштирок этувчи шахсларга четлатиш ҳуқуқи ва уларни бошқа процессуал ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилди.

Раислик этувчи томонларнинг шахсини аниқлади.

Даъвогар: Гулнора Абдумаликова — 1969 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, "Гулистон" ресторанида ошпаз бўлиб ишлайди.

Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Муҳаббат кўчаси, 22-уйда яшайди.

Жавобгар: Мақсуд Абдумаликов — 1962 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, 3-автокомбинатда ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони, 1-Спутник кўчаси, 84-уйда яшайди.

Даъвогар Гулнора Абдумаликова: "Суд ҳайъатига қаршилигим йўқ, қонуний ҳуқуқларим тушунарли".

Жавобгар Мақсуд Абдумаликов: "Суд ҳайъатига қаршилигим йўқ, қонуний ҳуқуқларим тушунарли".

Раислик қилувчи даъво аризани ўқиб эшиттирди ва тарафларга қуйидаги саволлар билан мурожаат этди: "Даъвогар даъвони қувватлайдими? Жавобгар даъвога иқрорми?".

Даъвогар Г. Абдумаликованинг баёноти:

"Мен даъво аризамни қувватлайман. 1983 йили ЗАГСдан ўтиб турмуш қурганмиз. Ўртамизда 3 нафар фарандларимиз бор. Турмуш ўртоғим билан бошида яхши яшадик. Кейинчалик ўртамизда келишмовчиликлар бошланди. Жанжаллар тўхтамаганидан кейин мен ота-онаминг уйига кетишга мажбур бўлдим ва ҳозирда ота-онаминг уйида яшаяпман. Жавобгар билан 4 йилдан буён эр-хотинлик муносабатида эмасмиз. Жавобгар ўпка касали билан оғриган. Бирга яшашга ҳаракат қилдим, лекин бўлмади. Ўртамиздаги никоҳимизни муддат бермасдан бекор қилишингизни сўрайман. Чунки эрим ўтакетган қўрқоқ, камҳафсала киши бўлиб, оиланинг бири икки бўлиши учун ҳеч ҳаракат қилмайди. Унинг ота-оналари бадавлат, агар уйда камчилик бўлиб қолса, ота-онасининг уйига кетиб қолади ва ўша жойда қолиб кетади, болалари билан иши йўқ.

Раислик қилувчининг саволига даъвогарнинг жавоби: "болаларим учун жавобгар билан ярашиб кетишга бир неча марта ҳаракат қилдим, бўлмади".

Халқ маслаҳатчиси Г. Очилованинг саволига даъвогарнинг жавоби: "Оила қуришни хоҳлаган киши рўзғордаги камчиликларга кўникади, бардош беради, сабр-тоқат қилади. Бироқ жавобгар ўзининг касаллигини айтиб, менга нима қилиб бўлса ҳам мол-дунё топиб келишимни, ишхонадан ортиқча пул топишимни айтади. У ҳатто мени жиноий ишларга ҳам ундади, лекин буни мен бажармадим".

Жавобгар М. Абдумаликов: "Даъвогарнинг кўрсатмасини қисман тасдиқлайман".

Жавобгар М. Абдумаликовнинг баёноти:

"Мен даъво аризани қувватлайман. 1983 йилда ЗАГС рўйхатидан никоҳни қайд эттирган ҳолда турмуш қурганмиз. Турмушимиз давомида 3 нафар фарзанд кўрдик. Даъвогар билан 4 йилдан буён бирга яшмаймиз, у ота-онасиникига кетиб қолган. Мен анча касал бўлиб ётдим, лекин даъвогар бирор марта хабар олмади. Оиламизни тиклаб бўлмайди, ўрталаримиздаги никоҳни бекор қилиб беришингизни сўрайман".

Раислик қилувчининг саволига жавобгарнинг жавоби: "Барибир оиламизни тиклаб бўлмайди, чунки бундай ҳол 6 йилдан буён давом этади".

Даъвогар Г. Абдумаликова: "Жавобгарнинг сўзларини қисман тасдиқлайман, саволим йўқ"

Гувоҳ Абдураззоқ Қаюмов — 1961 йилда туғилган ўзбек, Октябрь райони озиқ-овқат тармоғида ишчи. Яшаш жойи — Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Гуручариқ кўчаси, 83-уй.

Раислик қилувчи гувоҳнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиргач, ЖКнинг 161—162-моддалари билан огоҳлантирилиб, тилхат олинди: "Мен даъвогарнинг акаси бўлман, жавобгар менинг куёвим бўлади. Ҳар иккаласига нисбатан ҳам шахсий адоватим йўқ.

Синглим Гулнора кўпинча уйга келиб, оиласи мустаҳкам эмаслигини, эрининг касаллигини, у билан яшашни хоҳламаслигини гапириб берарди. Мен куёв билан бир неча марта гаплашиб кўрдим, у ҳам яшашни хоҳламаслигини айтди. Буларнинг оиласини тиклаб бўлмайди, никоҳларини бекор қилишга тўғри келади. Буларга яна асос шуки, куёвим касал пайтларида уйдан чиқиб кетиб, аллақасқларда юриб келадиган бўлиб қолди, юриш-туришлари ўзгариб кетди. Бу ҳақда синглим йўқлигида гаплашган эдим, у "мен озод йигитман, нима билан шуғуллансам, менинг ишим, хотиним билан икки дунёда ҳам ярашмайман", деб жавоб берди. Унинг бу хатти-ҳаракатларини кўпчилик билади, биз гап-сўз бўлмасин деб яшириб келмоқдамиз. Аслида уларнинг оиласи бузилганига кўп вақт бўлди".

Раислик қилувчининг саволига даъвогар Г. Абдумаликованинг жавоби: "Гувоҳнинг кўрсатмаларини тасдиқлайман, саволим йўқ"

Жавобгар М. Абдумаликовнинг жавоби: "Гувоҳнинг берган гувоҳлигини тасдиқлайман, саволим йўқ".

Раислик этувчи тарафлардан қўшимча баёнотлари бор-йўқлигини сўради. Суд тафтишида тарафлардан қўшимча ва илтимослар бўлмади.

Раислик қилувчи суд мажлиси залида иштирок этувчиларга суд тафтиши тамом деб ҳисоблаб, суд ҳайъати ҳал қилув қарори чиқариш учун маслаҳатхонага киради. Суд ҳайъати маслаҳатхонадан чиққач, ҳал қилув қарорини раислик қилувчи ўқиб эшиттирди.

Раислик этувчи шикоят қилиш тартиби ва муддатини, суд мажлиси протоколи билан танишиб чиқиш муддатларини тушунтириб, суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилди.

Раислик этувчи: С. А. Ҳошимова
Котиб: С. Ҳамидова

НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Суднинг никоҳдан ажралиш тўғрисидаги талабни қаноатлантирадиган қарори ажралишни қайд этиш учун ЗАГС органига мурожаат қилишга асос беради ва бундай ажралиш қайд қилинган вақтдан эътиборан эр ва хотин бир-бирларига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қиладилар.

Қарорда ажралишнинг гражданлик ҳолати актларини ёзиш органларида қайд қилиниши чоғида ундирилиш лозим бўлган давлат пошлинасининг эр ва хотиннинг қайси биридан ҳамда қанча миқдорда олиниши кераклиги, шунингдек, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш тартиби кўрсатилади ва қарор суд таркиби томонидан имзоланади.

Суднинг никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарори фақат ажралишга бўлган ҳуқуқнинг тан олинганлигини билдиради. Тарафлар суднинг бу қарорини гражданлик ҳолати актларини қайд этиш органида расмийлаштиргунларича ажралмаган ҳисобланадилар. Никоҳни бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилгандан сўнг ҳам эр ва хотинларга ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатлари тўғрисида яна бир карра ўйлаб, мулоҳаза қилиш учун фурсат берилади. Суд томонидан қарор чиқарилганидан кейин ҳам эр ва хотин бирга ярашишлари ҳамда оилани сақлашлари мумкин. Шунинг учун ҳам эр ва хотин ажралиш тўғрисидаги суд қарорларини албатта муайян бир вақт ичида гражданлик ҳолати актларини қайд этиш органида расмийлаштиришга мажбур қилинмайдилар.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори бўйича ГПКнинг 310—314-моддаларига мувофиқ, умумий асосларда шикоят қилиниши мумкин.

Судга никоҳдан ажралиш тўғрисидаги аризанинг берилишида тўланиши лозим бўлган 30 сўмдан ташқари ажралишни ЗАГС органида қайд қилдиришда суднинг чиқарган ҳал қилув қарори бўйича эр ва хотиннинг биридан ёки ҳар иккаласидан 100 сўмдан 200 сўмгача давлат божи ундирилади (Никоҳ ва оила кодексининг 50-моддаси).

НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ ИЖРО БОСҚИЧИДА ИЖРО ҚИЛИШНИ ТУГАТИШ ҲАҚИДА

А Ж Р И М

1991 йил 21 январь.

Ангрен шаҳри.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг очиқ суд мажлисида халқ судьяси Б. Ибратов раислигида, халқ маслаҳатчилари К. Исаев ва П. Рўзиматовлар ҳайъатида, Х. Собирова котиблигида А. Олимов ва Д. Олимоваларнинг ўрталаридаги никоҳни бекор қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори ижросини иш юргизишдан тугатиш тўғрисидаги аризаси кўрилиб, тубандагилар

А н и қ л а н д и :

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг 1990 йил 12 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, А. Олимов билан Д. Олимовалар ўртасида 1987 йил 15 мартда тузилган никоҳ бекор қилинган.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган.

Даъвогар А. Олимов ва жавобгар Д. Олимовалар судга ариза билан мурожаат этиб, муқаддам никоҳни бекор қилиш тўғрисида чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори ижросини иш юритишдан тугатишни, бунга асос қилиб, улар ҳаётда бир оз адашганликларини, бу ҳаракатларини ўйламай-нетмай қилганликларини, энг муҳими — фарзандларини етим қолдирмасдан бирга тарбиялашларини, ҳозир ярашиб, бирга оилавий ҳаёт кечираётганликларини кўрсатадилар.

Ажралиш ҳақида ариза билан никоҳни қайд этиш идораларига мурожаат қилмаганлар.

Амалдаги судларда никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни кўришда қонунчиликни татбиқ қилиш амалиёти ҳақидаги Олий Суднинг Пленуми қарорининг 20-бандининг 2-қисмида ва шу қарорга 1990 йил 30 сентябрда киритилган ўзгартиришларда агар никоҳни бекор қилиш ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин, ЗАГС идораларида рўйхатдан ўтмасдан тарафлар ярашсалар, суд ГПКнинг 400-моддасига асосан, тарафларнинг аризалари бўлган тақдирда ижро ҳаракатларини ижро босқичида тугатиш мумкин эканлиги ҳақида кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан суд А. Олимов билан Д. Олимоваларнинг аризаларини қаноатлантиришни лозим топади.

Суд ГПКнинг 400-моддасини қўллаб,

Ажрим қилади:

Али Олимов билан Доно Олимовалар ўртасида тузилган никоҳни бекор қилиш ҳақидаги Ангрен шаҳар судининг 1990 йил 12 ноябрда чиқарган ҳал қилув қарорини ижро қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар ижро босқичида тугатилсин.

Ажримдан норози томонлар 10 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилояти судининг гражданлик судлов ҳайъатига хусусий шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Халқ судьяси: *Б. Ибратов*

Халқ маслаҳатчилари: *К. Исаев*

П. Рўзиматов

ФУҚАРОЛИК СУДЛОВИ ҲАЙЪАТИДАГИ

АЖРИМ

1989 йил январь ойининг 10 кунида Тошкент шаҳар судининг гражданлик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлисида раислик этувчи В. У. Норов, ҳайъат аъзолари К. У. Саидов ва С. А. Камилов, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси К. Бурханбекова, адвокат Ш. Наримановаларнинг иштирокида Тошкент шаҳри, С. Раҳимов район халқ судининг 1988 йил 7 декабрда кўрган 1552-рақамли гражданлик иши бўйича чиқарган ҳал қилув қарорига норози бўлиб, Г. Файзуллаева томонидан келтирилган шикоят аризасига кўра, иш бўйича ҳайъат аъзоси С. А. Комиловнинг маърузасини тингланиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар Равшан Номозович Файзуллаев билан жавобгар Гулшаҳноз Абдукаримовна Файзуллаева ўрталаридаги никоҳ 1986 йил 7 сентябрда қонуний қайд қилинган. Турмушлари даврида 1987 йил 30 августда туғилган ўғиллари бор бўлиб, эр-хотин 1986 йил 30 ноябрдан бери бирга яшашмайди.

Даъвогар Р. Н. Файзуллаев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўрталаридаги никоҳни бекор қилишни сўраган, улар ўртасидаги тушунмовчиликлар, характерларининг тўғри келмаслиги оқибатида жавобгар ўз ота-онасининг уйига кетиб қолганлигини, натижада уларнинг муносабатлари совиб кетганлигини, умуман улар ўртасидаги муносабат 1986 йил ноябрь ойидан бери яхши бўлмаганлигини ва шу вақтдан бери бирга яшашмасликларини ва оилани тиклаб бўлмаслигини бунга асос қилиб келтиради.

Жавобгар Г. А. Файзуллаева никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризасини тан олиб, оилани тиклаб бўлмаслигини, бунга сабаб даъвогар ва унинг оила аъзолари билан бўлиб ўтган жанжаллар натижасида бирга яшаш мумкин бўлмаган ҳолатлар вужудга келганлигини билдирган. Шу билан бирга у ўзининг қарши даъво аризасида, даъвогардан 1887 сўм миқдорда пул ва даъвогар томонидан қилинган мол-мулк яроқсиз ҳолда бўлиб, унинг ҳам пулини ундиришини сўраган.

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони халқ судининг 1988 йил 7 декабрда чиқарган ҳал қилув қарорига кўра, тарафлар ўртасидаги никоҳ бекор қилиниб, Г. А. Файзуллаева фойдасига 375 сўмлик мол-мулк ундириб берилган.

Жавобгар Г. Файзуллаева томонидан ёзилган шикоят аризасида халқ судининг ҳал қилув қарорининг мол-мулкни тақсимлаш қисмидан норози бўлиб, суд томонидан унинг даъволари тўла қаноатлантирилмаганлиги кўрсатилган.

Ушбу шикоят аризасига даъвогар Р. Н. Файзуллаева томонидан келтирилган эътироз аризасида халқ судининг чиқарган қарори тўғри ҳисобланиб, шикоят аризасини қаноатлантирмаслик сўралган.

Гражданлик судлов ҳайъати иш материалларини текшириб, шикоят аризасида келтирилган важларни атрофлича кўриб чиқиб, қуйидагиларга кўра халқ судининг чиқарган ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришини лозим топади:

Суд ҳар икки тарафнинг никоҳини бекор қилиш ҳақидаги важларини атрофлича кўриб чиқиб, келгусида улар ўртасидаги оилани тиклаб бўлмайдиган ҳолат юзага келганини, чунки улар бир-бирларини тушунмасликлари оқибатида доимий равишда жанжал бўлиб келганини ва жавобгарнинг ўзи оила қилишни истамай, 1986 йил ноябрь

ойида кетиб қолганини, шундан сўнг оилани тиклаш ҳақида ҳеч қандай ҳаракат бўлмаганини аниқлаган. Суд томонидан тарафларга берилган ярашиш муҳлати ҳам ижобий ҳал бўлмаган. Шунинг учун суд ўз қарорида келгусида тарафларнинг оиласини тиклаб бўлмайди деб тўғри хулосага келган.

Жавобгар Г. Файзуллаеванинг мол-мулкни ундириш ҳақидаги даъвоси ҳам суд томонидан тўғри ҳал қилинган, яъни суд мажлисида аниқланган ҳолатга кўра Г. Файзуллаева ўзига тегишли мол-мулкни 1987 йил 24 июнда ота-онаси билан биргаликда олиб кетган. Г. Файзуллаеванинг суд мажлисига берган даъво аризасида, даъвогар Р. Файзуллаев томонидан унга 35 предметдан иборат кийим-бош совға қилинган бўлиб, шу молларни даъвогар бермаган деб кўрсатилади. Лекин судда аниқланишича, даъвогарнинг ота-онаси томонидан фақат 375 сўмлик кийим билан 1000 сўм пул тўй даврида Файзуллаевалар оиласига келинга сарпо қилиш учун берилганини тарафлар судда инкор этишмаган. Шунинг учун суд қарши даъво аризасини қисман қаноатлантириб, Г. Файзуллаева томонидан берилган қарши даъво аризасидаги мол-мулк даъвоси ўз тасдиғини тўла топмаган, деб суд рад этган. Суднинг қарорини мол-мулк қисми ҳам тўғри ҳал этилган бўлиб, ҳақиқатан Г. Файзуллаева ўзига тегишли мол-мулкларни олиб кетаётганида унга совға қилинган мол-мулклар даъвогар томонидан берилмагани тўғрисида ҳеч қаерда қайд қилинмаган. Ҳақиқатда даъвогарлар томонидан 35 предметдан иборат кийим-бош қилинган ёки қилинмаганлигини Файзуллаева судда исбот эта олмади.

Шунинг учун судлов ҳайъати Г. Файзуллаеванинг шикоят аризасидаги вазлар далилланмаган деб ҳисоблаб, суд қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 332-моддасини қўллаб, гражданлик судлов ҳайъати

А ж р и м қ и л а д и :

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони судининг даъвогар Р. Н. Файзуллаевнинг жавобгар Г. А. Файзуллаевага нисбатан никоҳни бекор қилиш ва мол-мулкни қайтариб бериш ҳақидаги даъво аризаси бўйича кўрилган фуқаролик иши юзасидан 1987 йил 7 декабрда чиқарган ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилсин. Иш бўйича

Г. А. Файзуллаева келтирган кассация шикояти эса қаноатлантирилмай қолдирилсин.

Раислик этувчи: *В. У. Норов*
Ҳайъат аъзолари: *К. У. Саидов*
С. А. Комилов

V.

АЛИМЕНТ УНДИРИШ, ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШГА ОИД ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАР

АЛИМЕНТНИ ИХТИЁРИЙ ТЎЛАШ ХУСУСИДА

Мазкур тоифадаги ишлар бўйича аризаларни қабул қилишда судья манфаатдор шахсларга алиментларнинг суд қарори бўйича ҳам, шунингдек, алимент тўлашга мажбур бўлган шахсларнинг иш жойи (пенсия, стипендия олиш жойи) бўйича ҳам маъмуриятга берилган ёзма аризасига мувофиқ ихтиёрий тартибда ҳам ундирилиши мумкинлигини тушунтириш лозим. Бундай ҳолларда маъмурият берилган аризага мувофиқ ҳар ойда қарздорнинг иш ҳақи (пенсия ва бошқа суммалар)дан алиментларни ундиришга ҳамда аризада кўрсатилган шахсга ижро варақаси бўйича тўланиши лозим бўлган муддатларда тўлашга ёки кўчиришга мажбур. Бу тартиб алимент олувчи шахсларни алимент ундирилиши тўғрисидаги даъволари билан ҳар қачон судга мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди (Никоҳ ва оила кодексининг 120-моддаси).

Алимент ундириш билан боғлиқ бўлган гражданлик ишларнинг судда кўриш аксарият ҳолларда, коллегиялик принципига риоя қилинган ҳолда, судья ва халқ маслаҳатчиларининг иштирокида кўриб қал этилади.

Қонун айрим ҳолларда алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича низо бўлмаса, гражданлик иши қўзғатилмасдан судьянинг якка ўзи ишни кўриши мумкинлиги ҳақида Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг 1985 йил 29 апрель фармонида қайд қилинган.

Низосиз тартибда балоғатга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундиришга асос бўлиб, манфаатдор шахслар (аризачи)нинг аризаси бўлиб ҳисобланади. Биринчи инстанция судида кўриладиган бундай низосиз ишлар бўйича судья қарор чиқаради. Судья ишни кўришда

қарздор шахсни алимент тўлаш учун розилигини аниқлайди ва бу ҳақда хабардор қилинади.

Агар қарздор шахс алимент тўлаши ҳақида хабардор бўлишига қарамай, ўзининг норозилигини билдирмаса ва бу тўғрида судга тегишли маълумот бермаса, судья бундай ҳолларда ҳам ундириш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли.

Қарздор шахс қарордан норози бўлиб, норозилигини асослаган ҳолларда ундириш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳақида судья ажрим чиқаради. Шу иш бўйича низо пайдо бўлган ҳолда ҳам қарор бекор қилиниб, гражданлик иши судда умумий даъво қўзғатиш тартибда, коллегиял асосда кўрилади. Низосиз тартибда алимент ундириш ҳақида юқорида қайд қилинган фармонларни республика судлари томонидан қандай татбиқ этиш лозимлиги ҳақида Ўзбекистон Юстиция Вазирлиги ва Республика Олий Суди 1985 йил 25 майда Методик тавсияномани тасдиқладилар ва бу қоидага амал қилиш масалаларини кўрсатиб бердилар.

Тошкент шаҳри, Чилонзор райони судига
Аризачи: Юлдуз Маҳмудова — Тошкент шаҳри,
Чилонзор райони, Муқимий кўчаси, 20-уйда
яшайди.

Тўловчи: Низом Маҳмудов — Тошкент шаҳри, Чи-
лонзор райони, Қизилтепа кўчаси, 10-уйда
яшайди.

АРИЗА

(Алимент ундириш ҳақида)

Мен 1985 йил 10 апрелда Низом Маҳмудовга никоҳни расмийлаштирган ҳолда турмушга чиқдим. Ҳозирда оилавий турмушимиз турли сабабларга кўра бузилган, бунда менинг ота-онамнинг айблари бор. Эрим 1990 йил август ойида оилани ташлаб чиқиб кетди. Оилавий турмушимиз даврида — 1987 йил 1 октябрда Улуғбек исмли фарзанд кўрдик. Ўғлим менинг қарамоғимда тарбияланыпти, лекин отаси унга моддий ёрдам бермаяпти. Эримнинг бошқа оиласи ва фарзандлари йўқ бўлиб, ижро ҳужжатлари бўйича топган даромадларидан нафақа миқдори ушланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Никоҳ ва оила кодексининг 95—96-моддаларига асосан

Сўрайман:

Тошкент вилояти, Бўка районида 1958 йил 30 августда туғилган Низом Маҳмудовдан менинг фойдамга 1987 йил 1 октябрда туғилган Улугбек исмли ўғлимнинг таъминоти учун 1990 йил 5 октябрдан то балоғат ёшига етгунга қадар ҳар ойда барча турдаги даромадларидан тўртдан бир қисми, лекин 20 сўмдан кам бўлмаган миқдорда алимент ундириб берилсин.

Илова: 1. Никоҳ гувоҳномамиздан нусха.

2. Боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномадан нусха.

3. Ўғлим менинг қарамоғимда эканлиги ҳақида маҳалла қўмитасидан маълумот.

4. Эримнинг маоши ҳақида маълумот.

5. Аризанинг нусхаси.

1990 йил 5 октябрь.

Ю. Маҳмудова

АЛИМЕНТЛАРНИ СУД ТАРТИБИДА УНДИРИШ

Алиментлар ундириш тўғрисидаги ишлар муайян хусусиятларга эга, бу хусусиятларни эътиборга олмаслик, тарафларнинг ва бошқа манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларининг жиддий бузилишига, гайриқонуний ва асослантилмаган қарорларнинг чиқарилишига олиб келиши мумкин.

ГПК 94-моддасининг 3-бандига мувофиқ, алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича даъвогарлар суд харажатларини тўлашдан озод қилинадилар. ГПК 130-моддасининг 3-қисмига мувофиқ, алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича жавобгарнинг турган жойи бўйичагина эмас, балки даъвогарнинг турган жойи бўйича ҳам судга мурожаат қилиниши мумкин. Бу қоидалар шундай туркумдаги ишлар бўйича даъвогарлар учун муҳим процессуал имтиёзлар белгилайди. Уларнинг мақсади суд тартибида алиментлар ундиришни осонлаштиришдир. Аммо бу қоида алимент мажбуриятлари билан боглиқ бўлган барча ишларга жорий этилмайди, хусусан, алиментларнинг миқдорини камайтириш ва уларни тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги ишларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Болаларни асраш учун алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволарни никоҳни бскор қилиш тўғрисидаги

даъволардан алоҳида, шунингдек, бундай даъволарнинг ҳал қилинишида ҳам, оталикни белгилаш тўғрисидаги даъволар билан бирга ҳам қўзғатилиши мумкинлигини назарда тутиш керак.

Алиментлар ундириш тўғрисидаги даъво аризаси ёзма шаклда тузилиб, ГПКнинг 139, 250²-моддаларида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олади. Жавобгар алиментлар тўлашдан бош товлаганида, уни қидириш учун қандай чоралар кўрилганлиги ва унинг ҳозирги вақтда қаерда яшаши тўғрисидаги маълумотлар ҳам аризада кўрсатилади. Жавобгарнинг яшаш жойи номаълум бўлса, бу ҳолат ҳам кўрсатилиши керак.

Даъво аризасига тубандагича ҳужжатлар илова қилинади: боланинг туғилиши тўғрисидаги гувоҳнома; никоҳнинг қайд қилиниши тўғрисидаги гувоҳнома; боланинг ариза берувчи билан бирга яшаши ва унинг боқимида бўлиши тўғрисидаги маълумотнома; жавобгарнинг ишлаб турган жойидан, унинг иш ҳақи тўғрисидаги ва унинг иш ҳақидан бошқа шахсларнинг фойдасига ижро ҳужжатлари бўйича сумма ундирилиши тўғрисидаги маълумотнома: агар жавобгар колхозчи бўлса, жавобгарнинг томорқа участкасидан оладиган қўшимча даромадлари халқ депутатлари қишлоқ кенгашининг маълумоти илова қилинади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан бирортаси бўлмаса, даъвогарга бундай ҳужжатларни мумкин қадар қисқа муддат ичида топшириш бирмунча қийин кечса, судья уларни тегишли муассасалардан ўз ташаббуси бўйича талаб қилиб олишга мажбур (ГПКнинг 53, 161-моддалари).

Ота-оналардан болаларнинг таъминоти учун алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар, ота-оналари ўртасидаги никоҳни бекор қилиниш-қилинмаслигидан қатъи назар қўзғатилиш мумкин.

Судья ишни судда кўришга тайёрлашга жавобгарнинг бошқа онадан бўлган болалари учун ҳам алиментлар тўлаш-тўламаслигини аниқлаш ва бу онани, мустақил талаб билан арз қилмайдиган учунчи шахс сифатида, ишга жалб қилиши лозим. Даъво қаноатлантирилган ҳолда муқаддам ёзилган ижро варақаси бўйича ундириладиган алиментнинг миқдори бирмунча камайиши мумкин бўлганлиги сабабли бундай ишнинг ҳал қилиниш оқибати учинчи шахслар манфаатига таъсир этиши мумкин.

Мазкур туркумдаги ишлар оддий тартибда, аммо тубанда кўрсатилган хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда кўрилади. ГПКнинг 115-моддаси бундай ишларни кўриш учун қисқартирилган муддатлар белгилайди. Чунончи, агар тарафлар бир шаҳар ёки районда яшасалар, иш 10 кундан кечиктирилмасдан кўрилади, бошқа ҳолларда эса ариза қабул қилинган кундан эътиборан 20 кундан кечиктирилмасдан кўрилади. Аммо бу ҳолда шундай даъвонинг бошқа ишларга қўшилиб кўрилишида татбиқ этилмайди. Масалан, оталикни белгилаш тўғрисидаги ишга алимент ундириш тўғрисидаги ишлар қўшилганида татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда иш бир ойгача бўлган муддатда кўрилиши мумкин.

Тошкент шаҳри, Ҳамза райони судига
Даъвогар: Шоира Каримова — 1962 Тошкент шаҳри,
Ҳамза райони, Уйчи кўчаси, 212-уйда яшайди.
Жавобгар: Анвар Каримов — 1960 йилда Тошкент
шаҳри, Ҳамза районида туғилган; ҳозирда Тош-
кент шаҳри, Ҳамза райони, Толзор кўчасидаги
101-уйда яшайди; Тошкент шаҳридаги Тўқима-
чилик комбинатида муҳандис бўлиб ишлайди.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Алимент ундириш тўғрисида)

Мен 1984 йил 15 майда жавобгар — эрим Анвар Каримов билан қонуний никоҳдан ўтиб, оилавий турмуш қурганман. Никоҳимиз Тошкент шаҳри, Ҳамза районининг ЗАГС бўлимида қайд қилинган. У билан бирга яшаган давримизда — 1985 йил 10 июнда қизимиз Дилдора Каримова туғилиб, унинг туғилганлик гувоҳномасида Анвар Каримов "отаси" деб ёзилган. 1988 йил июлидан бошлаб жавобгар оиласини ташлаб, бошқа аёл билан яшамоқда, лекин ўз қизимиз таъминоти учун моддий ёрдам кўрсатмасдан келмоқда. Бу ҳақда бир неча маротаба оғзаки айтишимга қарамасдан, у нафақа тўлашдан бўйин товлаб юрибди. Қизимиз 6 ой касал бўлиб, шифохонада даволанди, лекин жавобгар хабар олмади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Никоҳ ва оила кодексининг 95—96-моддаларига асосан

Сўрайман:

Тошкент шаҳри, Ҳамза районида 1960 йилда туғилган Анвар Каримовдан менинг фойдамга 1985 йил 10 июнда туғилган Дилдора Каримова исмли қизимнинг таъминоти учун 1989 йил 5 январдан то балоғат ёшига етгунга қадар жавобгарнинг барча даромадларидан ҳар ойда 1/4 қисми, лекин 20 сўмдан кам бўлмаган миқдорда алимент ундириш ҳақида қарор чиқариб берилсин.

- Илова: 1. Никоҳ гувоҳномасидан нусха.
2. Қизимнинг туғилиш гувоҳномасидан нусха.
3. Маҳалла қўмитасидан қизимнинг мен билан яшаётганлиги ҳақида маълумот.
4. Жавобгарнинг иш ҳақи тўғрисида маълумот.
5. Даъво аризасининг нусхаси.

1989 йил 5 январь.

Ш. Каримова

АЛИМЕНТ УНДИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШНИ СУДДА КЎРГУНГА ҚАДАР БОЛАНИНГ ТАЪМИНО- ТИ УЧУН ВАҚТИНЧАЛИК МАБЛАҒ УНДИРИШ ҲАҚИДА

Никоҳ ва оила кодексининг 46—47-моддалари шу мақсадларга хизмат қилади. Бу қонунларга асосланиб суд даъво аризасини қабул қилиш билан бирга ишнинг судда ҳал қилинишига қадар болаларнинг таъминоти учун жавобгар қандай харажатларни кўтариши лозимлиги тўғрисида ажрим чиқаради, яъни она ва болаларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган чораларни кўради. Вақтинча ундирилиши лозим бўлган сумманинг миқдорини жавобгарнинг иш ҳақи (даромади)нинг тегишли қисми миқдоридан ёки қатъий сумма билан белгиланиши мумкин. Бу қонданинг татбиқ этилиши жавобгарнинг ишнинг мазмуни бўйича ҳал қилинишини бузишга қаратилган ҳаракатининг олдини олади.

А Ж Р И М

1990 йил 6 август.

Янгиқўрғон райони.

Наманган вилояти, Янгиқўрғон райони судининг судьяси Г. Н. Назиров томонидан Олия Болисованинг Раҳим Болисовдан алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси кўриб чиқилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Олия Болисова 1988 йил 10 апрелда туғилган ўгли Набининг таъминоти учун Раҳим Болисовдан алимент ундириш тўғрисида судга ариза билан мурожаат этади.

Тарафлар никоҳдан ўтган бўлишиб, жавобгар боланинг туғилиш гувоҳномасида "отаси" деб ёзилган.

Жавобгар Р. Болисов узоқ муддатли сафар (командировка)га кетганлиги сабабли суднинг 1990 йил 25 майдаги ажримига кўра иш юритиш тўхтатилган эди. Даъвогар аризасида моддий томондан қийналганлиги, фарзанди тез-тез касал бўлиб туришини кўрсатиб, ишни судда кўргунга қадар боланинг таъминоти учун вақтинчалик алимент ундириб беришни сўрайди.

Даъвогарнинг талаблари асосли бўлиб, бу ҳақда Никоҳ ва оила кодексининг 104-моддасида кўрсатилган. Шунга асосан аризани қаноатлантиришни суд лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, Никоҳ ва оила кодексининг 104-моддаси ҳамда ГПКнинг 233—234-моддаларига асосан суд

Ажрим қилади:

Бухоро вилояти, Навоий шаҳрида 1967 йилда туғилган, ҳозирда Наманган вилояти, Наманган шаҳрининг бош архитектори лавозимида ишлаб турган Раҳим Болисовдан Олия Болисова фойдасига, ўгли — 1988 йил 10 апрелда туғилган Наби Болисов таъминоти учун ҳар ойига 20 сўмдан алимент ундирилсин.

Алимент 1990 йил 6 августдан бошлаб иш судда мазмунан кўрилгунга қадар вақтинчалик деб қаралсин.

Ажримдан норози томон шу суд орқали Наманган вилояти судининг гражданлик судлов ҳайъатига 10 кун ичида хусусий шикоят беришлари ёки хусусий протест келтиришлари мумкин.

Халқ судьяси: *Г. Н. Назиров*

АЛИМЕНТ УНДИРИШДА ЖАВОБГАРНИНГ ИШТИРОКИ ҲАҚИДА

Жавобгарнинг суд мажлисига келишини таъминлашга алоҳида эътибор берилади. Алиментлар ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарнинг судга келиши

умумий қоида бўйича мажбурий ҳисобланади. Агар жавобгар суд томонидан узрсиз деб топилган сабаблар бўйича суд мажлисига келмаса, 30 сўмгача жаримага тортилади ва мажбурий равишда келтирилади (ГПКнинг 180-моддаси).

Жавобгар бошқа шаҳарда ёки туманда яшаса ва унинг судга келиши қийинроқ бўлса, у касаллиги ва бошқа узрли сабаблар билан жараёнда қатнаша олмаса, суд уни мажлисга келишдан озод қилиши мумкин. Аммо бундай ҳолда ишни кўрувчи суд жавобгардан ишнинг ҳолатлари ва қўзғатилган даъвонинг мазмуни юзасидан батафсил баёнот олиши керак.

АЛИМЕНТ УНДИРИШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД МАЖЛИСИГА ЖАВОБГАРНИ УЗРСИЗ САБАБЛАРГА КЎРА КЕЛМАГАНЛИГИ УЧУН ЖАРИМА СОЛИШ ВА УНИ МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА КЕЛТИРИШ ТЎҒРИСИДА

А Ж Р И М

1990 йил 6 август.

Косонсой шаҳри.

Наманган вилояти, Косонсой шаҳар судининг очиқ суд мажлисида халқ судьяси Тоҳирахон Каримова раислигида, халқ маслаҳатчилари Б. Ниёзов ва Э. Аллаевларнинг ҳайъатида, суд котиби Мухлиса Алиеванинг иштирокида Назира Жумаеванинг жавобгар Болта Жумаевдан алимент ундириш тўғрисидаги иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Н. Жумаева 1989 йил 20 августда туғилган ўгли Ғайрат Жумаевнинг таъминоти учун Болта Жумаевдан алимент ундириш тўғрисида даъво ариза билан судга мурожаат қилади.

Суднинг шу йил 30 июлдаги ажримига асосан жавобгарнинг суд мажлисига келиши мажбурий деб топилишига ва бу ҳақда у хабардор бўлишига қарамай, била туриб, суд мажлисига келишдан бош тортган (бўйин товлаган), бу билан ГПКнинг 180-моддасини қўпол равишда бузганлиги аниқланди.

Суд юқоридагиларга кўра, ГПКнинг 180-моддаларини қўллаб

Ажрим қилади:

Наманган вилояти, Косонсой райониға қарашли Кўкимбой совхозининг бош бухгалтери Болта Жумаевга 30 сўм жарима солинсин.

Иш кўриш бошқа кунга, яъни шу йил 10 август соат 10 га қолдирилсин.

Косонсой райони, Кўкимбой совхози ҳудудида 1969 йили туғилган ва шу жойнинг Зафар кўчаси, 10-уйда истиқомат қилувчи Болта Жумаев суд мажлисига мажбурий тартибда келтирилсин.

Ажримнинг Болта Жумаевни мажбурий тартибда келтириш ҳақидаги қисми Косонсой райони ички ишлар бўлимига ижро қилиш учун юборилсин.

Халқ судьяси: *Т. Каримова*

Халқ маслаҳатчилари: *Б. Ниёзов, Э. Аллаев*

Судлар жавобгарнинг турар-жойи номаълум бўлганида ҳам даъво аризасини қабул қилишини рад қилмай, балки ўз ташаббуслари билан жавобгарнинг турар-жойини аниқлашга ва уни даъво ишининг халқ судида кўрилиш куни тўғрисида хабардор қилиш чораларини кўришга мажбурдир.

Вояга етмаган болалар ва муомалага лаёқатсиз шахсларнинг манфаатларини ва уларнинг алиментлар олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кафолати ГПК 124-моддасининг 2-қисмида белгиланган. Бу қонунда жавобгарнинг яшаб турган жойи номаълум бўлганида, уни ички ишлар органи орқали қидиртириш мажбурияти белгиланади. Бу нормага мувофиқ, судья даъво аризасини қабул қилишга, уни рўйхатдан ўтказдиришга ва жавобгарни қидириш тўғрисида ажрим чиқаришга мажбур. Шу билан бир вақтда алимент ундириш тўғрисидаги ишнинг юритилишини вақтинча тўхтатиш тўғрисидаги масала ҳал қилинади (ГПКнинг 237-моддаси).

Агар қарздорнинг яшаш жойи ёки иш жойи номаълум бўлса, суд ижрочиси қарздорни ички ишлар органи орқали қидиртириш тўғрисидаги масалани суд олдиға қўйиши керак. Қарздор топилганидан кейин ижро варақасини унинг иш жойига юбориб, ундириладиган сумманинг миқдорини ва ундирувчининг адресини кўрсатиши лозим. Шу билан бирға ижро варақаси қарздорнинг иш жойига

юборилганлиги тўғрисида алимент ундирувчи хабардор қилинади.

АЛИМЕНТ УНДИРИШ ДАЪВОСИ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРНИ ҚИДИРИШ ТЎҒРИСИДА

А Ж Р И М

1990 йил 4 август.

Уйчи райони.

Наманган вилояти, Уйчи райони судининг судьяси М. К. Маҳқамов даъвогар Карима Ўсарованинг жавобгар Мели Ўсаровга нисбатан алимент ундириш тўғрисидаги ишни кўриб, қуйидагиларни

Аниқлади:

К. Ўсарова никоҳдан ажрашган собиқ эри М. Ўсаровга нисбатан даъво қўзғатиб, 1987 йил 26 августда туғилган қизи Маликанинг таъминоти учун алимент ундириб беришни сўраш билан жавобгарни моддий ёрдам беришдан бош тортаётганлигини кўрсатади.

Даъвогар аризада ҳозирда жавобгар иш жойидан бўшаб, яшаш жойидан рўйхатдан чиқанлигини, икки йилдан буён у ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқлигини билдиради ва бу ишдаги ҳужжатлар унинг ишдан бўшаганлиги ҳақида район матлубот жамиятининг 1990 йил 20 июлдаги маълумоти, Уйчи райони, Жийдакапа қишлоқ кенгашининг 1990 йил 14 июлдан шу ҳудудда яшамаслиги ҳақида берган маълумоти билан тасдиқланади.

ГПКнинг 124-моддасида алимент ундириш даъволарӣ бўйича жавобгарнинг ҳақиқий яшаб турган жойи номаълум бўлса, жавобгарни қидириш лозимлиги кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра суд жавобгарга нисбатан қидурув эълон қилишни лозим деб топиб, ГПКнинг 124-моддасига асосан

Ажрим қилади:

Наманган вилояти, Уйчи районининг Жийдакапа қишлоқ кенгаши ҳудудида 1967 йили туғилган ва шу жойда охириги вақтларда яшаб, Уйчи райони матлубот кооперациясида ҳисобчи бўлиб ишлаган Мели Ўсаровга нисбатан қидирув эълон қилинсин.

Унинг турар-жойи аниқланса, Уйчи райони судига ва шу райондаги Чўлпон кўчаси 5-уйда яшовчи К. Ўсаровага хабар берилсин.

Ажримни ижро қилиш учун унинг бир нусхаси Уйчи райони ички ишлар бўлимига юборилсин.

Халқ судьяси: *М. К. Маҳкамов*

СУДЛОВЛИЛИККА РИОЯ ҚИЛМАГАНЛИК САБАБЛИ ДАЪВО АРИЗАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД ЭТИШ ҲАҚИДА

Тааллуқлик деганда, гражданлик ишларини кўриш ва ҳал қилиш юзасидан судлар билан бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳуқуқ доираси (компетенция) нинг чекланиши назарда тутилса, судловлилик деганда, бир томондан, ҳал қилинадиган масаланинг судга тааллуқли бўлиши ва иккинчи томондан, ягона суд тизими ичида судлар ўртасидаги ҳуқуқ доирасининг белгиланиши тушунилади.

Судловлилик деб судларга тааллуқли бўлган ҳамма ишларни суд тизими бўғинлари ўртасида тақсимланишига айтилади.

Ишнинг судловлилигини белгилаш — мазкур ишни айнан қайси суд кўришга ва ҳал этишга ваколатли бўлиши мумкинлигини белгилаш демакдир.

Муайян бир ишни ҳал қилишга қайси суд ваколати бўлиши мумкинлигини белгилашда судловлилик икки томонлама: биринчидан, турдош судловлилик ва иккинчидан, ҳудудий (территориал) судловлиликка бўлиниб чегараланади.

Ягона суд тизими таркибидаги судларнинг қайси бир тури район, шаҳар, вилоят суди, Олий Суд гражданлик ишларини биринчи инстанция суди сифатида кўриши мумкинлигини қонун белгилайди.

Ишнинг қайси судга тегишли бўлишини (судловлиликни) белгилашда кўриладиган ишнинг турига ҳам, низонинг предмети нимадан иборат бўлиши ва тарафларнинг кимлар бўлишига ҳам қаралади, суловлиликнинг бундай чегараланишига турдош судловлилик деб айтилади.

Демак, турдош ёки предметли судловлилик деганда ишнинг тури ёки характериға қараб ҳар хил турдаги судларга ишларнинг тегишли бўлиши тушунилади. Турдош

судловлилик бўйича ягона суд тизимидаг турли судларнинг ваколоти бир-биридан фарқланади.

ГПКнинг 125-моддасида кўрсатилгандек, судларга та-аллуқли ҳамма гражданлик ишлари район (шаҳар) суд-ларида кўрилади. Бу қонуннинг мазмунига кўра, граж-данлик ишларини кўрувчи ва ҳал қилувчи биринчи ва асосий суд инстанцияси — район (шаҳар) судлари ҳисоб-ланади.

Умумий қоидаларга кўра даъволар жавобгар доимий яшаб ёки доимий ишлаб турган жойидаги (яъни район ёки шаҳардаги) судда иш қўзғатилади (ГПКнинг 129-мод-даси).

Агар гражданлик даъвоси шу суднинг судловлигига тегишли бўлмаса, судья бу ҳақда қуйидагича ажрим чиқаради.

А Ж Р И М

1990 йил 25 июль.

Задарё райони.

Наманган вилояти, Задарё райони судининг судьяси З. И. Алиев даъвогар Ноиложхон Қодированинг Мараим Қодировдан фарзандининг таъминоти учун алимент унди-риш ҳақидаги даъво аризасини кўриб, қуйидагиларни

Аниқлади:

Даъвогар Ноиложхон Қодирова доимий яшаш жойи Наманган вилояти, Янги-Қўрғон районининг Заркент қиш-лоғида яшаб келган бўлиб, Задарё райониغا синглисини кўргани келиб, бир ҳафта туриб келади ва шу ҳудудда туриб, турмуш ўртоғи иши бўйича жавобгар Мараим Қодировдан бир нафар фарзандининг таъминоти учун алимент ундириш ҳақида даъво ариза билан Задарё райони судига мурожаат қилади. Даъво аризасидан кўри-нишича, жавобгар Мараим Қодиров Уйчи районининг Жийда-Капа қишлоғи, Ленин кўчаси, 10-уйда яшаётган-лиги маълум бўлди.

ГПКнинг 129—130-моддаларига асосан Н. Қодирова даъво аризаси билан жавобгар доимий яшаб турган ҳудуддаги ёки ўзи доимий яшаб турган жойидаги судга мурожаат этиши лозим эди. Даъвогар Н. Қодировани жавобгар М. Қодировдан алимент ундириш ҳақидаги даъ-воси Задарё райони судининг судловлигига тегишли

бўлмаганлиги ишда тўпланган ҳужжатлардан ҳам аниқланди. Шуларни ҳисобга олган судья ГПКнинг 135-моддаси ва 142-моддаси 7-бандига асосан

А ж р и м қ и л а д и :

Даъвогар Ноиложхон Қодированинг жавобгар Мараим Қодировдан бола таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги даъво аризаси Задарё райони судининг судловлигига тегишли бўлмаганлиги сабабли рад этилсин.

Н. Қодировага даъво ариза билан жавобгар яшаб турган ҳудуддаги судга мурожаат қилиш мумкинлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд орқали Наманган вилояти судининг гражданлик судлов ҳайъатига хусусий шикоят протест келтиришга ҳақли.

Халқ судьяси: З. И. Алиев

Қ А Р Ш И Д А Ё В О Ҳ А Қ И Д А

Даъво турларидан бири сифатида қарши даъво тубандагича шартлар бўлганида бир вақтнинг ўзида ҳам даъвога қарши ҳимоя воситаси, ҳам жавобгарнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш воситаси сифатида кўрилади.

Қарши даъвонинг қабул қилиш шартлари қуйидагича: биринчидан, қарши даъво дастлабки талабни қоплаш (заҳёт) га қаратилган бўлиши керак ёки

иккинчидан, қарши даъвони қаноатлантириш дастлабки даъвони қаноатлантиришни бутунлай ё қисман истисно қилиши керак ёки

учинчидан, қарши ва дастлабки даъво ўртасида боғланиш ва уларни бирга кўриш низони тезроқ ва тўғри ҳал қилишга олиб келиши керак.

Шу уч шартлардан бири бўлса ҳам судья қарши талабни судда кўриш учун қабул қилади (ГПКнинг 149-моддаси).

Бу қонун судьяга кенг ваколатлар бериш билан бирга тарафларнинг бир-бирларига нисбатан қилган даъво талабларини бирга қўшиб кўриш мақсадга мувофиқ бўлиш-бўлмаслигини жиддий равишда текширишга мажбур қилади.

Қарши даъволар даъво қўзғатиш тўғрисидаги умумий қоидалар бўйича қўзғатилади. Қарши даъво қўзғатилишида, умуман даъвога оид процессуал қоидаларга,

чунончи, даъво аризанинг мазмуни, давлат пошлинаси ва суд чиқимларининг тўланиши ва ҳоказолар тўғрисидаги қоидаларга (ГПКнинг 35, 36, 88, 89, 139, 140 ва даъво ҳақидаги бошқа моддаларга) риоя қилинади.

Наманган вилояти, Чортоқ райони судига
Даъвогар: Анвар Мирзаев — Наманган вилояти,
Чортоқ райони, Ўқчи кўчаси, 10-уйда яшайди.
Жавобгар: Анорхон Мирзаева — Наманган вилояти,
Чортоқ райони, Бобур кўчаси, 17-уйда яшайди.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Қарши даъво)

Собиқ рафиқам бўлмиш Анорхон Мирзаева судга даъво ариза билан мурожаат этиб, 1989 йил 29 октябрда туғилган Гулнора исмли қизи учун мендан алимент ундириб беришни сўраган.

Даъвогар ўзининг талабларини мен билан никоҳдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда Гулноранинг "отаси" деб ёзилган туғилиш гувоҳномаси билан асосламоқчи бўлади. Мен эса қўзғатилган даъвони тан олмайман, чунки Гулноранинг отаси эмасман.

Шунинг учун ҳам қарши даъво қўзғатишни лозим топдим ва аризамни А. Мирзаева дастлабки даъвоси билан қўшган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқиб, мени Гулноранинг "отаси" деб кўрсатилган туғилиш гувоҳномасидаги ёзув нотўғри деб топилишини сўрайман ва бунинг учун қуйидагиларни асос қилиб кўрсатаман:

Мен А. Мирзаева билан расмий ажрашмаган бўлсам-да, бироқ бирга яшамаганимизга 13 ой бўлди (1988 йил сентябрдан буён онамнинг уйида яшайман). Қиз эса даъвогар билан мен яшамаган даврда туғилган. Табиийки, бундай ҳолатда мен қизнинг отаси бўлишим мумкин эмас. Бундан ташқари, шу давр ичида мен узоқ муддатли командировкада бўлганман, буни иш жойимдаги ходимлар К. Хуррамов, Н. Бакиров ва О. Кимлар тасдиқлашлари мумкин.

Гулноранинг туғилиш гувоҳномасига онаси мен йўқлигимда, "розилигимсиз "отаси" деб ёздирган.

Шуларга кўра, Гулноранинг туғилиш гувоҳномасидаги мени "отаси" деб ёзилган ёзув нотўғри ва шу муносабат

билан А. Мирзаева мендан алимент талаб қилиш учун ҳеч қандай асоси йўқ деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларга асосан ҳамда ГПКнинг 133 ва 148-моддаларига амал қилган ҳолда

Сўрайман:

1. Мен 1989 йил 29 октябрда туғилган, 25771-рақамли туғилиш гувоҳномасида Гулнора Мирзаеванинг "отаси" деб ёзилган ёзув ҳақиқий эмас деб топилсин.

2. Анорхон Мирзаеванинг қизи Гулнора учун алимент ундириш тўғрисида менга нисбатан қўзғатилган даъво талаби рад этилсин.

3. Суд мажлисига гувоҳ сифатида қуйидаги кишилар чақирилишини сўрайман:

1) Карим Хуррамов — Андижон вилояти, Комсомолобод райони, Қизилтош кўчаси 10-уйда яшайди.;

2) Носир Бокиров — Комсомолобод райони, Матросская кўчаси, 15-уйда яшайди;

3) О. Ким Ноила Бокирова билан бир жойда яшайди.

Илова: 1. Командировкада бўлганлигим ҳақида ҳужжат.

2. Яшаш жойидан маълумотнома.

1990 йил 10 август.

А. Мирзаев

ҚАРШИ ДАЪВО АРИЗАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ Тўғрисида

Даъвогар бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш мақсадида даъво қўзғатиш имкониятига эга бўлса, жавобгар ҳам даъвогарга қарши ҳимоя қилиниш воситаларига эгадир. Бундай воситалардан бири — эътироз билдириш ва иккинчиси қарши (муқобил) даъво қўзғатишдан иборат.

Жавобгар ўзига нисбатан қўзғатилган даъвони инкор этиши ва бунинг сабаблари (важларини) кўрсатиши мумкин. Даъвони бундай асослантилган равишда инкор этишга эътироз билдириш деб айтилади.

Жавобгар манфаатларини ҳимоя қилишнинг иккинчи процессуал воситаси қарши (муқобил) даъводир. Эътироздан муқобил даъвонинг фарқи шундаки, бунда даъвогарнинг талабига қарши бошқа бирон-бир моддий ҳуқуқий талаб қўйилади.

ГПКнинг 148-моддасида кўрсатилишича, жавобгар суд ҳал қилув қарорини чиқариш учун маслаҳатхонага киргунга қадар дастлабки даъво билан бирга кўриш учун даъвогарга қарши даъво қўзғатишга ҳақлидир. Бу қонуннинг мазмунига кўра, даъвогарнинг ўзига қилинган дастлабки даъво билан қўшиб кўриш учун даъвогарга нисбатан қилган мустақил даъво талабига қарши даъво деб айтилади. Қарши даъвони баъзан муқобил даъво деб ҳам юритилади.

Қарши даъволар даъво қўзғатиш тўғрисидаги умумий қоидалар бўйича қўзғатилади. Қарши даъво қўзғатилганда, умуман даъвога оид процессуал қоидаларга, чунончи, даъво аризасининг мазмуни, давлат божи ва суд чиқимларининг тўланиши ва ҳоказолар тўғрисидаги қоидаларга (ГПКнинг 35, 36, 88, 139, 140 ва даъво ҳақидаги бошқа моддаларига) риоя қилинади.

Агар суд (судья) қарши даъвони қабул қилишни лозим топса, бу ҳақда ажрим чиқаради.

А Ж Р И М

1990 йил 31 июль.

Чортоқ шаҳри.

Наманган вилояти, Чортоқ шаҳар судининг судьяси Яхёхон Икромов томонидан даъвогар Анорхон Мирзаеванинг даъвосига нисбатан жавобгар Анвар Мирзаевни боланинг туғилиш гувоҳномасида "отаси" деб ёзилган ёзувни тан олмаслигини кўрсатиб берган қарши даъво аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Шу йил 25 июль куни Анорхон Мирзаева даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, жавобгар Анвар Мирзаевдан 1985 йил 26 августда туғилган ўғли Алишер Мирзаев ва 1989 йил 15 октябрда туғилган қизи Гулнора Мирзаевалар учун алимент ундириш тўғрисида сўраган эди.

Даъвогар Анорхон Мирзаева ўзининг даъво талабларига асос қилиб, 1984 йил 20 мартда жавобгар эри билан қонуний никоҳдан ўтганликларини, бу 310-рақамли гувоҳнома билан тасдиқланишини, Анвар Мирзаев фарзандларининг ҳақиқий отаси эканлигини ва бу ҳақда "отаси" деб ёзилган уларнинг туғилиш гувоҳномаларини ҳам судга тақдим этади.

Жавобгар Анвар Мирзаев қарши даъво билан судга муурожаат қилиб, Гулнора Мирзаеванинг отаси эмаслигини, туғилиш гувоҳномасида "отаси" деб нотўғри ёзилганлигини, бунга асос қилиб, 1987 йил сентябрь ойидан бошлаб у ўз оиласини ташлаб уйдан чиқиб кетганини ва бир йилдан ортиқ вақт ичида сафарда юрганини, Гулнора исмли қиз шу даврда туғилганини ва бу қиз унинг фарзанди эмаслигини кўрсатиб, алимент ундиришнинг шу қизга нисбатан бўлган талаби рад этилишини сўрайди.

Суд ишда тўпланган ҳужжатларни ҳамда дастлабки ва қарши даъволар ўртасида ўзаро боғланиш мавжудлиги туфайли бу даъво талабларини бирга қўшиб кўриш низони тўғри ва тез ҳал этиш учун ёрдам беришини ҳамда қарши талаб дастлабки талабни қисман бўлса-да қоплашини инобатга олиб, ГПКнинг 148—149-моддаларига асосан

А ж р и м қ и л а д и :

Анорхон Мирзаеванинг дастлабки даъвосига нисбатан Анвар Мирзаевнинг қизи Гулнора Мирзаеванинг туғилиш гувоҳномасида "отаси" деб ёзилган ёзувни нотўғри деб топиш тўғрисидаги қарши даъво талаблари суднинг иш юритишига қабул қилинсин ва дастлабки даъво билан бирга қўшиб кўрилсин.

Ажрим қатъий — шикоятга ўрин йўқ.

Халқ судьяси: *Я. Икромов*

СУД ТОПШИРИҚЛАРИНИ ЮБОРИШ ҲАҚИДА

Қонунда ишни кўраётган суднинг далиллар тўплаш мақсадларида бошқа судларга айрим топшириқлар бериши мумкинлиги ҳам назарда тутилган. Гражданлик ишларини кўриш процессининг бевосита ўтказилиши принципидан истисно тариқасида, айрим ҳолларда, яъни далилларни тўплаш ва таъминлаш юзасидан процессуал ҳаракатларни бошқа шаҳар ёки районда ўтказиш зарур бўлган ҳолларда, иш кўраётган суд тегишли судга бу тўғрида топшириқ бериши мумкин.

Суд топшириғи ажрим билан расмийлаштирилади ва унда кўрилаётган ишнинг мазмуни аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар, топшириқни бажарувчи суд тўплаши лозим бўлган далиллар кўрсатилади. Бу ажрим қайси суд номига ёзилган бўлса, шу суд учун мажбурийдир ва 10

кунгача бўлган муддат ичида бажарилиши лозим (ГПКнинг 61-моддаси).

Суд топшириғини бажариш тартиби ГПКнинг 62-моддасида белгиланган. Унда кўрсатилишича, суд топшириғини бажариш суд мажлисида ГПКда белгиланган тартибда ўтказилади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади, лекин уларнинг келмаслиги топшириқни бажаришга тўсқинлик қилмайди. Топшириқни бажариш вақтида тузилган протоколлар ва йиғилган ҳамма материаллар ишни кўраётган судга дарҳол юборилади.

Агар ишда иштирок этувчи шахслар ёки топшириқни бажараётган судга кўрсатма бериш лозим бўлган гувоҳлар ишни кўраётган судга келиб қолсалар, улар умумий тартибда баёнот ёки кўрсатма берадилар.

А Ж Р И М

1990 йил 1 август.

Чортоқ шаҳри.

Наманган вилояти, Чортоқ шаҳар судьяси Я. И. Икромов томонидан Анорхон Мирзаевнинг Анвар Мирзаевга нисбатан болалар таъминоти учун нафақа ундириш тўғрисида ҳамда Анвар Мирзаевнинг Анорхон Мирзаевага нисбатан боланинг туғилиш гувоҳномасида "отаси" деб нотўғри ёзилганлиги ҳақидаги қарши даъво аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Тарафлар 1984 йилдан буён қонуний никоҳда бўлишиб шу даврда 1985 йил 25 августда Алишер Мирзаев ва 1989 йил 14 октябрда Гулнора Мирзаева исмли фарзандлар кўрганлар.

Анвар Мирзаев 1987 йил сентябрда оиласини ташлаб, Наманган вилояти Чортоқ районидаги ўз онасининг уйида яшаб фарзандларига моддий ёрдам кўрсатмасдан келади. Шу сабабли даъвогар А. Мирзаева жавобгар А. Мирзаевдан алимент ундириш тўғрисида судга мурожаат қилади.

А. Мирзаев ўзининг қарши даъво аризасида Гулнора исмли қизнинг "отаси" эмаслигини, туғилиш гувоҳномасида қизнинг "отаси" деб нотўғри ёзилганлигини кўрсатиб, даъвога иқрор эмаслигини билдиради.

А. Мирзаев қарши даъво аризасида ҳамда даъвони асослайдиган бошқа ҳужжатларида Гулнора туғилмасидан

13 ой илгари уйдан чиқиб кетганлигини ва шу давр ичида бирон маротаба ҳам турмуш ўртоғи билан учрашмаганлигини, туғилиши фактини рўйхатга олишда эса иштирок этмаганлигини ва гувоҳномага унинг розилигисиз "отаси" деб ёздириб қўйганлигини, буни гувоҳлар — Карим Хуррамов, Носир Бокиров, Олег Кимлар тасдиқлашлари мумкинлигини кўрсатади. Ўғли Алишер Мирзаев учун эса алимент тўлашга рози эканлигини билдиради.

Анвар Мирзаевнинг қарши даъво аризасини асослайдиган гувоҳлар Наманган вилоятидан узоқда яшаётганлигини ва судга чақириш уларга бир қанча қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини инobatга олган суд гувоҳларнинг фикрларини олиш учун улар яшаб турган минтақадаги судга топшириқлар юборишни лозим топади. Шунинг учун ҳам суд иш бўйича гувоҳлар — Карим Хуррамов, Носир Бокиров ва Олег Кимларни сўроқ қилишни зарур деб ҳисоблаб, ГПК нинг 61-моддаси, 161-моддасининг 12-банди ҳамда Никоҳ ва оила кодексининг 104-моддасига асосан

А ж р и м қ и л а д и :

I. Андижон вилояти, Комсомолобод районининг судига қуйидаги процессуал ҳаракатларни бажариш топширилсин. Шу район Қизилтош кўчаси, 10-уйда яшовчи Карим Хуррамов ва Носир Бокировларни ҳамда Матросская кўчаси, 15-уйда яшовчи Олег Кимларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиниб, қуйидаги масалалар аниқлансин:

1. Гувоҳлар Мирзаевлар оиласини қачондан бери билишади?

2. Мирзаевларнинг (эр-хотинлик) муносабатлари қандай бўлган?

3. Эр-хотин бир-бирлари билан учрашиб туришганлиги ҳақида маълумот.

4. Анвар Мирзаев хотини қиз туққанлиги ҳақидаги хабарга қандай муносабатда бўлган?

II. Низо узил-кесил ҳал қилинганга қадар даъвони таъминлаш мақсадида 1962 йилда Наманган вилояти, Чортоқ шаҳрида туғилиб, ҳозирда шу районда яшовчи Анвар Мирзаевдан, 1989 йил 15 октябрда туғилган қизи Гулнора Мирзаевани ҳамда 1985 йил 26 августда туғилган ўғли Алишер Мирзаевнинг таъминоти учун ҳар иккисига ойига 40 сўм Анорхон Мирзаеванинг фойдасига ундирилсин.

Ажримнинг иккинчи қисмига норози томон Наманган вилояти судининг гражданлик судлов ҳайъатига шу суд орқали 10 кун муддат ичида хусусий шикоят, хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Халқ судьяси: Я. Икромов

СОЛИНГАН ЖАРИМАДАН ОЗОД ЭТИШ ҲАҚИДА

Ишни кўриш чоғида раислик қилувчи суд мажлисига раҳбарлик қилиб, ишдаги барча ҳолатларни, тарафларнинг ҳуқуқ ва вазифалари тўлиқ, ҳар томонлама ва атрофлича аниқланишини таъминлайди, кўрилаётган ишга алоқаси бўлмаган ҳамма нарсани суд текширувидан чиқариб ташлайди.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг, вакиллар, экспертлар, таржимонлар, гувоҳларнинг бирортаси раислик қилувчининг ҳаракатига қарши эътироз билдирган тақдирда, бу эътирозлар суд мажлисининг протоколига киритилди ва масала суднинг тўла ҳайъатида ҳал қилинади. Раислик қилувчи суд мажлисига тегишли тартибни таъминлаш учун зарур бўлган чораларни кўради (ГПКнинг 164-моддаси).

Ишни текшириш вақтида тартибни бузган шахсни раислик қилувчи суд номидан огоҳлантиради. Ишда қатнашувчи шахслар, вакиллар, гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар тартибни такроран бузсалар, суднинг ажрими билан, бошқа гражданлар эса раислик қилувчининг фармойиши билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилишлари мумкин. Шунингдек, ишини кўришда ҳозир бўлган гражданларга бундай ҳолатда 30 сўмгача миқдорда жарима солиниши мумкин (ГПКнинг 169-моддаси).

Прокурор ёки адвокат раислик қилувчининг фармойишларига итоат қилмасалар, улар огоҳлантириладилар. Мазкур шахслар раислик қилувчининг фармойишларига ина итоат қилмасалар, агар уларнинг ишига зарар етказмай туриб бошқа шахс билан алмаштириш мумкин бўлмаса, ишни кўришни суднинг ажрими билан кейинга қолдириш мумкин. Айни вақтда суд бу ҳақда тегишлича юқори турган прокурорга ёки адвокатлар ҳайъати президиумига маълум қилади.

Суд мажлисида ҳозир бўлган тарафлар ёки учинчи шахслар тартибни бузсалар, суд ишни кўришни кейинга

қолдиради, ёхуд тартибни бузувчи суд мажлиси залидан иш кўришнинг ҳамма вақтига ёки унинг бир қисмига чиқариб юборилади. Кейинги ҳолда раислик этувчи суд мажлиси залига қайтадан қўйилган шахсни унинг йўқлигида рўй берган процессуал ҳаракатлар билан таништирилади (ГПКнинг 169-моддаси).

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар судига
Бекобод шаҳри, Оқарсой кўчаси, 17-уйда истиқомат
қилувчи Эркин Номозовдан

АРИЗА

Шу йил 3 август куни Бекобод шаҳар судининг судьяси Р. Г. Зарипов раислигида Гулнора Мирзаеванинг даъвосига кўра Анвар Мирзаевга нисбатан қўзғатилган фуқаролик ишени кўришда иш юзасидан гувоҳ сифатида қатнашдим. Ишни судда кўриш жараёнида суд залида тартиб-қоидаларни бузганлигим сабабли Бекобод шаҳар судининг 1990 йил 3 августдаги ажрими билан менга нисбатан 30 сўм миқдорда жарима солинган эди. Бу солинган жаримани қуйидаги ҳолатларга кўра асоссиз деб ҳисоблайман:

Даъвогар Гулнора Мирзаеванинг аризасига кўра Анвар Мирзаевнинг оталигини белгилаш тўғрисидаги ишни суд мажлисида кўриш жараёнида живобгарнинг ҳаддан ташқари ёлгон гапираётганига чидаб тура олмай ҳақоратлаганим тўғри, аммо бу хатти-ҳаракатим жаҳл устида қилинган деб ҳисоблайман, чунки мен гипертония касалига мубтало бўлганман, шунинг учун тез жаҳлим чиқадиган бўлиб қолган.

Ҳозирда биринчи гуруҳ ногирониман, пенсия оламан. Пенсия тирикчиликка зўрга етиб турибди. Шунинг учун ҳам ўз моддий аҳволимни ҳисобга олиб, ГПКнинг 108-моддасига асосан

Сўрайман:

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар судининг шу йил 3 августдаги ажримига кўра менга солинган 30 сўм миқдордаги жарима олиб ташлансин.

- Илова: 1. Моддий аҳволим ҳақидаги маълумотнома.
2. Соғлигим ҳақида маълумотнома.

1990 йил 4 август.

Э. Номозов

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар судининг очиқ суд мажлисида раислик этувчи халқ судьяси Р. Г. Зарипов, халқ маслаҳатчилари Э. Рўзиев ва М. Раҳимовларнинг ҳайъатида, Б. Ғайратова котиблигида Эркин Номозовга нисбатан солинган жаримани олиб ташлаш тўғрисидаги аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Бекобод шаҳар суди даъвогар Гулнора Мирзаевани жавобгар Анвар Мирзаевга нисбатан оталикни белгилаш тўғрисидаги гражданлик ишини суд тафтишида кўриш нақтида гувоҳ сифатида суд мажлисига чақирилган Эркин Номозов суд залида тартибни бузганлик учун шу йил 3 августда суднинг ажрими билан ГПКнинг 169-моддасига асосан 30 сўм миқдорида жарима солинган.

Гувоҳ Э. Номозов судга ариза билан мурожаат этиб, солинган жариманинг асоссиз эканлигини ва бунга сабаб тариқасида суд мажлиси залида Мирзаевнинг ёлғон гапириб, судни чалғитганлигини кўриб, жаҳли чиқиб ҳақорат қилганлигини маълум қилади ҳамда ўзининг моддий аҳволи ночорлигини ва биринчи тоифа ногирони эканлигини айтиб, жарима олиб ташланишини сўрайди.

Халқ суди Номозовнинг важ ва талабларини атрофлича муҳокама қилиб, унинг аризасини қаноатлантириш учун асос йўқ деб топади, чунки аризачи ўзининг моддий аҳволи оғирлиги тўғрисида баён қилган бўлса-да, судга тақдим қилган маълумотномасига қараганда унда бу ҳақда бирон-бир асосий ҳолат ўз аксини топмаган, жумладан, биринчи тоифа ногирони эканлиги тўғрисида ижтимоий таъминот бўлимидан ҳужжат келтирмаган.

Суд аризачи Эркин Номозовга нисбатан ГПКнинг 169-моддасини тўғри татбиқ қилган деб ҳисоблайди.

Суд шуларга кўра ҳамда ГПКнинг 108—109 ва 169-моддаларига асосланиб

Ажрим қилади:

Бекобод шаҳар судининг 1990 йил 3 августдаги ажримига кўра Эркин Номозовга нисбатан солинган 30 сўм миқдордаги жаримани олиб ташлаш тўғрисидаги ариза рад этилсин.

Ажримдан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилояти судига хусусий шикоят бериши ёки протест келтириши мумкин.

Халқ судьяси: *Р. Г. Зарипов*
Халқ маслаҳатчилари: *Э. Рўзиев*
М. Раҳимов

ЖАРИМАНИ ТЎЛАШДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

А Ж Р И М

1990 йил 8 август.

Ангрен шаҳри.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг очиқ суд мажлисида халқ судьяси Б. М. Муҳаммедов раислигида, халқ маслаҳатчилари Б. Бўронов ва К. Жабборовларнинг ҳайъатида, Н. Қиролова котиблигида Гулнора Қориевага солинган жаримани олиб ташлаш тўғрисидаги ариза кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Ангрен шаҳар судининг 1990 йил 5 августдаги ажри-мига асосан суд мажлисига гувоҳ сифатида чақирилган Гулнора Қориевага узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги сабабли 30 сўм миқдорида жарима солинган.

Г. Қориева судга ариза билан мурожаат этиб, солинган жаримани олиб ташлашни ва судга келмаганлигини узрли деб топишни, бунга асос қилиб, шу кунлари қон босими ошганлиги сабабли поликлиникада бўлганлигини, шунга кўра суд мажлисига кела олмаганлигини кўрсатади.

Бу вазлар Ангрен шаҳар 1-поликлиникасининг шу йил 5 августдаги судга тақдим этган маълумотномаси билан тасдиқланади, бунга кўра гувоҳ Қориева 1992 йил 3 августдан 6 август кунига қадар врачлар назоратида даволанганлиги, шу сабабли ишга ҳам бора олмаганлиги аниқланди. Бу ҳолатлар Гулнора Қориеванинг судга узрли сабабларга кўра кела олмаганлигини кўрсатади.

Суд шуларга кўра Г. Қориеванинг суд мажлисига келмаганлиги сабабини узрли деб топишни лозим ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосланган суд ГПКнинг 108-моддаси-ни қўллаб

Ажрим қилади:

Ангрен шаҳар судининг 1992 йил 5 августдаги ажрими билан Гулнора Қориева 30 сўм миқдорида солинган жаримани тўлашдан озод қилинсин.

Халқ судьяси: *Б. М. Муҳаммедов*
Халқ маслаҳатчилари: *К. Жабборов*

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар судига
Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Уйғур кўчаси,
115-уйда истиқомат қилувчи, ҳозирда Тошкент
шаҳридаги 10-касалхонада даволанаётган Со-
бир Таджибаевдан

АРИЗА

(Иш кўришни тўхтатиш тўғрисида)

Фарғона шаҳар судининг иш юритишида даъвогар Нарзи Таджибаеванинг аризаси бўлиб, унда даъвогар ўғлимиз Алимга нисбатан мени оталик ҳуқуқидан маҳрум этишни сўраган. Бу иш суднинг 1990 йил 10 августдаги ажримига асосан шу йил 18 августда мазмунан кўриш учун тайинланган. Ушбу гражданлик ишини қуйидаги асосларга биноан кўришдан тўхтатиб туришингизни сўрайман:

1. Мен 1970 йилдан буён гипертония касалига мубтало бўлганман, айрим вақтларда кўзимга ҳеч нарса кўринмайди ва ҳушсиз бўлиб қоламан. Ҳозирда мени Тошкент шаҳридаги 10-касалхонага олиб келишиб, шу ерда даволамоқдалар.

2. Касалхонада даволаниш жараёнида ошқозонимдан ҳам бошқа дард топишди. Шунинг учун мени бу ерда узоқ даволамоқчилар.

Юқоридагиларга кўра, ГПК 237-моддасининг 2-бандига асосан шу фуқаролик ишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги масалани кўришингизни сўрайман.

Илова: 1. Тошкент шаҳридаги 10-касалхонадан маълумотнома.

• 2. Муқаддам ҳам шу касалхонада даволанганлигим ҳақидаги ҳужжатлар.

1990 йил 14 август.

С. Таджибаев

ТАРАФЛАРНИНГ БИРИНИНГ КАСАЛЛИГИ ТУФАЙ- ЛИ ИШ ЮРГИЗИШНИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА

А Ж Р И М

1990 йил 16 август.

Фаргона шаҳри.

Фаргона вилояти, Фаргона шаҳар судининг очиқ суд мажлисида судья М. А. Мамедов раислигида, халқ маслаҳатчилари О. Розиков ва Б. Бозоровлар ҳайъатида, М. Маллаева котиблигида, Нарзи Таджибаеванинг даъвоси бўйича Собир Таджибаевни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги фуқаролик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар Н. Таджибаева даъво аризасида суддан собиқ эри Собир Таджибаевнинг ўғли Алига нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида сўраган.

Фуқаролик ишини судда кўриш куни жавобгарнинг суд мажлисига келмаганлиги аниқланди ва бунинг сабабини С. Таджибаев аризасида суддан иш кўришни вақтинчалик тўхтатиб туришни, чунки Тошкент шаҳридаги 10-касалхонада қон босими юқори бўлганлиги сабабли 1990 йил 13 августдан буён даволанаётганлигини, шунга кўра суд мажлисига боришнинг иложи йўқлигини билдирган. Бу ҳолат 1990 йил 16 августда 10-касалхона томонидан берилган маълумотнома билан тасдиқланади.

Суд иш материаллари билан танишиб, тарафларнинг баёнотларини тинглаб, Собир Таджибаевнинг арзномасини асосли деб топади ва уни қаноатлантиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Чунки ишни тўғри ҳал этиш учун жавобгарнинг шахсий фикр ва мулоҳазалари муҳим аҳамиятга эга.

ГПК 237-моддасининг 2-бандига асосан тарафлар шифохонада бўлсалар, шунингдек, уларнинг бирини судга келишга тўсқинлик қиладиган ва медицина муассасаларининг ҳужжати билан тасдиқланган касаллиги бўлса, суд иш юритишини тўхтатишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Суд юқоридагиларга кўра ҳамда ГПК 237-моддасининг 2-бандига асосан

А ж р и м қ и л а д и :

Даъвогар Нарзи Таджибаеванинг собиқ эри — жавобгар Собир Таджибаевга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум

қилиш тўғрисида қўзғатилган фуқаролик иши иш юритишидан тўхтатилсин.

Ажримдан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилояти судига хусусий шикоят, протест билан муурожаат қилишга ҳақли.

Халқ судьяси: *М. А. Мамедов*
Халқ маслаҳатчилари: *О. Разиқов*
Б. Бозоров

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР ҲАҚИДА

Болаларнинг ота-оналари қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган никоҳда бўлганларида оталикни белгилаш тўғрисидаги масала кўтарилмайди. Болаларнинг ота-оналари бундай никоҳда бўлмаганларидагина оталикни белгилаш тўғрисидаги масала қўйилиши (низо қўзғатилиши) мумкин. Агар никоҳлари қонуний расмийлаштирилмаган ота-онанинг фарзандлари бўлса, бундай болаларнинг насаби ота-оналарининг никоҳни қайд қилиш идоралирига берган аризаларига биноан белгиланади. Борди-ю, бундай ариза берилмаса (ота боланинг отасилигини тан олмаса), болага нисбатан оталик суд тартибда даъво қўзғатиш йўли билан белгиланиши мумкин.

Оталикни суд тартибда белгилаш даъво иши ва алоҳида тартибда кўриладиган ишларга оид қоидалар бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси никоҳ ва оила қонунчилиги оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларнинг уч хил тоифасини ажратиб кўрсатади. Биринчиси — даъво ишини юргизиш тартибда кўриладиган оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар, иккинчи ва учинчиси эса алоҳида иш юргизиш тартида кўриладиган оталикка иқрор бўлиш фактини белгилаш тўғрисидаги ишлар ҳисобланади.

Болани ўз тарбиясига олган ва боланинг отаси бўлишга иқрор бўлган шахс вафот этгани ҳолда оталикни тан олиш факти амалдаги Ўзбекистон Олий Суди Пленумининг қарорларига асосан белгиланади. Оталикни белгилашнинг даъво иши тартиби Асослар амалга киритилгандан сўнг туғилган болаларга нисбатан татбиқ этилади. Олий Суд Пленумининг 1982 йил 25 мартда чиқарган "Болалар ва бошқа оила аъзоларига алимент ундириш ҳақида ва оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни

кўришда судлар томонидан қонунчиликни тадбиқ этиш ҳақида"ги қарорида ва унга 1987 йил 18 июнда киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларда тушунтирилишича, судлар 1968 йил 1 октябргача туғилган болаларга нисбатан даъво иши тартибида оталикни белгилаш тўғрисидаги аризаларни қабул қилишга ҳақли эмаслар.

Алоҳида тартибда иш кўришда 1968 йил 1 октябргача туғилган болаларга нисбатан оталикни тан олиш (оталикка иқрор бўлиш) факти белгиланиши мумкин.

Боланинг туғилиши гражданлик ҳолати актларини ёзиш органларида қайд қилиниши, қоида бўйича, боланинг муайян ота-онадан туғилганлигини исботловчи далил саналади.

Никоҳда бўлмаган шахслардан боланинг туғилишида оталик, агар ота-оналар оталикни белгилаш тўғрисида биргаликда ЗАГС органига ариза бермаган бўлсалар, суд тартибида белгиланиши мумкин. Бундай ҳолат боланинг ота-оналари ўртасида низо бўлганида, яъни ота-оналардан бирининг қарши бўлиши ёки оталикни тан олиш тўғрисида ЗАГСга биргаликда ариза беришдан бош тортганида юз бериши мумкин.

Аксарият ҳолларда оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво аризалари алиментлар ундириш тўғрисидаги талаблар билан бирга қўшиб берилади. Никоҳ ва оила қонунчилигида оталикни белгилаш ва алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволарни кўриш назарда тутилмаган, аммо Ўзбекистон Республикаси олий Судининг 1974 йил 14 декабрдаги "Никоҳни бекор қилиш ишларини кўришнинг суд амалиёти ҳақида"ги Пленум қарори ва унга 1989 йил 14 апрелда киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг 6-бандида оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво билан бир вақтда боланинг таъминоти учун алиментлар ундириш тўғрисидаги даъво ҳам бирга қўзғатилиши мумкинлиги тушунтирилади.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги даъволар ГПКнинг 130-моддасига мувофиқ жавобгарнинг ҳам, даъвогарнинг ҳам турар-жойи бўйича, яъни хоҳишига кўра (альтернатив) судловлилик қоидалари бўйича қўзғатилиши мумкин.

Оталикни алоҳида иш юритиш тартибида белгилаш тўғрисидаги ариза, ГПКнинг 275-моддасига асосан, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги аризалар каби ариза берувчининг турар-жойидаги судга берилади.

Никоҳ ва оила кодексининг 68-моддасига мувофиқ, оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга боланинг ота-оналаридан бири ёки васийси (ҳомийси), болани тарбиялаб турган шахс, шунингдек, боланинг ўзи ҳам вояга етганидан сўнг мурожаат қилиши мумкин.

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони халқ судига
Даъвогар: Амина Исҳоқова — Тошкент шаҳри,
С. Раҳимов райони, Қодирий кўчасининг 1-тор
кўчаси, 3-уйда яшайди.

Жавобгар: Собир Исомов — Тошкент шаҳри, Ок-
тябрь райони, Ҳамза кўчасининг 5-берк
кўчаси, 10-уйда яшайди.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Оталикни белгилаш ва алимент ундириш ҳақида)

Мен, Амина Исҳоқова Собир Исомов билан 1987 йил октябрь ойидан бошлаб, никоҳни қайд қилмай, оилавий турмуш қурдик. Турмушимиз жуда яхши кечаётган эди, шу даврда — 1989 йил 15 июнда Олим исмли фарзандли бўлдик.

1990 йил май ойидан бошлаб эрим уйга кеч келадиган бўлиб қолди, шу сабабли ўртамизда низо келиб чиқди ва натижада у шу йилнинг 5 сентябридан бошлаб уйга келмай қўйди, аниқлашимча, бошқа аёлга уylanган экан.

Жавобгар ўғлимнинг отаси бўлишига қарамай, хабар олмайди, моддий ёрдам кўрсатмасдан яшириниб юрибди. Ўғлим Олимнинг туғилиш гувоҳномасида Исомов "отаси" деб ёзилмаган, бироқ бу ҳақда бир неча бор жавобгарни огоҳлантирганимда боланинг отаси эканлиги тўғрисида ЗАГС органига бориб гувоҳнома олиши ҳақида гап борганда, бугун-эрта деб бўйин товлаб юрди.

Жавобгар ўғлимга ота эканлигини, у билан умумий хўжалик юритиб, уч йил давомида бир уйда яшаганлигимизни, фарзандимизга суннат тўйи қилиб берганимизни ва шу йиллар давомида мен ишламаганлигим ва унинг қарамоғида бўлганлигимни маҳалла қўмитаси, жавобгарнинг ота-оналари тасдиқлашлари мумкин.

Никоҳ ва оила кодексининг 67—68—69-моддаларига асосланиб

Сўрайман:

1. Тошкент шаҳри, Октябрь районида 1953 йил 17 майда туғилган, миллати ўзбек, юқорида зикр этилган манзилда яшовчи, ҳозирда "Миконд" заводида муҳандис бўлиб ишловчи Собир Исомовни, 1989 йил 15 июнда туғилган Олим исмли ўғлимизнинг отаси деб топилсин.

2. 1953 йил 17 майда Тошкент шаҳри, Октябрь районида туғилган жавобгар Собир Исомовдан менинг фойдамга 1989 йил 15 июнда туғилган Олим исмли ўғлимизнинг таъминоти учун 1990 йил 12 декабрдан то ўғлимнинг балоғат ёшига етгунга қадар унинг барча даромадларидан ҳар ойда тўртдан бир қисмини, лекин 20 сўмдан кам бўлмаган миқдорда нафақа ундириб берилсин.

Қуйидагиларнинг гувоҳ сифатида чақирилишини сўрайман:

1. Эримнинг отаси Нодир Исомов — Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Ҳамза кўчаси 10-уйда яшайди.

2. Эримнинг онаси Нури Исомова — юқоридаги манзилда яшайди.

3. Эримнинг дўсти Мирза Қодиров — Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Люксембург кўчаси, 19-уйда яшайди.

4. Беруний маҳалласи қўмитасининг раиси Али Асроров — С. Раҳимов райони Беруний кўчаси, 5-уйда яшайди.

Илова: 1. Ўғлимнинг туғилиш гувоҳномаси.

2. Маҳалла қўмитасининг ўғлим менинг қарамоғимда яшаётганилиги ҳақида берган маълумотномаси.

3. Жавобгарнинг маоши ҳақида маълумотнома.

4. Эримнинг ўғлим билан тушган 8 дона сурати.

5. Даъво аризасининг нусхаси.

1990 йил 12 декабрь.

А. Исҳоқова

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Оталикни алоҳида иш юритиш тартибида белгилаш тўғрисидаги ариза ГПКнинг 275-моддасига асосан юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги аризалар каби аризачининг турар-жойидаги судга бериллади.

Гражданлик иши қўзғатилишида судья ҳуқуқи ҳимоя қилинишини сўраб мурожаат қилган шахснинг процессуал ҳолатини аниқлаши, ишда иштирок этувчи шахсларнинг доирасини белгилаши лозим.

Никоҳ ва оила кодексининг 68-моддасига мувофиқ, оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга боланинг ота-оналаридан бири ёки васийси (ҳомийси), болани тарбиялаб турган шахс, шунингдек, вояга етганидан сўнг боланинг ўзи ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишларда манфаатдор шахсларнинг иштирок этиши, ишнинг ҳолатларини бирмунча тўла аниқлашга ёрдам беради, ammo бундай ҳоллар ариза берган шахс билан манфаатдор шахслар ўртасида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо чиққанида оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар, алоҳида иш юритилиш тартибида кўрилмасдан, балки даъво ишини юргизиш тартибида кўрилади.

Наманган вилояти, Задарё райони судига
Наманган вилояти, Задарё райони, Гўртена қишлоқ
кенгаши, Қизил юлдуз колхози, Паркент
кўчаси, 3-уйда яшовчи Марьям Бозоровадан
Манфаатдор шахс: Тошкент шаҳри, Киров райони
ижтимоий таъминот бўлими

АРИЗА

(Оталик фактини белгилаш ҳақида)

Мен марҳум эрим Озод Багиров билан 1991 йил март ойидан бошлаб қонуний никоҳдан ўтмай оилавий турмуш қурганман. У 1991 йил 3 сентябрь куни ишга кета туриб тўсатдан автотранспорт ҳалокатига учраб, вафот этган. У кишининг вафотидан сўнг 1991 йил 10 декабрда ўғил фарзандли бўлдим.

Эрим оиласи билан ажрашганидан сўнг менинг уйимга келадиган бўлди. Биз умумий хўжалик юритдик, ҳатто ўзининг илгарч ишлаб турган жойидан бўшаб, мен ишлаб турган "Миконд" заводига ҳайдовчи бўлиб ишга жойлашди. У ўзи ҳайдайдиган машинада мени иш жойимга олиб борар эди, буни иш жойимдаги гувоҳлар В. Эрназарова, Л. Қобулова, Н. Каримовалар ва бошқалар тасдиқлашлари мумкин.

Бирга яшаганимиз ҳақида эримнинг отаси Н. Багиров, қўшниларим Р. Н. Никифорова, Н. Ф. Орловалар ҳам хабардорлар.

Оталик фактини белгилашдан мақсад:

1) ўғлим Фозилнинг отаси борлигини қариндош-уруғ, дўст-биродарлар ўртасида билдириб, унинг кейинчалик кўнглини ўкситмаслик;

2) эрим О. Багиров вафотидан кейин омонат банкида қолган 800 сўм пулни ўғлимнинг таъминоти учун олиш;

3) ўғлимга тарбиялаш учун ижтимоий таъминоти бўлимида пенсия тайинлаш.

Менинг аризам юзасидан манфаатдор шахслар томонидан ҳеч қандай қаршилик кўрсатилмаслиги билдирилди.

Юқоридагиларга кўра, Никоҳ ва оила кодексининг 68-моддасига ҳамда ГПКнинг 274-моддасига асосланиб,

Сўрайман:

Тошкент шаҳри, Октябрь районида туғилган ва 1991 йил 3 сентябрда фожиали вафот этган Озод Багировни 1991 йил 10 декабрда туғилган ўғлимиз Фозилнинг отаси эканлиги факти белгилаб берилсин.

Илова: 1. Ўғлимнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси.

2. О. Багировнинг фожиали вафоти ҳақида гувоҳнома.

3. Марҳумнинг ёзган 8 та хати.

4. Гувоҳлар — Тошкент шаҳри, Киров райони, Уста Ширин кўчаси 12-уйда яшовчи В. Эрназарова, Л. Қобулова ҳамда шу райондаги Паркент кўчаси, 3-уйда яшовчи Р. Г. Никифорова, Н. Ф. Орлова ва эримнинг отаси — Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, Раства кўчаси, 5-уйда яшовчи Назар Багировлар бўлиб, улар чақириб сўралсин.

1992 йил 19 январь.

М. Базарова

СУД ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ҲАҚИДА

Суд алимент ундириш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қила туриб, бу қарорнинг ГПКнинг 212, 213-моддалари талабларига қатъиян мувофиқ равишда тузади. Қарорнинг асослантириш қисмида суд томонидан белгиланган ҳолатлар, суднинг хулосалари қандай далилларга асосланган бўлса, бундай далиллар ва суд амал қилган қонунлар кўрсатилади. Қарорнинг хулоса қисмида жавобгарнинг тўлиқ исм-шарифи, туғилган йили ва жойи, унинг доимий турар-жойи, иш жойи ва вазифаси, алимент олаётган боланинг исми ва туғилган йили, қанча миқдо-

рда, неча болага алимент ундирилиши ва олинадиган суд харажатларининг миқдори аниқ ва тўла кўрсатилади. Мазкур маълумотлар судга топширилган ҳужжатларнинг аслига мувофиқ равишда келтирилади.

Алиментлар даъво билан судга мурожаат қилинган пайтдан бошлаб келгуси вақт учун ундирилади. Агар суд даъвогарнинг алимент ундириши учун ҳамма чораларни кўришига қарамай, жавобгар уни тўлашдан бош тортгани сабабли алимент ундира олмаганлигини, шунингдек, даъвогар оилани сақлаш мақсадида ёки бошқа узрли сабаблар билан ўз вақтида даъво қилмаганлигини аниқласа, суд ишдаги ҳолатларига қараб, ўтган вақт учун ҳам аммо уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, алимент ундириши мумкин (Никоҳ ва оила кодексининг 127-моддаси).

Болаларнинг тарбияси учун алиментлар жавобгарнинг иш ҳақига нисбатан ҳиссалар билан белгиланиб, даврий тўловлар шаклида ундирилади. Аммо муайян ҳолатларда (Қаранг: Никоҳ ва оила кодексининг 101-моддаси) суд болаларнинг таъминоти учун маблағ тўланишини талаб қилувчи шахснинг илтимоси бўйича алиментларни ҳар ойда тўланиши лозим бўлган қатъий пул суммасида ҳам ундириши мумкин. Фавқулода ҳолатлар туфайли, масалан, боланинг оғир касал бўлиши, майиб бўлиши ва шу каби ҳолатлар содир бўлганида, алиментлардан ташқари, оналардан қўшимча харажатлар ҳам ундирилиши мумкин (Оила кодексининг 99-моддаси).

Суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида алиментлар ундиришни кўрсатиш билан бирга давлат даромадига жавобгардан суд харажатларининг ундирилиши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал қилиши керак (ГПКнинг 104-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1991 йил 5 апрелда Тошкент шаҳри, Киров райони суди биносида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида судья Р. А. Акбаров раислигида, халқ маслаҳатчилари Р. А. Зарипова ва О. А. Раҳмоноваларнинг ҳайъатида, М. Аҳмедовнинг котиблигида, прокурор Р. Эрматованинг ва "Малика" фабрикаси ишчилари жамоасининг вакили Х. Мирзаевнинг иштирокида даъвогар Г. Ш. Дониёрованинг жавобгар А. Х. Дониёровга нисбатан боланинг таъ-

миноати учун алимент ундириш ҳақидаги гражданлик иш кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар Г. Ш. Дониёрова судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар А. Х. Дониёровнинг 1990 йил 20 апрель куни уйдан чиқиб кетгани ва ҳозирда 1990 йил 12 апрелда туғилган Ирода исмли қизига ҳеч қандай моддий ёрдам кўрсатмаётгани, шунинг учун ҳам даъвогар суддан бир нафар бола таъминоти учун жавобгар А. Дониёровдан алимент ундириб беришни сўраган ва суд мажлисида ушбу даъвони қувватлаб, жавобгар билан қонуний никоҳдан ўтиб, 1980 йилдан оилавий турмуш қурганликларини шу давр ичида Ирода исмли қизлик бўлганларини баён этади.

Булардан ташқари, тарафларнинг никоҳлари 1980 йил май ойида Тошкент шаҳри, Киров райони фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш идораси томонидан қайд этилган 234567-рақамли никоҳ гувоҳномаси билан ҳам тасдиқланади.

Жавобгар А. Х. Дониёров ўз баёнотида ҳақиқатан ҳам даъвогар билан 1990 йил 2 апрелдан бошлаб оилавий турмуши бузилгани ва бирга яшамаётганини, боланинг таъминоти учун ҳам ёрдам бермаётганини тан олиб, бундан кейин оиласи билан муносабатини яхшилаб, қизининг тарбияси учун моддий ёрдам беришга тайёр эканини билдиради. Суд иш материаллари билан танишиб, иш юзасидан қатнашган "Малика" фабрикасининг вакили Х. Мирзаевнинг даъвогарни кўп вақт касал бўлиб, моддий томондан қийналганини кўрсатиб, унинг даъвосини қаноатлантириш лозимлигини айтади.

Никоҳ ва оила кодексининг 95—96-моддаларида кўрсатилишича, ота-она вояга етмаган болаларига, ёрдамга муҳтож бўлса, таъминот беришга мажбур. Бундай ҳолларда вояга етмаган болалар учун ота-оналардан алиментлар ота-онанинг иш ҳақи ва бошқа даромадларидан қонунда кўрсатилган тартибда ундириш белгиланган.

Шуларга кўра суд жавобгар А. Х. Дониёров иш ҳақи ва даромадларидан тўртдан бир қисмини, лекин 20 сўмдан кам бўлмаган миқдорда қизи Ироданинг таъминоти учун нафақа ундириш лозим деб ҳисоблайди.

Суд прокурорнинг даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қаноатлантириш учун етарли асос ва далиллар

тўпланган деб ҳисоблайди: ГПК 94-моддасининг 3-бандига асосан, суд даввогар Г. Ш. Дониёрованинг моддий аҳволини назарда тутиб, давлат божини тўлашдан озод қилишни ва ГПКнинг 96—97-моддаларига асосан, суд харажатларини жавобгар А. Х. Дониёровдан ундиришни лозим топади. Давлат фойдасига қўйидагича бож ундирилиши лозим бўлади: ишга гувоҳни чақириш учун кетган харажат 2 сўм, давлат божи учун 7 сўм 50 тийин, жами — 9 сўм 50 тийинни ташкил қилади.

Суд юқоридагиларга кўра ҳамда Никоҳ ва Оила кодексининг 95—96-моддаларига ва ГПКнинг 208—213-моддаларига асосан

Қарор қилади:

Жавобгар Тошкент "Малика" фабрикасида уста бўлиб ишловчи, 1950 йилда туғилган А. Х. Дониёров ҳисобидан Г. Ш. Дониёрованинг фойдасига 1990 йил 12 апрелда туғилган қизи Ироданинг таъминоти учун жавобгарнинг барча ойлик маошларини ҳисобга олган ҳолда ҳар ойда тўртдан бир қисмини, лекин 20 сўмдан кам бўлмаган миқдорда, 1991 йил 10 мартдан бошлаб фарзанди Ирода вояга етгунга қадар алимент ҳамда йўқотган вақти учун 2 сўм ундирилсин.

Суд харажатлари учун сарфланган 9 сўм 50 тийин жавобгар А. Х. Дониёровдан давлат ҳисобига ундирилсин.

Ҳал қилув қарорининг алимент ундириш ҳақидаги қисми дарҳол ижро қилинсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг гражданлик ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят (протест) қилишлари мумкин.

Халқ судьяси: *Р. А. Акбаров*

Халқ маслаҳатчилри: *Р. А. Зарипова*

О. А. Раҳмонова

АЛИМЕНТ МИҚДОРINI КАМАЙТИРИШ ҲАҚИДА

Агар суд алимент тўловчи шахснинг бошқа вояга етмаган болалари борлигини аниқласа ва ундан қонунда белгиланган миқдорда алиментлар ундирилганида, бу болалар алимент олувчи болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланадиган бўлиб қолсалар, шунингдек, алимент тўловчи ота-она биринчи ёки иккинчи

тоифа ногирони бўлса, ёхуд алимент оладиган болалар ишласалар ва уларнинг етарли иш ҳақи бўлса, ундириладиган алиментларнинг миқдори суд томонидан камайтирилиш лозим.

Никоҳ ва оила кодекси 98-моддасининг 2-қисмида кўрсатилганидек, агар болалар давлатнинг ёки жамоат ташкилотларининг тўлиқ таъминотида бўлсалар, суд алимент миқдорини камайтиришга ёки жавобгарни алимент тўлашдан озод қилишга ҳақли бўлади.

Хоразм вилояти, Урганч шаҳар судига

Даъвогар: Бобожон Бобожонов — Урганч шаҳри, 3-микрорайон, Лабзак кўчаси, 10-уйда яшайди.

Жавобгар: Сония Шокирова — Урганч шаҳри, Раҳимов кўчаси, 10-уйда яшайди.

Жавобгар: Реймажон Жуманиёзова — Урганч шаҳри, Одилов кўчаси, 35-уйда яшайди.

Жавобгар: Дилбар Юсупова — Урганч шаҳри, Асана 40 йиллиги кўчаси, 40-уйда яшайди.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Алимент миқдорини камайтириш тўғрисида)

Хива райони судининг 1977 йил 10 ноябрь ойидаги ҳал қилув қарорига биноан мен Сония Шокированинг тарбиясида қолган 1975 йил 30 ноябрда туғилган Гўзал исмли фарзандим учун иш ҳақимнинг тўртдан бир қисми миқдорида алимент тўлаб келмоқдаман.

Бундан ташқари, Урганч шаҳар судининг 1989 йил 25 сентябрдаги қарорига асосан собиқ турмуш ўртоғим Реймажон Жуманиёзова фойдасига унинг тарбиясида қолган 2 нафар фарзандим — 1987 йил 8 марта туғилган Темур Бобожонов ва 1988 йил 13 ноябрда туғилган Юлдуз Бобожоноваларнинг тарбияси учун иш ҳақимнинг учдан бир қисми миқдорида алимент тўлаб келмоқдаман. Яна Хива райони судининг 1989 йил 16 октябрда чиқарган ҳал қилув қарорига биноан собиқ хотиним Дилбар Юсупованинг тарбиясида қолган 2 нафар фарзандим — 1987 йил 23 ноябрда туғилган Жаҳонгир Бобожонов, 1989 йил 11 мартда туғилган Дилмурод Бобожоновлар учун яна учдан бир қисм миқдорда алимент тўлаб келмоқдаман.

Мен 1989 йил январь ойида Санобар Ниғматова исмли аёлга уйландим ҳозирги кунда ўртамизда 1990 йил 5

февралда туғилган Нилуфар Бобожонова исмли фарзандимиз бор.

Ҳозирда мен Урганч шаҳридаги "Хорезмтурист" идорасида диспетчер бўлиб ишлаб келмоқдаман, ойлик маошим 890 сўмни ташкил қилади. Лекин ойлик маошимнинг жуда катта қисми жавобгарларга алимент тарзида юборилиб турибди. Ҳозирги кунда турмуш ўртоғим фарзандимиз ёш бўлганлиги сабабли ишламасдан ўтирибди, ўзим касалмандман. Оиламиз моддий томондан жуда қийналяпти, жавобгарлар эса яхши таъминланганлар. Шундай қилиб, мендан ундирилаётган алимент миқдори ойлик маошимнинг ярмидан кўпини ташкил қилиб, қонунда белгиланган миқдордан ошиб кетган.

Юқоридагиларга кўра ва Никоҳ ва оила кодексининг 98-моддасига асосан

Сўрайман:

1. Хива райони судининг 1977 йил 10 ноябрдаги, Урганч шаҳар судининг 1989 йил 25 сентябрдаги ва Хива райони судининг 1989 йил 16 октябрдаги ҳал қилув қарорларида кўрсатилган алимент ундириш миқдори камайтирилсин.

2. а) Мендан жавобгар Сония Шокированынг тарбиясидаги 1975 йил 30 ноябрда туғилган Гўзал исмли фарзандим учун ундирилаётган;

б) жавобгар Реймажон Жуманиёзова тарбиясидаги 1987 йил 8 мартда туғилган Темур Бобожонов ва 1988 йил 13 ноябрда туғилган Юлдуз Бобожонова исмли фарзандларим учун ундирилаётган ва

в) жавобгар Дилбар Юсупованынг тарбиясидаги 1987 йил 23 ноябрда туғилган Жаҳонгир Бобожонов ва 1989 йил 11 мартда туғилган Дилмурод Бобожонов исмли фарандларим тарбияси учун ҳар ойи ундирилаётган алимент миқдорланинг ҳаммаси жамланганда ойлик маошимнинг 50 фоизи миқдоридан оширмаслиги таъминлансин.

Илова: 1. Санобар Нигматова билан никоҳимиз тўғрисида никоҳ гувоҳномасидан нусха.

2. Боланынг туғилиш гувоҳномасидан нусха.

3. Боланынг соғлиги тўғрисида маълумотнома.

4. Менинг иш жойимдан ойлик маошим ҳақида маълумот.

5. Хотинимнинг ҳомиладорлик отпусказида эканлиги тўғрисида иш жойидан маълумотнома.

6. Яшаш жойидан маълумот.
7. Хива райони судининг 1977 йилги қарори.
8. Урганч шаҳар судининг 1989 йил 25 сентябрдаги қарори.
9. Хива райони судининг 1989 йил 16 октябрдаги қарори.
10. Давлат тўловини тўлаганлигим ҳақида чипта.

1990 йил 30 март.

Б. Бобожонов

БОЛАЛАР ҲАҚИДАГИ НИЗОНИ ҲАЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Суд никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарган пайтда, зарур ҳолларда, вояга етмаган болаларнинг ва меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотиннинг манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Никоҳдан ажралгандан кейин эр-хотин ўртасида болалар қайси бирлари билан туриши ва болаларнинг таъминоти учун қанча миқдорда нафақат тўлаш ҳақида низо бўлса, суд никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни ҳал қилиш билан бирга болалардан қайси бири ота-онанинг қайси бири билан қолиши, шунингдек, болаларнинг таъминоти учун ота-оналарнинг қайси биридан қанча миқдорда алимент ундириш кераклиги масалаларини ҳам ҳал қилишга мажбур.

Бундай ҳолларда ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органи жалб қилиниши лозим.

Фарғона вилояти, Боғдод райони судига
Даввогар: Собира Маматова — Боғдод райони Москва қишлоқ кенгаши, Шўрақер қишлоғида яшайди.

Жавобгар: Тоҳир Маматов — шу район, Ултарма қишлоқ кенгаши Янги қишлоғида яшайди.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Болани олиш тўғрисида)

Мен Тоҳир Маматовга 1985 йил 28 июлда Боғдод райони фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш идорасида никоҳни қайд қилдирган ҳолда турмушга чиққанман.

Оилавий турмушимиз давомида 1986 йил 22 июнда тугилган Замира Маматова ва 1988 йил 25 сентябрда

туғилган Гүзал Маматова исмли фарзандларимиз туғилди. Мен жавобгар билан ўзаро келишмай, ота-онамникига кетиб яшамоқдаман. Икки нафар фарзандим ҳам мен билан бирга эди.

1989 йил 15 апрель куни жавобгар нафақа тўлашдан қочиб, уйда менинг йўқлигимдан фойдаланиб, 1986 йил 22 июнда туғилган Замира Маматова исмли фарзандимни олиб қочиб кетибди.

Қизим Замира ёшлигида сил касали эди. Шунинг учун мен уни алоҳида парвариш қилар эдим. Ҳозирда у жавобгарнинг қўлида. Жавобгар кундузи ишга кетади. Боламга қарайдиган ҳеч кими йўқ. Ҳозирда мен фарзандимнинг озиқ-овқати, кийим-боши, соғлиғи, умуман тақдири ҳақида қайғурмоқдаман.

Менинг ҳозирги даромадларим билан фарзандларимни таъминлаш учун моддий томондан тўлиқ имкониятим мавжуд.

Энг асосийси — ҳар икки фарзандимнинг онасиман. Иккаласига ҳам оқ сутим билан меҳр берганман. Кечалари улар бошида ухламай тонг оттирганман. Ҳозирда фарзандларимни бир-биридан ажратиб тарбиялашнинг ўзи мен учун оғир маънавий зарбадир.

Бола ёш, гўдак, кўпроқ оналик меҳрига, парваришга зор. Лекин жавобгарнинг билиб туриб фарзандимни олиб кетгани, мендан яшириб юргани — мен учун ҳам, фарзандларим учун ҳам оғир жудоликдир.

Фарзандларимга оналик меҳрини, тарбияни фақат мен бера оламан.

Эшитишимча, қизим касал бўлиб ётган экан. Мен жавобгарнинг фарзандимга тарбия беришига ишонмайман, чунки оилани бошқара олмаган инсон фарзандларини ҳам тарбиялай олмайди, бунинг устига фарзандимни тарбиялаш учун у кишининг шароити йўқ.

Ҳозирда мен ота-онамникида яшамоқдаман, яшаш учун барча шароитлар бор.

Алоҳида уй-хонаси ва бошқа моддий шароитлар мавжуд. Озиқ-овқат ва моддий томондан таъминотимизга ота-онам мунтазам ёрдам бермоқдалар, шунингдек, жавобгар ҳам икки фарзандим учун нафақа тўлашга мажбур.

Юқоридагиларга ва Никоҳ ва оила кодексининг 79—80-моддаларига асосан

Сўрайман:

1986 йил 22 июнда туғилган Замира Маматова отаси Тоҳиржон Маматовнинг тарбиясидан менинг тарбиямга олиб берилсин.

Илова: 1. Никоҳ гувоҳномасидан нусха.

2. Жавобгарнинг яшаш ва иш жойидан маълумотнома.

3. Яшаш ва иш жойидан маълумотнома.

4. Фарзандимнинг туғилиш гувоҳномасидан нусха.

1989 йил 20 апрель.

С. Маматова

А Ж Р И М

1989 йил 11 июлда Фарғона вилояти судининг граждандлик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлисида раислик этувчи С. Шарапов, ҳайъат аъзолари Р. Мўминов ва К. Ҳайдаров ҳайъатда, прокурор Ю. Ражабов иштирокида, Боғдод райони судининг 1989 йил 8 июнда 2—90-рақамли кўрган фуқаролик иши бўйича болани олиб беришни рад қилганлиги ҳақида чиқарган ҳал қилув қарори устидан жавобгар Тоҳир Маматов келтирган кассация шикоятни кўрилди.

Судлов ҳайъатида фуқаролик иши юзасидан ҳайъат аъзоси С. К. Шараповнинг маърузасини тинглаб, қуйидагилар

Аниқланди:

Собира Маматова 1985 йил 27 июлда жавобгар Тоҳир Маматов билан оилавий турмуш қуриб то 1989 йил апрель ойига қадар бирга яшаганлар. Оилавий турмуш даврида — 1986 йил 22 июнда Замира Маматова ва 1988 йил 25 сентябрда Гўзал Маматова исмли фарзандлар кўрганлар. Оилавий турмушлари бузилиб, халқ судининг 5 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан никоҳлари бекор қилинган. Замира исмли қизини отаси олиб қолиб ўзи тарбиялашини билдирган.

1989 йил апрель ойида Собира Маматова судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, Тоҳир Маматовдан қизини ўзининг тарбиясига олиб берилишини сўраган, бунга асос қилиб қизи Замирани касалванд эканлигини, икки фарзандни бир-биридан ажратиб тарбиялаш руҳий жиҳатдан салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳамда уйда

тарбия учун барча шароитлар мавжуд эканлигини кўрсатган.

Жавобгар даъвога иқрор бўлмаса-да, ўзининг талабини асослайдиган бирорта важ ва мулоҳазалар келтирмайди. Аксинча, суд томонидан жавобгарнинг тез-тез спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда уйга келиб, жанжал-тўполон қилиши туфайли болаларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланган. Шу сабабли суднинг 1990 йил 20 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра Собира Маматованинг даъвоси қаноатлантирилган.

Жавобгар Тоҳир Маматов келтирган кассация шикоят-ида ҳозир ишлаётганлигини, болаларини тарбиялаш учун моддий ва маънавий томондан шароитлари етарли эканини кўрсатиб, суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинишини, болалардан бирини ўзининг тарбиясига олиб берилишини сўрайди.

Иш материалларидан даъвогар Собира Маматованинг икки нафар фарзандини тарбиялаш учун моддий ва маънавий жиҳатдан шароити етарли эканлиги, район маориф бўлими васийлик ва ҳомийлик идорасининг берган хулосаси ҳамда уларнинг судда қувватлаб берган кўрсатмалари билан тасдиқланади.

3 ёшли Замира она бағрида, оналик меҳри остида тарбияда бўлмоғи, ҳар икки боланинг бир оилада, бир-биридан ажралмаган ҳолда тарбияланишлари мақсадга мувофиқлиги суд тафтишида асосли равишда аниқланган.

Шу сабабли суд Собира Маматованинг даъвосини қаноатлантириб, қизи Замира Маматовани жавобгар Тоҳир Маматовдан олиб бериб тўғри хулосага келган.

Бинобарин, Фарғона вилоят судининг фуқаролик судлов ҳайъати ГПКнинг 331—333-моддаларини қўллаб

Ажрим қилади:

Фарғона вилояти, Боғдод райони судининг ушбу фуқаролик иши бўйича 1989 йил 8 июнда чиқарган ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилсин. Тоҳир Маматовнинг кассация шикояти эса қаноатлантирилмай қолдирилсин.

Раислик қилуви: С. А. Шарипов
Ҳайъат аъзолари: Р. Мўминов
К. Ҳайдаров

VI.

МЕҲНАТГА ОИД НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқади-
ган низолар бўйича ишлар гражданлик суди ишларини
юритишнинг умумий қоидалари, яъни даъво ишларини
юритиш тартибида халқ судлари томонидан кўрилади.

Бу туркумдаги гражданлик ишлари учун қонун томо-
нидан белгиланган қатор хусусиятлар мавжуд. Бундай
хусусиятлар низоли моддий ҳуқуқий муносабатларнинг
характери билан белгиланиб, фақат моддий ҳуқуқ (меҳнат
ҳуқуқи) нормаларигина эмас, балки процессуал ҳуқуқ
нормалари (ГПК)да ҳам назарда тутилган. Бу жиҳатлар
судьялар томонидан меҳнат ишлари бўйича даъво ариза-
ларини қабул қилишларида, уларни суд мажлисида кўриш
учун тайёрлашда ва иш юритишнинг бошқа кейинги
босқичларида ҳам эътиборга олиниши керак.

Судья бундай ишлар бўйича аризалар қабул қилишда
ГПКнинг 26-моддасида назарда тутилган умумий қоидага
амал қилиб, мазкур ишнинг судга тааллуқли бўлиш-
бўлмаглигини белгилаши лозим. Низонинг предметида ва
ишда қатнашувчи субъектларга қараб, меҳнат ҳуқуқи
нормалари бундай ишни ҳал қилишнинг ҳар хил тартиби
белгилаганлигини назарда тутиши керак.

Меҳнат қонуллари кодексининг 229-моддасида
кўрсатилгандек, меҳнат низолари уч инстанцияда: бирин-
чидан, меҳнат низоларини кўрувчи комиссиялар томони-
дан; иккинчидан, касаба уюшмалари қўмиталари томони-
дан ва учинчидан, район (шаҳар) халқ судлари томонидан
кўрилади. Баъзи турдаги ходимларнинг меҳнат низолари
бўйсунушга қараб, Меҳнат қонунлари кодексининг 253 ва
254-моддаларига мувофиқ юқори органлар томонидан
кўрилади.

Тубандагича меҳнат низолари аввало меҳнат низола-
рини кўрувчи комиссиялар ва касаба уюшма қўмиталари
томонидан кўрилиб, сўнг судда кўрилади:

биринчидан, ишчи ва хизматчилар касаба уюшмаси
қўмиталарининг чиқарган қарорига рози бўлмаганларида
ишчи ва хизматчиларнинг аризаларига биноан ёки маъму-
рият касаба уюшмаси қўмиталари чиқарган қарорни амал-

даги қонунга зид деб ҳисоблаган тақдирда — маъмуриятнинг аризасига биноан;

иккинчидан, ишчи ва хизматчилар корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба уюшмаси ташкилотчиси ва раҳбарларидан иборат ҳайъатда бўлган меҳнат низоларини комиссияси қарорига рози бўлмаганлари тақдирда ёки бу комиссияда тарафлар бир битимга келмаганида, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотда касаба уюшмаси қўмитаси ва касаба уюшмаси ташкилотчиси бўлмаганида ишчи ва хизматчилар берган аризаларига бинаон кўриб чиқилади.

Баъзи меҳнат ишлари меҳнат низоларини кўриш комиссиясида эмас, балки бевосита район (шаҳар) халқ судларида кўрилади. Бундай ишлар Меҳнат қонунлари кодекси 241-моддасининг 1-қисмида тубандагича белгиланган:

биринчидан, корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ташаббуси билан ишдан бўшатиш ишчи ва хизматчиларини ишга қайта тиклаш тўғрисидаги ишлар, шунингдек, уларни ишдан бўшатиш сабабларини ўзгартириш ҳақидаги уларнинг аризаларига биноан (махсус рўйхатда кўрсатилган вазифаларини эгаллаб турган ходимларнинг низолари бундан мустаснодир);

иккинчидан, касаба уюшмаси қўмиталари ва касаба уюшмаси ташкилотчилари бўлмаган корхоналар, муассасалардаги ишчи ва хизматчиларнинг аризалари бўйича, шунингдек, меҳнат шартномаларига кўра кўл ишловчи шахсларнинг аризалари бўйича:

учинчидан, корхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарарни ишчи ва хизматчилардан ундириб олиш тўғрисидаги ишлар маъмурият берган аризасига биноан кўриб чиқилади.

Меҳнат низоларини кўриш учун бошқа гражданлик ишларига нисбатан бирмунча қисқа муддатлар белгиланган. ГПКнинг 115-моддасига кўра меҳнат низолари биринчи инстанция суди томонидан 10 кун муддат ичида кўрилиши лозим, агар тарафлар бошқа ҳудудда яшасалар, бу муддат 20 кунга белгиланган.

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони судига
Даъвогар: Носир Расулов — Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Шофайзи кўчаси, 2-бەрк кўча,
10-уйда яшайди.

Жавобгар: Тошкент шаҳри, Октябрь райони ошхоналар трести, Чкалов кўчаси, 3-уйда жойлашган.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақт учун иш ҳақи ундириш тўғрисида)

Мен 1986 йил сентябрь ойидан бошлаб Октябрь районининг ошхоналар трестида омборчи бўлиб ишлаб келаман.

Трест бошлиғи А. Қирғизбоевнинг 1990 йил 10 сентябрдаги буйруғига асосан, Меҳнат қонунчилари кодекси 41-моддаси 3-бандига мувофиқ, "ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан ўз зиммасига юкланган вазифаларни узрсиз сабаблар билан доимий равишда бажармаётганлик"да айбланиб, ишдан бўшатиладим.

Трест раҳбариятининг буйруғида кўрсатилишича, мени ишдан бўшатиш учун асос — 10 сентябрь куни ишга келмаганлигим "узрсиз" деб ҳисоблаганидир.

Ишдан бўшатирилганимни гайриқонуний деб биламан ва буни қуйидагилар билан асослайман:

1. Буйруқда мени "ишга мунтазам кечикиб келган" дейилганлигини асоссиз деб ҳисоблайман, чунки менинг 10 йил давомида бирор марта ҳам кечикиб келганлигим ёки ички тартиб қоидаларини бузганлигим ҳатто муҳокама ҳам қилинмаган.

2. Дарҳақиқат, 1990 йил 10 сентябрь куни қон босимим кўтарилганиги сабабли ишга келмаганман ва бу ҳақда ошпаз Рустам Алиевдан хабар бериб юборганман. Бундан ташқари, бу ҳолатни тасдиқловчи дўхтирхонадан берилган маълумотномани ҳам тақдим этганман, шунинг учун кечикиш сабабини узрли деб ҳисоблайман.

3. Мени ишдан бўшатиш ҳақида касаба уюшмаси маҳаллий қўмитаси розилик бермаган, буни эса меҳнат қонунчилигини қўпол равишда бузиш деб қарамоқ керак.

Юқоридагиларга кўра, Меҳнат қонунлари кодексининг 239—240-моддаларига асосан

Сўрайман:

1. Октябрь районидаги ошхоналар трестининг мени ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруғи бекор қилиниб, омборчилик вазифасига қайта тиклашга рухсат этилсин.

2. Мажбуран бекор юрган ҳамма кунларим учун 1990 йил 10 сентябрдан бошлаб иш ҳақи жавобгардан ундириб берилсин.

3. Суд мажлисига Р. Алиевни гувоҳ сифатида чиқарилсин, у Октябрь райони, Себзор кўчаси, 12-уйда яшайди.

Булардан ташқари, ошхоналар трестидан менга нисбатан қачон жазо берилганлиги ҳақидаги маълумот талаб қилиб олинишини сўрайман.

Илова: 1. Октябрь райони ошхоналар трестининг 1990 йил сентябрдаги мени ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғи;

2. Октябрь районидаги 17-поликлиниканинг 1990 йил 10 сентябрда касаллигим ҳақида берган маълумотномаси.

3. Кейинги уч ой давомида олган маошим ҳақида маълумотнома.

4. Даъво аризанинг 2 нусхаси.

1990 йил 22 сентябрь.

Н. Расулов

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ ЮЗАСИДАН СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Касаба уюшмаси ташкилотчиси ва корхона, муассаса, ташкилот раҳбаридан иборат ҳайъатдаги меҳнат низоларини кўрувчи комиссияда томонлар бир битимга кела олмаганлари тақдирда, шунингдек, ходим меҳнат низоси юзасидан мазкур комиссия чиқарган ҳал қилув қарорига рози бўлмагани ҳолда, бу ходим унга шу комиссия мажлиси протоколдан кўчирма топширилган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида меҳнат низосини ҳал қилиб бериш тўғрисида район (шаҳар) халқ судига ариза билан мурожаат этиши мумкин.

Агарда ходим корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси қўмитасининг (цех касаба уюшмаси қўмитасининг) меҳнат низоси юзасидан чиқарган қароридан норози бўлса, у корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитаси (цех касаба уюшмаси қўмитаси) қарорини олган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида район (шаҳар) халқ судига мазкур меҳнат низосини кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг касаба уюшмаси қўмиталари (цех касаба уюшмаси қўмиталари) меҳнат низоси юзасидан чиқарган қарорини амалдаги қонунларга зид деб ҳисобланган тақдирда, у меҳнат низосини ҳал қилиб

беришни сўраб юқорида кўрсатилган муддат ичида район (шаҳар) халқ судига мурожаат қилиши мумкин.

Ишчи ёки хизматчи асоссиз ишдан бўшатишга ёки ғайриқонуний йўсинда бошқа ишга кўчирилган тақдирда шу ишчи ёки хизматчи меҳнат низосини қараб чиқувчи идора томонидан аввалги ишига қайта тикланиши лозим.

Башарти, ходим корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси ташкилотининг розилигисиз ишдан бўшатишга бўлса, меҳнат низосини кўриб чиқувчи орган касаба уюшмаси қўмитаси ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиққунига қадар низони ҳал этишни кечиктириб туриши керак. Агар ходимни ишдан бўшатишга розилик бериш рад этилса, касаба уюшмаси қўмитаси ана шу ходимни ишга қайта тиклаш тўғрисидаги қарор қабул қилади.

Меҳнат низосини кўрувчи орган ходимни қайта ишга тиклаш тўғрисида ҳал қилувчи қарори чиқариш билан бирга ноилождан бекор юрган вақт учун унга ҳақ тўлаш ёки камроқ ҳақ тўланадиган ишни бажарган пайтда олган ҳақининг фарқини тўлаш ҳақида ҳам қарор чиқаради, лекин бу ҳақ уч ойлик иш ҳақи миқдоридан ортиб кетмаслиги шарт.

Самарқанд вилояти, Булунғур райони судига
Даъвогар: Пўлат Парпиевич Латипов — Булунғур
шаҳри, Декабристлар кўчаси, 12-уйда яшайди.
Жавобгар: Булунғур шаҳар қурилиш бошқармаси,
Воровский кўчаси, 5-уйда жойлашган.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақт учун
иш ҳақи ундириш тўғрисида)

Мен Булунғур қурилиш бошқармасида 1962 йилдан бери дурадгор бўлиб ишлаб келганман.

Бошқарма бошлигининг 1986 йил 4 августдаги буйруғи билан мен Меҳнат қонунлари кодексининг 41³- моддаси билан ички меҳнат тартиб-қосидасини доимий равишда бузганликда айбланиб, ишдан бўшатишга асос қилиб, 1986 йил 2 август куни бир соату ўттиз минут кечикиб келганлигим бўлган.

Қуйидаги асосларга кўра мени ишдан нотўғри бўшатган деб ҳисоблайман:

1. Буйруқда ички меҳнат тартиб-қоидалари мунтазам равишда бузилган дейилган ваз асоссиздир. Иш даврида ижтимоий жазо қурилиш бошқармаси томонидан 1983 йил 2 июнда 63-буйруқ билан менга эълон қилинган эди. Намунавий ички иш тартиб қоидасига кўра, бу жазо ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблайман.

2. 1986 йил 2 августда 1 (бир) соат 30 (ўттиз) минут ишга кечикиш ҳақиқатда бўлган, лекин бу кечикиш узрли сабабларга кўра йўл қўйилган:

1 август куни хотиним оғир касал бўлиб қолди, шунинг учун 2 август куни бир қанча уй ишларини ўзим қилишга (овқат тайёрлашга, болаларни мактаб ва яслига олиб бориб қўйишга), шунингдек, уйга врач чақиришга мажбур бўлгандим. Бу ҳолатни қўшниларим А. Турсунов ва Б. Ғаниевлар тасдиқлашлари мумкин.

1986 йил 4 августдан бошлаб ишсиз юрибман.

3. Юқорида баён этилганларга кўра, менинг ишдан бўшатишим тўғрисидаги бошқарма бошлигининг шу йил 4 августдаги буйруғи амалдаги қонунчиликка зид равишда чиқарилган деб ҳисоблайман. Шунинг учун Меҳнат қонунлари кодексининг 240—245-моддаларига асосланиб,

Сўрайман:

1. Менинг муқаддам иш жойим бўлмиш Булунғур қурилиш бошқармасига дурадгор вазифасига тикланишимга имкон берилсин.

2. Жавобгардан менинг фойдамга ноилождан 1986 йил 4 августдан бошлаб юрган кунларим учун иш ҳақи ундириб берилсин.

Суд мажлисига гувоҳ сифатида Булунғур шаҳри, Декабристлар кўчаси, 12-уйда яшовчи В. И. Громовани чақиришингизни сўрайман.

Бундан ташқари, қурилиш бошқармасидан:

а) 1983 йилда менга интизомий жазо берилганлик тўғрисида чиқарилган буйруқ нусхасини;

б) маҳаллий касаба уюшмаси қўмитасининг менинг ишдан бўшатишганим тўғрисида берган розилиги бўйича қарорнинг нусхаси;

в) ишдан бўшатилишдан олдинги даврдаги уч ойлик иш ҳақимнинг миқдори тўғрисидаги маълумотни сўраб олишингизни илтимос қиламан.

Илова: 1. Булунгур қурилиш бошқармасининг 1986 йил 4 августдаги буйруғидан нусха.

2. Шаҳар поликлиникасининг 2 августда хотинимнинг касал бўлиб қолганлиги тўғрисида берган маълумоти.

3. Даъво аризасининг иккинчи нусхаси.

1986 йил 13 август.

П. П. Латипов

**ИШНИ ДАСТЛАБ СУДСИЗ ҲАЛ ҚИЛИШ ВА ШУ
ТУРКУМДАГИ ИШЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН
ТАРТИБГА РИОЯ ҚИЛМАГАНЛИК САБАБЛИ
АРИЗАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Баъзи меҳнат низолари юзасидан бўлган ишлар меҳнат низоларини ҳал қилувчи комиссияга ёки тегишли касаба уюшмаси қўмитасига даъвогар мурожаат қилган тақдирдагина тааллуқли бўлади. Бу тўғрида тегишли тушунтиришлар Олий суд Пленумининг 1986 йил 25 апрелдаги қарорида берилган.

Айрим меҳнат низолари учун қонун билан альтернатив тааллуқлилиқ белгиланган. Чунончи, ишчи ёки хизматчининг касаба уюшмаси қўмитаси розилигисиз нотўғри бўшатилиши тўғрисидаги низо ё бевосита судда ёки меҳнат низоларини кўриш комиссиясида ва касаба уюшмаси қўмитасида кўрилиши мумкин.

Хуллас, гражданлик ишларининг айрим турларининг кўрилиши ва ҳал этилиши қайси идорага тааллуқли бўлишини билиш учун ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг қандай ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққанлигини англаб етиш лозим бўлади.

Меҳнат тўғрисидаги низоларнинг кўпчилиги меҳнат низоларини кўриш комиссияси ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан аввал кўрилган бўлсагина (касаба уюшмаси қўмитаси бўлмаган жойларда эса касаба уюшма ташкилотчиси ва корхона раҳбари ҳайъатидан иборат комиссия томонидан кўрилганидагина) судга тааллуқли бўлади.

Баъзи меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар бўйича манфаатдор тарафлар қонунда белгиланган талабларга риоя қилмай судга мурожаат этадилар, судья бу ҳақда тегишли ажрим чиқаради.

Меҳнат қонунчилигига биноан, жумладан, Меҳнат қонунлари кодексининг 239—240-моддларида назарда ту-

тилган ҳолларда, бу тартибга риоя қилинмаслиги аризанинг қабул қилинишини рад этиш учун ёки даъво кўрмасдан қолдириш учун асос бўлади.

Даъво аризасини қабул қилишнинг рад этилиши ва меҳнат иши бўйича қўзғатилган ишнинг бекор қилиниши ГПКнинг 142 ва 241-моддаларида назарда тутилган барча асослар бўйича амалга оширилади.

А Ж Р И М

1990 йил 25 июль.

Тўрақўрғон райони.

Наманган вилояти, Тўрақўрғон райони судининг судьяси О. К. Қосимов томонидан даъвогар Эргаш Жумаевнинг Вино тайёрлаш заводига нисбатан иш ҳақини ундириш тўғрисидаги аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Э. Жумаев судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, у шу Вино тайёрлаш заводига узум эзиш цехида ишчи бўлиб ишлаб, 1989 йилнинг ёзида маъмурият томонидан бир неча маротаба ишдан кейин қолиб, 3—4 соатлаб, айрим шанба ва якшанба кунлари (жумладан, июль-август ойлари тўлиғича) ишлагани ва шу меҳнатлари учун завод 285 сўм ҳақ тўлаши лозимлигини кўрсатади.

Суд ишда тўпланган ҳужжатларга асосланиб, аризани судда кўриш учун асос йўқ деган хулосага келади.

Меҳнат Қонунлари кодексининг 229—240-моддаларига асосан, иш вақтидан кейин ишлаганлик учун иш ҳақини ундириш тўғрисидаги низолар дастлабки меҳнат низоларини кўрувчи комиссияларда ҳал қилиниши унинг қароридан норози бўлган тараф касаба уюшмаси қўмиталарига мурожаат этиши зарур. Лекин бу талабларга даъвогар риоя қилмаган. Шу тариқа даъвогарнинг ишни дастлаб судсиз ҳал қилиш юзасидан шу туркумдаги ишлар учун белгиланган тартибга риоя қилмаганлиги сабабли суд аризани қабул қилишни рад этишни лозим топди. Суд ГПК 244-моддасининг 1-бандига асосан

Ажрим қилади:

Эргаш Жумевнинг Тўрақўрғон районидаги Вино заводида иш вақтидан ташқари ишлагани учун 285 сўм иш ҳақини ундириш тўғрисидаги аризасини қабул қилиш рад

этилсин. Бундай туркумдаги низоларни ҳал қилиш учун Эргаш Жумаевга аввало Вино заводининг меҳнат низоларини кўрувчи комиссиясига, агар унинг қароридан норози бўлганда, завод касаба уюшмаси қўмитасига, унинг қароридан ҳам норози бўлган тақдирда, судга мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар шу суд орқали Наманган вилоят судининг гражданлик судлов ҳайъатига 10 кун муддат ичида хусусий шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Халқ судьяси: *О. К. Қосимов*

ЖАВОБГАРНИ ҚИДИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ишда иштирок этаётган шахслар иш юритилаётган вақтда ўз адресларини ўзгартирганликлари тўғрисида судга маълум қилишга мажбурдирлар. Бундай маълумот бўлмагани тақдирда чақирув хати судга маълум бўлган охириги манзилгоҳ бўйича юборилади ва чақирилувчи бу манзилда яшамаётган бўлса, у топширилган ҳисобланади.

Жавобгарнинг ҳақиқий турадиган жойи номаълум бўлган тақдирда жавобгарнинг маълум бўлган охириги турар-жойидаги почта бўлими, уйлар бошқармаси, қишлоқ кенгаши ижроқуми ёки маҳалла (квартал) қўмитаси ёхуд унинг охириги иш жойидаги маъмурият чақирув хати олинганлиги ва чақирулувчининг қаерда экани номаълумлиги сабабли уни топшириш мумкин эмаслиги ҳақида ёзиб юборган маълумот судга келгач, суд ишни кўришга киришади.

Алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача шикаст етиши, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида келган зарарларни қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича жавобгарнинг ҳақиқий яшаб турган жойи номълум бўлса, жавобгарни қидириш мажбурийдир.

Давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, колхозлар ва бошқа кооператив ҳамда жамоат ташкилотларининг гражданларга нисбатан даъволари бўйича жавобгарларнинг ҳақиқий яшаб турган жойи номаълум бўлса, суд жавобгарни қидиришни эълон қилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган ҳолларда суд жавобгарни ички ишлар идоралари орқали қидириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Наманган вилояти, Тўрақўрғон райони судининг очиқ суд мажлисида судья К. М. Алихонов раислигида, халқ маслаҳатчилари В. Алиев ва К. Бердиевларнинг ҳайъатида, Н. Валиева котиблигида "Наманган" узумчилик давлат хўжалигининг даъвоси бўйича шу хўжаликка келтирилган 173 сўм 20 тийин зарарни Самад Алиқуловдан ундириш тўғрисидаги фуқаролик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Самад Алиқулов "Наманган" узумчилик давлат хўжалигида ишчи бўлиб ишлаб келгани ҳолда унга биркитилган 200 дона узум солиш учун мўлжалланган картон қутини ўз вақтида пана жойга олиб қўймаганлиги сабабли қутилар ёмғирда қолиб, ишдан чиқишига сабабчи бўлган ва шу билан совхозга 173 сўм 20 тийин миқдорда зарар келтирган бўлиб, зарарни ихтиёрий тўлашдан бош тортиб келган. Шу туфайли даъвогар — "Наманган" давлат хўжалиги зарарни жавобгардан ундириб бериш тўғрисида судга муурожаат қилади.

Жавобгар суднинг тайёрлов мажлисига чақирилишига қарамай узрсиз сабабларга кўра келмаган, аниқланишича, шу йил 10 июлда у иш ва яшаш жойларини ташлаб номаълум томонга кетиб қолган, бу ҳолат қишлоқ кенгашининг 1990 йил 12 июлда берган маълумотномаси билан ҳам тасдиқланади.

Даъвогар ("Наманган" давлат хўжалигининг вакили) Меҳнат қонунлари кодексининг 144-моддасида кўрсатилган талаблар бузилганлиги сабабли 1970 йилда Фарғона вилояти, Қўқон шаҳрида туғилган Самад Алиқуловга нисбатан ички ишлар идораси орқали қидирув эълон қилиниши лозимлигини сўрайди.

Юқоридагиларга кўра суд даъвогарнинг талабларини асосли деб ҳисоблаб, ГПКнинг 124-моддасига асосан

Ажрим қилади:

Фарғона вилояти, Қўқон шаҳрида 1970 йилда туғилган ва охириги вақтда Тўрақўрғон райони Шаҳанд қишлоқ кенгашининг "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги ҳудудида яшган Самад Алиқуловга нисбатан қидирув эълон қилинсин.

Унинг яшаш жойи аниқланган тақдирда Тўрақўрғон райони судига ҳамда "Наманган" давлат хўжалигига хабар берилсин.

Ажримни ижро қилиш учун унинг бир нусхаси Тўрақўрғон райони ички ишлар бўлимига юборилсин.

Халқ судьяси: *К. М. Алихонов*

Халқ маслаҳатчилари: *В. Алиев*

К. Бердиев

ДАЪВО АРИЗАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ИШНИ КЎРИШ УЧУН ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш фуқаролик ҳуқуқий низоларининг мумкин қадар тезлаштириб, тўла ва ҳар томонлама кўрилиши ҳамда ҳал этилишини таъминлаш мақсадларини кўзлаган ҳолда амалга оширилади.

Ишларни судда кўришга тайёрлашда муайян гражданлик ишларининг туркумлари, уларнинг хусусиятлари, шунингдек, маълум низонинг характери эътиборга олинади, чунки баъзи туркумдаги ишларни тайёрлашда амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар бошқа турдаги ишларни судда кўриш учун тайёрлашда бажарилиши талаб қилинмаслиги мумкин. Чунончи, меҳнат низоларини кўришга тайёрлашда амалга ошириладиган ҳаракатлар алимент ундириш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлашдан фарқ қилади.

Ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш барча ҳолларда (процессуал ҳаракатларнинг ҳажми ва мураккаблигидан қатъи назар) ўтказилади ва гражданлик ишларини судда кўриш процессининг ҳар қандай босқичи каби махсус расмийлаштирилади.

ГПКнинг 161-моддасида белгиланишича, судья гражданлик ишини судда кўриш учун тайёрлашга бу тўғрида ариза қабул қилганидан сўнггина киришади. Бинобарин, аризани қабул қилмасдан аввал судда кейинчалик кўриладиган ишлар юзасидан баъзи хатти-ҳаракатлар қилиниши (чунончи, бирон-бир ҳужжат, далил талаб қилиб олиниши) қонунга хилоф бўлади. Аммо судья даъво аризасини қабул қилишдан аввал гражданлик ишини судда кўзғатилиши учун зарур бўлган маълумотларни даъвогардан сўраб олиши мумкин.

Ишни судда кўришга тайёрлаш учун киришиш бу тўғрида расмий равишда судья томонидан ажрим чиқарилганидан сўнг, яъни ишни суд мажлисида кўриш учун тайёрлашдан аввал бошланади. Судья томонидан чиқарилган ажрим ишни тайёрлаш учун расмий равишда киришилганини ва тамомланишинигина билдирса-да, аммо ишни кўришга оид баъзи хатти-ҳаракатлар олдин ҳам, кейинчалик ҳам қилиниши мумкин. Чунончи, даъвогарнинг низони ҳал қилиш учун ҳакамлар судига ёки ўртоқлик судига мурожаат қилишга ҳуқуқли бўлиши тўғрисида тушунтиришлар бериш юзасидан судьянинг қилган ҳаракатлари даъво аризаси қабул қилингунга қадар ҳам бўлиши мумкин.

Меҳнат ишларини судда кўриш учун тайёрлаш алоҳида аҳамиятга молик. Шунинг учун ҳам биринчи инстанция судларида гражданлик ишларини кўришда процессуал қонунчиликни ҳамда меҳнат низолари ҳақидаги қонунчиликни татбиқ этиш билан боғлиқ бир қанча қарорларда гражданлик ишларини кўришга тайёрлаш тадбирларини туркум (категория) ларини (меҳнат, уй-жой, колхоз ва бошқаларни) ҳисобга олган ҳолда олиб бориш лозимлиги кўрсатилган. Судья ишни судда кўришга тайёрлашга киришишда ГПКнинг 161-моддаси талабларини аниқ бажариши лозим. Чунончи, иш юзасидан аниқланиши керак бўлган фактларни белгилаши, барча далилларнинг келтирилган-келтирилмаганлигини текшириши, агар зарур бўлса, қўшимча далилларни талаб қилиб олиши керак.

Ишга тиклаш тўғрисидаги даъволар бўйича касаба уюшмаси қўмитасининг мазкур ходимни бўшатишга розилик берилганлиги тўғрисидаги қарорининг нусхасини талаб қилиб олиш лозим. Аввало меҳнат низоларини кўрувчи комиссияда ва касаба уюшмаси қўмитасида кўрилиши талаб қилинган иш судга келганида, ишнинг мазкур органларда қандай кўрилганлигини, ишнинг кўрилиш вақти ва жойи тўғрисида ходимнинг хабардор қилинганлигини, унинг шу мажлисда иштирок этганлигини гувоҳлантирадиган тегишли ҳужжатлар талаб қилиб олинади.

Меҳнат жамоаларида меҳнат интизоми бузилишининг олдини олиш ва меҳнат муносабатлари соҳасидаги қонунчиликни мустақкамлаш мақсадида, меҳнат ишларини судда кўришга тайёрлашнинг ҳар бир ҳолатида, бундай ишларнинг очиқ суд мажлисида, ходимнинг ишхонасида,

прокурор ва жамоатчиликнинг иштирокида кўриш лозим-лозиммаслигини белгилаш даркор. Бу масалага алоҳида эътибор берилиши кераклиги юқори судлар томонидан қайта-қайта таъкидланади.

Иш ҳақини ундириш тўғрисидаги ва меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар бўйича бўлган даъволар юзасидан ишчи-хизматчилар давлат даромадига суд харажатларини тўлашдан озод қилинадилар. Бундай талаблар қаноатлантирилган қисмига нисбатан жавобгардан ундирилади.

А Ж Р И М

Наманган вилояти, Наманган райони судининг судьяси А. А. Бекмирзаева томонидан 1990 йил 26 июлда Алихон Холмирзаевнинг ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

1988 йилдан буён Наманган райони ижроия қўмитасининг ипакчилик бўлимида иқтисодчи сифатида ишлаб келган А. Холмирзаев меҳнат қонунларини бузиб ишга бир неча маротаба маст ҳолда келганлиги сабабли ипакчилик бўлими маъмуриятининг 1989 йил 10 майдаги буйруғи билан Меҳнат қонунлари кодекси 41-моддасининг 7-бандига мувофиқ ишдан бўшатишган.

А. Холмирзаев ўз аризасида ишдан асоссиз равишда бўшатишганини айтиб, суддан ўзини ишга қайта тиклаб, ипакчилик бўлими ҳисобидан бекор юрган вақтлари учун меҳнат ҳақини ундириб беришни сўрайди.

Суд ишни ўз вақтида ва мазмунан тўғри ҳал қилиш мақсадида тайёрлов ҳаракатларига эътибор беришни назарда тутиб, ГПКнинг 141 ва 161-моддаларига биноан

Ажрим қилади:

1. А. Холмирзаевнинг даъво аризаси иш юритиш учун қабул қилинсин.

2. А. Холмирзаевнинг даъвоси бўйича ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақтлари учун меҳнат ҳақини ундириш юзасидан Наманган райони ижроия қўмитасининг ипакчилик бўлимига нисбатан гражданлик иши қўзғатилсин.

3. Иш бўйича Наманган райони ижроия қўмитасининг ипакчилик бўлим мудири Олимбой Дадахонов жавобгар тарафидан қатнашувчи мустақил талаб билан арз қилмайдиган учунчи шахс сифатида ишга жалб қилинсин.

4. Даъвогар А. Холмирзаев бир неча маротаба маст ҳолда ишга келганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар ва уни маъмурий тартибда жазоланганлиги ҳақидаги буйруқдан кўчирма 1990 йил 30 июлга қадар талаб қилиб олинсин ва ишга қўшиб қўйилсин;

5. Даъвогарнинг оладиган маошини тасдиқловчи маълумот ишга қўшилсин.

6. Даъвогарнинг ГПК 31, 34-моддаларидаги процессуал ҳуқуқлари тушунтирилсин.

7. Даъвогар судга 1990 йил 29 июль соат 17.30 га чақирилиб, арз қилинган даъво талабларининг мазмуни бўйича сўроқ қилинсин;

8. Даъво аризасининг бир нусхаси жавобгарга юборилсин.

Ажрим қатъий — шикоятга ўрин йўқ.

Халқ судьяси: *А. А. Бекмирзаев*

ИШНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Гражданлик ишларини судда кўришга тайёрлаш юзасидан қилинадиган процессуал ҳаракатларнинг мазмуни қонунда белгиланган. ГПКнинг 161-моддасида таъкидланганидек, ишни судда кўришга тайёрлаш учун судьянинг шахсан ўзи қуйидаги ҳаракатларни қилади: Ишни судда тайёрлаш юзасидан тегишли ҳаракатларни қилиш тўғрисидаги ажримни судьянинг ёлғиз ўзи, ишда иштирок этувчи шахсларни чақирмасдан чиқаради ва бу ажрим устидан алоҳида тарзда кассацион шикоят қилинмайди.

Юқорида кўрсатилган ҳаракатлар судьянинг шахсан ўзи томонидан қилинса-да, аммо улар суд томонидан амалга оширилади.

Ишни судга тайёрлаш юзасидан баъзи ҳаракатлар суднинг тўлиқ ҳайъати иштирокида амалга оширилади. Жумладан, бошқа суднинг топшириғини бажариш тартибида қилинадиган ҳаракатлар судья ва халқ маслаҳатчилари ҳайъатида бажарилади.

Судья ҳар ҳолда ишнинг бир суд мажлисида кўрилиб ҳал қилиниши учун барча тайёргарликни кўради. У шу мақсадда тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва бурчларини тўла тушунтиришга, баъзи гражданлик ишларининг, чунончи, турар-жойдан фойдаланиш, мулкни тақсимлаш ва шу каби бошқа даъволарнинг ўзаро келишув бўйича тамомланиши мумкинлигини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Даъвогар даъводан ҳар қачон воз кечишга ҳақли бўлгани туфайли меҳнат билан боғлиқ ишнинг судда кўрилиши келишув битими билан тугатилиши мумкин. Бундай ҳолларда суд келишув битими ходимнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ва корхонанинг манфаатларини бузишга қаратилмаганлигини диққат билан текширишга мажбур. Жумладан, нотўғри бўшатишган ёки бошқа ишга кўчирилган ходимларни ишга тиклаш ёки аввалги мансабларига қўйиш тўғрисидаги келишув битимлари, агар бундай битимлар ходимнинг ғайриқонуний бўшатилишида айбли бўлган мансабдор шахсни ташкилотга етказилган зарарни тўлаш бурчидан озод қиладиган бўлса, тасдиқланмаслиги керак.

Меҳнатга оид кўп масалалар меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинганлиги туфайли бундай масалалар юзасидан келишув битимларини тузиш камдан-кам ҳолларда учрайди.

Судья ишнинг мазмуни бўйича тўғри ҳал этилишида ёрдам кўрсатадиган гувоҳларнигина суд мажлисига чақиради. Баъзан бу тартибга риоя қилмаслик ҳоллари ҳам учрайди. Айрим судлар кўриладиган ишнинг ҳолатлари тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар бера олмайдиган гувоҳларни чақиришлари ва шу вақтнинг ўзида иш ҳолатларини тўла ва объектив равишда текширишлари учун, демакки, зарур бўлган гувоҳларнинг ҳозир бўлишларини таъминлаш учун тегишли чоралар кўрмаслик ҳоллари учрайди.

Баъзи ҳолларда ишнинг судда кўрилишига қадар ишнинг судда кўришга тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳаракатларни ҳам қилишга тўғри келади. Чунончи, судья ёки суд даъвони таъминлаш тўғрисидаги масалани (ГПКнинг 151-моддаси), суд харажатларини тўлашдан озод қилиш масаласини (ГПКнинг 94-моддаси), уларни бўлиб-бўлиб тўлаш ва миқдорини камайтириш тўғрисидаги масалани (ГПКнинг 95-моддаси) га ГПКда назарда тутилган бошқа баъзи масалаларни ишни судда кўришга қадар ҳал қилади.

Наманган вилояти, Поп шаҳар судининг судьяси В. Турсунов томонидан даъвогар Фахриддин Мадаминовни Поп шаҳар ижроия қўмитасининг йўл қурилиш бўлимига нисбатан қўзгатган даъвоси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Ишни судда кўриш учун тайёрлаш тўғрисидаги шу йил 2 августда чиқарилган ажримда кўрсатилган асосий ҳаракатлар бажарилганлиги туфайли, жумладан, Ф. Мадаминов касаллиги ҳақида поликлиника берган ҳужжатни ишга қўшиш тўғрисидаги хат йўл қурилиш бўлимига юборилган. Шуларга кўра, ишни судда мазмунан кўриш учун етарли даражада асос борлигини инобатга олган суд ГПКнинг 161-162-моддаларига асосланиб,

Ажрим қилади:

1. Даъвогар Фахриддин Мадаминовнинг Поп шаҳар ижроия қўмитасининг йўл қурилиш бўлимига нисбатан ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақтлари учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги гражданлик ишини кўриш Поп шаҳар ижроия қўмитасининг қурилиш бўлими биносида, прокурорнинг иштирокида 1990 йил 10 август куни соат 10 га тайинлансин.

2. Суд мажлисига қуйидагилар чақирилсин:

а) даъвогар Фахриддин Мадаминов

б) жавобгар Поп шаҳар ижроия қўмитасининг йўл қурилиш бўлимининг вакили;

в) гувоҳлар: Б. Умаров, Р. Тоҳиров ва Н. А. Иванова

г) иш бўйича эксперт.

Ажрим қатъий — шикоятга ўрин йўқ.

Халқ судьяси: В. Турсунов

БИР ТУРДАГИ ИШЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Қонун судьяга бир турдаги гражданлик ишларини бирлаштириш ҳуқуқини беради. ГПКнинг 146-моддасида кўрсатилишича, судья шу суднинг иш юритишида айтилган бир хил тарафлар иштирок этувчи бир турдаги бир неча

иш борлигини ёхуд бир шахснинг турли жавобгарларга даъволари бўйича ёки бир қанча даъвогарларнинг битта жавобгарлар даъволари бўйича бир неча иш борлигини аниқласа бу ишларни низоларни тезроқ ва тўғри ҳал қилишни кўзлаб иш юритишда бир йўла кўриш учун бирлаштиришга ҳақлидир.

Даъвонинг бир неча даъвогар томонидан ёки бир неча жавобгарларга нисбатан қўзғатишга процессуал иштирокчилик деб айтилади.

Судья бир неча даъво талабларини бирлаштириш ҳуқуқига эга бўлганидек, унга бундай талабларни ажратиш ҳуқуқи ҳам берилади. ГПКнинг 147-моддасида айтилишича, агар даъво аризасини қабул қилувчи судья талабларни алоҳида кўришни мақсадга мувофиқ деб топса, бирлаштирилган талаблардан бирини ёки бир нечасини алоҳида иш юритишга ажратишга ҳақли.

Талаблар бир неча даъвогарлар томонидан бир неча жавобгарларга нисбатан қўзғатилса, даъво аризасини қабул қилувчи судья агар мақсадга мувофиқ деб топса, бир ёки бир неча талабларни алоҳида иш юритиш учун ажратишга ҳақлидир.

Агар суднинг иш юритишида бир турдаги ишлар бўлса, уларнибирлаштириш ҳақида ажрим чиқаради.

А Ж Р И М

1990 йил 28 июль.

Чуст шаҳри.

Наманган вилояти, Чуст шаҳар судининг судьяси Т. Д. Халилов томонидан даъвогар Сергей Иванович Лапатовнинг жавобгар Чуст бадий фабрикасида 105 сўм мукофот пулини ундириш ҳақидаги даъво аризасини кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар С. И. Лапатов Чуст бадий фабрикасида қурувчи бўлиб ишлаб, у ишлаган бригада 1990 йил май ойига мўлжалланган режани ортиғи билан бажарган. Тузилган шартномага кўра, ортиқча бажарилган иш учун мукофот тўлашга келишилган эди. Шунга биноан жавобгар 105 сўм мукофот бериши лозим бўлса-да, уни тўлашни рад этади, бунга асос қилиб мукофотлаш

тўғрисидаги ҳисоб-китоблар тайёр бўлмаганлигини кўрсатади.

Булардан ташқари, суднинг иш юритишида С. И. Лапатов ишга қайта тиклаш ва ноилож бекор юрган вақтлари учун иш ҳақини ундириш тўғрисида иш қўзғатилганлиги ва бу гражданлик иши 15 июнга тайинланганлиги аниқланади. Ҳар икки ишда қатнашувчи тарафларнинг бир бўлиши назарга олиниб, мазкур ишларни битта иш юритишга бирлаштириш мақсадга мувофиқдир, бу ўз навбатида судда ишни тез кўриш ва ҳал қилишга имкон беради.

Суд ГПКнинг 146-моддасига асосан

Ажрим қилади:

Даъвогар Сергей Иванович Лапатовнинг жавобгар Чуст бадий фабрикасида 105 сўм мукофот ҳақини ундириш тўғрисидаги даъвоси билан, шу жавобгар тарафга нисбатан Лапатовни ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақтлари учун иш ҳақини ундириш тўғрисида муқаддам қўзғатилган фуқаролик ишлари бирлаштирилсин ва бирга кўрилсин.

Ажрим қатъий — шикоятга ўрин йўқ.

Халқ судьяси: Т. Д. Халилов

МЕҲНАТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Меҳнат ишлари юзасидан чиқариладиган ҳал қилув қарорининг мазмунига ҳам алоҳида эътибор берилиш керак. Қарорда, одатда, тубандаги ҳолатлар кўрсатилади:

Қарорнинг баён қилиш қисмида, агар низо меҳнат низоларини кўрувчи комиссияда ва касаба уюшмаси қўмитасида кўрилиши лозим бўлса — низонинг бу органларда кўрилишининг натижалари кўрсатилади. Корхонада бундай органлар бўлмаса, уларнинг йўқлиги қарорда акс эттирилади. Агар иш ГПКнинг 41-моддасига биноан мансабдор шахс жалб қилиниб, кўрилган бўлса, бу тўғрида қарорнинг барча қисмларида ёзилиши керак. Жумладан, қарорнинг баён қилиш қисмида унинг берган тушунтириши қисқача ифодаланиши, асослантириш қисмида суднинг қандай хулосаларга келганлиги кўрсатилади. Хулоса қис-

мида эса, унинг корхонага тўлаши лозим бўлган зарар ҳақининг миқдори аниқ белгиланиб кўрсатилиши керак.

Ишга тикланиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилганида, қарорда ходимнинг қаерда ва қандай ишга (мансабга) тикланиши лозимлиги кўрсатилади ва ноилождан бекор юрган вақти учун корхонадан ундириладиган сумманинг миқдори белгиланади.

Агар корхонанинг қайтадан ташкил топгани ёки тугатилиши сабабли ходимни аввалги ишга тиклаш мумкин бўлмаса, суд ходимнинг нотўғри бўшатилаганини кўрсатиб, унинг ноилождан бекор юрган вақти учун, аммо уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга ўртача иш ҳақини ундиради. Бу тўғрида Меҳнат қонунлари кодексининг 245-моддасида ҳамда меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги қонунчиликнинг судлар томонидан татбиқ этилиши тўғрисидаги ва судларида меҳнат шартномалари ҳақидаги қонунчиликнинг татбиқ этилиши тўғрисидаги қарорларда ифодалаб берилган.

Ундирилиши лозим бўлган зарар ҳақининг миқдори зарарнинг қандай ҳолатда эканлигига қараб, шунингдек, ходимнинг моддий аҳволи эътиборга олиниб, суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Суд қонунда кўрсатилмаган асослар бўйича ходимнинг ишдан бўшатилишини тўғри деб тополмайди. Агар суд ходимнинг ишдан бўшатилиши сабабининг ифодаланишини нотўғри ва меҳнат тўғрисида амалда бўлган қонунчиликка хилоф деб топса, бу формулировкани (ифодаланишини) ўзгартириб, қароридан ишдан бўшатилиши асосини қонунга мувофиқ равишда кўрсатиши керак.

Меҳнатга оид даъво қаноатлантирилгани ҳолда ҳал қилув қарорининг қарор қисмида жавобгардан давлат фойдасига ундириладиган суд харажатларининг суммаси ва қарорни ижро этиш тартиби кўрсатилади.

Меҳнатга оид гражданлик ишларининг муҳим процессуал хусусиятларидан яна бири ишга тиклаш ва иш ҳақини ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорларини дарҳол ижро этишни мумкинлигидир. Шунинг ўзиёқ гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя этилишига қўшимча кафолат берилади.

ГПКнинг 450-моддасига мувофиқ, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб

чиқадиган талаблари биринчи навбатда қаноатлантирилади.

Ходимни ишга тиклаш ҳақидаги ва иш ҳақини ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши лозим бўлганлиги туфайли бундай қарорларнинг ижроси тўхтатилиши мумкин эмас.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар юзасидан пул ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари назорат тартибида бекор қилинган ҳолларда, агар бекор қилинган ҳал қилув қарори даъвогарнинг (ишчи ёки хизматчининг) ёлгон маъумотларига ёки у тақдим этган қалбаки ҳужжатларга асосланган бўлса, қайтарма ижрога йўл қўйилади, яъни тўланган пуллар қайтариб олинади (ГПКнинг 463-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

Самарқанд вилояти, Булунғур райони судининг биносида 1986 йил 23 августда очиқ суд мажлисида халқ судьяси Ф. Э. Маҳкамов раислигида, халқ маслаҳатчилари А. Э. Зарипов, Б. И. Бердиеваларнинг ҳайъатида, У. С. Алимова котиблигида, прокурор Ш. А. Аҳроровнинг иштирокида даъвогар Пўлат Парпиевич Латиповнинг жавобгар Булунғур қурилиш бошқармасига нисбатан ишга қайта тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун иш ҳақини ундириб бериш тўғрисида берган даъвоси бўйича жавобгарнинг вакили тариқасида Ф. Собировни ва жавобгар томонидан мустақил талаби бўлмаган учинчи шахс сифатида қатнашувчи А. Қодиров иштирокида гражданлик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

П. П. Латипов Булунғур қурилиш бошқармасида дуррадгор бўлиб ишлаб келган. Қурилиш бошқармаси бошлигининг буйруғига кўра П. П. Латипов 1986 йил 4 августда Меҳнат қонунлари кодексининг 413-моддасига кўра, "ички меҳнат тартиб қоидаларини мунтазам равишда бузишда айбланиб", ишдан бўшатишган.

Буйруқда ишдан бўшатишга асос қилиб 1986 йил 2 август куни П. П. Латипов ишга узрсиз сабабларга кўра 2 соату 30 минут кечикиб келганлиги кўрсатилган.

Даъвогар ишдан бўшатишганини нотўғри деб ҳисоблайди ва қуйидаги важдарини келтиради, жумладан, муқаддам меҳнат интизомини бузмаганлиги ва интизомий жавобгарликка умуман тортилмаганлигини, шу йил 2 август куни эса, хотини касал бўлиб қолганлиги туфайли ишга узрли сабабларга кўра 2 соату 30 минут кечикиб келганлиги ҳақида баёнот қилади.

Шуларга кўра, даъво аризасида П. П. Латипов суддан ўзини ишига тикланишини ва жавобгардан ноилождан бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириб берилишини сўрайди.

Жавобгарнинг вакили Ф. Собиров даъвогарнинг даъво-сига иқрор бўлмай, Латиповни ишдан тўғри бўшатишганини, чунки у ишга 2 соату 30 минутга кечикиб келганлигини ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги масала касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда тўғри ҳал этилганлигини ҳамда даъвогарга муқаддам ҳам интизомий чора кўрилганлигини маълум қилади.

Учинчи шахс сифатида ишда қатнашувчи А. Қодиров ҳам қурилиш бошқармасининг вакилининг фикрига қўшилиб, даъвогарнинг қонунга асосланган ҳолда ишдан тўғри бўшатишганини тасдиқлайди.

Суд иш материаллари билан танишиб, тарафларнинг баёнотлари, иш бўйича тўпланган далилларга тегишли баҳо бериб, прокурор Ш. А. Аҳроровнинг даъво қанот-атлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра Латиповнинг даъво талабларини қондиришни лозим топади:

Амалдаги меҳнат қонунларига кўра, Латиповни ишдан бўшатиш учун маъмурият бирлашма касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олиш лозим эди.

Бироқ ишда тўпланган ҳужжатлар ва гувоҳ сифатида сўралган бирлашма касаба уюшмаси раиси Р. Толиповнинг кўрсатмаси ҳақиқатан даъвогарни ишдан бўшатишда маъмурият касаба уюшмасининг розилигини олмаганлигини ва шу туфайли Меҳнат қонунлари кодексининг 43-моддасига асосан маъмурият ўз ташаббуси билан касаба уюшмасининг розилигисиз меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйиб, меҳнат қонунини қўпол равишда бузганлигини асослайди.

Булардан ташқари, П. Латиповнинг Меҳнат қонунлари кодексининг 41³-моддаси билан ишдан бўшатилишини қонунийлигига жавобгар ва учинчи шахслар судга даъвогарни меҳнат интизомини муқаддам ҳам бузганлигини асос қилиб кўрсатсалар-да, бироқ бу ҳол ҳеч қандай ҳужжат билан асослантилмаган, интизомий ҳайфсан эса оғзаки айтилган деган сабаб билан судга буйруқдан нусха тақдим қилинмаганлиги кўринади. П. Латипов 2 август куни 2 соату 30 минутга кечикканлиги тўғри, аммо узрли, чунки унинг хотини оғриб қолганлигини шаҳар поликлиникаси томонидан берилган маълумотнома билан тасдиқла-нишини, шу сабабли П. Латипов 2 август куни эрталаб кечиктириб бўлмайдиган уй ишларини бажаришга мажбур бўлганлиги: врач чақиргани, болаларни овқатлантириб, боғчага жойлаштирилганлиги бунга асос бўла олади. Бу кўрсатмалар судга тақдим қилинган поликлиниканинг 5 августда берган маълумотномаси ва гувоҳ сифатида сўралган даъвогарнинг қўшниси Н. Ф. Ғаниева ҳамда болалар боғчаси фельдшери А. Турсуноваларнинг кўр-сатмалари билан тасдиқланади.

П. Латиповнинг ишдан бўшатилишига қадар 3 ой олдин олган маошининг ўртача миқдори ойига 179 сўмни ёки кунига 7 сўмни ташкил этган. Даъвогар ишдан бўшатилиши натижасида мажбуран 14 кун ишламагани, шу кунлар учун жавобгардан даъвогар фойдасига 98 сўм иш ҳақини ҳамда 2 сўм давлат божи ва судга 2 та гувоҳни чақириш учун сарф қилинган харажати учун 4 сўм, жами — 6 сўмни давлат фойдасига ундириш лозим бўлади.

Латиповнинг ишдан қурилиш бошқармасининг бош-лигини айби билан ғайриқонуний равишда бўшаганини ҳисобга олган суд, Меҳнат қонунлари кодексининг 252-моддасига асосан, корхонага келтирилган ҳамма зарар суммасини тўлиқ миқдорда корхона раҳбаридан ундириш мажбуриятини корхонага юкланиши лозим деб топади.

Қурилиш бошқармасининг бухгалтериясидан олинган маълумотга қараганда, бошқарма бошлиғи К. Қодировнинг ўртача иш ҳақининг миқдори ойига 210 сўмни ташкил этади. Демак, ундан қурилиш бошқармаси фойдасига 98 сўм ва иш бўйича 6 сўм миқдорда суд харажатлари: шундан 2 сўм давлат божи ва 4 сўм гувоҳларни судга чиқирганлик учун, жами — 104 сўм ундириш лозимдир.

Суд Меҳнат қонунлари кодексининг 41, 252-моддалари ва ГПКнинг 208, 227-моддаларини қўллаб

Қарор қилади:

Даъвогар Пўлат Латипов 1986 йил 4 августдан бошлаб Самарқанд вилояти, Булунғур қурилиш бошқармасига, яъни ўзи ишлаб келган дурадгорлик вазифасига қайта тиклансин.

Латипов П. фойдасига Булунғур қурилиш бошқармасининг жорий ҳисобидан унинг ноилождан бекор юрган 14 кунлик иш вақти учун 98 (тўқсон саккиз) сўм иш ҳақи ундирилсин. Шунингдек, сарфланган 6 сўм миқдордаги суд харажати ҳам ундирилсин.

К. Қодиров Булунғур қурилиш бошқармаси фойдасига 98 (тўқсон саккиз) сўм етказилган зарар ва 6 сўм суд харажатлари, жами — 104 (бир юз тўрт) сўм ундирилсин.

Ҳал қилув қарорини П. Латиповни ишга тиклаш ва унинг фойдасига иш ҳақи ундириш қисми дарҳол ижро этилсин.

Қарордан норози тараф 10 кун муддат ичида Самарқанд вилояти судининг гражданлик судлов ҳайъатига Булунғур райони суди орқали шикоят қилиши, прокурор протест келтириши мумкин.

Суд раиси: *Ф. Маҳкамов*

Халқ маслаҳатчилари: *А. З. Зарипов*

И. П. Бердиева

ҚЎШИМЧА ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ҲАҚИДА

Ҳал қилув қарорини чиқарган суднинг ўзи ҳал қилув қарорини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли эмас. Бу ҳуқуқ фақат ҳал қилув қарорининг тўғрилигини манфаатдор тарафнинг шикояти ёки прокурорнинг протести бўйича текширадиган юқори судга берилган. Ҳал қилув қарорини чиқарган суд фақат қўшимча қарор чиқаради ёки ўз қарорига изоҳ бера олади.

Аммо суд ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси бўйича ҳал қилув қарорини ёзишда йўл қўйилган хатоларни ва очиқ кўриниб турган бошқа арифметик хатоларни тузатиши мумкин. Тузатиш киритиш тўғрисидаги масала ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида ҳал этилади, лекин бу шахсларнинг келмаслиги тузатиш киритиш

тўғрисидаги масалани кўриш учун тўсқинлик қилмайди. Ҳал қилув қарорига тузатиш киритиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин (ГПКнинг 221-моддаси).

Суд ишни ҳал қилганда, ўзининг ҳал қилув қарорида даъвогарнинг барча саволларига тўла жавоб бериши керак. Суд ўз фикрича асосли деб топган талабларни қондириши ва аксинча асоссиз талабларни рад этиши лозим. Аммо қандайдир бирор сабаб орқасида ҳал қилув қарори тўлиқ бўлмаса, яъни бу қарорда даъвогарнинг барча талабларига жавоб бўлмаса, тарафлар қўшимча қарор чиқаришни суддан сўрай оладилар. Бундай ҳолларда иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарган суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари бўйича ёки ўз ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда қўшимча қарор чиқариши мумкин:

биринчидан, агар суд ҳуқуқ тўғрисидаги масалани ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, топширилиши лозим бўлган мулкни ёки жавобгар бажариши лозим бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса (масалан, даъвогар ўзини ишдан ғайриқонуний бўшатилаганини айтиб, мажбуран ишсиз юрган кунлари ва ошиқча қилинган ишлари учун ҳақ тўлашни сўраганида суд қарорида даъвогарнинг ишдан бўшатилишини тўғри топиб, унинг даъвосини рад қилиб, лекин ортиқча ишлаганлик учун ҳақ тўлаш масаласи суд мажлисида текширилган бўлса ҳам суднинг ҳал қилув қарорида бу ҳақда ҳеч нима айтилмаган бўлса, ёки масалан, уйга нисбатан бўлган умумий мулк ҳуқуқи тўғрисидаги даъвони кўрганда, суд даъвогарнинг даъвосини қондириб, уни мазкур уйнинг шерик эгаси деб топади, лекин унинг шу уйнинг қайси қисмига эга бўлганлигини кўрсатмаганида ва шунга ўхшаш бошқа ҳолларда), даъвогар қўшимча қарор чиқаришни суддан сўрашга ҳақлидир;

иккинчидан, агар даъво талабларининг бирортаси бўйича ишда иштирок этаётган шахслар далиллар келтирган ва баёнот берган бўлсалар-у, аммо унинг юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилмаган бўлса;

учинчидан, агар ҳал қилув қарорида суд харажатларини тақсим қилиш кўрсатилмаган бўлса, қўшимча ҳал қилув қарори чиқарилиши мумкин.

Қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш ҳақидаги масала ҳал қилув қарори чиқарилган кундан бошлаб беш кун муддат ичида қўзғатилиши керак.

Қўшимча ҳал қилув қарори ишда иштирок қилувчи шахслар хабардор қилиниб, суд мажлисида қурилгандан сўнг чиқарилади. Бундай қарор устидан кассацион тартибда шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин. Қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш тўғрисидаги талабни рад қилиш ҳақида чиқарилган ажрим устидан ҳам хусусий шикоят қилиниши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин (ГПКнинг 222-моддаси).

Суднинг ҳал қилув қарори шундай ёзилиши керакки, унинг мазмуни тарафларга ҳам, суд қарорини ижро қилувчига ҳам тушунарли бўлсин. Агар суднинг ҳал қилув қарорини ижро қилганда қарорнинг маъноси тарафларга ёки суд ижрочисига англашилмаса ҳамда уни ижро қилиш учун қийин бўлса ёки мумкин бўлмаса, тарафлар ёки суд ижрочиси қарорни чиқарган судга мурожаат қилиб, ҳал қилув қарорини тушунтиришни (шарҳланишни) сўрашлари мумкин.

Ҳал қилув қарорини тушунтиришга, агар у ижро қилинмаган бўлсагина ва ҳал қилув қарорини мажбурий ижро қилиш муддати ўтмаган бўлсагина йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

(Қўшимча)

1990 йил 6 августда Андижон вилояти, Пахтаобод райони суди биносида очиқ суд мажлисида халқ судьяси М. Ҳасанов раислигида, халқ маслаҳатчилари Х. Усмонов ва О. Аҳмедоваларнинг ҳайъатида, С. Акбарова котиблигида Пахтаобод райони прокурорининг жавобгар А. Алиевни Пахтаобод райони қурилиш бошқармасига ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво бўйича қўшимча қарор чиқариш тўғрисидаги аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

А. Алиевнинг Пахтаобод райони қурилиш бошқармасига ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириб бериш тўғрисидаги даъвоси 1990 йилнинг 2 августида Пахтаобод райони суди томонидан кўрилиб, даъво талаби қондирилган, бироқ суднинг ҳал қилув қароридан жавобгардан иш бўйича суд харажатларини ундириш тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган.

Шунга кўра, район прокурори ўз аризасида ушбу иш бўйича қўшимча қарор чиқариб, жавобгардан давлат фойдасига суд харажатларини ундириш лозимлиги ҳақида сўрайди.

Ушбу ариза кўрилиб, ҳал қилиш учун прокурор ва томонлар судга чақиртирилганларида, улар судга келмаганлар.

Суд ишдаги материаллар ва аризани кўриб, ҳал этиш учун етарли, прокурор ва тарафларнинг иштирокисиз кўриш мумкин деб ҳисоблайди. Прокурорнинг аризаси тўлиқ асослантирилганлиги туфайли суд уни қаноатлантиришни лозим топади. Бунга кўра суднинг ҳал қилув қарорини асослантирувчи қисмида жавобгардан давлат фойдасига суд харажатларини ундириш лозимлиги ва ундириш асослари тўғри ҳисоб-китоб қилиб кўрсатилган бўлса-да, бироқ ҳал қилув қарорининг қарор этиш қисмида жавобгардан давлат фойдасига суд харажатлари ундириш лозимлиги ўз ифодасини топмаган.

Суд юқоридаги ҳолатларга кўра ва ГПКнинг 222-моддасига асосан

Қарор қилади:

Иш бўйича Андижон вилояти, Пахтаобод райони қурилиш бошқармаси банкидаги 2781-жорий ҳисобидан давлат фойдасига 15 (ўн беш) сўм миқдорда давлат божи ундирилсин.

Қарор юзасидан норози томон 10 кун муддат ичида ушбу суд орқали Андижон вилоят судининг фуқаролик судлов ҳайъатига шикоят қилишга ёки протест келтиришга ҳақли.

Суд раиси: *М. Ҳасанов*

Халқ маслаҳатчилари: *Х. Усмонов*

О. Аҳмедов

СУДНИНГ ХУСУСИЙ АЖРИМЛАРИ ҲАҚИДА

Суднинг хусусий ажримлари тўғрисидаги қоидалар ГПКнинг 235-моддасида берилган. Бу қонунга асосан суд гражданлик ишини кўраётганида айрим мансабдор шахслар ёки гражданлар қонунчиликини, жамият турмуш қоидаларини бузганлиги ёхуд давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, колхозлар ва бошқа кооператив ҳамда жамоат ташкилотларининг ишларида жиддий кам-

чиликлар борлигини аниқласа, хусусий ажрим чиқариб, уни тегишли корхоналар, ташкилотлар, мансабдор шахсларга ёки меҳнат жамоаларига юборади, улар эса ўзлари томонидан кўрилган чоралар тўғрисида судга бир ой мобайнида маълум қилишга мажбурдирлар. Бу ҳақда Олий Суд Пленумининг бир қатор қарорларида (1983 йил 7 июлдаги "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни судлар томонидан тадбиқ этиш амалиёти ҳақида"ги, 1985 йил 29 апрелдаги "Меҳнат шартномалари ҳақидаги қонунчиликни Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан тадбиқ этилиши тўғрисида"ги, 1989 йил 14 апрелдаги "Никоҳни бекор қилиш ишларини кўришда судлар томонидан қонунларнинг қўлланиш амалиёти тўғрисида"ги ва бошқа қарорларда кўрсатилган.

Агар суд гражданлик ишини кўраётганида ёки бошқа шахснинг ҳаракатида жиноят белгиларини аниқлаганида бу ҳақда прокурорга маълум қилади ёки жиноят иши кўзгатилади.

Суднинг хусусий ажрими устидан хусусий протест келтирилиши, шунингдек, жиноят иши кўзгатиш тўғрисидаги хусусий ажрим устидан эса хусусий шикоят берилиши мумкин.

ХУСУСИЙ АЖРИМ

1990 йил 30 августда Самарқанд вилояти, Булунғур райони судининг биносида очиқ суд мажлисида раислик этувчи халқ судьяси Ф. Э. Маҳкамов халқ маслаҳатчилари З. Зарипов ва И. П. Бердиеваларнинг ҳайъатида, У. Алимованинг котиблигида, прокурор Ш. А. Аҳоров иштирокида даъвогар Пўлат Латиповнинг Булунғур қурилиш бошқармасига ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириб беришни сўраб берган даъво аризаси бўйича, жавобгар тарафидан даъвога нисбатан мустақил талаби бўлмаган ҳолда учинчи шахс сифатида қатнашувчи К. Қодиров иштирокидаги гражданлик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

П. Латипов Булунғур райони қурилиш бошқармасида дурадгор бўлиб ишлаб келган. 1986 йил 2 август куни ишга 2 соату 30 минут кечикиб келганлиги сабабли қурилиш бошқармасининг бошлиғи Ф. Собировнинг буй-

ругига кўра ишдан бўшатишган. Суд ишдан бўшаш сабабларини атрофлича текшириб, Латиповни ўз ишига тиклаш ва унга ноилождан бекор юрган вақти учун иш ҳақини ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган.

Суд мажлисида П. Латиповни ишдан бўшатишда қурилиш бошқармасининг раҳбари Собировнинг меҳнат қонунларини қўпол равишда бузган ҳолда иш тутгани аниқланди, жумладан, П. Латиповнинг ишга узрли сабабларга кўра кечикканлигини эътиборга олмаганлиги, касаба уюшмасининг розилигисиз ўзбошимчалик билан иш тутганлиги ва ундан олдин даъвогар П. Латипов ҳеч қандай меҳнат қоидаларини бузмаганлиги исботланди.

Юқоридагилардан шу нарса кўринадики, П. Латипов 14 кун ишсиз қолиши қурилиш бошқармаси бошлиғининг айби билан бўлган. Бу билан Меҳнат қонунлари кодекси 41-моддасининг 3-қисмини ва 43-моддасини қўпол равишда бузган.

Юқоридагиларга кўра суд ГПКнинг 235-моддасини қўллаб,

Ажрим қилади:

Булунғур райони қурилиш бошқармасидаги меҳнат қонунчилигининг бузилиши фактлари ҳақида ажримда кўрсатилган ҳолатларнинг олдини олиш ва айбли шахсларга нисбатан тегишли чораларни кўриш мақсадида Булунғур райони ижроия қўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти касаба уюшмаси раҳбарияти хабардор қилинсин.

Ажрим қатъий — шикоятга ўрин йўқ. Аммо хусусий ажримдан прокурор норози бўлса, шу суд орқали Самарқанд вилояти судининг гражданлик судлов коллегиясига 10 кун муддат ичида хусусий протест келтиришга ҳақли.

Халқ судьяси: *Ф. Э. Маҳкамов*
Халқ маслаҳатчилари: *А. З. Зарипов*
И. П. Бердиева

ХУСУСИЙ АЖРИМ

1990 йил 20 декабрда Андижон вилояти, Пахтаобод райони судининг ўз биносида очиқ суд мажлиси бўлиб, унда раислик қилувчи халқ судьяси М. Ҳасанов, халқ маслаҳатчилари А. Усмонов ва Ш. Каримовларнинг

ҳайъатида, Н. Акбарованинг котиблигида, прокурор А. Омоновнинг иштирокида даъвогар Анвар Қобиловнинг Пахтаобод райони қурилиш бошқармасига ишга қайта тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириб бериш тўғрисидаги даъвоси жавобгар тарафидан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Б. Эшқурбонов иштирокида низоли фуқаролик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Анвар Қобилов Пахтаобод райони қурилиш бошқармасида дурадгор бўлиб ишлаб келган. Иш натижаларига кўра 2-квартал учун Қобилов ишлаган бригада аъзоларига 35 сўмдан мукофот пули берилган.

А. Қобилов эса бу мукофотдан меҳнат интизомини бузган деган асосга кўра маҳрум қилинган.

Шу сабабли А. Қобилов бошқармадан ўзига тегишли бўлган мукофотни ундириб беришни сўраб даъво қўзгатган. А. Қобиловнинг бу хатти-ҳаракатидан норози бўлган бошқарма бошлиғи Б. Эшқурбонов ундан ўч олиш мақсадида Меҳнат қонунлари кодекси 41-моддаси 3-қисмига биноан уни ишдан бўшатган.

Пахтаобод райони суди томонидан А. Қобилов олдинги иш жойига тикланган унинг фойдасига 18 кунлик ноилождан бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундирилган. А. Қобиловга берилиши лозим бўлган мукофот эса Б. Эшқурбановнинг кўрсатмасига кўра, ихтиёрий равишда ишни судда кўришдан аввал ҳал қилинган.

Меҳнат қонунлари кодекси 41-моддасининг 3-қисмига кўра, ишчи-хизматчини ишдан бўшатиш учун у мунтазам равишда ички меҳнат тартиб қоидаларини бузган бўлиши, бунинг учун у интизомий ёки жамоат таъсири чорасига тортилган бўлиши лозим эди. Қонуннинг бу талаби А. Қобилов томонидан бузилмаганлиги, интизомий ёки жамоат таъсири чорасига тортилмаганлигига қарамай, уни қурилиш бошқармасининг бошлиғи Б. Эшқурбонов Меҳнат қонунлари кодекси 41-моддасининг 3-қисмига кўра ғайриқонуний равишда ишдан бўшатган.

Юқоридагиларга асосланиб, суд Б. Эшқурбоновни ўз хатти-ҳаракатлари билан меҳнат қонунчилигини қўпол равишда бузганликда айбли деб ҳисоблайди ва ГПКнинг 235-моддасига кўра

Ажрим қилади:

Қурилиш бошқармасида меҳнат қонунчилигининг бузилиши фактлари тўғрисида Пахтаобод райони иж-роия қўмитасига ва қурувчиларнинг вилоят касаба уюшмаси қўмитасига хабар қилинсин ва корхонада йўл қўйилган камчиликларни бундан буён такрорламаслик мақсадида тегишли чораларни белгилаш масаласи кўриб чиқилсин.

Ажрим устидан шикоят қилишга ўрин йўқ. Лекин 10 кун муддат ичида прокурор Андижон вилоят судига ушбу суд орқали хусусий протест келтириши мумкин.

Суднинг раиси: *М. Ҳасанов*
Халқ маслаҳатчилари: *А. Усмонов*
Ш. Каримов

А Ж Р И М

1989 йил 27 январда Тошкент шаҳар судининг гражданлик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлисида раислик қилувчи И. У. Набихонов, коллегия аъзолари М. А. Қодиров ва К. С. Сафаровлардан иборат ҳайъатда, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси О. Хидировнинг иштирокида Тошкент шаҳар Собир Раҳимов райони судининг 1989 йил 30 ноябрда кўрган 2094-рақамли гражданлик иши бўйича чиқарган ҳал қилув қарорига норози бўлган даъвогар Р. Сайдалиев томонидан келтирилган шикоят аризаси кўриб чиқилди.

Гражданлик судлов ҳайъати мажлисига шикоят берувчи Р. Сайдалиев узрсиз сабабларга кўра, 1989 йил 10 январдаги, 1989 йил 20 январдаги ва бугунги ҳайъат мажлисига келмаган. Сайдалиев ҳар гал ҳайъат мажлиси бўлиши ҳақида чақирув қоғози юбориш ва телеграмма бериш йўли билан огоҳлантирилган. Иш бўйича жавобгар вакили Н. С. Болтун ҳозир бўлган.

Судлов ҳайъати ГПКнинг 326-моддасини қўллаб, ушбу ишни даъвогарсиз кўришни лозим деб топади.

Судлов ҳайъати томонидан иш бўйича ҳайъат аъзоси ўртоқ М. А. Қодировнинг доклади, жавобгар вакилининг баёноти, Тошкент шаҳар прокурор ёрдамчиси ўртоқ О. Хидировнинг суднинг чиқарган қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикри тингланиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар Расулхўжа Сайдалиев 1979 йил 2 апрелдан бери 70-ҳарбийлаштирилган соқчилар бўлимида назоратчи сифатида ишлаб келган.

Маъмурият томонидан 1988 йил 2 сентябрдаги 109-буйруққа асосан Меҳнат қонунлари кодекси 41-моддасининг 4-банди билан ишдан бўшатирилган. Даъвогар Сайдалиев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзини қайта ишга тиклашни талаб этиб, 1988 йил 2 август куни ўз хизмат вазифасини 55-АТСда назоратчи сифатида постга берганини, шу куни пешин вақтида команда бошлиғи А. Куприкова келиб, "нега постда ухляяпсан", деб уни ҳақоратлаб ҳайдаб юборганини, шундан сўнг уйга кетиб қолганини, эртасига ишга келганда, унга тўхмат қилиб бошқа объектга юборганида, ишлашдан бош тортиб, уйга кетиб қолгани учун прогул қилган деган айб билан бўшатишганини кўрсатган.

Жавобгарнинг вакили Р. Х. Муратбекова суд мажлисида даъво аризасини рад этишни сўраб, Р. Сайдалиев 1979 йилдан бери уларнинг корхонасида ишлаб келиб, аввал "стрелок" вазифасида, сўнг назоратчи вазифасида ишлаб, белгиланган объектларни қўриқлаши лозим бўлса-да, у ўз вазифасини лоқайдлик билан бажариб келаётгани, яъни иш формасини вақтида кийиб юрмаслиги, разводларга кечикиб келиши, постни рухсатсиз ташлаб кетиши ва бошқа меҳнат интизомини бузганлиги сабабли бошлиқларга рапортлар ёзилганини, унинг ёши, оилавий аҳволи ҳисобга олиниб, бошқа командага ўтказилган бўлса-да, лекин тегишлича хулоса чиқармаган — 1988 йил 25 сентябрь куни 55-АТСда постда турган бўлишига қарамай, текшириш вақтида ухлаб ётгани аниқланганини, шундан сўнг уйғотилиб, радиостанцияни қўриқлашга юборилса-да, юборилган жойга бормай, уйга кетиб қолиши натижасида меҳнат интизомини бузган (прогул қилган) деб уни ишдан бўшатишганини, ишдан бўшатишда меҳнат қонунларига тўла риоя қилинганини билдирган.

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони судининг 1988 йил 30 ноябрда чиқарган ҳал қилув қарорига кўра даъвогар Р. Сайдалиевнинг даъвоси рад этилиб, уни ишдан бўшатирилганлиги тўғри топилган.

Даъвогар Р. Сайдалиев томонидан ёзилган кассация шикоят аризасида суднинг чиқарган қарорини асоссиз деб топиб, бекор қилинишни сўраган.

Гражданлик судлов ҳайъати прокурор ёрдамчиси О. Хидировнинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги хулосасини эшитиб ҳамда иш материалларини текшириб, шикоят аризасида келтирилган важларни атрофлича кўриб, қуйидагиларга кўра суднинг чиқарган ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади:

Суд мажлисида аниқланган ҳолатга кўра, даъвогар Р. Сайдалиев 1979 йил 2 апрелдан 65-ҳарбийлаштирилган соқчилар отрядида "стрелок" вазифасига ишга кирган. 9 йил мобайнида 6 та командада "стрелок", контролёр бўлиб ишлаб келган. Маъмуриятнинг 1988 йил 2 сентябрдаги 109-буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари кодекси 41-моддасининг 4-бандига асосан даъвогар ишга келмагани учун бўшатишган.

Гувоҳ А. Куприкованинг кўрсатмасида даъвогар унинг командасига ўтганига 2 ой бўлганини, уни АТСга постга қўйганини ва қисқа вақт ичида АТС бошлиқлари ва ходимлари томонидан шикоят тушганини, 1988 йил 25 август соат 16 ларда 55-АТСда Р. Сайдалиевнинг постини текширганда, у постда бўлмай сигнализацияни ўчириб, ухлаб ётганини, шунда ҳам уни огоҳлантириб, қўриқлаш осонроқ бўлган радиостанцияга юбориб, унинг ўрнига бошқа ишчини қўйганида, даъвогар буйруққа бўйсунмай, радиостанцияни қўриқлашга боришдан бош тортиб, уйга кетиб қолгани ва бу билан меҳнат қонунини бузганини кўрсатган.

Гувоҳ А. Сафуанов ҳам судда команда бошлиғи эканлигини, у телефон қилиб, Сайдалиев постда ухлаб қолганини, шунинг учун унинг ўрнига бошқа одам юборишни сўраганини, уни эса радиостанцияга юборишганини, аммо у ишни ташлаб уйга кетиб қолганини кўрсатган.

Булардан ташқари, судда сўралган гувоҳлар Р. Насацкая, С. Рихсиевалар Сайдалиевни постда ухлаб ётгани ҳақида акт тузишганини, у ўз вазифасини яхши бажармай, ишни ташлаб кетганини билдирганлар.

Суд мажлисида постда турган шахснинг мажбуриятлари ҳақидаги буйруқлар ошкор қилинган бўлиб, унда команда бошлиғининг қоровулни постдан олиш ва бошқа постга қўйиши мумкинлигини, поставойнинг постда ухлаши, че-

киши, ичиши, овқатланиши, нарсаларни сақлаши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Шунинг учун суд ўз қарорида ушбу далилларга баҳо берган ҳолда Сайдалиев постдан олиниб, бошқа постга ишлашга юборилган бўлса-да, лекин меҳнат қонунида белгиланган вазифасини бажармай, ташлаб кетиб, прогул қилган дея ишдан бўшатирилганлигига тўғри баҳо берган.

Суднинг чиқарган ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос йўқлигини ҳисобга олган судлов ҳайъати даввогарларнинг шикоят аризасида келтирган важларини асосиз деб ҳисоблайди.

Суд юқоридагиларга кўра ҳамда ГПК нинг 332-моддасига асосан

А ж р и м қ и л а д и :

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони судининг 1989 йил 30 ноябрда ушбу иш бўйича чиқарган ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилсин. Р. Сайдалиевнинг кассация шикояти рад этилсин.

Ажрим қатъий - шикоятга ўрин йўқ.

Раислик қилувчи: *И. У. Набихонов*

Ҳайъат аъзолари: *М. А. Қодиров*

К. С. Сафаров

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1990 йил 11 апрель.

Гулистон шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг сайёр суд мажлиси Гулистон шаҳар суди биносида бўлиб, раислик қилувчи Олий Суд аъзоси Б. А. Назиров, Олий Суд халқ маслаҳатчилари Р. М. Абдуллаева ва М. А. Абдураҳмоновлардан иборат ҳайъатда, А. Абдувалиевнинг котиблигида, прокурор ёрдамчиси М. С. Саидованинг, таржимон Г. Музаффарованинг иштирокида даввогар Шароф Гаффоровнинг жавобгар Сирдарё вилояти агросаноат кўмитасига нисбатан ишга қайта тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун ҳақ ундириб бериш тўғрисидаги, гражданлик иши биринчи инстанция тариқасида кўрилиб, тубандагилар

Шароф Ғаффоров 1986 йилдан буён Жиззах вилояти агросаноат қўмитасининг эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш бўлимида етакчи мутахассис бўлиб ишлаб келган.

1989 йилнинг ноябрида Жиззах вилояти тугатилиб, Сирдарё вилояти таркибига бирлаштирилганлиги сабабли, Ш. Ғаффоров 1988 йил 1 декабрида Сирдарё вилояти агросаноат қўмитасининг эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш бўлимига етакчи мутахассис вазифасига ўтказилган.

Ушбу вилоят агросаноат қўмитаси раисининг 1989 йил 17 январдаги 9-буйругига кўра, Ш. Ғаффоров меҳнат шартномасига биноан ўз зиммасига юкланган вазифаларни узрсиз сабаблар билан бир неча бор (мунтазам) бажармаганлиги учун Меҳнат Қонунлари кодекси 41-моддасининг 3-банди билан ишдан бўшатишган.

Ғаффоров ишдан бўшатишганлигини қонуний эмас деб ҳисоблаб, 1989 йил 25 апрелда судга ишга қайта тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун ҳақ ундириб бериш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд мажлисида даъвогар ўз даъвосини қувватлаб, 1988 йилнинг декабригача, яъни Сирдарё ва Жиззах вилоятлари қўшилгунга қадар қишлоқ хўжалик, чорвачилик машиналарига эҳтиёт қисмлар, электр жиҳозлари ва подшипниклар группаси билан шуғулланиб келганлигини, лекин икки вилоят қўшилгандан кейин янги келган бўлим бошлиғи унинг бажариши лозим бўлган иш ҳажмини қисқартириб, фақат чорвачилик ва ем-хашак ўриш техникаларини эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш группасини олиб боришни қолдирганлигини, бу билан у келиша олмаганлигини, шу сабабли бўлим бошлиғининг бу ҳаракатлари нотўғрилигини баён этади. Бундан ташқари, Ғаффоров ишдан нотўғри бўшатишганлигига сабаб қилиб муқаддам ҳеч қандай интизомий жазо чораси олмаганлигини кўрсатади.

Жавобгар — Сирдарё вилояти агросаноат қўмитасининг вакили А. Қўзиев судда даъво талабларини тан олмай, 1988 йил декабрида Сирдарё ва Жиззах вилоятлари қўшилгандан кейин Ш. Ғаффоров ишлаб келган агросаноат қўмитасининг эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш бўлимида маълум ўзгаришлар бўлганлигини, яъни аввал бу бўлимда 3 мутахассис ишлаган бўлса, кейинчалик 6 нафар ходим ишлаганлигини, бўлимга янги бошлиқ кел-

ганлигини ва у бўлимдаги мутахассислар орасидаги меҳнат тақсимотини қайтадан кўриб чиқиб, етакчи мутахассис Ғаффоровга чорвачилик ва ем-хашак ўриш техникаларини эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш группаси беркитилганлигини, лекин Ш. Ғаффоров бу тақсимотдан норози бўлиб, ўша вақтдан бошлаб ўзига юклатилан вазифаларни узрсиз сабабларга кўра бажаришдан бош тортиб келганлигини, шу сабабли унга 1989 йил 22 декабрда маъмуриятнинг буйруғи билан ҳайфсан эълон қилинганлигини, шунга қарамай, даъвогар кейин ҳам ўз хизмат вазифаларини бажармаганлигини, шу туфайли у 1989 йил 17 январдаги буйруқ билан Меҳнат қонунлари кодекси 41-моддасининг 3-банди билан асосли равишда ишдан бўшатирилганлигини, бу борада қонун билан белгиланган барча тартиблар бажарилганилигини кўрсатди. Жавобгар тараф ишни ҳал қилишда даъвогар томонидан судга мурожаат қилиш учун белгиланган даъво муддатининг узрсиз сабаблар билан ўтказиб юборилганлигига ҳам суднинг эътибор беришини сўради.

Қўшимча жавобгар — янги ташкил этилаётган Жиззах вилояти агросаноат қўмитасининг вакили О. Бердиқулов ҳам даъвони тан олмай, уни рад этишни сўради.

Иш бўйича тарафларнинг фикрлари, Ўзбекистон Республикаси прокурорининг ёрдамчиси М. С. Саидованинг даъво талаблари асоссиз эканлиги туфайли уни рад этиш лозимлиги ҳақидаги ҳулосаси тингланиб, ишдаги барча далиллар текшириб чиқилгач, судлов ҳайъати қуйидагиларга кўра Ғаффоровнинг ишга қайта тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун ҳақ ундириш тўғрисидаги даъво талабларини рад қилиш керак деб ҳисоблайди:

Меҳнат қонунлари кодексининг 13-моддасида кўрсатилганидек, меҳнат шартномаси гражданлар билан корхона, муассаса, ташкилот ўртасидаги битим бўлиб, бу битимга кўра ходимлар муайян ихтисос, малака ёки лавозимга оид ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда бажаришни ўз зиммаларига оладилар, корхона, муассаса, ташкилот эса кўзда тутилган иш ҳақини тўлаб туриш ва меҳнат шароитини таъминлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган, даъвогар бу мажбуриятларни сурункали равишда узрсиз сабаблар билан бажармаган.

Чунончи, 1988 йилнинг декабрида Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг қўшилиши натижасида Сирдарё вилояти агросаноат қўмитасининг эҳтиёт қисмлари билан таъмин-

лаш бўлимида ходимлар сонининг ортганлиги сабабли қайта меҳнат тақсимоти бўлиб, вилоят агросанот қўмитасининг раиси муовини М. Е. Эшбеков томонидан тасдиқланган бу тақсимотда даъвогарга чорвачилик жиҳозлари ва ем-хашак ўрувчи техникаларга эҳтиёт қисмлари бўлими бириктирилган. Лекин Ш. Ғаффоров ушбу тақсимот билан танишган вақтдан бошлаб, унда кўрсатилган соҳа бўйича ишлашдан бош тортган ва бу ҳақда ёзма норозилик билдирган

Бундан ташқари, суд мажлисида сўралган гувоҳ — агросаноат қўмитаси эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш бўлимининг бошлиғи Я. Шарофиддинов ўз кўрсатмасида бўлимнинг иш режасига асосан бўлим ходимлари 1988 йилнинг декабрида 1990 йил учун вилоят хўжаликларига зарур бўлган эҳтиёт қисмлар буюртмаси бўйича ўзгартиришлар қилиб беришлари лозим бўлганлигини, бироқ Ш. Ғаффоровдан бошқа барча ходимлар ўз соҳалари бўйича бу топшириқни бажарганлигини, фақат даъвогар бу ишни қилишдан бош тортганлигини ва шу сабабли унга тегишли бўлган ишни бошқа ходимлар қилишга мажбур бўлишганлигини, у ўз меҳнат вазифасини бажармаганлиги ва режадаги ишни қилишдан бош тортганлиги учун унинг билдиришига (рапортига) асосан Ғаффоровга 1988 йил 22 декабрида ҳайфсан эълон қилинганлигини, бироқ Ш. Ғаффоров унинг насиҳатларига ва олган жазо чорасига қарамай, бундан кейин ҳам ўз вазифасини бажармаганлигини, жумладан, 1988 йил 22 декабрда унга берилган кундалик топшириқ, яъни КСК—100 ва Е—281 комбайнларининг эҳтиёт қисмлари билан таъминланганлик ҳолатини аниқлаш ҳақидаги кўрсатмасини ҳам 1989 йил 16 январгача бажармаганлигини, умуман ҳеч қандай иш қилмай, келиб-кешиб юрганлигини, шунинг учун ҳам ишдан бўшатирилганлигини кўрсатди.

Бу ҳолатни судда сўралган гувоҳлар Б. Тўраев, Э. Туронов, Х. Сафаровлар ҳам тўлиқ тасдиқлайдилар. Ишдаги бир қатор актлар, аввалги суд мажлисида сўралган гувоҳлар М. Эшбеков, Р. Ҳазратқулов, М. Жарликапов ва бошқаларнинг кўрсатмалари билан Ғаффоров вазифасини узрсиз сабабларга кўра бажармаганлиги ўз тасдиғини топди.

Ғаффоровнинг бажараётган иш ҳажмини камайтиришга маъмуриятнинг ҳаққи йўқлиги, шунинг учун ҳам у янги

тақсимотда белгиланган вазифаларни бажармай, тўғри қилганлиги ҳақидаги фикри қонунга асосланмаган, чунки янги тақсимот бўйича даъвогарнинг вазифаси, ихтисоси, малакаси ва меҳнатининг мазмуни ўзгармаган бўлиб, Меҳнат қонунлари кодексининг 322-моддасида белгиланган меҳнатнинг бирон-бир муҳим шарти ҳам ўзгаришсиз қолган.

Ғаффоровнинг 1988 йил 8 декабридан 1989 йил 16 январгача иш ҳақи олганлиги фактининг ўзи унинг шу давр мобайнида ишлаб, меҳнат мажбуриятларини бажарганлиги масаласида етарли далил ҳисобланмайди. Бундан ташқари, даъвогар суд ҳайъатига бошқа далиллар тақдим қила олмади.

Суд даъвогарга 1988 йил 22 декабрда ва 1989 йил 17 январдаги буйруқлар билан эълон қилинган интизомий жазо чораларини қўллаш тартибини текшириб, улар Меҳнат қонунлари кодексининг 159-моддаси талаби асосида қўлланилган деб топди.

Қолаверса, судлов ҳайъати Ш. Ғаффоров судга ушбу даъво аризаси билан қонунда белгиланган бир ойлик даъво муддатини узрсиз сабаб билан ўтказиб мурожаат қилганлигини аниқлади, чунончи, ўз меҳнат дафтарчасини ишдан бўшаганлиги ҳақидаги ёзуви билан 1989 йилнинг 20 январидан олган бўлса-да, судга 1989 йилнинг 25 апрелида мурожаат қилган. Бу масалада Ғаффоровнинг прокуратура идораларига мурожаат этганлиги даъво муддатини тиклаш учун етарли асос бўла олмайди.

Юқоридагиларга кўра, суд Меҳнат қонунлари кодексининг 241—242-моддаларига ҳамда ГПКнинг 208, 213, 310, 336-моддаларига асосан

Қарор қилади:

Шароф Ғаффоровнинг Сирдарё вилояти агросаноат қўмитасига нисбатан ишга қайта тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун ҳақ ундириб бериш тўғрисидаги даъвоси рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қатъий — шикоятга ўрин йўқ.

Раислик қилувчи: *Б. А. Назиров*
Халқ маслаҳатчилари: *Р. М. Абдуллаева*
М. А. Абдурахмонов

VII.

МАЪМУРИЙ-ҲУКУКИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ИШЛАР

Умумий қоида бўйича, маъмурий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар асосан маъмурий тартибда кўрилади. Аммо амалдаги қонунчилик бу туркумдаги баъзи ишларнинг кўрилиши ва ҳал этилишини суднинг ваколатига киритади. Бундай ишларга, биринчидан, сайловчилар рўйхатидаги нотўғрилиқлар устидан берилган шикоятлар; иккинчидан, маъмурий органларнинг ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар; учинчидан, граждандардан давлат солиқлари, маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар, мажбурий (окладли) суғурта ва ўзаро солиқлар бўйича бўлган боқимандаларни ундириш ҳақидаги ишлар кирилади.

Гражданлик ишларнинг бу туркуми ГПҚнинг 257—264-моддаларига ҳамда унга киритилган 24¹-бобга асосан, граждандарнинг ҳуқуқларига путур етказаётган давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш билан боғлиқ бўлган қоидаларга мувофиқ кўрилади.

Маъмурий тартибда солинган жарима юзасидан шикоятлар бериш мумкинлиги Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 297—307-моддаларида белгилаб қўйилган. Шаҳар ва аҳоли пунктлари кўчаларида ва йўлларида ҳаракат хавсизлиги билан боғлиқ бўлган қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳам шу кодекснинг 130—151 моддаларида ва бошқа қонунларда, уларга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларда назарда тутилган.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар гражданлик суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари бўйича, аммо баъзи хусусиятларини эътиборга олган ҳолда кўрилади.

Маъмурий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни даъво иши тартибида кўриладиган ишларга аралаштирмаслик керак.

Тошкент шаҳри, Куйбишев райони судига
Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Мичурин
кўчаси, 10-уйда яшовчи Мирза Каримовдан

ШИКОЯТ

(Жарима солиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ҳақида)

Куйбишев райони ижроия қўмитаси ҳузуридаги савдо бўлими инспекцияси 1991 йил 10 майда савдо қондасини бузганлигим учун менга нисбатан жарима солиб, бу ҳақда протокол тузган эди.

Савдо қондасини бузишни қўйидаги ҳолатда содир этганман: тирик балиқларни Максим Горький номли метро бекатида сотган эдим. Маъмурий комиссия шу протоколга асосланиб, менга 30 сўм миқдорда жарима солди. Маъмурий комиссиянинг бу қарорини асоссиз деб ҳисоблайман.

Дарҳақиқат, савдо қондасини 1991 йил 10 майда бузганман, бироқ инспектор Т. Эшматовнинг тузган протоколини маъмурий комиссия 1991 йил 30 майда, яъни 2 ойу 20 кун ўтгандан сўнггина кўриб, қарор чиқарган. Амалдаги қоидага кўра ножўя ҳаракат содир қилингандан сўнг икки ойдан кўп вақт ўтса, солинган жаримани ундиришга йўл қўйилмайди. Бу ҳақда Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 38-моддасида кўрсатиб ўтилган.

Юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 257—258-моддаларига асосланиб,

Сўрайман:

Куйбишев райони ижроия қўмитаси ҳузуридаги маъмурий комиссиянинг 1991 йил 30 июлда менга нисбатан 30 сўм миқдорда жарима солиш тўғрисидаги қарори бекор қилинсин.

Илова: 1. Содир этилган ножўя ҳаракат юзасидан тузилган протокол.

2. Маъмурий комиссиянинг 1991 йил 30 июлдаги қарори.

3. Менинг ойлик маошим ҳақида маълумот.

1991 йил 17 июль

М. Каримов

МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ИШЛАРНИНГ СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ

Гражданлик ишларининг бу туркуми ГПКнинг 257—264-моддаларига мувофиқ кўрилди.

ГПКнинг 26-моддасига биноан, халқ судларига ГПКнинг 251-моддасида санаб ўтилган маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар ҳам тааллуқли бўлади.

Буларнинг биринчиси — маъмурий тартибда жарималарнинг нотўғри солиниши тўғрисида бериладиган шикоятлардир. Маъмурий тартибда солинган жарима тўғрисида шикоятлар бериш мумкинлигини Маъмурий ҳуқуқбазралик тўғрисидаги кодекснинг 130—151, 297—307-моддалари ва уларга киритилган ўзгариш, қўшимчаларда ҳамда шаҳар аҳоли пунктлари кўчаларида ва йўлларда ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини, транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларда назарда тутилган.

Иккинчиси — транспорт воситаларини ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилиши тўғрисида берилган шикоятлардир. Баъзи ҳолларда транспорт воситалари ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ваколатли органлар чиқарган қарорлар устидан шикоят берилиши мумкинлигини белгилайди.

Юқорида келтирилган норматив актларнинг мазмунига кўра, маъмурий органларнинг бошқа маъмурий чоралар кўриш тўғрисидаги, чунончи: огоҳлантириш, жамоат иззаси, меҳнат воситасида ахлоқ тузатиш, мусодара, пул билан жарима солиш ва шу каби бошқа чораларни қўллаш тўғрисида маъмурий органларнинг чиқарган қарорлари юзасидан суд органларига шикоят бериб бўлмайди.

Бошқа органнинг ёки мансабдор шахснинг жаримадан бошқа турдаги чоралар кўриш тўғрисидаги қарорлари устидан шу ташкилот ёки мансабдор шахснинг юқори турувчи органига шикоят берилиши мумкин.

Маъмурий органларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларни кўриш ва текширишда ҳам суднинг ваколатлари муайян хусусиятларга эга. Бундай ваколатларнинг тафсилий саноғи норматив актларда келтирилган. Чунончи, суд ГПКнинг 262-моддасига кўра, жарималарни нотўғри солиш устидан берилган шикоятларни кўришда: жарима солинган шахс жарима солишга арзигудек хилоф ҳаракат қилган-қилмаганлигини, унинг ҳаракатларида қонун билан белгиланган тартибда жарима солиш учун айби бор-йўқлиги, жарима ваколатли орган ёки мансабдор шахслар томонидан солинганлиги, жариманинг миқдорини белгилашда хатти-ҳаракатнинг оғирлиги, хилоф иш қилувчининг шахсий ва мулкый аҳволи эътиборга олинган-

лиги, солинган жариманинг суммаси белгиланган энг кўп миқдордан ошиб кетмаганлиги, жарима солиш муддати ўтиб кетмаганлиги, маъмурий тартибда солинадиган жарима тариқасидаги жавобгарликка тортишнинг қонунда белгиланган бошқа шартларига риоя қилинган-қилинмаганлиги каби жиҳатларини аниқлашга мажбур.

Маъмурий жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан тушган шикоят бўйича суднинг ҳал қилув қарори турлича мазмунда бўлиши мумкин, чунончи, суд жарима ғайриқонуний равишда солинганлигини ёки жарима солиш учун белгиланган муддат ўтиб кетганлигини аниқласа, солинган жаримани бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради. Агар суд жарима тўғри солинганлигини аниқласа, шикоятни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради.

Агар солинган жариманинг суммаси қонунда белгиланган миқдордан ортиқ бўлса, суд бу суммани қонунда белгиланган миқдордагигача камайтиради.

Суднинг маъмурий тартибда жарима солиш тўғрисидаги қарори устидан берилган шикоят юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори қатъий бўлиб, шу қарор чиқарилган лайдан бошлабоқ кучга киради ва бу қарор устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Суд шундай ҳал қилув қарори чиқаргач, унинг нусхасини уч кундан кечиктирмай шикоятчига етказиш ва маъмурий тартибда жарима солган идора ёки мансабдор шахсга юбориш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

Тошкент шаҳри, Куйбишев райони судининг биносида 1991 йил июль ойининг 25 кунда очиқ суд мажлисида халқ судьяси В. Оқилов раислигида, халқ маслаҳатчилари Н. Бекнозов ва Ф. Садриддиновларнинг ҳайъатида, Р. Нишонов котиблигида, Мирза Каримовнинг Куйбишев райони ижроия қўмитаси ҳузуридаги маъмурий комиссиясининг қарори устидан берган шикояти кўрилиб қўйидагилар

Аниқланди:

Мирза Каримов давлат савдо тартиб-қоидасини бузиб, белгиланмаган жойда балиқ савдосини ташкил қилгани учун савдо инспекцияси томонидан 1991 йил 10 майда

протокол тузилиб, шунга асосан Куйбишев райони ижроия кўмитаси ҳузуридаги маъмурий комиссиянинг 1991 йил 30 июлда чиқарган қарори билан 30 сўм миқдорда жарима солинган. Шикоятчи М. Каримов маъмурий комиссиянинг бу қарорини савдо қондасини бузган вақтдан икки ой ўтгандан кейин чиқарилганлиги сабабли асоссиз деб ҳисоблаб, жаримани олиб ташлашни сўрайди.

Суд иш материалларини атрофлича текшириб, маъмурий комиссиянинг чиқарган қарорини асоссиз деб ҳисоблайди, чунки Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 38-моддасига кўра, жарима ножўя ҳаракат содир бўлгандан кейин икки ой муддат ичида солиниши кўрсатилган. Савдо инспекциясининг протоколига қараганда, Мирза Каримов тақиқлаган жойда, яъни М. Горький метроси олдида 1991 йил 10 май куни балиқ сотганлиги сабабли савдо қондасини бузган, деб протокол тузилган, шунга кўра маъмурий комиссиянинг 30 сўм миқдорда жарима солиш тўғрисидаги қарори эса 1991 йил 30 июлда, яъни ножўя ҳаракат содир бўлгандан икки ой ўтгандан сўнг чиқарилган.

Суд юқоридагиларга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 38-моддасига ҳамда ГПКнинг 257-258-моддаларига асосан

Қарор қилади:

Мирза Каримовнинг шикояти қаноатлантирилсин, 30 сўм жарима солиш ҳақидаги Куйбишев райони ижроия кўмитаси ҳузуридаги маъмурий комиссиянинг 1991 йил 30 июлданги қарори бекор қилинсин.

Ҳал қилув қарори қатъий, кассация тартибида шикоят, протест келтиришга ўрин йўқ.

Халқ судьяси: *В. Оқилов*
Халқ маслаҳатчилари: *Н. Бекназаров*
Ф. Садриддинов

ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТНИ ТИКЛАШНИ РАД ЭТИШ ҲАҚИДА

Гражданлик ишлари судларда белгиланган муддатларда кўрилади ва ҳал қилинади. Қонунда гражданлик ишларини тўғри ва тез кўриши лозимлиги уқтирилади.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш юзасидан суд фаолиятининг сустлик билан амалга оширилиши гражданлик ишида иштароқ этувчи тарафларнинг қонуний манфаатлари бузилишига оид келиши мумкин.

ГПКнинг 110-моддасида курсатилишича, процессуал ҳаракатлар қонунда белгиланган муддатларда бажарилади. Процессуал муддатлар қонунда белгиланмаган ҳолларда эса — уларни суд тайинлайди.

Биобарин, процессуал муддатлар деб гражданлик ишларини судда кўриш ва ҳал қилиш учун қонун билан белгиланган ёки суд томонидан тайинланган муддатларга айтилади.

Процессуал муддатлар, одатда, процессуал ҳаракатлар қилиниши мумкин бўлган даъво эътиборга олиниб, аниқ календарь куни билан белгиланади. Шу билан бирга бошқача тарзда ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, ГПК 110-моддасининг 3-қисмида кўрсатилганидек, албатта содир бўлиши лозим бўлган воқеани ёки ҳаракатни кўрсатиб ёки муайян даврни кўрсатиб белгиланиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар қонунда белгиланган муддатни судда узрли деб топган сабаблар билан ўтказиб юборган бўлсалар, бу муддат тикланиши мумкин.

Муддатнинг ўтказилиши сабаби ишнинг ҳолатларига қараб, суд томонидан узрли деб топилиши мумкин. Чунончи, даъвогар ёки жавобгар учун оғир ҳолатларнинг юз бериши (бемор бўлиши, яқин кишиларининг ўлими ёки касал бўлиши ва шу каби ҳолатлар) суд томонидан узрли деб топилади. Шунингдек, узоқ муддатга сафарга кетган бўлиши ҳам муддатнинг ўтказилишида узрли деб топилиши мумкин. Суд бундай ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўтказилган муддатни тиклаш тўғрисидаги аризаларида кўрсатилган ҳолатларни қанчалик узоқ давом этишини, ўтказилган даъво муддатининг қанчалик узоқ бўлишини ҳам эътиборга олади. Муддатнинг тикланиши тўғрисидаги суднинг ажрими тегишлича асослантирилган бўлади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза процессуал ҳаракатлар қилиниши ёки ҳужжат топширилиши лозим бўлган судга берилади ва суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда кўрилади. Лекин бу шахсларнинг келмаслиги суд олдига қўйилган масалани ҳал қилиш учун тўсқинлик қилмайди.

Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда муддат қайси ҳаракатга нисбатан ўтказиб юборилган бўлса, ўша ҳаракат қилиниши лозим ёки муддат қайси ҳужжатга нисбатан ўтказиб юборилган бўлса, шу ҳужжат топширилиши лозим.

Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклашни рад қилиш тўғрисида суд чىқарган ажрим устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин (ГПКнинг 114-моддаси).

Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар судига
Ангрэн шаҳри, Ғалаба кўчаси, 10-уйда яшовчи
Маҳмуд Азизовдан

АРИЗА

(Муддатни тиклаш ҳақида)

Ангрэн шаҳар ички ишлар бўлимининг ёнғинга қарши бўлим бошлиғи Р. Комиловнинг 1990 йил 10 апрелдаги қарорига кўра, мен раҳбарлик қилаётган бозорда ёнғинга қарши қаратилган хавфсизлик ишлари талаб даражасида бўлмаганлиги ва тегишли қоидаларга риоя қилинмаганлиги сабабли менга нисбатан 30 сўм миқдорда жарима солинган эди.

Бу жаримани ғайриқонуний тартибда солинганлигини асослашимга қарамай, ўртоқ Р. Комилов эътиборга олмади. Шу сабабли қарор устидан шикоят беришни лозим топдим, бироқ шикоят қилишга берилган 10 кунлик муддатни ўтказиб юборганлигимни тушунтиришди. Муддатни ўтказиб юборишимга асосий сабаб — шикоят қилиш қоидасини билмаслигим ва иш билан овора бўлиб бунга эътибор бермаганлигимдир.

Юқоридагиларга кўра, ГПКнинг 114-моддасига асосан

С ў р а й м а н :

Ангрэн шаҳар ички ишлар бўлимининг ёнғиндан сақлаш бўлимининг 1990 йил 10 апрелдаги қарори устидан шикоят бериш учун берилган муддатни тикланиб, солинган жарима бекор қилинсин.

Илова: 1. Қарордан нусха.

2. Тегишли жиҳозларнинг йўқлиги ҳақида маълумот.

1990 йил 15 август.

М. Азизов

АЖРИМ

1990 йил 20 август.

Ангрэн шаҳри.

Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар суди очиқ суд мажлисида раислик қилувчи халқ судьяси Н. В. Вазиров, халқ маслаҳатчилари М. Эргашев ва С. Йўлдошевларнинг

ҳайъатида, Л. Минорова котиблигида Маҳмуд Азизовга нисбатан маъмурий тартибда солинган жарима юзасидан шикоят келтириш учун процессуал муддатни тиклаш тўғрисидаги аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Ангрен шаҳар ички ишлар бўлимининг ўт ўчириш бўйича бошлиғи Б. Камоловнинг 1990 йил 10 апрелдаги қарорига кўра, шу шаҳардаги бозор директори Маҳмуд Азизовга нисбатан ўт ўчириш қоидаларига риоя қилмаганлиги сабабли 30 сўм миқдорда жарима солиниб, маъмурий жазога тортилади.

М. Азизов шикоят аризасида солинган жаримани бекор қилишни, бунинг учун шикоят беришга белгиланган процессуал муддатни ўтказиб юборилганлигини узрли деб топиб, муддатни тиклаб, ишни судда кўришни сўрайди.

Шикоят қилиш муддатига риоя этмаганлик сабабига асос қилиб, иши кўп бўлганлиги боис шикоят қилишга вақт тополмаганлигини кўрсатади ва бу ҳаракатини узрли сабаб деб ҳисоблашни сўрайди.

Суд мажлисининг бўлиши ҳақида ёзма равишда хабардор қилинишига қарамай, М. Азизов иш кўришга қатнашмайди.

Судга тақдим қилинган ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, суд шикоят қилиш муддатини тиклаш учун етарли асос йўқ деб ҳисоблайди.

ГПКнинг 258-моддасига асосан маъмурий органлар ёки мансабдор шахсларнинг низосиз тартибда ҳақ ундириш тўғрисидаги қарори топширилган кундан бошлаб 10 кун ичида граждандар ва мансабдор шахслар, маъмурий органлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан шикоят беришга ҳақли эканликлари кўрсатилган.

М. Азизов жарима солинганлик тўғрисидаги қарор нусхасини 1990 йил 10 апрелда олганига қарамай, шу йил 20 августга қадар, яъни 4 ойдан кўпроқ вақт ичида шикоят қилмаган ва бунинг учун узрли сабаблари (касаллиги, узоқ муддат сафарда бўлган) ҳам йўқ. Булардан ташқари, ГПКнинг 114-моддасида кўрсатилган узрли сабаблар келтирилмаган. Бу ҳолатлар аризачининг белгиланган муддатда судга мурожаат қилиш учун имконияти борлигидан далолат беради.

Суд юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 114-моддасига асосан

Ажрим қилади:

Аризачи Маҳмуд Азизовнинг шикоят қилиш учун процессуал муддатни тиклаш ва солинган жаримани бекор қилиш тўғрисидаги илтимоси рад этилсин.

Ажрим устидан шу суд орқали Тошкент вилояти судининг гражданлик судлов ҳайъатига 10-кун муддат ичида хусусий шикоят ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Халқ судьяси: *Н. В. Вазиров*
Халқ маслаҳатчилари: *М. Эргашев*
С. Йўлдошев

МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ НОЖЎЯ ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ҲУҚУҚИ ҲАҚИДА

Амалдаги қонунларга мувофиқ, жумҳурият гражданлари мансабдор шахсларнинг, давлат ва жамоат идораларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳақда ГПКнинг 24¹-бобида ҳам батафсил берилган. Бу қонунларга кўра, мансабдор шахсларнинг қонунни бузувчи, ўз ваколатларини суистеъмол қилувчи, гражданларнинг ҳуқуқларини камситувчи хатти-ҳаракатлари устидан қонунда белгиланган тартибда ва муддатда судга шикоят қилиниши мумкин.

Давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ хатти-ҳаракатлари жумласига:

граждан қонунда ёки бошқа норматив ҳужжатда ўзига берилган ҳуқуқни тўла ёки қисман амалга ошириш имкониятидан қонунга хилоф равишда маҳрум этилишига;

граждан зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган коллегиял ёки якка тартибдаги хатти-ҳаракатлар киради.

Давлат бошқаруви органи ёки мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан тобелик тартибида юқори турувчи ва шикоятни кўриб чиқиши ҳамда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида бир ойлик муддат ичида гражданга маълум қилиши шарт бўлган орган ёки мансабдор шахсга шикоят билан мурожаат қилингандан кейин — судга шикоят берилиши мумкин.

Шикоят судга ҳуқуқи бузилган граждан, унинг вакили, шунингдек, гражданнинг илтимосига кўра — жамоат таш-

килотининг, меҳнат жамоасининг тегишли ваколоти бўлган вакили томонидан берилиши мумкин.

Шикоят хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган давлат бошқарув органи жойлашган ердаги ёки мансабдор шахснинг иш жойидаги район (шаҳар) судига берилади.

Шикоят беришда белгиланган тартибда давлат божи тўланади.

Граждан юқори органдан ёки мансабдор шахсдан ўз шикояти қондирилиши ҳақида раддия олган кундан бошлаб ёки юқори органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят топширилгандан сўнг, бир ой муддат ўтган кундан бошлаб ҳисобланадиган бир ойлик муддат ичида, агар шикоятчи шикоятига жавоб олмаган бўлса, судга шикоят бериши мумкин.

Тошкент шаҳри, Куйбишев райони судига
Азим Холмирзаев — Тошкент шаҳри, Куйбишев
райони, Трактор кўчаси, Гулбаҳор тор кўчаси,
10-уйда истиқомат қилади.
Манфаатдор шахс — Тошкент шаҳри, Куйбишев
райони маориф бўлими мудирини Парда Рафиқов

Ш И К О Я Т

(Мансабдор шахснинг ҳаракатлари устидан)

Мен 1991 йил 10 апрелда Куйбишев райони маориф бўлими мудирини Парда Рафиқов номига муддатни кўрсатмасдан меҳнат шартномасини тузиш ҳақида ариза билан мурожаат этган эдим. Бироқ маориф бўлимининг мудирини билан унинг вакили (юрис-т-маслаҳатчининг) 1991 йил 26 апрелда менга ёзган хатида, мени ишга қабул қилиш, яъни меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқини маориф бўлими ваколотида бўлмай, балки мактаб директорларининг ваколотида тегишли эканлиги кўрсатилган.

Мен маориф бўлими мудирининг бу хатти-ҳаракатларини гайриқонуний деб ҳисоблайман, чунки жой ва имконият бўлишига қарамай, у киши ҳамisha ўз қариндош-уруғлари, таниш-билишларини ишга қабул қилганлиги сабабли вазирликда жазо олган.

Юқоридагиларга кўра, гражданларнинг ҳуқуқларига путур етказётган давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш мумкинлиги тўғрисидаги ҳуқуқдан

фойдаланиб ҳамда Меҳнат қонунлари кодексининг 22-моддасига ва ГПКнинг 264¹-моддасига асосан

Сўрайман:

Куйбишев райони маориф бўлим мудирини П. Рафиқовнинг мен билан номуайян муддатга меҳнат шартномасини тузишни рад этиш ҳақидаги ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари бекор қилинсин.

Илова: 1. Маориф бўлимининг хати.

2. Менинг меҳнат фаолиятим ҳақида маълумотнома.

1991 йил 28 апрель.

А. Холмирзаев

ШИКОЯТНИ КЎРИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

Суд шикоятни шикоят берган граждан ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган давлат бошқарув идорасининг раҳбари ёки мансабдор шахснинг иштирокида ўн кун ичида кўриб чиқади.

Шикоят берган граждан иш юзасидан ўз манфаатларини ҳимоя қилишни вакилга топширишга ҳақлидир.

Шикоят берган гражданнинг ёки хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган давлат бошқарув органи раҳбарининг ёки мансабдор шахснинг ёхуд улар вакиллари узрсиз сабабга кўра суд мажлисига келмаганликлари шикоятнинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди, бироқ суд шикоят берган гражданнинг ва давлат бошқарув идораси раҳбарининг ёки мансабдор шахснинг келишини мажбурий деб топиши мумкин.

Судда ишни кўриб чиқиш чоғида жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг вакиллари, шунингдек, тобелик тартибида юқори органларининг мансабдор шахслари ёки уларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин.

Суд шикоят қилинишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатларни қонуний деб топган тобелик тартибидаги юқори мансабдор шахсларнинг ёки органларнинг материалларини тадқиқ этиши керак, шунингдек, бошқа шахсларнинг тушунтиришларини тинглаши, зарур ҳужжатлар ва бошқа далил-исботларни тадқиқ қилиши мумкин.

Агар суд шикоят қилинишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатларни ғайриқонуний, гражданнинг ҳуқуқларига пу-тур етказадиган деб топса, у шикоятнинг асосли эканлиги

ва тегишли давлат бошқарув органи ёки мансабдор шахснинг йўл қўйилган ҳуқуқбузарликни бартараф этишга мажбурлиги тўғрисида қарор чиқаради.

Агар суд шикоят қилинишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар қонунга биноан, давлат бошқарув идораси ёки мансабдор шахс ваколатлари доирасида содир этилган деб топса, шикоят қондирилишини рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Йўл қўйилган қонун ёки бошқа норматив ҳужжат бузилиши ҳолларини бартараф этиш учун суднинг шикоят юзасидан қабул қилган қарори хатти-ҳаракатлари хусусида шикоят билдирилган давлат бошқарув идорасининг раҳбарига ёхуд мансабдор шахсга, ёки тобелик тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга юборилади.

А Ж Р И М

Тошкент шаҳри, Куйбишев райони судининг 1991 йил май куни очиқ суд мажлисида раислик қилувчи халқ судьяси Д. Абулов, халқ маслаҳатчилари: В. Азизов ва З. Раҳимовлар ҳайъатида, П. Маъмурова котиблигида Азим Холмирзаевнинг аризасига кўра, Куйбишев райони маориф бўлими мудири Парда Рафиқов ножўя хатти-ҳаракатлари устидан берган шикояти кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Шикоятчи Азим Холмирзаев 1991 йил 10 апрель куни Куйбишев райони маориф бўлими мудири П. Рафиқовга ариза билан мuddат кўрсатмасдан ишга қабул қилиш шартномасини тузиш бўйича мурожаат этган.

Куйбишев райони маорифи бўлимининг вакили С. Қодиров томонидан 1991 йил 26 апрелда А. Холмирзаевнинг аризасига ёзилган жавоб хати судга тақдим этилган, унга кўра ўқитувчиларни ишга қабул қилиш мактаб директорларининг ваколатига тегишли эканлиги билдирилган.

Суд тақдим этилган материалларни кўриб ва ҳар томонлама текшириб, аввало, бу туркумдаги ишлар судсиз ҳал қилиш тартибига риоя қилинмаганлигини аниқлайди. Шикоятчи А. Холмирзаев бу иш бўйича даставвал юқори бўйсунувчи шаҳар маориф бош бошқармасига шикоят қилиши лозим эди, бироқ бу ҳақда ишда ҳеч қандай ҳужжат келтирилмаган. Шунга кўра, иш судга тааллуқли

бўлмаганлиги сабабли уни мазмунан кўриш ГПКнинг 264⁴-моддасига хилофдир.

Суд юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 244-моддасига асосан

Ажрим қилади:

Тошкент шаҳри, Куйбишев райони маориф бўлимининг мудирини Парда Рафиқов шикоятчи Азим Холмирзаев билан меҳнат шартномасини тузмаганлиги ва уни ишга олишга қаршилиқ кўрсатганлиги юзасидан берган шикояти кўрилмай, қолдирилсин.

Шикоятчи Азим Холмирзаевга шу иш бўйича мансабдор шахс тобе бўлган юқори ташкилотга, яъни шаҳар маорифи бош бошқармасига мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг гражданлик судлов ҳайъатига 10 кун муддат ичида шикоят қилиши ёки протест келтириши мумкин.

Халқ судьяси: Д. Абулов

Халқ маслаҳатчилари: В. Азизов

З. Раҳимов

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИДАГИ НОТЎҒРИЛИКЛАР УСТИДАН БЕРИЛГАН ШИКОЯТЛАРНИ СУДДА КЎРИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Сайловчилар рўйхатидаги нотўғрилиқлар устидан берилган шикоятлар бўйича иш юритиш ГПКнинг 253—256-моддалари билан тартибга солинади. Бу қонунларда гражданларнинг сайловчилар рўйхатга нотўғри киритилганлик тўғрисидаги аризалар юзасидан маҳаллий ҳокимият чиқарган қарорларидан норози бўлиб, унинг қарори устидан тегишли сайлов участкаси жойлашган судга шикоят бериши мумкинлиги кўрсатилган.

Бундай шикоятга шикоятчининг аризаси рад қилинганлиги тўғрисидаги маълумот илова қилинади.

Агар ёзма маълумот шикоят билан бирга тақдим қилинмаган бўлса, халқ суди уни тегишли маҳаллий идоралардан талаб қилиб олишга мажбур.

Суд шикоятни қабул қилиш учун шикоятчи шахс сайловчилар рўйхатида бўлган нотўғрилиқни тузатиш тўғрисида илгари ариза берган бўлиши ва бу аризани рад қилган бўлиши керак.

Аввал маҳаллий ҳокимиятга ариза бермасдан туриб, судга шикоят қилинганда — судга арз қилувчига сайловчилар рўйхатини тузатишнинг қонун билан белгиланган тартибни тушунтириб, шикоятни тегишли идорага юборишга мажбур.

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри судига
Самарқанд шаҳри, 1-май кўчаси 10-уйда яшовчи
Гулиора Мамадалиевна Қодирова томонидан
Самарқанд шаҳри ижроия қўмитасининг қарори юзасидан

ШИКОЯТ

(Сайловчилар рўйхатидаги ногўриликлар устидан)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига депутатлар сайлаш бўйича ўтказиладиган сайловлар юзасидан олиб бориладиган тайёргарлик ишларида сайловчилар рўйхатини тузиш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бу ишларни ўтказишда сайлов комиссияси айрим камчиликларга йўл қўйган, масалан, сайлов рўйхатига мени Гулнора Мамадалиевна Қодирова деб киритиш ўрнига, отамнинг исмини "Муттахамовна" деб нотўғри киритилган, дарҳақиқат, менинг туғилиш гувоҳномада худди шундай деб кўрсатилган эди, бироқ шу йил олган янги паспортимда "Мамадалиевна" деб тўғри ёзилган.

Бу ҳақда шаҳар ижроия қўмитасига мурожаат қилсамда, менинг илтимосим ижобий ҳал бўлмади ва рўйхатга ўзгариш киритиш масаласи асоссиз рад этилди.

Юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 253-моддасига асосан

Сўрайман:

Самарқанд шаҳар халқ депутатлари кенгаши ижроия қўмитасининг сайловчилар рўйхатига менинг отамнинг исмини "Муттахамовна" эмас, балки "Мамадалиевна" деб ўзгартирилишига мажбур қилинсин.

Илова: 1. Самарқанд шаҳар халқ депутатлари кенгаши ижроия қўмитасининг қароридан нусха.

2. Туғилиш гувоҳномам ва паспортим.

САЙЛОВЧИЛАР РҲЙХАТИДАГИ НОТЎҒРИЛИКЛАРНИ СУДДА ТУЗАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликлар ҳақидаги шикоят бўйича бажариладиган процессуал ҳаракатлар шикоят берилган вақтдан бошлаб, уч кундан кечиктирилмасдан судда кўрилиши лозим. Шикоятни суд очиқ суд мажлисида ариза берувчини ва тегишли маҳаллий ҳокимият қўмитасининг вакилини, агар шикоят ариза беручига даҳли бўлмасдан бошқа гражданга тегишли бўлса, ўша граждани ҳам чақирилган ҳолда кўради. Кўрсатилган шахсларнинг келмаслиги, агар судда ишни кўриш тўғрисидаги чақирув хати уларга топширилган бўлса, ишни кўришга тўсқинлик қилмайди. Лекин суд бу шахсларнинг шахсий баёнотларини зарур деб топса, ишни кўришни кейинга қолдиради ва улар қайтадан чақирилади.

Суд сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликлар тўғрисидаги ишларни прокурорнинг иштирокида кўради.

Суднинг сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликларни аниқлаган ҳал қилув қарори район, шаҳар ҳокимияти ўз-ўзини бошқариш органларининг сайловчилар рўйхатига киритиши учун асос бўлади. Бинобарин, бу қарор чиқарилиши билан дарҳол тегишли қўмитага юборилади.

Ўзбекистон республикаси номидан ҳал қилув қарори

Самарқанд шаҳар суди биносида 1990 йил 13 март куни очиқ суд мажлисида судья В. Қобилов раислигида, халқ маслаҳатчилари З. Эргашев ва О. Валиевларнинг ҳайъатида, О. Раззоқовнинг котиблигида, шаҳар прокурори, юстиция маслаҳатчиси Х. Адҳамов ва ижроия қўмитасининг вакили Д. Жўраевнинг иштирокида Гулнора Мамадалиевна Қодированинг сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликлар ҳақидаги шикояти кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Г. М. Қодирова шикоятида ва суд мажлисида берган тушунтиришида унинг отасининг исми "Мамадалиевна"

бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига депутатлар сайловини ўтказиш муносабати билан комиссия томонидан тузилган сайлов рўйхатига "Муттаҳамовна" деб киритилганлигини кўрсатади.

Г. М. Қодирова сайловчилар рўйхатига тегишли ўзгариш киритиш ҳақидаги илтимоси сайлов комиссияси ва Самарқанд шаҳар халқ депутатлари кенгаши ижроия қўмитаси томонидан қаноатлантирилмаган. Шуларга кўра Г. Қодирова шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг сайлов ўтказувчи комиссиясига мурожаат этиб, отасининг исмини тўғри ёзган ҳолда сайловчилар рўйхатига тегишли ўзгаришлар киритишга мажбур этишни сўрайди.

Шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг вакили Д. Жўраев шикоятни рад этишни, бунга асос қилиб, сайловчилар рўйхатига шикоятчининг фамилияси ва отасининг исми унинг тегишли ҳужжатларига (туғилиш гувоҳномасига) асосан киритилганлигини билдиради.

Суд прокурорнинг шикоятни қаноатлантириш лозимлиги ҳақидаги фикрини ва ишдаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, шикоятчининг фикрини асосли эканлигини таъкидлайди.

Г. М. Қодирова судга тақдим этган ҳужжатлар қаторида Самарқанд шаҳар милиция бўлимининг 1985 йил 10 майда, XI—ЮШ 11223-рақамли паспортида "Мамадалиевна" деб тўғри ёзилганлиги, туғилиш гувоҳномасидаги отасининг исми кейинчалик ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғрилانганлиги баён қилинган.

Булардан ташқари, Г. М. Қодированинг никоҳ гувоҳномасида отасининг исми "Мамадалиевна" деб кўрсатилганлиги ҳам шикоятчининг талаби асосли эканлигидан далолат беради.

Суд юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 208—213, 253-моддаларига асосан

Қарор қилади:

Гулнора Мамадалиевна Қодированинг шикояти қаноатлантирилсин.

Ҳал қилув қарорига кассация тартибида шикоят қилиш ва протест келтириш ўринсиз.

Халқ судьяси:
Халқ маслаҳатчилари:

В. Қобилов
З. Эргашев
О. Валшев

VIII.

АЛОҲИДА ТАРТИБДА КЎРИЛАДИГАН ИШЛАР

Аксарият ҳолларда гражданлик ишлари бирон-бир бузилган шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида, даъво ишлари тарзида қўзғатилади. Аммо баъзи ҳолларда гражданлик ишлари ҳуқуқ тўғрисида низо бировнинг бировга даъвоси бўлмаганида ҳам судларда қўзғатилиши, кўрилиши ва ҳал этилиши мумкин. Масалан, граждан пенсия ёки мерос олиши учун зарур бўлганида бирон-бир фактнинг мавжудлигини, айтайлик, бировнинг фарзанди ёинки боқимида бўлганлигини тасдиқлатиш зарур бўлганида, аризани бировларга нисбатан даъво қўзғатмай, балки судга ариза билан, муддаосини айтиб, муурожаат қилади.

Бундай ҳолларда гражданлик ишлари даъво ишларини юритиш тартибида кўрилмасдан, балки алоҳида иш юритиш тартибида кўрилади. Судларда бундай тартибда иш кўрилишида ҳам субъектив ҳуқуқларни ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш мақсад қилиб кўйилади.

Низосиз ишлар (ГПКнинг 270-моддаси), бу туркумдаги ишлар ГПКнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўрилади.

Суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган низосиз ишлар жумласига: юридик аҳамиятга молик бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги: граждани бедарак йўқолган деб топиш ва гражданининг ўлими ҳақида эълон қилиш: руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли гражданининг муомала лаёқати чекланган муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги: мулкни эгасиз деб топиш: нотариал ҳаракатлар устидан берилган ёки бундай ҳаракатларни бажаришни рад этганлик ҳақидаги шикоятлар; гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш дафтаридаги ёзувларнинг нотўғрилигини белгилаш; тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқотилган тақдирда, уларга бўлган ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш) тўғрисидаги ишлар киради.

Алоҳида тартибда кўриладиган ишларда ҳуқуқ ҳақида низо бўлмайди. Шу жиҳатлари билан алоҳида тартибда кўриладиган ишлар даъво ишларини юргизишдан фарқ қилади. Алоҳида тартибда иш юритишдан мақсад граж-

данларнинг бирон-бир ҳуқуқлари вужудга келганлиги, ўзгарганлиги ёинки бекор бўлганлиги, яъни юридик фактларнинг мавжудлиги ёки уларнинг йўқлигини аниқлашдан иборат бўлади.

Даъво ишларини юритишда эса суд фаолияти бирмунча кенгроқ бўлади. Бунда суд юридик фактларни аниқлабгина қолмай, шу билан бирга аниқланган фактларга моддий-ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиши, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тегишли хулосага келиши, яъни гражданлик-ҳуқуқий низоларни ҳал этиши лозим бўлади.

Алоҳида тартибда кўриладиган ишларда, ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмагани туфайли, тарафлар, яъни жавобгар, даъвогар, учинчи шахслар ҳам бўлмайди, фақат ўз муддаосини айтиб, судга мурожаат қилувчи аризачигина ва бошқа манфаатдор шахсларгина бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам алоҳида тартибда кўриладиган гражданлик ишларида баъзи гражданлик-процессуал нормаларнинг, масалан, қўшимча иштирокчилик, тегишсиз тарафни тегишли тараф билан алмаштириш, келишув битими ва шу каби процессул ҳаракатларга оид нормалар қўланилмаслиги мумкин.

Алоҳида тартибда кўриладиган ишларни суд ариза берувчи ва манфаатдор гражданларнинг, давлат органлари, давлат муассасалари, корхоналари, колхозлар ва бошқа кооператив ҳамда жамоат ташкилотларининг иштирокида кўради (ГПКнинг 272-моддаси).

Судья бу туркумдаги ишларни ҳам судда кўришга тайёрлайди, иш учун аҳамиятли ҳужжатларни талаб қилади, муҳим кўрсатмалар бериши мумкин бўлган гувоҳларни, тегишли ташкилот вакилларини судга таклиф қилади, лозим бўлса, экспертиза тайинлайди, судда кўриладиган ишнинг характерини аниқлашга ҳаракат қилади ва ишни суд мажлисида кўришга тайинлайди.

ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ФАКТЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ҲАҚИДА

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилашнинг суд тартиби фуқароларнинг Конституцияда мустаҳкамланган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларининг, меҳнатга, никоҳ ва оилага оид ҳамма бошқа ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини, шунингдек, мулкӣ ҳуқуқлар олинишида

давлат ва жамоат манфаатларининг қўриқлашини кафолатлайди.

Юридик фактларнинг белгиланиши тўғрисидаги ариза фақат тубандаги ҳоллардагина;

биринчидан, агар бу факт шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқларини вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган бўлса;

иккинчидан, бу фактни белгилаш суд ваколатига тааллуқли қилинган бўлса;

учинчидан, юридик фактни белгилаш тўғрисидаги ҳужжатлар бошқа тартибда ариза берувчи томонидан олинishi мумкин бўлмаса (Масалан, йўқолган гражданлик ҳолати актларини тиклаш иши, бундай ҳолатларни қайд қилувчи идоралар томонидан, манфаатдор шахсларнинг аризаларига биноан тикланади ва агар бу органлардан рад жавоби олинсагина гражданлик ҳолати актларининг, чунончи; боланинг туғилиши, никоҳдан ўтганлиги, гражданнинг ўлими ва ҳоказолар тўғрисидаги актнинг қайд қилиниши факти суд томонидан белгиланиши мумкин. Бинобарин, суд гражданлик ҳолати актининг қайд этилганлиги тўғрисидаги аризани қабул қилишда ариза берувчи шахснинг бу тўғрида гражданлик ҳолати актларини ёзиш идорасига мурожаат қилган-қилмаганлигини ва нима сабаблар бўйича илтимоси рад этилганлигини аниқлаши лозим);

тўртинчидан, бундай фактни белгилаш судларга тааллуқли бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаслиги керак. Агар юридик фактни белгилаш ариза берувчига кейинчалик судда бирон-бир иш чунончи, меросга бўлган ҳуқуқ ёки етказилган зарарни ундириш бўйича даъво қўзғатиш ва бошқа гражданлик даъволари учун зарур бўлган ҳолларда унинг аризаси алоҳида иш юритиш тартибида кўрилмаслиги керак, чунки бундай фактни белгилаш даъвонинг судда ҳал қилиниши билан бир вақтда кўрилиши мумкин.

Гражданлар ёки ташкилотларнинг шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқларининг келиб чиқиши, ўзгариши ёки тугатилишига сабаб бўладиган фактларни суд белгилайди.

Суд қуйидаги фактларни:

- 1) шахсларнинг қариндошлик муносабатларини;
- 2) шахснинг бировнинг қарамоғида бўлганлиги фактини;
- 3) боланинг шу онадан туғилганлиги фактини ва туғилган вақтини;

4) болаликка олиш, никоҳ, ажралиш ва ўлимни рўйхатга олиш фактини;

5) эр-хотиндан бирининг ўлими натижасида гражданлик ҳолатлари актларини қайд этиш идораларида никоҳни рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлмаса, қонунда белгиланган ҳолларда, ҳақиқатда эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик фактини;

6) ҳуқуқ туғдирадиган ҳужжатларда (касаба уюшмаси билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар ва гражданлик ҳолатлари актини қайд қилиш идоралари берадиган гувоҳномалардан бошқа ҳужжатларда) кўрсатилган шахснинг исми, отасининг исми ва фамилияси билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишли эканлиги фактини;

7) бахтсиз ҳодиса фактини;

8) юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни (агар амалдаги қонунларда уларни белгилашнинг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса) белгилаш тўғрисидаги ишларни кўради.

Суд юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни ариза берувчи шу фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача йўл билан олиши мумкин бўлмаса ёки йўқотилган ёхуд йўқ қилинган ҳужжатларни тиклаш мумкин бўлмаган тақдирдагина белгилайди.

Шахсларнинг қариндошлик фактининг белгиланиши — ворислик ҳуқуқини олиш, боқувчисини йўқотганлик туфайли пенсия олишга бўлган ҳуқуқни расмийлаштириш, кўп болали оналарга (оилаларга) бериладиган давлат ёрдамини олиш, автомашинанинг ҳада қилинишини нотариал тартибда расмийлаштириш учун ва бошқа баъзи ҳолларда зарур бўлиши мумкин. Бу ҳақда "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисида"ги қарорнинг бажарилиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1991 йил 20 декабрдаги Йалғуз қарорида кўрсатилган.

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар судига
Фарғона шаҳри, Марғилон кўчаси, 15-уйда яшовчи
Мухаммаджеп Алиқоновдан

Иш исзасидан манфаатдор шахс — Фарғона шаҳар
ижроия қўмитасининг уй жой бошқармаси;
Фарғона шаҳри, Фазо 1-кўчаси, 20-уйда жой-
лашган.

АРИЗА

(Қариндошлик муносабати фактини белгилаш ҳақида)

Мен билан Эргашбой Рустамов қариндош бўламиз. У киши менинг бобом, яъни онам Робияхон Омонованинг дадаси бўладилар.

Бувам Э. Рустамов 1940 йили бувим бўлмиш Ҳадича Ҳакимова билан никоҳдан ажрашган, никоҳларидан менинг онам қолган. Бувим кейинчалик Омон Холматов билан турмуш қуради, шундан кейин онам 6 ёшлигида ўғай отанинг фамилиясига Омонова бўлиб ўтиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини шу фамилияда олади. Бувамнинг фарзандлари бўлмаганлиги ва ёлғиз ўзи қолганлиги сабабли онам у киши билан 1983 йилдан 1986 йилга қадар бирга яшаб, ҳовли-жойларни бирга тузатишган. Бувам Э. Рустамов 1986 йили транспорт ҳалокати туфайли вафот этди. У кишининг ҳаётлигида ва мен, на онам яшаб турган ҳовли-жойни ўзимизга расмийлаштириш масаласига эътибор бермаганмиз. Энди эса уйни менинг номимга расмийлаштиришни кўзлаган эдим, қариндошликни тасдиқловчи гувоҳномалар талаб этилмоқда. Фарғона шаҳар ЗАГС бўлими 1940 йилги бувам билан бувим ўрталаридаги никоҳни қайд қилгани тўғрисидаги ҳужжат сақланмаганлиги сабабли никоҳ ҳамда онамнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларининг нусхаларини беришни рад этди. Э. Рустамов менинг бувамлигини онам Р. Омонова, қўшниларимиз Ҳ. Ҳакимова, А. Исмоилов, бувамнинг укаси Собир Рустамовлар тасдиқлашлари мумкин; бундан ташқари, 10 дона фотосурат ҳамда мен ҳарбий хизматда юрган вақтларимда бувамнинг ёзган хатлари ҳам қариндошлик муносабатларимизга асос бўла олади.

Шу боис ГПК 274-моддасининг I-бандига асосан

Сўрайман:

Менинг марҳум бувам Эргашбой Рустамовнинг невараси эканлигим факти белгилансин.

Суд мажлисига қуйидаги гувоҳлар чақирилсин:

1. Робияхон Омонова — Фарғона шаҳри, Марғилон кўчаси, 15-уйда яшайди.
2. Ҳадича Ҳакимова — Марғилон шаҳри, Комиссарлар кўчаси, 20-уйда яшайди.

3. Алижон Исмоилов — Фарғона шаҳри, Бозор кўчаси, 70-уйда яшайди.

4. Собир Рустамов — Марғилон шаҳри, Анҳор кўчаси, 50-уйда яшайди.

Илова: 1. Маҳалла қўмитасидан шу ҳовли-жойда яшаш ҳақида маълумотнома.

2. 10 дона фотосурат, 21 та ҳар турли ёзишмалар.

3. ЗАГС идорасидан берилган маълумотнома.

4. Давлат божини тўлаганлик ҳақида чипта.

5. Аризанинг нусхаси.

1991 йил 9 октябрь.

М. Алижонов

Ўзбекистон республикаси номидан ҳал қилув қарори

1991 йил 27 октябрда Фарғона шаҳар судининг очиқ суд мажлисида судья В. Жумаева раислигида, халқ маслаҳатчилари К. Мухторова ва С. Раҳматоваларнинг ҳайъатида Д. Собированинг котиблигида, манфаатдор шахснинг вакили У. Оқилов иштирокида аризачи Муҳаммаджон Алижоновнинг "юридик фактини белгилаш" бўйича гражданлик иши кўрилиб, тубандагилар

Аниқланди:

Аризачи Муҳаммаджон Алижонов судга мурожаат қилиб, Эргашбой Рустамов унинг онасининг дадаси эканлигини, ўзига эса бува бўлишини, лекин буваси бувиси Ҳадича Ҳакимова билан 1940 йилда ажрашганини, бувиси эса қизи, яъни аризачининг онаси — Робияхон Омоновани ўз тарбиясида қолдирган ҳолда Омон Холматов билан никоҳдан ўтиб, оила қурганини, шу вақтга қадар аризачининг онасига туғилиш гувоҳномаси олинмаган бўлиб, 1953 йили унга туғилиш гувоҳномасини олиниб, дадаси сифатида ўғай дадаси Омон Холматов кўрсатилганлигини, шунга кўра фамилияси ҳам Омонова деб юритилганлигини, лекин ўзининг дадаси бўлмиш Эргашбой Рустамов билан ҳам муносабатини бузмаганлигини, у қариб қаровсиз қолганлиги ва фарзандлари бўлмаганлиги учун унинг уйига кўчиб бориб яшаганлигини, 1983 йилдан 1986 йилгача яшаб, эски хонани бузиб янгиллаганлигини, лекин уйни бобосининг номидан ўзининг номига расмийлаштиришга улгурмай, бобоси Эргашбой Рустамов авария

қалокатида вафот этганлигини, ҳозирда шу сабабли уй-жойни ўз номига расмийлаштира олмаётганлигини кўрсатади.

Суд мажлисида ҳам аризачи келтирган важларини такрорлайди.

Суд иш материалларини кўриб ва муҳокама қилиб манфаатдор шахснинг вакили У. Оқиловнинг аризани қанотлантириш лозимлиги ҳақидаги сўзини тинглаб, қўйидаги асосларга кўра аризани асосли ҳисоблаб, асосли уни қанотлантиришни лозим топади: Эргашбой Рустамов билан Муҳаммажон Алижоновни бобо-невара эканлигини гувоҳлар Робияхон Омонова, Ҳадича Ҳакимова, Алижон Исмоилов ва Т. Мақсудовлар тасдиқлайдилар. Ишда Фарғона вилояти архивининг берган маълумоти бўлиб, унда 1937 йилдаги никоҳни қайд қилиш журнали сақланмагани кўрсатилган. Эргашбой Рустамов билан ЗАГС рўйхатидан ўтганлигини Ҳ. Ҳакимова тасдиқлаб, уйларида ремонт қилган бир нотаниш шахс тилло узуги билан ЗАГС гувоҳномасини ўғирлаб кетганлигини кўрсатади, шунинг учун ушбу ЗАГС гувоҳномасининг нусхасини олишнинг имконияти бўлмаганлигини айтади. Суд гувоҳларнинг кўрсатмаларини рад этиш учун асос йўқ деб топади ва тўпланган материалларга биноан аризани қанотлантириш лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, суд ГПКнинг 208—210-моддалари ва 274-моддасининг 1-бандига асосан

Қарор қилади:

Аризачи Муҳаммаджон Алижоновнинг марҳум Эргашбой Рустамов билан қариндош (бобо-невара) эканлиги факти белгилансин.

Қарордан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилояти судининг гражданлик судлов ҳайъатига шикоят қилишга, прокурор эътироз билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: В. Жумаева
Халқ маслаҳатчилари: К. Мухторова
С. Раҳматова

БОЛАЛАРНИНГ ТУҒИЛГАНЛИК ФАКТИ ВА ТУҒИЛГАН ВАҚТИНИ БЕЛГИЛАШ ҲАҚИДА

Боланинг шу онадан туғилганлиги фактини ва туғилган вақтини белгилаш мерос, нафақа олиш, етказилган зарар

ҳақларини ундириш ҳолларида зарур бўлади ва аризачиларнинг қўлларида бу тўғрида тегишли ҳужжатлари бўлмаган тақдирда судга мурожаат қиладилар. Бундай ҳолларда суд гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш органларида архивларнинг сақланмаганлиги туфайли туғилишнинг қайд этилмаганлиги фактини белгилаш тўғрисидаги илтимосинигина кўради. Чунки аризачининг ёшини белгилаш тўғрисидаги илтимослар қоида бўйича маъмурий тартибда, махсус тузилган комиссия томонидан кўрилади. Бу гражданлик ҳолати актларидаги ёзувларини ўзгартириш, тиклаш ва бекор қилиш тартибини ҳамда акт дафтарларининг сақланиш тартиби ва муддатларини белгилайдиган Асосий қоидаларнинг 18-бандида кўрсатилган.

Боланинг муайян онадан туғилганлиги ва туғилган вақтининг қайд қилинганлиги фактини белгилаш тўғрисидаги суд қарорида мазкур фактнинг қачон ва қаерда содир бўлганлиги ва суднинг қандай далилларга асосланиб, бундай хулосага келганлиги кўрсатилади.

А Ж Р И М

(Иш юргизишни тугатиш ҳақида)

1990 йил 16 июлда Фарғона шаҳар судининг биносида очиқ суд мажлиси бўлиб, унда раислик қилувчи халқ судьяси М. Ж. Жумаева, халқ маслаҳатчилари К. Мухторова ва И. Паттаевлар ҳайъатида, Д. Собированинг котиблигида аризачи Фахриддин Сафаровнинг юридик фактини белгилаш ҳақидаги гражданлик ишини кўриб, тубандагилар

Аниқланди:

Аризачи Фахриддин Сафаров судга мурожаат этиб, ўзи аслида 1929 йили Грузияда туғилганлигини ва 1944 йилда Фарғона вилоятига мажбуран кўчирилганлигини, кўчиш чоғида ҳамма ҳужжатлари билан бирга туғилганлик тўғрисидаги ғувоҳномани ҳам йўқотиб, кейинчалик паспорт олишда ҳеч қандай ҳужжати бўлмагани учун туғилган йилини 1933 йилда деб тахминий ёзилганлигини, укаси Фахриддин Сафаров 1932 йилда туғилган бўлиб, паспортда ҳам худди шу йил ёзилганини аризасида кўрсатади. Ёшини аниқлаш учун туғилган жойи — Грузиядаги Ахацин давлат архивининг 1990 йил 26 февралдаги маълумотини тақдим қилиб, унга кўра ўзининг туғилган йили

1929 йил деб кўрсатилганлигини ва шу ҳақда туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани ёзиб бериш ҳақида қарор чиқаришни сўрайди.

Халқ суди ишдаги материалларни кўриб, гувоҳларнинг баёнотини эшитиб, аризани ГПК 241-моддасининг 1-бандига кўра судга тааллуқли эмас деб ҳисоблаб, рад қилишни лозим топади. Суд мажлисида гувоҳлар С. Сафаров, М. Эминова, Р. Охунов ва Т. Байрамовлар ҳамда Грузия Республикаси Ахацин райони давлат архивининг маълумотига ҳам Фахриддин Башир ўғли 1929 йилда туғилган деб кўрсатилган. ГПК 274-моддасининг 3-қисмига кўра, бу ҳолат гражданлик ҳолатларини қайд қилувчи органларга тегишли бўлиб, Фарғона шаҳар ЗАГС бўлими аризачининг талабини рад қилади ва қонунга зид ҳаракат деб топади.

Шунинг учун суд бу масала юзасидан аризачига қайтадан шаҳар ЗАГС бўлимига мурожаат қилишни тушунтириш лозим деган қарорга келади.

Суд юқоридигиларга кўра ва ГПК 241-моддасининг 1-қисмини асосан

А ж р и м қ и л а д и :

Фахриддин Сафаровнинг 1929 йилда туғилганлиги фактини тасдиқлаш ҳақидаги аризаси судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилсин.

Аризачи Сафаровга бу масала бўйича Фарғона шаҳар ЗАГС бўлимига мурожаат қилиш тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон 10 кун ичида Фарғона вилояти судининг фуқаролик судлов ҳайъатига шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: *М. Ж. Жумаева*
Халқ маслаҳатчилари: *К. Мухторова*
И. Паттаев

ЭР-ХОТИНЛИК ФАКТИНИ БЕЛГИЛАШ ҲАҚИДА

Эр-хотиндан бирининг ўлими натижасида фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш идораларида никоҳни рўйхатга олиш мумкин бўлмаса, қонунда белгиланган ҳолларда, ҳақиқатда эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик фактини белгилаш Никоҳ ва оила кодексининг 14-моддасида кўрсатилганидек, фуқаролик ҳолати акта-

рини ёзиш давлат идораларида тузилган никоҳгина эр билан хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиради. Шу билан бирга қонун (мазкур кодекс 14-моддасининг 2-қисми) Бухоро ва Хоразмда 1928 йил 1 октябрга қадар, бошқа вилоятларида эса 1917 йил 20 декабрга қадар диний маросимлар бўйича тузилган никоҳ ҳам қайд қилинган никоҳга тенглаштирилганлигини билдиради.

Мазкур модданинг мазмунига кўра, никоҳларини расмийлаштирмаган шахслар эр-хотин ҳисобланмасдан, балки бирга яшовчиларгина бўладилар. Бундай шахслар ўзлари ва фарзандларининг манфаатлари учун никоҳларини тегишли тартибда расмийлаштиришлари зарур.

1944 йил 8 июль Фармони чиқарилишига қадар никоҳларини тегишли тартибда қайд қилдирмасдан, эр ва хотин бўлиб яшовчилар ҳам бор. Улар ҳар қачон фуқаролик ҳолати актларини ёзиш идораларига бориб, никоҳларини расмийлаштиришлари мумкин.

1944 йил 8 июль Фармони чиқарилишига қадар норасмий никоҳда бўлганлик қонунан тан олинган ва бу никоҳда бўлганликка тенглаштирилади, эр ва хотин эса тегишли ҳуқуқ ва бурчлардан фойдаланадилар.

Агар 1944 йил 8 июлга қадар эр-хотин бўлиб яшаш даврида расмийлаштирилмаган бўлса, эр ва хотиннинг бири вафот этган тақдирда, ҳақиқатан эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик факти суд орқали белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1991 йил 20 декабрда чиқарган "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 6-бандида тушунтирилишича, норасмий, аммо ҳақиқатан никоҳ муносабатларида бўлганлик факти, агар бундай муносабатлар 1944 йил 8 июль Фармони чиқарилишига қадар вужудга келган бўлса ва эр-хотиннинг бири вафот этган бўлса, бундай факт белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда суд аризаچининг марҳумнинг эри ёки хотини эканлигини белгилаш билан бирга, унинг қарамоғида бўлганлик фактини ҳам белгилаши мумкин.

1944 йил 8 июлдан сўнг вужудга келган норасмий, гувоҳлантирилмаган никоҳ муносабатларида бўлганликни белгилашга амалдаги қонунлар бўйича йўл қўйилмайди.

Тошкент шаҳри, Октябрь райони судига
Нигора Давроновадан — Тошкент шаҳри, Октябрь
райони, Халқа кўчаси, 15-уйда яшайди.
Манфаатдор шахс — шу райондаги Шарқ кўчаси,
210-уйда жойлашган Автопарк.

АРИЗА

(Никоҳни қайд қилганлик фактини белгилаш тўғрисида)

Мен Тоҳир Мажидович Давроновга 1939 йил 23 май ойида турмушга чиққанман. Никоҳимиз Наманган шаҳар гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш идорасида рўйхатга олинган. Эрим 1989 йил 14 июнда автомобиль ҳалокати натижасида вафот этди. Марҳум эримнинг хизмат вазифаси туфайли 1947 йили Наманган шаҳридан Тошкент шаҳарига ўтказилганлиги сабабли биз бу ерга кўчиб келдик ва ҳозирда юқоридаги манзилда яшамоқдамиз.

Никоҳда бўлганлик фактини белгилашнинг зарурлиги шундаки, эримнинг фожиали ўлиmidан кейин, мендан бошқа меросхўр бўлмаганлиги сабабли мулкни эгаллаш учун гувоҳнома олиш керак эди.

Октябрь райони нотариуси юқоридаги гувоҳномани бериш ҳақидаги илтимосимни рад этиб, марҳум эрим билан никоҳда бўлганлик гувоҳномасини тақдим қилишни мендан талаб этди.

Бу талабни бажара олмадим, чунки никоҳ гувоҳномамиз бошқа ҳужжатлар билан бирга урушдан кейин — 1947 йили кўчиш вақтида йўқолган эди. Унинг нусхасини олиш тўғрисида Наманган шаҳар ЗАГС бўлимига мурожаат қилсам, никоҳни қайд қилиш дафтари сақланмаганлиги ҳақида ҳужжат беришди.

Тоҳир Давронов билан никоҳда бўлганлик фактини унинг ёшликдан буён дўстлари А. Мирсоатов, Б. Қодиров, менинг дугонам, эримнинг жияни М. Азизова ҳамда бир қанча фоторасмлар тасдиқлаши мумкин.

ГПК 274-моддасининг 5-банди ҳамда 275—277-моддаларига асосан

Сўрайман:

Марҳум эрим Тоҳир Давронов билан менинг ўртамда 1939 йил 23 майда тузилган никоҳ факти белгилансин.

Суд мажлисига гувоҳлар — А. Мирсоатов, Б. Қодиров, М. Азизоваларни чақиришни сўрайман, улар Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Гулбоғ кўчаси, 5-уйда яшайдилар.

Илова: 1. Т. Давроновнинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома.

2. Наманган шаҳар ЗАГС бўлимининг маълумотномаси.

3. Наманган вилояти архивидан маълумотнома.

4. Оилавий турмуш даврида тушилган 10 дона фотосурат.

5. 10 сўм давлат божи тўланганлик ҳақида чипта.

6. Аризанинг нусхаси.

1991 йил 16 октябрь.

Н. Давронова.

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1991 йил 16 октябрь куни Тошкент шаҳри, Октябрь райони судининг очиқ суд мажлисида судья М. Азимов раислигида халқ маслаҳатчилари С. Парпиев ва Б. Илҳомовларнинг ҳайъатида, С. Қобулова котиблигида Нигора Давронованинг никоҳни қайд қилганлик фактини белгилаш тўғрисидаги аризасини ва шу ишнинг якунидан манфаатдор шахс Октябрь ноҳиясидаги автопарк вакили М. Қориев иштирокида гражданлик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Нигора Давронова ўз аризасида 1989 йил 14 июнда автомобиль ҳалокати натижасида вафот этган эри Тоҳир Мажидович Давронов билан никоҳни қайд этганлик фактини белгилаб беришни сўрайди ҳамда никоҳ гувоҳномаси йўқотганлигини ва уни тиклаш мумкин эмаслигини бунга сабаб қилиб кўрсатади.

Н. Давронова бу фактни белгилашга сабаб бўлган ҳолатни, вафот этган эридан қолган мулкка нисбатан ворислик ҳуқуқига эгалиги ҳақидаги гувоҳномани олиш деб тушунтиради.

Иш бўйича манфаатдор шахс вакили М. Қориев фактни белгилаш тўғрисида қаршилиги йўқлигини, ҳақиқатан Т. М. Давронов автомобиль ҳалокати натижасида 1989 йил 14 июнда фожиали вафот этганлигини, бу ҳолат

Ўлим тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланишини, эру хотинлик факти эса ишда тўпланган ҳужжатлар билан тасдиқланишини кўрсатади.

Суд Н. Давронова аризасини қуйидаги асосларга кўра қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди:

Н. Давронова никоҳ гувоҳномасини уруш йилларидан кейин яшаш жойини ўзгартириш чоғида йўқотганлиги, никоҳни қайд қилиш дафтари ЗАГС идорасида сақланмаганлиги, бу ҳолат Наманган шаҳар гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш идорасининг берган маълумотномаси, Наманган вилояти архивидан олинган ҳужжатлар билан тасдиқланиб, бу аризачига гувоҳномани қайта олиш ёки тиклаш имконияти йўқлигидан далолат беради.

Н. Давронова марҳум эри Т. М. Давронов билан 1939 йил 23 майда никоҳдан ўтганлик фактини оилавий дўстлари — гувоҳлар: А. Мирсоатов, Б. Қодиров, эрининг жияни М. Азизоваларнинг берган кўрсатмаларига мувофиқ, уларнинг никоҳи ҳақиқатан ҳам муқаддам Наманган шаҳар ЗАГС идорасида қайд қилинган. Булардан ташқари, бу факт аризачининг судга тақдим этган оилавий фото суратлар ва шахсий ёзишмалари билан ҳам тасдиқланади.

Суд юқоридагиларга кўра ҳамда ГПК 274-моддасининг 5-бандига, 275 ва 277-моддаларига асосан

Қарор қилади:

Нигора Давронованинг 1989 йил 14 июнда вафот этган марҳум эри Тоҳир Мажидович Давронов билан 1939 йил 23 майда никоҳдан ўтганлик факти белгилансин.

Ҳал қилув қароридан норози томон шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг гражданлик судлов ҳайъатига 10 кун муддат ичида шикоят қилиши, протест келтириши мумкин.

Халқ судьяси: М. Азимов

Халқ маслаҳатчилари: О. Паршиев

Б. Илҳомов

ҲУҚУҚНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН ҲУЖЖАТЛАРНИНГ МУАЙЯН ШАХСГА ТЕГИШЛИ БЎЛИШ • ФАКТИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатларнинг муайян шахсга тегишли бўлиш фактини белгилаш, ҳуқуқ туғдирадиган

ҳужжатларда кўрсатилган шахснинг номи, отасининг исми ва фамилияси шу шахснинг паспортидаги ёки гувоҳномасидаги исми, отасининг исми ва фамилияси билан мос келмаган тақдирда, суд мазкур ҳужжатларнинг унга тегишли эканлиги фактини белгилайди. Бу ҳолда суд ҳар турли ҳужжатларда ҳар хил ном билан аталган шахсларнинг исмлари, оталарининг исмлари ва фамилияларининг мос келишини (айнан ўхшашлигини) ҳал қилув қарорларида кўрсатишга ҳақли эмас (Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1991 йил 20 декабрь қарори).

Касаба уюшмаси билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар ва гражданлик ҳолатлари актларини қайд қилиш органлари берадиган гувоҳномаларнинг муайян шахсга тегишли бўлиши фактини белгилаш тўғрисидаги ишлар судда кўрилмади. Агар бундай ҳужжатларнинг берилишида фамилия, исм ёки отанинг исми нотўғри ёзилган бўлса, бундай ҳужжатлар тегишли идоралар томонидан алмаштирилади.

Гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш идоралари берадиган гувоҳномаларда баъзи маълумотлар нотўғри ёзилган бўлса, уларнинг нотўғрилигини белгилаш тўғрисидаги аризалар ГПКнинг 298—299-моддаларида кўрсатилган гражданлик ҳолати актлари ёзувларидаги нотўғриликларни белгилаш ҳақидаги қоидаларга мувофиқ суд томонидан кўрилади.

ПАСПОРТНИНГ ИШГА ТЕГИШЛИЛИК ФАКТИНИ БЕЛГИЛАШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

А Ж Р И М

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар судьяси Б. Раҳимова томонидан 1991 йил 19 октябрда Азиз Қурбоновнинг паспорти ўзига тегишли эканлиги фактини белгилаш тўғрисидаги аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Аризачи Азиз Қурбонов аризасида ўзининг туғилиш гувоҳномасида фамилияси Қурбонов, паспортида эса Қурбанов деб ёзилганлигини, шунинг учун ҳам паспортни унга тегишли эканлиги фактини белгилаш тўғрисида илтимос қилган.

Аризада А. Қурбонов паспортни ёзиш чоғида паспорт ходимларининг айби билан унинг фамилияси нотўғри ёзилганлиги туфайли 1991 йил май ойида вафот этган онасидан қолган меросни расмийлаштириш иложи бўлмаётганлигини кўрсатади. ГПК 274-моддасининг 6-бандига кўра, паспортнинг шахсга тегишли эканлиги факти судда кўришга тааллуқли бўлмаслигига қарамай, А. Қурбонов ариза билан судга мурожаат қилган.

Азиз Қурбоновнинг паспортда йўл қўйилган католик паспортлар ҳақидаги 1974 йил август Низоми 12-моддасининг "в" бандига асосан милиция идораларининг ваколатига тегишлидир.

Суд юқоридагиларга кўра ва ГПК 142-моддасининг 1-банди ва 274-моддасининг 6-бандига асосан

А ж р и м қ и л а д и :

Азиз Қурбоновнинг паспортда фамилияси нотўғри ёзилган ва шу паспортнинг аризачига тегишли эканлиги фактини белгилаш тўғрисидаги ариза судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли иш юритишга қабул қилиш рад этилсин.

Ажримдан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд орқали Сирдарё вилояти судининг гражданлик судлов ҳайъатига хусусий шикоят билан мурожаат қилишга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Халқ судьяси: *Б. Раҳимова*

ГРАЖДАННИ БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ДЕБ ТОПИШ ВА УНИ ЎЛГАН ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

Граждани бедарак йўқолган деб топиш ва уни ўлган деб эълон қилиш шартлари ГКнинг 18 ва 21-моддаларида назарда тутилган. Бу моддаларда кўрсатилишича, агар граждан қаердалиги ҳақида ўзининг доимий турар-жойига бир йил мобайнида хабар қилмаса, у суд орқали бедарак йўқолган деб топидиши мумкин. Агар гражданнынги қаердалиги ҳақида унинг доимий турар-жойига уч йил мобайнида хабар келмаса ёхуд у ўлим хавфи бўлган ёки муайян бахтсизлик ҳодисасидан ҳалок бўлганлигини гумон қилишга асос берадиган ҳолларда бедарак йўқолган бўлиб, ундан олти ойгача хабар келмаса, у суд орқали ўлган деб эълон қилиниши мумкин.

Уруш ҳаракатлари муносабатлари билан бедарак йўқолган ҳарбий хизматчи ёки бошқа бирон-бир граждан уруш ҳаракатлари тамом бўлган кундан бошлаб камида икки йил ўтгач, суд орқали ўлган деб эълон қилиниши мумкин.

Бундай ишлар бирон-бир ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмаган ва шу сабабли жавобгар бўлмагани туфайли алоҳида тартибда иш юритиш қоидалари (ГПКнинг 278—283-моддалари) бўйича кўрилади.

Граждани бедарак йўқолган деб топиш ёки уни ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ариза аризачининг яшаш жойидаги судга берилади.

Аризанинг мазмунида, одатда, кўрсатиладиган умумий маълумотлардан ташқари, ариза берувчига граждани бедарак йўқолган деб топиш ёки уни ўлган деб эълон қилиш қандай мақсад учун зарурлиги кўрсатилиши, шунингдек, гражданинг бедарак йўқолганлигини тасдиқлайдиган ҳолатлар ёхуд бедарак йўқолган одамга ўлим хавфи солган хатағли ҳолатлар ёки уни маълум бахтсиз воқеага учраган деб эҳтимолга тутишга асос бўладиган ҳолатлар баён қилиниши керак.

Судья ишни судда кўришга тайёрлашда қандай шахслар (қариндош-уруғлар, бирга ишловчилар ва шу кабилар) бедарак йўқолган одам тўғрисида маълумот бера олишларини аниқлайди, шунингдек, бедарак йўқолган одамнинг кейинги маълум бўлган яшаш жойи ва ишлаш жойидаги тегишли ташкилотлардан (милиция органларидан, уй бошқармаларидан ёки қишлоқ кенгашларидан) бедарак йўқолган шахс тўғрисидаги мавжуд маълумотларни сўраб олади.

Самарқанд вилояти, Жомбой райони судига
Мирза Ориповдан — Самарқанд вилояти, Жомбой
райони, Энгельс кўчаси, 10-уйда яшайди.
Манфаатдор шахс — Ойша Қурбонова шу манзилда
яшайди.

АРИЗА

(Граждани бедарак йўқолган деб топиш тўғрисида)

Мен Раҳима Алимовна Орипова билан 1987 йил 31 декабрда Каттақўрғон шаҳар ЗАГС бўлимида никоҳдан ўтганман (никоҳ гувоҳномасининг рақами 6170). Иккала томоннинг розилиги билан биз Тошкент шаҳрига кўчиб

бориб, трактор заводида ишлаш учун келишдик. У Тошкентга аввал ўзи бориб квартира топиб, кейин мен борадиган бўлдим. Шу муносабат билан хотиним Р. А. Орипова 1989 йил март ойида Тошкентга жўнаб кетди. Шу кетганича Р. А. Орипова тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Қаердалиги менга номаълум. Мен уч йилдан буён оиласиз юрибман, бунинг устига кўзи ожиз онам ва I тоифа ногирони бўлган отам бор., улар ҳар томонлама ёрдамга муҳтождирлар. Мен бир неча маротаба трактор заводи маъмуриятидан сўрадим. Тошкент шаҳар адреслар бюроси менга Р. А. Орипова шаҳар пропискасида йўқлиги ва заводда ишламаслиги тўғрисида маълум қилди. Унинг Жомбой районида яшовчи ота-оналари ҳам безовта, уларга ҳам ҳеч қандай хабар келмади.

ГКнинг 18-моддаси ва ГПКнинг 278-моддасига асосан

Сўрайман:

Самарқанд вилояти, Жомбой районида 1965 йилда туғилган ва истиқомат қилган Раҳима Алимовна Орипова бедарак йўқолган деб топилсин.

Илова: 1. Маҳалла қўмитасидан Р. А. Орипова шу ҳудудда яшамаслиги ҳақида маълумотнома; Каттақўрғон шаҳри, Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигидан олинган ёзишмалар.

2. Никоҳнинг қайд қилингани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

3. Р. А. Орипованинг 1989 йил март ойида ёзган хати.

4. 10 сўм давлат божи тўланганлиги ҳақида чипта.

5. Аризанинг нусхаси.

1991 йил 23 октябрь.

М. Орипов

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1991 йил 30 октябрь куни Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов райони судининг очиқ суд мажлисида судья И. К. Ҳайдаровнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари О. Парпиев, Ғ. Раҳматовларнинг ҳайъатида, Ғ. Умарованинг котиблигида, прокурор ёрдамчиси А. Йўлчиев ва манфаатдор шахснинг вакили С. Абдуллаевларнинг иштирокида Адолат Хидированинг аризаси бўйича эри Омон Хидировни ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги гражданлик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аризачи А. Хидирова эри бўлмиш О. Хидировни ўлган деб эълон қилишни илтимос қилади ва бунга 1990 йилдаги Ўш воқеасини асос қилиб кўрсатади.

Аризада илова қилинган никоҳ гувоҳномасига қараганда Адолат Хидирова ҳақиқатан ҳам О. Хидировнинг хотини эканлиги кўринади.

Аризачи ўлим фактини белгилаш учун зарур бўлган ҳолатларни асослаб, бу мерос мулкига бўлган ҳуқуқини гувоҳлантирувчи ҳужжат олиши учун кераклигини кўрсатади. Манфаатдор шахс С. Раҳимов райони молия бўлимининг вакили С. Абдуллаев аризачининг талабларини қаноатлантирмаслик учун асос йўқлигини билдиради.

Суд прокурор ёрдамчисининг аризани қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини эшитиб ҳамда суд ихтиёридаги далилларни текшириб, А. Хидированинг талабларини асосли деб ҳисоблайди. ГКнинг 21-моддасига кўра, агар граждан ўлим хавфида бўлган ёки муайян бахтсизлик ҳодисасидан ҳалок бўлганлигини гумон қилишга асос берадиган ҳолларда ўлган деб эълон қилиниши мумкин. Бу бахтсиз ҳодисанинг ҳақиқатан рўй берганлиги ишда тўпланган далиллар ва бошқа ҳолатлар билан тасдиқланади.

Иш бўйича гувоҳлик берган К. Эрматов ва Р. Суяровлар 1990 йил 12 март куни Андижон вилояти, Қўрғонтепа районига дўстларининг таклифи билан меҳмондорчиликка борганликлари ва эртасига, яъни 13 март куни улар Ўш вилояти, Ўзган районига дўстларини кўргани борганликларини ва Ўзган қишлоғига кириб боришларида тўс-тўполон бўлаётганлигини кўришлари билан улар ўрмонга қочганларини ва ўша жойда бир-бирларидан адашиб қолганликларини, Омон Хидировни 10 кун турли йўллар билан, ҳатто, вертолётда ҳам қидирганликларини ва уни топа олмай, Тошкент шаҳрига қайтганликларини кўрсатадилар. Улар О. Хидиров ўрмондаги ваҳший ҳайвонларнинг қурбони бўлганлигини гумон қилаётганликларини айтадилар, чунки ўрмонда ваҳший ҳайвонлар жуда ҳам кўплигини ва ўзлари ҳам улардан яшириниб, зўрга қутулиб қолганликларини билдирдилар.

Ўш, Андижон, Тошкент вилоятлари ички ишлар бошқармаларидан О. Хидировнинг оила аъзоларидан ва унинг

иш жойидан олинган маълумотларда у ҳақда ҳеч қандай хабар йўқлиги билдирилади.

Юқорида қайд қилинган ҳолатлар ва иш бўйича тушланган далилларга кўра, суд О. Хидиров Ўш воқеасида фожиали ҳалок булганлигига гумон қилишга имконият борлигини ва унинг ўлган кунини ГК 21-моддасининг 2-қисмига асосан 1990 йил 13 март эканлигини тахмин қилишга асос бор деб ҳисоблайди.

Суд юқоридагиларга кўра ва ГКнинг 21-моддасига ва МККнинг 280—282-моддаларига асосан

Қарор қилади:

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов районида 1950 йилда туғилган Омон Хидиров ўлган деб эълон қилинсин ва вафоти кунини 1990 йил 13 март деб ҳисоблансин.

Ҳал қилув қароридан норози томон шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг гражданлик судлов хайъатига 10 кун муддат ичида шикоят қилиши мумкин.

Халқ судьяси *И. К. Ҳайдаров*
Халқ маслаҳатчилари: *О. Парпиев*
Ғ. Раҳматов

Бедарак йўқолган деб танилган ёки ўлган деб эълон қилинган граждан қайтиб келган ёки унинг яшаб турган жойи маълум бўлиб қолган тақдирда, суд янги ҳал қилув қарори чиқариб, ўзининг илгариги ҳал қилув қарорини бекор қилади. Янги ҳал қилув қарори, мулкка нисбатан бегиланган васийликни олиб ташлаш учун ёки гражданлик ҳолатлари актларини қайд қилиш дафтарида гражданнинг вафоти ҳақида ёзилган ёзувни бекор қилиш учун асос бўлади.

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони судига
Аризачи — Омон Хидиров: Тошкент шаҳри,
С. Раҳимов райони, Пролетар кўчаси, 10-уйда
яшайди
Манфаатдор шахс — Адолат Хидирова юқоридаги
манзилгоҳда яшайди.

АРИЗА

(Суднинг ўлган деб эълон қилган ҳал қилув
қарорини бекор қилиш ҳақида)

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони судининг 1991 йил 30 октябрдаги ҳал қилув қарорига биноан, мен ўлган

деб эълон қилинган эдим. Менинг ўлган куним суднинг ҳал қилув қарориди 1990 йил 13 март деб кўрсатилган.

Дарҳақиқат, мен дўстларим билан Ўш вилоятининг Ўзган районига борган эдим, у ерда тўполонга дучор бўлдик ва биз ўрмонга қочдик. Ўрмонда дўстларим К. Эрматов ва Р. Суяровлардан ажралиб, адашиб қолдим ва қоронғи пайтда катта йиртқич ҳайвон менга ташланди, мен ўзимни ғорликка отдим, ўша ерда ҳушдан кетган эканман. Мени уч кундан кейин вертолёт ёрдамида топишиб, Бишкекдаги госпиталга ётқизишди ва 9 ой давомида ҳушсиз ётдим. Ҳушимга келганда, тилдан қолган эканман, врачлар яна 4 ой ҳаракат қилиб даволадилар, мана энди ўзимга келдим. Менда ҳеч қандай шахсий ҳужжат бўлмаганлиги туфайли тиббиёт ходимлари уйимга хабар беролмаганлар.

Уйимга келсам, ота-онам, хотиним менга аза очишиб, маъракаларни ҳам ўтказиб бўлишган экан. Госпиталдан даволаниб чиққанамга 25 кун бўлди. Юқоридагиларга кўра, ГКнинг 22-моддаси ҳамда ГПКнинг 283-моддасига асосан

Сўрайман:

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони судининг 1991 йил 30 октябрдаги ҳал қилув қарори бекор қилинсин.

Суд мажлисига хотиним — Адолат Хидирова, отам — Берди Хидиров чақирилишини сўрайман, улар юқорида қайд қилинган манзилда яшайдилар.

Илова: 1. Госпиталда ётганлигим ҳақида маълумотнома.

2. Туғилганлигим ҳақидаги гувоҳномадан нусха.

3. 10 сўм давлат бөжи тўлаганлик ҳақидаги чипта.

Паспортимни суд мажлисида кўрсатаман.

1991 йил 10 ноябрь.

О. Хидиров

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1991 йил 25 ноябрда Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони судининг очиқ суд мажлисида судья И. К. Ҳайдаров раислигида, халқ маслаҳатчилари Ю. Давронов, Х. Пратовларнинг ҳайъатида, Г. Умарованинг котиблигида, прокурор ёрдамчиси А. Йўлчиев ҳамда район ЗАГС бўлими вакили К. Эсоновларнинг иштирокида Омон Хидировнинг аризаси бўйича уни ўлган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талаби кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони судининг 1991 йил 30 сентябрда чиқарган ҳал қилув қарорига кўра, Омон Хидиров ўлим хавфи бўлганлиги сабабли бедарак йўқолган, 1990 йил 13 март эса ўлган куни сифатида эълон қилинган эди. О. Хидиров ҳозирда С. Раҳимов районида истиқомат қилмоқда ва аризасида суднинг 1991 йил 30 октябрдаги ҳал қилув қарорини бекор қилишини сўрайди.

С. Раҳимов райони ЗАГС бўлимининг вакили К. Эсонов О. Хидиров аризасини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Прокурор ёрдамчиси О. Хидировнинг илтимосини қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини эшитиб, суд аризачининг талаби асосли бўлганлиги сабабли, уни қаноатлантиришни лозим топади.

ГК 22-моддасининг 1-қисмига асосан, агар ўлган деб эълон қилинган граждан ҳозир бўлганида ёки унинг қаердалиги маълум бўлиб қолган тақдирда, уни ўлган деб топиш тўғрисидаги қарор суд томонидан бекор қилинади.

Адолат Хидировани судга берган тушунтиришида, ҳақиқатан ҳам Омон Хидиров унинг эри эканлиги, у маълум вақт бедарак йўқолганлиги сабабли муқаддам суддан ўлган деб эълон қилишни сўраганлиги ва шунга кўра 1991 йил 30 октябрда ҳал қилув қарори чиқарилганлиги баён қилинади.

Омон Хидировнинг шахси судга кўрсатилган паспорти билан ҳам тўғрилиги исботланади.

Суд ГК 22-моддасининг 1-қисмига кўра ҳамда ГПКнинг 283-моддасига асосан

Қарор қилади:

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони судининг 1991 йил 30 октябрдаги 1950 йили С. Раҳимов районида туғилган Омон Хидировни ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори 1990 йил 13 мартдан бошлаб бекор қилинсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг гражданлик судлов ҳайъатига 10 кун муддат ичида шикоят қилиши, протест келтириши мумкин.

Халқ судьяси: И. К. Ҳайдаров
Халқ маслаҳатчилари: Ю. Давронов
Х. Пратов

ГРАЖДАННИ МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ ЧЕКЛАНГАН ЁКИ МУОМАЛАГА ЛАЁҚАТСИЗ ДЕБ ТОПИШ

Қонунда назарда тутилган ҳоллар ва тартибдан ташқари ҳеч кимнинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас (ГПКнинг 12-моддаси).

Гражданнинг муомала лаёқатини суд тартибида чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш алоҳида ҳоллардагина ва фақат кимлар тўғрисида иш қўзғатадиган бўлса, шу шахсларнинг ва оила аъзоларининг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиши мақсадларидагина белгиланади. Муомала лаёқатини чеклаш ва муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳоллари ГКнинг 15 ва 16-моддаларида кўзда тутилган.

Спиртли ичимликлар ёки наркотик моддаларни суиистеъмол қилган граждан ўз оиласини оғир моддий аҳволда қолдирадиган бўлса, унинг муомалага лаёқати Ўзбекистон Республикаси Гражданлик-процессуал кодексида белгиланган тартибда суд томонидан чеклаб қўйилиши мумкин. Бу ҳолда унга нисбатан ҳомий белгиланади.

Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган граждан суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилгани мумкин, шу муносабат билан унга нисбатан васийлик белгиланади. Граждани муомалага лаёқати чекланган ва муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар судларда ГПКнинг 284—290-моддаларида белгиланган тартибда кўрилади.

Спиртли ичимликларни ёки наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш натижасида гражданни муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ёки гражданни руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги орқасида муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги иш унинг оила аъзоларининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг, прокурорнинг, шифохона ва бошқа давлат муассасаларининг ҳамда жамоат ташкилотларининг аризалари бўйича бошланиши мумкин.

Гражданнинг муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ариза ўша граждан яшаб турган жойдаги судга берилади, агар бу шахс шифохонада бўлса, шифохона жойлашган ҳудуддаги судга берилади.

Гражданни муомала лаёқати чекланган деб топиш ҳақидаги аризада спиртли ичимликни ёки наркотик моддани суиистеъмол қилувчи шахс ўз оиласини моддий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўяётганлигини исботловчи ҳолатлар кўрсатилиши керак.

Гражданни муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги аризада шахснинг ўз ҳаракати устидан ҳисоб бермаслиги ёки ўзини идора эта олмаслигига сабаб бўлаётган ақли бузилишини исботловчи ҳолатлар баён қилиниши лозим.

Судья аризани олгач, ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида, гражданнинг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги тўғрисида етарди маълумотлар бўлганида, унинг руҳий аҳволини аниқлаш учун суд-психиатрия экспертизасини тайинлайди.

Гражданни муомалага лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги ишни суд албатта шу шахснинг ўзининг, прокурорнинг ҳамда васийлик ва ҳомийлик идоралари вакилининг иштирокида кўради.

Гражданни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишни суд прокурорнинг, васийлик ва ҳомийлик идоралари вакилининг иштироки билан кўради. Иши кўрилаётган гражданнинг соғлиги имкон берса, у судга чақирилади.

Суднинг гражданни муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори васийлик ва ҳомийлик идорасига муомала лаёқати чекланган шахсга нисбатан ҳомий тайинлаш учун, муомалага лаёқатсиз шахсга эса — васий тайинлаш учун асос бўлади.

Агарда граждан спиртли ичимлик ёки наркотик моддаларни суиистеъмол қилишни ташласа, суд унинг муомалага лаёқатлилиги чекланганлигини бекор қилади. Суд қарорига асосан унга ҳомий тайинлаш ҳам бекор қилинади (ГКнинг 16-моддаси). Руҳий касаллик сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган граждан тuzалгани ҳолда, суд уни муомалага лаёқатли деб эълон қилади ва унга нисбатан белгиланган васийликни бекор қилади (ГКнинг 15-моддаси).

Самарқанд вилояти, Сиёб райони судига

Аризачи — Самарқанд шаҳри, Сиёб райони, "Равот" маҳалла қўмитаси: Инқилоб кўчаси, 10-уйда жойлашган.

Манфатдор шахс: Нодира Азизова: Самарқанд шаҳри, Сиёб райони, Қўрғон қишлоғи, Уйғур кўчаси 5-уйда яшайди.

АРИЗА

(Гражданин муомалала лаёқати чекланган
деб топиш ҳақида)

"Равот" маҳалласида яшовчи Ҳаким Азизов ҳеч қаерда ишламай, кўп вақтлардан бери спиртли ичимлик ичиб, оиласини безовта қилиб келмоқда.

Ҳ. Азизов сурункасига спиртли ичимлик ичиб юриши нафақат оила аъзоларини, ҳатто маҳалла аҳлини ҳам ташвишга солганлиги сабабли унинг бу хатти-ҳаракати маҳалла йигилишида бир неча маротаба муҳокама қилинди. У билан район милиция бўлимининг бошлиғи ва бошқа милиция ходимлари ҳам суҳбатлашишган. Ҳ. Азизов ўзининг ҳаракатларини ноҳўя эканлигига ҳисоб бериб, ҳар сафар бошқа такрорламасликка ваъда берса-да, уни бажармаётир. Шу сабабли у район касалхонасидаги қорувлик ишидан ҳам бўшатишган.

Маҳалла қўмитаси аҳли Ҳ. Азизовга нисбатан ҳамма тарбиявий таъсир чораларини қўллашганига қарамай, бу ҳаракатлар қайта тарбиялаш учун ҳеч қандай ижобий натижа бермаган деб ҳисоблайди.

Ҳ. Азизовнинг бу хулқ-атвори оиласини моддий оғир аҳволга солибгина қолмай, балки 5 фарзандларининг тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқоридагиларга кўра, ГКнинг 16-моддасига ҳамда ГПКнинг 284-моддасига асосан

Сўрайман:

Ҳаким Азизовни муомала лаёқати чекланган деб топилсин.

Суд мажлисига қуйидагилар:

- 1) Ҳ. Азизов ва унинг рафиқаси Нодира Азизова;
- 2) васий ва ҳомий идораларининг вакили;
- 3) "Равот" маҳалласи қўмитаси раисининг муовуни Ю. Қодиров (манзилгоҳ юқорида кўрсатилган);
- 4) гувоҳлар: А. Одилов, У. Норйигитовлар (Равот маҳалласи Беруний кўчаси, 3-уйда яшайдилар) чақирилсин.

Илова: 1. Ҳ. Азизов ноҳўя хатти-ҳаракатларининг "Равот" маҳалласида муҳокама қилиниши ҳақидаги қайдномасидан кўчирма.

2. Ҳ. Азизов оилавий турмушининг текширилганлиги ҳақида далолатнома.

3. "Ровот" маҳалласи қўмитасининг берган тавсияномаси.
4. Азизовнинг оила аъзолари ҳақидаги маълумотнома.
5. "Ровот" маҳалласи қўмитасининг Х. Азизовни муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги илтимосномаси.
6. Тиббиёт ҳушёрхонасидан олинган маълумотнома.

"Ровот" маҳалласи қўмитасининг раиси: А. Қурбонов
1991 йил 5 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1991 йил 11 ноябрда Самарқанд шаҳри, Сиёб район судининг очиқ суд мажлисида судья Ф. Давидов раислигида, халқ маслаҳатчилари Э. Давронов ва Г. Парпиеваларнинг ҳайъатида, Т. Уришев котиблигида, прокурор ёрдамчиси М. Сўфиев иштирокида, манфаатдор шахс Нодири Азизованинг иши бўйича аризачи Сиёб райони, "Ровот" маҳалласи қўмитасининг Ҳаким Азизовни муомалага лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги гражданлик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Ҳаким Азизов турмуш ўртоғи Нодири Азизова билан қонуний никоҳдан ўтган ҳолда оилавий турмуш қурганлар, ўрталарида 5 нафар мактаб ёшидаги фарзандлари бўлиб, у маҳалла базасида юк ташувчи бўлиб ишлаб келади.

"Ровот" маҳалласи қўмитасининг судга берган аризасида Азизов бир қанча вақтдан буён спиртли ичимликлар суиистеъмол қилиб келганлиги туфайли оиласини моддий томондан огир аҳволга солиб қўйганлиги, унинг хатти-ҳаракатлари фарзандларининг тарбияси учун салбий таъсир кўрсатаётганлиги баён қилинган.

Ҳ. Азизовга нисбатан барча тарбиявий таъсир чоралари қўлланилган бўлса-да, ижобий натижа бермаганлиги сабабли Сиёб райони "Ровот" маҳалласи қўмитаси унинг оиласи манфаатини кўзлаб, муомала лаёқатини чеклаш ҳақида илтимос қилади.

Нодири Азизова "Ровот" маҳалласи аҳлининг аризасида ёзилганларни тасдиқлаб, турмуш ўртоғи Ҳ. Азизовни спиртли ичимлик ичишни суиистеъмол қилганлиги сабабли муомала лаёқатини чеклашни сўрайди. "Ровот" маҳалласи

қўмитасининг аризаси тўғрилигини тасдиқлаб, Ҳ. Азизов агар тез-тез спиртли ичимлик ичиб турмаса, иложи йўқлигини айтиб, шундай касалга мубтало бўлганлигига афсусланади. Маҳалла қўмитасининг вакили Ю. Қодиров, Ҳ. Азизовнинг ҳаракатларини нотўғри деб ҳисоблаб, унинг муомала лаёқатини чеклашни сўрайди, у маошини спиртли ичимлик ичишга харажат қилиб, оиласига моддий ёрдам бермаётганлигини бунга асос сифатида баён қилади.

Прокурор ёрдамчисининг аризани қаноатлантириш лозимлиги ҳақидаги фикрини эшитиб, суд Ҳ. Азизовнинг муомала лаёқатини қуйидаги асосларга кўра чеклашни зарур деб ҳисоблайди. ГКнинг 16-моддасига кўра, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиб, ўз оиласини оғир моддий аҳволда қолдирадиган бўлса, унинг муомала лаёқати суд томонидан чеклаб қўйилиши мумкинлиги айтилган.

Гувоҳ сифатида сўроқ қилинган А. Одилов ва У. Норйигитовлар ҳақиқатан ҳам Ҳ. Азизов билан бир девор қўшни эканликларини, у кунига маст ҳолда уйига келишини ва оиласининг нотинчлигини, моддий томондан қийналганлиги сабабли, қўшни сифатида улардан қарзга тез-тез пул ва озиқ-овқат сўраб юришини айтдилар. Ҳ. Азизов спиртли ичимлик ичишни суиистеъмол қилганлиги туфайли хушёрхонада 4 марта бўлганлиги ҳақидаги маълумот билан ҳам тасдиқланади.

Ишдаги 3 та қайднома шулардан далолат берадики, Ҳ. Азизовнинг ҳулқи маҳаллада бир неча маротаба муҳокама қилинган ва тарбияга қаратилган ҳаракатлардан у тегишли хулоса чиқармаган, оила ва жамоатчилик олдидаги вазифаларини бажармаган. Суд текшируви жараёнида Ҳ. Азизовнинг руҳий касаллиги ҳақида ҳеч қандай далиллар йўқлиги аниқланади.

Суд юқоридагиларга асосланиб, ГКнинг 16-моддаси ҳамда ГПКнинг 287—288-моддаларига мувофиқ

Қарор қилади:

Ҳаким Азизовнинг муомала лаёқати чекланган деб ҳисобланиб, у мустақил равишда ойлик маошини тасарруф қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилсин. Айрим мулкый характердаги муаммолар ҳомийларнинг розилиги билан амалга оширилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг гражданлик судлов ҳайъатига

10 кун муддат ичида шикоят (протест) келтириши мумкин.

Халқ судьяси: Ф. Давиров
Халқ маслаҳатчилари: Э. Давронов
Г. Парпиев

Тошкент шаҳри, Октябрь райони судига
Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Ҳамза кўчаси,
17-уйда яшовчи Ҳалима Авазовадан

АРИЗА

(Муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида)

Мен, О. Авазов билан 1979 йилдан қонуний никоҳдан ўтиб, оилавий турмуш қурганман, 3 нафар фарзандимиз бор.

Кейинги уч йил давомида турмуш ўртоғимнинг юриш-туриши ўзгариб жуда ҳам хаёлпаридон бўлиб, тез-тез жаҳли чиқиб асоссиз равишда бақирадиган бўлиб қолди. 1987 йили уни ялиниб-ёлвориб врачга кўрсатиш учун розилигини олиб, уйга дўхтир чақирдим ва эримни ҳар тарафлама текшириб, руҳий касаллигини аниқлаб, назоратга олди ва шундан буён врачлар назоратида юрибди.

Эрим О. Авазов ўзининг касаллигига қарамай, қайси ишга кирмасин, бир-икки ой ишлаб, жанжаллашиб, ўзининг хоҳиши билан бўшаб кетади. Шунга қарамай, шу кунларда у киши Октябрь районидаги катта озиқ-овқат дўконига бўлим бошлиғи бўлиб ишга кирибди. Менинг фикримча, эримнинг соғлиғи бундай маъсулиятли савдо ишига тўғри келмайди ва тез кунда камомад келтириб қўйиши мумкин.

Юқоридагиларга кўра ҳамда ГКнинг 15-моддасига ва ГПКнинг 284-моддасига асосан

Сўрайман:

Тошкент шаҳри, Октябрь районида 1949 йилда туғилган Олим Авазов муомалага лаёқатсиз деб топилсин.

Илова: 1. Никоҳ гувоҳномасидан нусха.

2. 10 сўм давлат пошлинаси тўланганлиги ҳақидаги марка.

3. Аризамдаги айтилганларни тасдиқлаш учун қуйидаги гувоҳларни чақиришингизни сўрайман: Р. Боқиева — эримнинг синглиси, Тошкент шаҳри, Чилонзор райони,

Чилонзор кўчаси. 5-уйда яшайди; Р. Салимов — эримнинг ёшлиқдан дўсти; Тошкент шаҳри. Октябрь райони, Чу-валачи кўчаси, 25-уйда яшайди.

1990 йил 25 август.

Ҳ. Авазова

А Ж Р И М

(Руҳий касаллигини аниқлаш мақсадида руҳий касалликлар суд экспертизаси тайинлаш ҳақида)

Тошкент шаҳри, Октябрь райони судининг судьяси Р. Қодирова томонидан 1990 йил 1 сентябрь куни Ҳалима Авазованинг эри Олим Авазовни муомалага лаёқатсиз деб таниш ҳақидаги аризаси кўрилиб, қўйидагилар

Аниқланди:

Ҳ. Авазова аризасида турмуш ўртоғи О. Авазов кейинги уч йил давомида ўзгариб, хаёлпаршон бўлиб қолганлигини, тез-тез асосиз равишда жаҳли чиқиб, ҳаммага бақираверишини ўзи билан ўзи нималарнидир гапириб юришини, шунинг учун ҳам ҳозирда руҳий касалликлар диспансери ҳисобида туришини, лекин шунга қарамай, ўзини соғ билиб, Октябрь районидаги катта озиқ-овқат дўконига бўлим бошлиғи сифатида маъсул ишга кирганлигини кўрсатади. Ҳ. Авазова эри руҳий касалга мубтало бўлиб қолганлиги сабабли ўз хатти-ҳаракатларидан келиб чиқадиган оқибатга ҳисоб бера олмаслигини, шунинг учун ҳам васий тайинлаб, уни муомалага лаёқатсиз деб топишни илтимос қилади.

Суднинг сўровига кўра, Тошкент шаҳар руҳий касалликлар шифохонасидан олинган маълумотга қараганда, О. Авазов ҳақиқатан ҳам 1988 йилдан буён уларнинг ҳисобида туриши ва Октябрь райони диспансернинг назоратида эканлигини билдиради.

Суд юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 286-моддасига асосан

Ажрим қилади:

Ушбу иш бўйича руҳий касалликлар суд экспертизаси тайинлансин ва унинг олдига қўйидаги саволлар қўйилсин:

1. Тошкент шаҳри, Октябрь районида 1949 йилда тугилган ва шу райондаги Ҳамза кўчаси, 17-уйда яшовчи Олим Авазов руҳий хасталик билан касалланганми?

2. Агар касалланган бўлса, ўз хатти-ҳаракатларини идрок қилиб, баҳо бера оладими?

3. Агар О. Авазов руҳий касал ҳисобланса, у ҳолда соғлиғи туфайли васий тайинлашга муҳтожми?

Экспертизани ўтказиш Тошкент шаҳар суд экспертизаси руҳий касалликлар экспертизаси бюросига топширилсин.

Экспертнинг ихтиёрига Ҳ. Авазова аризасидан, О. Авазовга Октябрь районининг руҳий касалликлар диспансери берган варақасидан бир нусхадан берилсин.

Ажрим қатъий — шикоятга ўрин йўқ.

Халқ судьяси: *Р. Қодирова*

А Ж Р И М

(Мажбурий тарзда руҳий касалликлар суд экспертизасига юбориш ҳақида)

Тошкент шаҳри, Октябр райони судининг суд залида 1991 йил 10 сентябрда очиқ суд мажлиси бўлиб, унда раислик қилувчи халқ судьяси Р. Қодирова, халқ маслаҳатчилари К. Баратов ва М. Раҳимовлар ҳайъатида, Б. Ножирхонованинг котиблигида, прокурор ёрдамчиси Х. Илёсова иштирокида ҳамда руҳий касалликлар врачлари З. Алиевнинг қатнашувида Ҳ. Авазованинг аризасига кўра О. Авазов муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги иш кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Тошкент шаҳри, Октябрь райони судининг 1991 йил 1 сентябрдаги ажримига кўра, ушбу гражданлик иши юзасидан суд-руҳий касаллик экспертизаси тайинланган бўлиб, уни ўтказиш Тошкент шаҳар руҳий касалликлар суд экспертизаси бюросига топширилган.

Экспертиза бюроси 1990 йил 8 сентябрдаги хат билан судга мурожаат этиб, О. Авазов экспертизадан ўтиш учун бир неча маротаба чақирилишига қарамай келмаётганини билдиради.

Руҳий касалликлар бўйича врач З. Алиев бу дард билан кўпдан буён касалланган Авазовнинг экспертизадан ўтишдан қасддан бўйин товлаётганлигини инобатга олиб, уни мажбурий тарзда руҳий касалликлар суд экспертизасига юборишни лозим деб ҳисоблайди.

О. Авазовни руҳий касалликлар суд экспертизасига мажбурий юбориш ҳақидаги экспертнинг фикрига прокурор ёрдамчиси қўшилганлигини суд асосли деб ҳисоблайди, чунки О. Авазов суд экспертизасининг чақириқ хатини икки марта шахсан олган бўлса-да, келмаганлиги аниқланди. Бу ҳолатни аризачи Ҳ. Авазова ҳам судда берган кўрсатмасида ҳақиқатан ҳам эрини руҳий касалликлар диспансерига бормай, турли баҳоналар билан юрганлигини ва кундан-кунга янада асабийлашаётганини айтади.

О. Авазов экспертизадан ўтишдан бўйин товлаётганлиги ҳар томонлама асосланганлиги суд тафтишида исботланди.

Шуларга кўра, суд ГПКнинг 286-моддасига асосан

А ж р и м қ и л а д и :

Тошкент шаҳри, Октябрь районида 1949 йилда туғилган ва ҳозирда шу райондаги Ҳамза кўчаси 17-уйда яшовчи Олим Авазов Тошкент шаҳар руҳий касалликлар суд экспертизаси бюросига мажбурий равишда юборилсин.

Ажримнинг ижроси Октябрь райони ички ишлар бўлимига юклатилсин.

Халқ судьяси: *Р. Қодирова*

Халқ маслаҳатчилари: *К. Баратов*

М. Раҳимов

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1990 йил 30 сентябрь куни Тошкент шаҳри, Октябрь райони судини очиқ суд мажлисида судья Р. Қодирова раислигида, халқ маслаҳатчилари С. Қорабоев, Б. Суннатовларнинг ҳайъатида, Г. Иминованинг котиблигида, прокурор З. Орифов ҳамда васийлик идорасининг вакили Н. Сафарова иштирокида Ҳалима Авазованинг аризаси бўйича Олим Авазовни муомалага ласқатсиз деб топиш ҳақидаги иши кўрилиб, қуйидагилар

А н и қ л а н д и :

Аризачи Ҳ. Авазова 1979 йилдан буён эри Олим Авазов билан қонуний асосда оилавий турмуш қуриб келганлиги, кейинги йилларда турмуш ўртоғи руҳий касалликка мубтало бўлиб қолганлиги сабабли васийликка муҳтожлигини кўрсатиб, Олим Авазовни муомалага

лаёқатсиз деб топишни сўрайди. Бунга асос сифатида турмуш ўртоғининг тез-тез спиртли ичимлик истеъмол қилиб, куни билан бошини буркаб, "ҳеч кимни кўрмайин", деб ётишини, болаларини асоссиз равишда ҳақоратлашини ҳамда айрим ҳолларда ўзидан-ўзи кулиб юриши каби ҳолатларни кўрсатади.

Суд мажлисига О. Авазовнинг ўзи чақирилмаган, чунки даволаётган руҳий касалликлар диспансери врачининг берган хабарномасига кўра ҳозирги пайтда унинг саломатлиги судда баёнот бериш даражасида эмаслиги кўрсатилган.

Октябрь райони ижроия қўмитасининг вакили Н. Сафарова бемор О. Авазовни муомалага лаёқатсиз деб топишни ва унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида васий тайинлашни зарур деб ҳисобайди.

Суд прокурорнинг Ҳ. Авазованинг аризасини қаноатлантириш ҳақидаги фикрини, тарафларнинг баёнотларини тинглаб ҳамда тўпланган ҳужжатларни эътиборга олган ҳолда Олим Авазовни муомалага лаёқатсиз деб топиш мумкин деб ҳисоблайди.

Руҳий касалликлар суд экспертизасининг шу йил 20 сентябрда берган медицина хулосасига қараганда, ҳақиқатан ҳам О. Авазов шизофреник касалига дучор бўлганлиги ва саломатлигига кўра васий тайинлаш зарурлиги кўрсатилган. Суд экспертиза хулосаларини рад этиш учун ҳеч қандай асослар йўқ деган хулосага келади. О. Авазовни даволаш тўғрисидаги судда келтирилган фикр ва мулоҳазалар аризадаги ҳолатларга тўғри келганлиги тасдиқланди. Бу далолатларни судда гувоҳ сифатида кўрсатув берган Ю. Абдазов ва М. Соқиевлар ҳам тасдиқладилар.

Юқоридагиларга асосланган суд ГКнинг 15-моддасига ҳамда ГПКнинг 288-моддасига биноан

Қарор қилади:

1949 йилда тугилган Олим Авазов муомалага лаёқатсиз деб танилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг гражданлик судлов ҳайъатига шикоят аризаси билан мурожаат қилишлари ёки протест келтиришлари мумкин.

Халқ судьяси: *Р. Қодирова*
Халқ маслаҳатчилари: *С. Қорабоев*
Б. Суниатов

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1991 йил октябрь ойининг 15 кунда Тошкент шаҳри, Октябрь райони судининг очиқ суд мажлисида халқ судьяси Р. Қодирова раислигида, халқ маслаҳатчилари П. Дарвешова ва С. Имомоваларнинг ҳайъатида, Д. Қурбонова котиблигида, прокурор Р. Иноғомов ҳамда ҳомийлик идорасининг вакили К. Ғуломовнинг иштирокида Тошкент шаҳар руҳий касалликлар диспансерининг аризасига кўра Олим Авазовни муомалага лаёқатли деб топиш тўғрисидаги фуқаролик иши кўрилиб қуйидагилар

Аниқланди:

Тошкент шаҳри, Октябрь райони судининг 1990 йил 30 сентябридаги ҳал қилув қарорига кўра Олим Авазов муомалага лаёқатсиз деб топилган эди. Суд бунга асос сифатида Тошкент шаҳар руҳий касалликлар диспансерида Олим Авазовнинг 3 йил давомида даволанганлигини ва унинг касали тез-тез қайтарилиб туриши сабабли ўзининг ҳаракатларига жавоб бера олмаслигини бунга асос сифатида келтирган.

Тошкент шаҳар руҳий касалликлар диспансери судга илтимоснома билан мурожаат этиб, О. Авазовнинг саломатлиги анча яхшиланганлиги туфайли, уни муомалага лаёқатли деб топиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишини сўраган.

Руҳий касалликлар диспансерининг аризасида ва ишда келтирилган ҳужжатларда ҳозирги вақтда янги дори-дармонларнинг ишлаб чиқарилиши ва шулар билан О. Авазов даволанганлиги учун тез вақт ичида соғайиб кетганлиги кўрсатилган.

Ишда шаҳар диспансерининг вакили сифатида қатнашган руҳий касалликлар врачлари К. Ғуломовнинг берган баёнотида аризада келтирилган ҳолатларнинг тўғрилигини, ҳақиқатга ҳам шу кунларда О. Авазов ижобий томонга ўзгариб тез соғая бошлаганини, энди оиласи билан яшаса, муҳит ўзгариши натижасида бутунлай соғайиб кетишини билдиради.

Ишнинг якунидан манфаатдор бўлган шахс — О. Авазовнинг хотини Ҳ. Авазова шаҳар диспансерининг хулосасига қўшилган ҳолда, диспансер илтимосини қаноатлантиришга қаршилиги йўқлигини билдириб, шу билан бирга эри яхши даволанганлигини ва ҳозирда касаллигидан

асорат ҳам қолмаганлигини, энди васийлик қилиш учун асос ҳам йўқлигини тушунтиради.

Прокурор Р. Иноғомов иш юзасидан фикр билдириб, руҳий касалликлар диспансерининг аризасида О. Авазовни муомалага лаёқатли деб топиш тўғрисидаги хулосаси ҳар томонлама асослантирилганлиги туфайли бу таклифни қаноатлантириш лозимлигини айтади.

Суд прокурорнинг фикрини ва ишдаги материалларни ўрганиб, руҳий касалликлар диспансерининг аризасини асосли деб ҳисоблайди.

Бу ҳолида ГКнинг 17-моддасида берилган бўлиб, бунга кўра соғайган граждани муомалага лаёқатли деб топиш ҳамда унинг устидан белгиланган васийликни бекор қилиш ҳақида суд ҳал қилув қарорини чиқариши кўрсатилган.

Суд юқоридагиларга кўра ГК 15-моддасининг 3-қисмига, ГПКнинг 289-моддасига асосан

Қарор қилади:

Тошкент шаҳри, Октябрь райони судининг 1990 йил 30 сентябрдаги 1949 йилда туғилган, Тошкент шаҳрида яшовчи Олим Авазовни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бекор қилинсин.

Ушбу ҳал қилув қарорининг бир нусхаси васийлик ва ҳомийлик органларига Олим Авазовга насбатан белгиланган васийликни бекор қилиш учун юборилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар 10 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг гражданлик судлов ҳайъатига шикоят ариза билан мурожаат қилишлари ёки протест келтириши мумкин.

Халқ судьяси: Р. Қодирова

Халқ маслаҳатчилари: П. Дарвешова

С. Имомова

МУЛКНИ ЭГАСИЗ ДЕБ ҲИСОБЛАШ ҲАҚИДА

ГКнинг 154-моддасига кўра, эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган мулк (эгасиз мулк) молия органининг аризаси юзасидан чиқарилган суд қарори билан давлат эгалигига ўтказилади. Ариза мулк ҳисобга олинган кундан этиборан олти ой ўтгандан сўнг берилади.

Колхоз хонадонига қарашли эгасиз мулк, колхознинг аризаси бўйича суд томонидан чиқарилган қарорга биноан,

мулк жойлашган ҳудуддаги колхоз эгалигига ўтказилади. Ариза бу мулкнинг, қишлоқ кенгаши томонидан ҳисобга олинган кундан эътиборан олти ой ўтгандан сўнг берилади. Эгасиз мулкни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Эгасиз мулк билан хўжасизларча сақланаётган мулкни бир-биридан фарқ қилиш керак (ГКнинг 152—153-моддалари). Мулкнинг хўжасизлик билан сақланиши тўғрисидаги ишлар суд томонидан умумий даъво ишларини кўриш тартибида ҳал этилади.

Мулкни эгасиз деб ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги қоидалар ГПКнинг 291—293-моддаларида берилган. Бу қонунларда кўрсатилишича, мулкни эгасиз деб ҳисоблаш ҳақидаги ариза молия органлари ёки колхоз томонидан мулк турган жойдаги судга берилади. Аризада қандай мулк эгасиз деб ҳисобланиши лозимлиги, мулкнинг эгасини аниқлаш мумкин эмаслигини исботловчи далиллар кўрсатилиши керак.

Судья ишни суд мажлисида кўришга тайёрлашда кимлар шерик эгалар, мулкни ҳақиқатда эгаллаб турганлар, қўшнилар ва бошқалар мулкнинг кимга тегишли эканлиги тўғрисида маълумот бера олишини аниқлайди, шунингдек, бирон-бир маълумот бўлиши тўғрисида тегишли ташкилотлардан (уй бошқармалари, қишлоқ кенгашлари, маҳалла квартал қўмиталари, коммунал хўжалик идораларидан) сўрайди. Суд мулкнинг эгаси йўқ ёки номаълум деб аниқласа, мулкни эгасиз деб ҳисоблаш ва уни давлатга ёки колхозга ўтказиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради.

Тошкент вилояти, Тошкент райони судига
Тошкент вилояти, Тошкент районидаги "Қизил
тонг" колхозини номидан
Тошкент вилояти, Тошкент районидаги Холматов
номли қишлоқ кенгаши ҳудудида жойлашган
10-уйни эгасиз деб ҳисоблаш тўғрисида

АРИЗА

(Уйни эгасиз деб ҳисоблаш ҳақида)

Тошкент районидаги Холматов номли қишлоқ кенгаши ҳудудида жойлашган 10-уй "Қизил тонг" колхозининг

чегарасида бўлиб, хўжалик дафтарида ёзилиши бўйича Нодир Эрматовга қарашли деб белгиланган.

1970 йили Н. Эрматов оила аъзолари билан номаълум томонга кўчиб, уйини қўшниси Қурбон Азизовнинг ихтиёрига ташлаб кетади. Қ. Азизов автотранспорт ҳалокати натижасида вафот этади. Ўтган 20 йил ичида уй тўғрисида ҳеч ким гап очгани йўқ, уй эгаси эса ҳозиргача номаълум.

1986 йил ноябрь ойидан бошлаб уйни эгасиз деб ҳисоблаб, Холматов номли қишлоқ кенгаши ўзининг ҳисобига ўтказиб олди. Ҳозирда уйда шу қишлоқ кенгашидаги касалхонанинг бош врачлари Р. Қодиров яшаб келмоқда.

ГК 154-моддасининг 2-қисми ҳамда ГПКнинг 291-моддасига асосан

Сўрайман:

Тошкент вилояти, Тошкент райони, Холматов номли қишлоқ кенгаши ҳудудида жойлашган 10-уйни эгасиз деб ҳисобланиб, "Қизил тонг" колхозининг ихтиёрига берилсин.

Илова: 1. Холматов номли қишлоқ кенгашининг 1991 йил 2 февралдаги уйни ўз ҳисобига олганлиги ҳақидаги қарори.

2. Қўшниси Қ. Азизовнинг ҳалок бўлганлиги ҳақида маълумотнома.

3. Хўжалик дафтарида кўчирма.

4. 10 сўм давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги чипта.

"Қизил тонг" колхозининг раиси:

Л. Баратов

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1991 йил 10 ноябрда Тошкент вилояти, Тошкент райони суди биносида очиқ суд мажлиси бўлиб, унда судья Х. Қодиров раислигида халқ маслаҳатчилари К. Дарвешов ва С. Каримовларнинг ҳайъатида, У. Бозоров "котиблигида Тошкент райони, "Қизил тонг" колхозининг аризаси бўйича мулкни эгасиз деб ҳисоблаш ҳақидаги иш кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Тошкент райони Холматов номли қишлоқ кенгашидаги "Қизил тонг" колхоз ҳудудида жойлашган 10-уй колхоз хонадонига тегишли бўлиб, унга Нодир Эрматов эгалик қилган. Хонадон эгаси Н. Эрматов 1970 йили оиласи билан номаълум томонга кўчиб кетган бўлиб, бошқа қариндош-уруғларидан бирортаси хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини билдирмаганлиги ва уй эгасиз қолганлиги сабабли "Қизил тонг" колхозининг уйни эгасиз деб ҳисоблашни ва уни колхознинг тасарруфига ўтказиб беришни сўрайди.

Колхоз вакили А. Имомова колхоз раҳбарияти томонидан қўйилган илтимосни қўллаш билан юқорида келтирилган ҳолатларни ҳар тарафлама асослаб берди. Суд қуйидаги асосларга кўра "Қизил тонг" колхозининг аризасини қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди:

ГКнинг 154-моддасига кўра, колхоз хонадонига қарашли эгасиз мулк, колхознинг аризаси бўйича суд томонидан чиқарилган қарорга биноан, мулк жойлашган ҳудуддаги колхоз эгалигига ўтказилади. Ариза бу мулкнинг қишлоқ кенгаши томонидан ҳисобга олинган кундан эътиборан олти ой ўтгандан сўнг берилади.

Колхознинг илтимоси юқоридаги қонун талабларига тўғри келиши аён бўлади.

Холматов номли қишлоқ кенгашининг хўжалик дафтаридан олинган кўчирмага кўра, Н. Эрматов колхоз хонадонининг аъзоси ҳисобланиб, у оиласи билан 20 йил муқаддам ўз уйини қўшниси Қ. Азизов ихтиёрига ташлаб, номаълум томонларга кўчиб кетганлиги, қўшниси эса автотранспорт ҳалокати натижасида вафот этганлиги ишда тўпланган ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Суд юқоридагиларга кўра ҳамда ГКнинг 154-моддаси ва ГПКнинг 293-моддасига асосан

Қарор қилади:

Тошкент вилояти, Тошкент райони, Холматов номли қишлоқ кенгашидаги 10-уй эгасиз деб ҳисоблансин ва уни шу ҳудуддаги "Қизил тонг" колхоз тасарруфига ўтказиб берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилояти судининг граж-

данлик судлов ҳайъатига шикоят ариза билан мурожаат қилиши ёки протест келтириши мумкин.

Халқ судьяси: *Х. Қодиров*

Халқ маслаҳатчилари: *К. Дарвешов*

С. Каримов

НОТАРИУСЛАР ВА НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ БАЖАРУВЧИ ИДОРАЛАРНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН БЕРИЛГАН ШИКОЯТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШ

ГПКнинг 294-моддаси мазмунига кўра, манфаатдор шахс давлат нотариал идораси ёки маҳаллий ҳокимият органи бажарган ноатирал ҳаракати ёки нотариал ҳаракатни бажариш рад этилганлигини нотўғри деб ҳисобласа, бу ҳақда у шу давлат нотариал идораси ёки маҳаллий ҳокимият органи турган жойдаги район (шаҳар) судига шикоят қилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг давлат нотариати тўғрисидаги Қонунининг 17-моддасида санаб кўрсатилган мансабдор шахслар томонидан нотўғри тасдиқланган васиятномалар ва ваколатномалар тўғрисидаги ёки мазкур шахслар уларни тасдиқлашни рад этганликлари ҳақидаги шикоятлар тегишлилигига қараб — касалхона ва бошқа стационар даволаш профилактика муассасаси, санаторий, кексалар ва ногиронлар уйи, экспедиция, госпиталь, ҳарбий даволаш муассасаси, ҳарбий қисм, қўшилма, ҳарбий ўқув юрти, қамоқхона жойлашган ердаги район (шаҳар) судига топширилади. Ўзбекистон байроғи остида сузиб юрувчи денгиз кемаси ёки ички сув ҳавзаларида бўлган кема капитани томонидан нотўғри тасдиқланган васиятнома тўғрисидаги ёки капитан уни тасдиқлашни рад этганлиги ҳақидаги шикоятлар эса — шу кема рўйхатга олинган порт жойлашган ердаги район (шаҳар) судига берилади.

ГПКнинг 294-моддасига мувофиқ равишда шикоят қилинган ишни кўриш учун қуйидаги даллилар келтирилиши ёки суд томонидан талаб қилиб олинishi керак:

биринчидан, нотариал ҳаракатнинг бажарилганлиги ёки унинг бажарилиши рад этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (чунончи, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришни рад қилганлик, ижро хати беришни рад қилган-

лик, олди-сотди, мулкни ҳадя қилиш ва бошқа битимларни гувоҳлантиришни рад қилганлик тўғрисидаги нотариуснинг қарори;

иккинчидан, шикоят юзасидан нотариуснинг ёки нотариал ҳаракатларни бажарувчи орган вакилининг ёзма баёноти ва бунга илова қилинадиган тегишли ҳужжатлар;

учинчидан, шикоятда кўрсатилган важларни исботлайдиган далиллар, масалан, уй-жойга бўлган эгалик ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар, васиятнома, автомашина ҳужжати, товарнинг кредитга берилган мажбуриятнома ва бошқа шу каби далиллар.

Нотариус ва нотариал ҳаракатларни бажарувчи органларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар тўғрисидаги ишлар Давлат нотариати тўғрисидаги Қонуннинг 31, 32-моддалари, ГПК 26-моддасининг 4-банди, 270-моддасининг 5-банди ва 294—297-моддаларига мувофиқ кўрилади.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судига
Ангрен шаҳри, Набиев кўчаси, 5-уйда истиқомат
қилувчи Восиқа Айдашевадан

Ш И К О Я Т

(Нотариуснинг ҳаракатлари устидан)

Ангрен шаҳар давлат нотариал идорасининг нотариуси Ҳамза кўчасидаги 17-уйни Ж. Махсумовдан сотиб олиш тўғрисидаги олди-сотди шартномасини рад этди.

Нотариус ўзининг бу қарорини мен билан бирга яшаётган ота-онамнинг шахсий тасарруфида ҳовли-жой борлигини, менинг эса ҳали тўлиқ балоғат ёшига етмаганлигим туфайли иккинчи уйни олишим ГК 120-моддасининг 2-қисми талабларига хилоф деган мулоҳаза билан асослайди.

Нотариус қуйидаги асосларга кўра олди-сотди шартномасини нотўғри тасдиқламаган деб ҳисоблайман:

Ҳақиқатан ҳам менга ҳали 18 ёш тўлган эмас ва мен ота-онам билан бирга уларнинг уйида яшайман.

Ангрен шаҳар ижроия қўмитаси томонидан истисно тариқасида никоҳ ёшим Никоҳ ва оила кодексининг 18-моддасига асосан камайтирилганлиги сабабли Э. Эшмуродов билан Ангрен шаҳар никоҳни қайд қилиш

бўлимида никоҳдан ўтган ҳолда оилавий турмуш қурган-
миз.

ГК 11-моддасининг 2-қисмига асосан никоҳга кириш
вақтидан эътиборан тўла ҳажмда муомалага лаёқатли деб
топилганман, шунинг учун ҳам мен ўзимнинг гражданлик
қуқуқимни тўлиқ ҳажмда амалга оширишим мумкин.
Шуларга кўра ва ГПКнинг 294-моддасига асосан

Сўрайман:

Ангрен шаҳар нотариал идораси нотариусининг мен
билан Жўра Махсумов ўртасида тузилган уй олди-сотди
шартномасини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ҳара-
катлари нотўғри деб ҳисоблансин ва у шу шартномани
тасдиқлашга мажбур қилинсин.

Илова: 1. Ангрен шаҳар ижроия қўмитасининг 1991
йил 19 сентярдаги қароридан кўчирма.

2. Никоҳ гувоҳномасидан нусха.

3. Шаҳар коммунал хўжалиги техника бюросидан
маълумотнома.

4. Нотариуснинг шартномасини тасдиқлашни рад эт-
ганлик ҳақидаги ёзишмаси.

5. 10 сўм давлат божи тўланганлик ҳақида чипта.

6. Шикоятнинг нусхаси.

1991 йил 1 октябрь.

В. Айдашева

Ўзбекистон республикаси номидан ҳал қилув қарори

1991 йил 8 октябрь куни Тошкент вилояти, Ангрен
шаҳар суди биносида очиқ суд мажлисида судья Р.
Акрамов раислигида, халқ маслаҳатчилари У. Давиров ва
М. Салоҳиддиновларнинг ҳайъатида, Л. Эргашева котиб-
лигида В. Айдашеванинг шикояти бўйича Ангрен шаҳар
давлат нотариал идорасининг нотариуси томонидан уй
олди-сотди шартномасини тасдиқлаш рад этилганлиги
ҳақидаги иш кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Жўра Махсумовга қарашли Ангрен шаҳар, Ҳамза
кўчасидаги 17-уйни В. Айдашева сотиб олмоқчи бўлади.

Бироқ Ангрен шаҳар нотариал идорасининг нотариуси уй олди-сотди шартномасини тасдиқлашни рад этади, бунга асос қилиб, В. Айдашеванинг ота-онасини Ангрен шаҳри, Бузариқ кўчаси, 5-уйда шахсий эгалигида уй-жой борлигини, В. Айдашева балоғатга етмаганлиги сабабли ота-онаси билан бир уйда яшаётганлигини кўрсатади.

Аризачи В. Айдашева судда берган баёнотида нотариуснинг ҳаракатларини қуйидагиларга кўра нотўғри ҳисоблайди, яъни: ҳақиқатан ҳам ўзи балоғатга етмаган бўлса-да, ҳозирда никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлигини, шу сабабли тўлиқ балоғатга етган деб ҳисобланишини ва уй сотиб олиш ҳуқуқига эга эканлигини билдиради.

Суд ишдаги ҳужжатлар билан танишиб, аризачининг баёнотини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топади:

Никоҳ ва оила кодексининг 18-моддасида тегишли маҳаллий ҳокимият органлари айрим фавқулодда ҳолларда никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкинлиги кўрсатилган.

Ангрен шаҳар ижроия қўмитасининг 1991 йил 10 сентябрдаги қароридан кўриниб турибдики, В. Айдашеванинг никоҳ ёши бир йилга камайтирилган. Шунга асосан В. Айдашева Ангрен шаҳар ЗАГС бўлимида З. Эшмуродов билан 1991 йил 20 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб, оилавий турмуш қурганлиги ишдаги никоҳ гувоҳномаси билан тасдиқланади.

Қонунда кўрсатилган ҳолларда 18 ёшга тўлмасдан никоҳдан ўтган тақдирда, никоҳдан ўтган вақтдан бошлаб тўлиқ балоғат ёшига етган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ГК 11-моддасининг 2-қисмига кўра В. Айдашева никоҳдан ўтган вақтдан бошлаб тўла ҳолда балоғатга етган ҳисобланиб, ГКнинг 120-моддасига асосан, унинг шахсий тасарруфида битта уйи бўлиши мумкин.

Шуларга асосан В. Айдашеванинг балоғатга етмаганлиги ва ота-онаси билан бирга яшаши ГКнинг 10-моддасида белгиланган гражданлик ҳуқуқини амалга ошириши учун тўсқинлик қилмайди.

Техника бюросининг берган маълумоти В. Айдашева ва унинг эрининг шахсий уй-жойи йўқлигини тасдиқлайди.

Суд юқоридагиларни ҳисобга олиб, ГКнинг 10, 119, 120-моддаларига ва ГПКнинг 296—297-моддаларига асосан

Қарор қилади:

Ангрен шаҳар нотариал идорасининг нотариусига Васиқа Айдашева билан Жўра Махсумов ўртасидаги Ангрен шаҳри, Ҳамза кўчаси, 17-уйнинг олди-сотди шартномасини тасдиқлаш мажбурияти юклатилсин.

Қал қилув қароридан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилояти судининг гражданлик судлов ҳайъатига шикоят ариза билан мурожаат қилишга ёки протест келтиришга ҳақли.

Халқ судьяси: *Р. Акрамов*
Халқ маслаҳатчилари: *У. Давиров*
М. Салоҳиддинова

Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони судига
Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Қодирий кўчасидаги 10-уйда истиқомат қилувчи Розия Фатхуллаевадан

АРИЗА

(Никоҳни қайд қилиш дафтаридаги ёзувда фамилия нотўғри ёзилганлигини белгилаш тўғрисида)

Менинг фамилиям оила қурмасдан олдин Бўронова эди. 1980 йилда Дамир Фатхуллаевга турмушга чиққанымдан буён эримнинг фамилиясига ўтганман ва фамилиям Фатхуллаева деб юритиладиган бўлди.

Бироқ никоҳни расмийлаштириш чоғида Тошкент шаҳри, А. Икромов райони гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш бўлими никоҳни қайд қилиш дафтарида ва никоҳ гувоҳномасида фамилиям "Фатулова" деб нотўғри ёзилган.

Бу ҳақда мен Тошкент шаҳри, А. Икромов райони гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш идорасига мурожаат қилган бўлсам-да, ЗАГС бўлим мудирини 1988 йил 10 апрелдаги ёзишмасида йўл қўйилган хатоликни тўғирлашни рад этиб, бу ҳақда судга мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишимни маслаҳат берган.

Юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 298-моддасига асосан

Сўрайман:

Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш идорасининг никоҳни қайд

қилиш дафтаридоғи ёзувда менинг фамилиям нотўғри ёзилганлиги белгилансин ва шу ЗАГС бўлими йўл қўйилган хатоликни тузатиб, фамилиямни "Фатулова" эмас, балки "Фатхуллаева" деб ўзгартирсин.

Илова: 1. Менинг илтимосимни рад этганлиги ҳақидаги ЗАГС идорасининг ёзишмаси.

2. Никоҳ гувоҳномаси.

3. Эримнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома.

4. 10 сўм давлат божи тўланганлик ҳақида чипта.

5. Менинг ва эримнинг паспортлари суд мажлиси жараёнида тақдим қилинади.

1991 йил 1 сентябрь.

Р. Фатхуллаева

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1991 йил 10 сентябрь куни Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони судининг биносида очиқ суд мажлисида судья П. Жумаева раислигида, халқ маслаҳатчилари Ш. Парпиева ва М. Оққуловаларнинг ҳайъатида. А. Собирова котиблигида Розия Фатхуллаеванинг фамилияси никоҳни қайд қилиш дафтаридоғи нотўғри ёзилганлиги тўғрисидаги ариза кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Розия Фатхуллаева 1980 йил 20 декабрда Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш идорасида Дамир Фатхуллаев билан никоҳдан ўтиб, оилавий турмуш қурганлар ва у эрининг фамилиясига ўтиб, "Фатхуллаева" деб юритила бошлайди.

Бироқ никоҳни қайд қилиш чоғида ЗАГС ходимларининг айби билан аризачининг фамилияси "Фатхуллаева" ўрнига "Фатулова" деб нотўғри ёзилиб қолинган.

Аризачининг аризасида Акмал Икромов райони гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш идорасининг мудирини дафтарда йўл қўйилган хатони тўғрилаш учун тегишли ҳужжатлар сақланмаганлиги сабабли аризачи Фатхуллаеванинг илтимосини рад этиб, бу ҳақда судга мурожаат қилиш мумкинлигини айтади ва бунга асос сифатида Никоҳ ва оила кодексининг 221-моддасидаги қоидаларга ҳавола қилиб, агар йўқолган ёзувларни тиклаш мумкин бўлмаган ҳолларда гражданлик ҳолатини қайд қилганлик

факти суд тартибида белгиланишини кўрсатади. Шу муносабат билан Р. Фатҳуллаева судга ариза билан мурожаат қилиб, никоҳни қайд қилиш дафтарчасидаги ҳамда никоҳ гувоҳномасидаги ёзувларнинг нотўғри эканлигини белгилаб беришни сўрайди.

Суд ишдаги материалларни текшириб, аризачининг баёотини тинглаб, аризачи Р. Фатҳуллаева илтимосини қуйидаги асосларга кўра қаноатлантиришни лозим топади:

Ишдаги ҳужжатларга қараганда ҳамда аризачининг эрининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, паспорти, ҳарбий ҳужжатлари ва бошқа тақдим этган шахсий гувоҳномаларига қараганда, унинг фамилияси Фатҳуллаев эканлиги аниқланди. Суд гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш дафтаридан олган кўчирмасида никоҳ гувоҳномасида ҳам аризачининг фамилияси эрининг юқорида кўрсатилган ҳужжатлари ва паспортига мос келмай, "Фатулова" деб кўрсатилган.

Никоҳ ва оила қонунчилигининг 18-моддасига кўра, никоҳ тузиш вақтида эр-хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотинининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлаши мумкинлиги қайд қилинган. қонун бошқа фамилияларни олишни тан олмайди. Шунга асосан аризачининг фамилияси никоҳни қайд қилиш дафтарисидаги ёзувда нотўғри ёзилган ҳисобланади.

Суд юқоридагиларга кўра Никоҳ ва Оила кодексининг 220—221-моддаларига ва ГПКнинг 274—299, 208—213-моддаларига асосан

Қарор қилади:

Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш идорасининг дафтарисида 1986 йил 20 апрель кунги 190-рақамли рўйхатдаги Розия Фатҳуллаеваниннг никоҳдан ўтганлик ҳақида қайд қилинган фамилияси нотўғри деб топилсин.

Акмал Икромов райони гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш идорасига никоҳни қайд этиш дафтарига аризачининг фамилиясини "Фатҳуллаева" деб ўзгартириб ёзиш топширилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 10 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида

шикоят ариза билан мурожаат қилишга ёки протест келтиришга ҳақли

Халқ судьяси: *П. Жумаева*
Халқ маслаҳатчилари: *Ш. Париева*
М. Оққулова

Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори

1990 йил 15 январда Тошкент вилояти, Оққўрғон райони суди биносида очиқ суд мажлисида судья Ё. Ҳайдаров раислигида, халқ маслаҳатчилари М. Ғарипов, А. Оққуловларнинг ҳайъатида, Х. Шойзоқова котиблигида, прокурор ёрдамчиси Х. Йўлчиев иштирокида Эргаш Тошбосвнинг гражданлик ҳолати актидаги ёзувлар нотўғрилиги тўғрисидаги аризаси бўйича гражданлик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Аризачи Эргаш Тошбосв 1934 йил 13 февралда Тошкент вилояти, Оққўрғон райони, Оққўрғон қишлоғида туғилган. Унинг отаси Тошбой Шерматов, онаси Инобат Шерматова эканлиги Оққўрғон райони ЗАГС бўлими томонидан 1964 йил 18 августда V—ТЮ 257523-рақамли туғилиш гувоҳномасида кўрсатилган.

Э. Тошбосв аризасида туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидаги туғилган вақти 1929 йил ўрнига 1934 йил, туғилган жойини эса Фарғона вилояти, Қува райони, Беговат қишлоғида бўлишига қарамай, Тошкент вилояти, Оққўрғон райони, Оққўрғон қишлоғи деб нотўғри ёзилганлигини кўрсатган.

Бу ҳақда Тошкент вилояти, Оққўрғон райони никоҳни қайд қилиш бўлими аризаچининг талабларини қаноатлантириш учун тегишли ҳужжатлар ЗАГС бўлимида сақланмаганлигини кўрсатиб, аризани рад қилганлигини билдиради.

Шунга кўра Э. Тошбосв судга ариза билан мурожаат этиб, туғилиш гувоҳномасида кўрсатилган туғилган йили ва туғилган жойи нотўғри ёзилган деб топишни сўраш билан аризани қувватлаб, қуйидагиларни баён қилади:

Аризачи Э. Тошбосвнинг ота-онаси унинг ёшлигида вафот этганликларини, ўзи эса бировларнинг тарбиясида

қолиб, 1940 йилда Тошкент вилоятига ҳеч қандай ҳужжатсиз келиб, ишга жойлашганини ва меҳнат дафтарчасида тахминан 1934 йилда туғилган деб белгиланганлигини, кейинчалик эса ўша ҳужжатларга асосан туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва паспорт олганлигини, бунга мутлақо аҳамият бермасдан ишлаб юрганлигини, фақат пенсия ҳужжатларини расмийлаштириш пайтида бунга эътибор берганлигини тегишли далиллар билан исботлайди.

Суд иш материаллари билан танишиб чиқиб, манфаатдор шахсларнинг баёнотини, прокурорнинг аризани қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра талабни асосли ҳисоблашни лозим топади:

Шу суднинг 1989 йил 20 июндаги ажрими билан Фарғона вилояти, Қува Райони судига Эргаш Тошбоевнинг аризасидаги важларни текшириш ва унинг туғилган жойидаги гувоҳларни сўроқ қилиш учун суд топшириғини юборган эди. Қува райони суди 1989 йил 10 августда гувоҳлар Мамажон Ғоилов, Т. Сулаймонов, У. Солиев, С. Раҳмоновларни сўроқ қилганда, ҳақиқатан Эргаш Тошбоев 1929 йили Фарғона вилояти, Қува райони, Беговат қишлоғида туғилганлигини, у ёш вақтида ота-онаси вафот этиб, бировларнинг қўлида ўсганлигини, 1940 йилда Тошкент вилоятига адашиб кетиб қолганлигини билдирганлар. 1933 йилда туғилган аризачининг синглиси Хурнисо Нурутдинова ҳам гувоҳларнинг гувоҳлигини тасдиқлаб, аризачининг синглиси эканлигини ва ундан тўрт ёш кичиклигини билдирган.

Суд ГПК 298-моддасининг "Агар фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш идоралари ҳуқуқ ҳақида бирон низо бўлмаса ҳам ёзувга тузатиш киритишни рад этган бўлсалар, фуқаролик ҳолати акти дафтарисидаги ёзувларнинг нотўғрилигини белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўради", деган кўрсатмаларга амал қилади.

Бинобарин, суд юқоридагиларга кўра, Никоҳ ва оила Кодексининг 220—221-моддаларига ҳамда ГПКнинг 298—299, 208—213-моддаларига асосан

Қарор қилади:

Тошкент вилояти, Оқ-Қўрғон райони фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш идорасининг дафтарисидаги 1968 йил 18 август кунги 257523-рақам билан рўйхатга олинган

Эргаш Тошбоевнинг туғилган йили ва туғилган жойи тўғрисидаги ёзув нотўғри деб топилсин.

Тошкент вилояти, Оқ-Қўрғон райони фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш идорасига Эргаш Тошбоевнинг туғилган йилини 1934 йил ўрнига 1929 йил 13 февраль деб, туғилган жойини эса Тошкент вилояти, Оққўрғон райони Оққўрғон қишлоғи эмас, балки Фарғона вилояти, Қува райони, Беговат қишлоғи деб ўзгартириб ёзиш топширилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят аризаси билан мурожаат қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: *Ё. Ҳайдаров*
Халқ маслаҳатчилари: *М. Ғарипов*
А. Оққулов

ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА ДЕБ БЕРИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР ЙЎҚОТИЛГАН ТАҚДИРДА, УЛАРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ТИКЛАШ ҲАҚИДА

Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқотилганда, йўқотилган ҳужжатлар юзасидан бўлган ҳуқуқларни тиклашнинг (чақириб, иш юритишнинг) суд тартиби белгиланган. Бундай тартиб ҳужжат эгаларининг шахсий ва мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида ўрнатилган. Қандай ҳужжатлар бўйича ҳуқуқларнинг тикланиши мумкинлиги ГПКнинг 300-моддасида белгиланган. Унга кўра тақдим этувчига деб берилган қимматли ҳужжатни, чунончи: жамғарма банки жамғармага пул маблағлари қўйилганлиги ҳақида берган омонат дафтарчасини ёки қимматли ҳужжатларни ёхуд давлат заёмлари облигацияларини сақлаб бериш учун қабул қилганлик тўғрисидаги гувоҳномани йўқотган шахс, шунингдек, қонунда кўрсатилган барча ҳолларда суддан йўқолган ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ва йўқотган ҳужжат бўйича ҳуқуқни тиклаш тўғрисида илтимос қилиши мумкин.

Тақдим этувчига деб берилган ҳужжат йўқолган тақдирда, уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза ҳужжатни берган муассаса жойлашган судга берилади.

Бу тўғрида судга бериладиган аризанинг қандай мазмунда бўлиши, судьянинг аризани қабул қилганидан сўнг қандай процессуал ҳаракатлар қилиши лозимлиги, ҳужжатнинг йўқотилганлиги тўғрисида маҳаллий газетада берилган эълоннинг мазмуни, агар йўқотилган ҳужжат бирон-бир шахснинг қўлида бўлса — бу шахснинг мажбурияти, бундан шахсга нисбатан даъво қўзғатиш тартиби ва даъво қўзғатмаслик оқибатлари, умуман ишни кўриш ва ҳал қилишга оид қоидалар ГПКнинг 301—309-моддаларида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1992 йил 13 ноябрда "Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, уларга бўлган ҳуқуқларни тиклаш ҳақидаги аризаларни судлар томонидан кўриш амалиёти тўғрисида" қабул қилинган Пленуми қарорларида тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар эътиборсизлик билан сақланиши натижасида тўлов белгиларини йўқотганида, масалан, омонат дафтарчаси ёки назорат варақасида ҳисоб рақамли хат сақланмаганида ва шу каби бошқа ҳолларда ҳам чақириб, иш юритиш татбиқ этилиши мумкин, дея тушунтириш берилган.

Тошкент вилояти, Бўка райони судига

Бўка райони, Рашидов кўчасининг 1-тор кўчаси,
3-уйда яшовчи Одил Мирзаевдан

АРИЗА

(Тақдим этувчига деб берилган омонат дафтарини
йўқотганлиги сабабли уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида)

Мен Бўка шаҳридаги 19/270-рақамли омонат банкни 20370-рақамли ҳисобига жамғарган пулимни қўйган эдим. Ўзимнинг илтимосимга кўра қўйилган жамғармани бошқаришни қулайлаштириш мақсадида менга тақдим этувчига деган 5578-рақамли жамғарма дафтарчаси берилган эди. 1991 йил 25 август куни ишга шаҳар транспортда кетаётганимда бошқа ҳужжатларим қатори юқорида қайд қилинган жамғарма дафтарчамни ҳам йўқотиб қўйдим. Бу ҳақда шу ондаёқ жамғарма банкни хабардор қилдим.

ГПКнинг 300 ва 301-моддаларига асосан

Сўрайман:

Бўка шаҳар 19/270-давлат жамғарма банки томонидан тақдим этувчига деб берилган 5578-рақамли жамғарма дафтарчаси йўқолганлиги сабабли уни ҳақиқий эмас деб топилсин ва юқоридаги жамғарма банкининг 20370-ҳисобдаги пул жамғармасига менинг ҳуқуқим тиклансин.

Илова: 1. Жамарма дафтарчасининг контрол (назорат варақаси.

2. 10 сўм давлат божи тўланганлиги ҳақида чипта.

1991 йил 13 ноябрь.

О. Мирзаев

А Ж Р И М

1991 йил 15 ноябрь.

Бўка шаҳри.

Тошкент вилояти, Бўка райони судининг судьяси З. Қамбарова тақдим этувчига деб берилган жамғарма дафтарчаси йўқотилганлиги сабабли Одил Мирзаевнинг уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

О. Мирзаев аризасида Бўка шаҳридаги 19/270-давлат жамғарма банки томонидан 20370-ҳисоб бўйича жамғарган пулини қўйилганлигини ва унга 5578-рақамли тақдим этувчига деган жамғарма дафтарчаси берилганлигини, дафтарчани 1991 йил 25 август куни шаҳар транспортида кетаётганида йўқотиб қўйганлигини кўрсатган. Шу муносабат билан О. Мирзаев берилган жамғарма дафтарчасини ҳақиқий эмас деб топиб, қўйилган жамғармага бўлган ҳуқуқини тиклашни сўрайди. Суд тўпланган ҳужжатларга асосланиб, аризачининг илтимосини асосли деб ҳисоблайди.

Суд юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 302-моддасига асосан

Ажрим қилади:

Бўка шаҳридаги 19/270-давлат жамғарма банкига тақдим этувчига деб берилган 20370-рақамли жамғарма дафтарига ва 5578-ҳисоб бўйича пул тўлаш ман этилсин.

Жамгарма дафтарини эгаллаб турувчига дафтарчага бўлган ҳуқуқи ҳақида маҳаллий рўзномада эълон қилинган кундан эътиборан уч ой муддат ичида судга ариза бериш таклиф этилсин ва бу иш О. Мирзаев ҳисобидан бажарилсин.

Ажрим қатъий — шикоятга ўрин йўқ.

Халқ судьяси: З. Қамбарова

МАҲАЛЛИЙ РЎЗНОМАДА БЕРИЛАДИГАН ЭЪЛОННИНГ НАМУНАСИ

Тошкент вилояти, Бўка райони судига, Бўка райони, Рашидов кўчасининг 1-тор кўчаси, 3-уйда яшовчи Одил Мирзаев томонидан ариза берилиб, унда Бўка шаҳар 19/270-жамгарма банкининг тақдим этувчига деб берилган 5578-рақамли жамгарма дафтарчасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида кўрсатилган.

Юқоридаги жамгарма дафтарчасини эгаллаб турувчига шу ҳужжатга нисбатан қанчалик ҳуқуққа эгалиги ҳақида ушбун эълон қилинган кундан эътиборан 3 ой муддат ичида судга ариза билан мурожаат этиш тавсия қилинади.

А Ж Р И М

1991 йил 13 декабрда Тошкент вилояти, Бўка райони судининг биносида очиқ суд мажлисида судья З. Қамбарова раислигида, халқ маслаҳатчилари Б. Эрматова С. Жўраевларнинг ҳайъатида, Д. Зиқирова котиблигида Одил Мирзаевнинг тақдим этувчига деб берилган жамгарма дафтарчасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги гражданлик иши кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Одил Мирзаевнинг аризасида Бўка шаҳридаги 19/270-давлат жамгарма банкига қўйган жамгарма пули учун унга 5578-рақамли тақдим этувчига деб жамгарма дафтарчаси берилганлиги, бу дафтарчани 1991 йил 25 август куни шаҳар автотранспортида кетаётганида йўқотиб қўйганлиги баён қилинган.

Аризачи ўз аризасида ва суд мажлисида суддан бу дафтарчани ҳақиқий эмас деб топишни ва пул жамгармасига бўлган ҳуқуқини тиклашни сўрайди.

Суд тафтишида жамғарма дафтарчани эгаллаб турган шахс бўлиб, аризачининг жияни Й. Ҳалилов эканлиги аниқланди ва у ГПКнинг 304-моддасига риоя қилган ҳолда бу масала матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб 3 ой муддат ичида ариза билан судга мурожаат қилиб, ўз мурожаатида жамғарма дафтарчасига бўлган ҳуқуқини асослайди ва тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

Йўлчи Ҳалилов ўз аризасида дафтарчани унинг дўсти топиб, унга берганлигини ва жамғарма пулда унинг ҳам ҳиссаси борлигини, аризачини 3 йил муқаддам қарз олиб, "пулим йўқ" деб қайтариб бермаётганлигини бунга асос қилиб кўрсатади.

Иш юзасидан ҳар икки тараф ўртасида ҳуқуқ ҳақида гражданлик низоси чиққанлиги сабабли бу иш даъво қўзғатиш йўли билан судда кўрилиши лозим. Шунинг учун суд Одил Мирзаевнинг берган аризасини кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Суд юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 273 ва 305-моддаларига асосан

Ажрим қилади:

Одил Мирзаевни Бўка шаҳар 19/270-давлат жамғарма банки томонидан тақдим этувчига деб берган 5578-рақамли жамғарма дафтарчасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Одил Мирзаевга Йўлчи Ҳалиловга нисбатан даъво қўзғатиш йўли билан жамғарма дафтарчасини талаб қилиш ҳақидаги ҳуқуқи тушунтирилсин.

Йўлчи Ҳалиловга эса, Одил Мирзаевдан суднинг тақиқлаш ҳақидаги чоралари туфайли кўрган зарарини ундириш ҳуқуқига эгалиги тушунтирилсин.

Бўка шаҳар 197270-давлат жамғарма банкининг 1992 йил 15 февраль кунига қадар 5578-рақамли тақдим этувчига деб берилган жамғарма дафтарчаси бўйича тўловларни бажаришни ман этилсин.

Халқ судьясининг 1991 йил 15 ноябрдаги ажрими билан ман этиш ҳақидаги чоралари бекор қилинсин.

Ажримдан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилояти судининг гражданлик судлов ҳайъатига шикоят қилишга ҳақли.

Халқ судьяси: Э. Қамбарова
Халқ маслаҳатчилари: Б. Эрматов
С. Жўраев

Тошкент шаҳри, Чилонзор райони судига

Тошкент шаҳар, Чилонзор райони, Қобулов кўчаси,
20-уйда яшовчи Лола Қориевадан

Манфаатдор шахслар:

1. Тошкент шаҳри, Чилонзор райони ижтимоий таъминот бўлими — Миртемир кўчаси, 5-уйда жойлашган
2. Нуринисо Шарипова — Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Қодирий кўчаси, 20-уйда яшаган.

АРИЗА

(Оталик фактини белгилаш тўғрисида)

Мен 1989 йилдан буён 1950 йилда тугилган Убайдулла Шарипов билан қонуний никоҳдан ўтмаган ҳолда оилавий турмуш қуриб, юқорида қайд қилинган манзилда бирга яшаб, умумий хўжалик юритиб келамиз. 1990 йил 15 августда Ғулом исмли фарзанд кўрдик. Отаси У. Шарипов ўғлини жуда ҳам севар ва уни кўпинча ўзи яслига олиб бориб, олиб келар эди. Бахтимга қарши эрим — У. Шарипов 1991 йил август ойида автотранспорт ҳалокатида вафот этди. Эримнинг ҳаётлик даврида қонуний никоҳдан ўтмаган эдик, чунки биз бир-биримизни жуда ҳам севганлигимиз сабабли никоҳни расмийлаштириш ишига иккинчи даражали деб қараганмиз. Ўғлимиз тугилиш гувоҳномасида менинг фамилиямда бўлганлигига ҳам эътибор бермаган эканман. Эримнинг вафотидан сўнг район ижтимоий таъминот бўлимига фарзандимизнинг тарбияси учун нафақа тайинлатиш мақсадида мурожаат қилган эдим, никоҳ гувоҳномасини талаб этиб, аризамни рад қилдилар, нотариал идора эса эримнинг қолган мол-мулкка меросхўр эканлигим ҳақида гувоҳнома бермади.

Юқоридагиларга кўра ва Никоҳ ва Оила кодексининг 68-моддасига ва ГПКнинг 274-моддасига асосан

Сўрайман:

Марҳум эрим Убайдулла Шариповнинг 1991 йил 15 августда тугилган ўғлимиз Ғуломга нисбатан оталик факти белгилаб берилсин.

Бу фактни тасдиқлаш учун судга қуйидаги шахсларни чақириш мумкин:

1. Нуринисо Шарипова — эримнинг онаси: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Қодирий кўчаси, 20-уйда яшайди.

2. Анвар Ботиров — эримнинг дўсти: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Беруний кўчаси, 20-уйда яшайди.

Илова: 1. У. Шариповнинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома.

2. Ўғлимиз Ғулумнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси.

3. Марҳум эрим билан бир уйда яшаганлигимиз ҳақида маҳалла қўмитасидан маълумотнома.

4. Дам олиш пайтида тушган фото суратимиз.

5. 10 сўм давлат божи тўланганлиги ҳақида чипта.

6. Аризанинг иқкита нусхаси.

1991 йил 3 сентябрь.

Л. Қориева

Ўзбекистон республикаси номидан ҳал қилув қарори

1991 йил 20 сентябрь куни Тошкент шаҳри, Чилонзор райони судининг биносида очиқ суд мажлисида судья А. Бекнозова раислигида, халқ маслаҳатчилари Р. Номозова ва З. Қаюмовалар ҳайъатида, О. Темирова котиблигида, ҳимоячи Р. Ҳамидова ҳамда манфаатдор шахс Чилонзор райони ижтимоий таъминот бўлимининг вакили Б. Оқилова иштирокида Лола Қориеванинг оталикка иқрор бўлиш фактини белгилаш ҳақидаги аризаси бўйича гражданлик иши кўрилиб, тубандагилар

Аниқланди:

Л. Қориева аризасида 1991 йил август ойида вафот этган Ўбайдулла Шариповнинг 1991 йил 15 августда туғилган Ғулум исмли ўғлига нисбатан оталикни белгилаш тўғрисида илтимос қилади.

Аризачи марҳум У. Шарипов билан никоҳдан ўтмаган ҳолда 1989 йилдан буён бирга яшаганликлари, шу давр ичида оилавий хўжаликларини ҳам бирга юритганликлари ва ўғли Ғулумни бирга тарбиялаганликлари ва марҳум болани ўз ўғли деб қараганликларини аризада кўрсатади.

Чилонзор райони ижтимоий таъминот бўлимининг вакили Б. Оқилов аризада кўрсатилган талабларни қаноатлантиришга қаршилиги йўқлигини ва бунга асос сифатида

тўпланган далилларнинг тўлиқлиги юридик фактни тасдиқлаш учун аҳамиятли эканлигини айтади.

Марҳумнинг опаси Н. Шарипова судга тушунтириш бериб, ҳақиқатан ҳам укаси Л. Қорисевага уйланганлигини ва одатимизга риоя қилган ҳолда тўй маросимларини тўлиқ ўтказганликларини ва 3 йил давомида бирга яшаб хўжалик юритганликларини, 1991 йил 15 августда бу оила Ғуломжон исмли фарзанд кўрганлигини ва ўғлини марҳум жуда ҳам севганлигини баён қилади.

Суд аризачининг талабини қаноатлантириш ҳақидаги прокурорнинг фикрини эшитиб 1985 йил 24 декабрь ва 1991 йил 7 декабрдаги "Болалар ва бошқа оила аъзоларига алимент ундириш ҳақида ва оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунчиликнинг татбиқ этилиши ҳақида"ги Олий Суд Пленуми қарорларига асосланган ҳолда аризани қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Судда гувоҳ сифатида сўралган Н. Шарипова, А. Ботировлар марҳум У. Шарипов аризачи билан бирга яшаб, хўжаликни ҳам бирга юритганликларини, оилавий турмуш даврида Ғулом исмли фарзанд кўрганликларини ва марҳум У. Шарипов фарзандини жуда ҳам севганлигини баён қиладилар.

Булардан ташқари, 1990 йил март ойида дам олиш пайтида марҳум У. Шарипов хотини Л. Қориева ва ўғли Ғулом билан тушган фотосуратлари уларнинг бирга яшганликларидан далолат беради.

Марҳумнинг опаси Н. Шарипова укаси унинг Лола Қориевага ҳақиқатан ҳам тўй-томоша қилиб уйланганлигини ва Ғуломжон ҳар иккисининг фарзанди эканлигини тасдиқлайди.

Суд юқоридагиларга кўра ва ФПКнинг 274, 208—213-моддаларига асосан

Қарор қилади:

Тошкент шаҳри, Чилонзор районида 1950 йилда туғилган, миллати — ўзбек, 1991 йил август ойида фожиали ҳалок бўлган Убайдулла Шариповнинг 1991 йил 15 августда туғилган Ғулом исмли ўғлига нисбатан оталикка иқдор бўлиши факти белгилансин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг граждан-

лик судлов ҳайъатига шикоят ариза билан мурожаат қилиши, прокурор протест келтириши мумкин.

Халқ судьяси: *А. Бекназарова*
Халқ маслаҳатчилари: *Р. Номозова*
З. Қаюмова

IX.

ИШНИ КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА ҚАЙТА КЎРИШ УЧУН АСОСЛАР

Агар ишнинг дастлабки судда кўрилишида қонун талабларига риоя қилинмаган, иш ҳолатларининг мураккаблиги ёки бошқа сабабларга кўра хатоларга йўл қўйилган бўлса, бундай хатолар кассацион тартибда кўрилиб, аниқланиши ва тузатилиши мумкин.

Ишнинг кўрилиши натижасидан норози бўлган шахслар юқори судга шикоят ёки протест билан мурожаат қилиб, ишнинг текширилишини илтимос қилишлари мумкин. Юқори судлар ўз навбатида биринчи инстанция тариқасида иш кўрган судларнинг қабул қилган қарорлари қанчалик тўғри ва асосли бўлганлигини текширишга мажбур.

ГПКнинг 310-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Олий Судининг ҳал қилув қарорлари, шунингдек, район (шаҳар) судларининг сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликлар ҳақида берилган шикоят юзасидан чиқарган ҳал қилув қарорлари ва маъмурий тартибда жарима солиш тўғрисидаги қарорлардан ташқари, Ўзбекистондаги ҳамма судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан ГПКнинг 312-моддасида белгиланган муддатда тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар кассацион тартибда шикоят беришлари, прокурор протест келтириши мумкин.

Район (шаҳар) судлари, вилоят судлари томонидан кўриладиган кўпчилик гражданлик ишлари юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ёки қарорлари устидан шикоятлар берилганда, улар албатта текширилади. Айрим гражданлик ишлар бўйича кассацион тартибда шикоят берилмаса-да, улар қонунда кўрсатилган ҳолларда назорат тартибида текширилиши, қайта кўрилиши мумкин.

Юқори судлар кассацион шикоят ва протестларни кўриш билан биринчи инстанция судларининг хатоларини тузатади ва шу билан одил судловнинг тўғри амалга оширилишига, гражданлик-ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради, қуйи судларнинг қарорларини текшириш билан уларни тўғри ва қонуний ҳал қилув қарорлари чиқариш учун йўллайди, улардан қонунларни тўғри татбиқ этишни талаб этади ва улар устидан назорат олиб боради.

Шикоят қилиш ҳуқуқи суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин пайдо бўлади. Бу ҳуқуқ кассацион шикоят берилиши билан амалга оширилади. Кассацион шикоят юқори суднинг номига ёзилиб, гражданлик ишига қўшилган ҳолда қарор чиқарган суд орқали юборилади.

Кассацион шикоят ёки протест суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилган кундан бошлаб 10 кун ичида берилиши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг берилган шикоят ёки протест кўрилмасдан қолдирилади ва шикоят ёки протест берган шахсга қайтарилади. Қонун билан белгиланган бу муддат ўзгартирилмайди.

Кассацион шикоят ёки протестнинг мазмуни ва уни бериш тартиби ГПКнинг 313 ва 314-моддаларида белгиланган.

Кассацион шикоят ёки протест суд жараёнида иштирок этувчи шахсларнинг сонига қараб нусхалари билан қўшиб берилади.

Судья, зарур ҳолларда, кассацион шикоят берган шахсга ёки протест келтирган прокурорга кассацион шикоятга ёки протестга илова қилинган ёзма материалларнинг ишда иштирок этувчи шахслар сонига қараб нусхалари билан топшириш мажбуриятини юклай олади.

Суднинг ҳал қилув қарорига келтириладиган кассацион шикоятдан низоли сумма бўйича даъво аризалари учун белгиланган миқдорнинг 50 фоизи миқдоридан давлат божи олинади. Агар кассацион шикоят ёки протест беришда ГПК 313 ва 314-моддаларининг талаблари бузилган бўлса ёки давлат божини тўлашдан озод қилинмаган шахс божни тўламаган бўлса, кассацион шикоят ёки протест ҳаракатсиз қолдирилади.

Тошкент шаҳар судининг гражданлик ишлари
бўйича судлов ҳайъатиغا

КАССАЦИЯ ШИКОЯТИ

1989 йил 3 февралда А. Икромов райони суди даъвогар Дурдона Раҳматуллаеванинг менга нисбатан никоҳни бекор қилиш ва ўртамиздаги мол-мулкни бўлиш ҳақидаги гражданлик ишини кўриб, даъвони қисман қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Мен ҳал қилув қарорининг никоҳни бекор қилиш қисмидан эмас, балки мол-мулкни тақсимлаш қисмидан норозиман.

Суд иш кўриш вақтида мол-мулкни бўлиш қисмига аҳамият бермади. 580 сўмга олинган гиламни тўйимиздан аввал онам ўз пулига олиб, уйининг деворига осиб қўйган эди, бу онамнинг шахсий мулки эди, лекин ўзбек одатига кўра, келин туширганларидан сўнг бизга фойдаланиш учун берган эдилар. Суд онамнинг бу шахсий мулкни даъвогарга ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Бундан ташқари, онам келинга 850 сўмлик бешта дур кўзли никоҳ узуги ва вақгинча тақиб юриши учун ўзининг 1200 сўмлик ёқут кўзли узугини берган эди, суд бу узукларни ҳам даъвогарга ундириб берди. Бу қарордан мен қатъий норозиман, чунки бу мулклар онамнинг ўз пулига олган шахсий мулкдир. Ахир, мен ҳам келиннинг ўз уйдан олиб келган (яъни ота-онаси томонидан қилинган) нарсаларидан олаётганим йўқ-ку.

Даъвогар билан биргаликдаги турмушимизда биз қуйидаги нарсаларни олган эдик: 3 та қизил гулли палос — умумий баҳоси 412 сўм, 2 та қандил — умумий баҳоси 50 сўм, 1 та 80 сўмлик гилам, 1 та аёлларнинг норка телпаги — баҳоси 200 сўм, аёллар кўйлаги — баҳоси 200 сўм, аёллар плаши — баҳоси 200 сўм, аёллар соябони — баҳоси 45 сўм, аёллар пиджаги — баҳоси 50 сўм, аёллар ёзги костюм-юбкаси — баҳоси 65 сўм, аёллар сумкаси — баҳоси 25 сўм ва бошқа майда-чуйда нарсалар.

Биргаликда олинган бу нарсаларнинг умумий қиймати 1327 сўмни ташкил этади. Суднинг қарорига асосан юқоридаги нарсалардан фақат 289 сўмлигини (2 та палос ва 1 та қандил) менга берилди. Қолган 1038 сўмлик

нарсa даъвогарнинг фойдасига қарор қилинди. Суд ишни бир томонлама кўриб ҳал этганлигини, ишга алоқадор гувоҳларни чақирмаганлигини, менинг даъвомни ҳисобга олиб, ишни кассация тартибида атрофлича кўриб чиқиш лозим деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 310. 333-моддаларига асосан

Сўрайман:

Тошкент шаҳри, А. Икромов райони судининг 1989 йил 3 мартдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш шу судга бошқа хайъатда қайта қуриш учун юборилсин.

Илова: Кассация шикоятидан нусха.

1989 йил 10 март.

Ш. Раҳматуллаев

Тошкент вилояти судининг гражданлик судлов хайъатига

Тошкент вилояти прокурори томонидан

Тошкент вилояти, Оржоникидзе райони судининг 1991 йил 26 октябрда чиқарган ҳал қилув қарорига нисбатан

ПРОТЕСТ

(Кассация тартибида)

Даъвогар Турғунбой Йўлдошев Моҳира Сафарова билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлар ва Оржоникидзе райони, Матқобулов номли қишлоқ кенгаши, Шералиев кўчасидаги 33-уйда яшаб келишган. 1987 йилда улар ўртасидаги никоҳ суд томонидан бекор қилинган

Иш бўйича даъвогар Турғунбой Йўлдошев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, М. Сафаровани Шералиев кўчасидаги 33-уйдан чиқаришни сўраган.

Оржоникидзе райони судининг 1991 йил 26 октябрдаги қарорига мувофиқ, даъвогарнинг талаблари қаноатлантирилиб, жавобгар М. Сафарова болалари Саодат ва Шаҳодатлар билан Шералиев кўчасидаги 33-уй-жойдан бошқа турар-жой берилмаган ҳолда кўчирилган.

Суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, уни қуйидаги асосларга кўра янгидан кўриш учун юбориш лозим деб ҳисоблайман:

Иш материалларига кўра, суд жавобгар М. Сафаровага бир неча мартаба чақирув хатлари жўнатилган дейилган

бўлса-да, аммо чақирув хатларини жавобгар М. Сафарованинг олганлиги ҳақида бирон-бир муълумот кўрсатилмаган.

Суд эса гражданлик ишини жавобгар М. Сафарованинг иштирокисиз кўриб, ГПКнинг 31-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчларини қўпол равишда бузганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, суд ҳал қилув қарорида гражданлик ишини ГПКнинг 179-моддаси асосида, жавобгарнинг иштирокисиз кўради деб кўрсатган, ҳолбуки, бу модданинг талабларига кўра суд мажлисига узрсиз сабабларга биноан келмаган даъвогар ёки жавобгарга нисбатан 30 сўм миқдо-рида жарима солиниши, иккинчи маротаба келмаган тақдирда иш кўрмасдан қолдирилиши кўзда тутилган.

Булардан ташқари, даъвогар Т. Йўлдошев жавобгар М. Сафаровани Матқобулов қишлоқ кенгаши, Шералиев кўчасида жойлашган 33-уйдан чиқариш тўғрисида ариза-сида сўраган бўлса-да, лекин суднинг ҳал қилув қарорида "М. Сафарова болалари билан Матқобулова қишлоқ кен-гаши, Шералиев кўчасида жойлашган 28-уйдан кўчирилсин", деб ёзилган.

Ишни янгидан кўришда суд юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, қонун талаблари асосида ҳал этиши лозимдир.

Юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 351-моддасига асосан

Сўрайман:

Оржоникидзе райони судининг 1991 йил 26 октябрдаги ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан шу судга бошқа ҳайъатда кўриш учун юборилсин.

Илова: Келтирилган протестдан икки нусха.

Тошкент вилояти прокурори,

3-класс давлат маслаҳатчиси: А. Қурбонов

1991 йил 30 октябрь

КАССАЦИЯ ШИКОЯТИНИ КўРИШ ТАРТИБИ

Кассацион инстанция судининг ажрими иш кўрилгандан кейин дарҳол чиқарилади.

Ишнинг кассацион шикоят ёки протест бўйича қайта кўрилиши натижасида иккинчи инстанция суди томонидан чиқарилган қарорга кассацион ажрим деб айтилади. Кас-сацион ажрим ҳам суднинг ҳал қилув қарори каби тўрт қисмга бўлиниб, мазмунида ажрим чиқарилган вақт ва

жой; ажрим чиқарган суднинг номи ва ҳайъати; прокурор ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг иштироки тўғрисидаги маълумотлар; иш кассацион инстанцияда кимнинг шикоятни ёки протести билан кўрилганлиги; шикоят қилинган ёки протест келтирган ҳал қилув қарорининг номи ва унинг қисқача мазмуни; кассацион шикоятда ёки протестда ифодаланган важлар; келтирилган материалларнинг қисқача мазмуни; кассацион инстанцияда ишни кўришда иштирок этувчи шахсларнинг баёнотлари ва прокурорнинг хулосаси, кассацион инстанция судининг хулосаларига асос бўлган далиллар ва суд қўллаган қонун; суднинг қарори кўрсатилади.

Суд ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборса, ишни янгидан кўришда қандай ҳолатларни аниқлаш зарурлигини, қандай далилларни талаб қилиб олиш кераклигини, шунингдек, биринчи инстанция суди бошқа қандай ҳаракатларни бажариши лозим эканлигини ўз ажримида кўрсатиши керак.

Суд кассацион шикоят ва протестни рад этса, қандай асосларга кўра шикоят ёки протестдаги далилларни нотўғри деб ёки ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлмади деб топганлигини ҳам ўз ажримида кўрсатишга мажбур (ГПКнинг 339-моддаси). Кассацион тартибда ишни кўрган суднинг ажримида баён қилинган кўрсатмалар шу ишни янгидан кўрадиган суд учун мажбурийдир.

Ишни кассацион тартибда кўраётган суд ҳал қилув қарорида белгиланмаган ёки уни рад қилинган ҳолатларни белгилашга ёки исботланган деб ҳисоблашга, бирор далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги тўғрисидаги, шунингдек, моддий ҳуқуқнинг қандай нормаси татбиқ қилиниши лозимлиги ва ишни янгидан кўрганда қандай ҳал қилув қарори чиқариш кераклиги тўғрисидаги масалани олдиндан белгилаб қўйишга ҳақли эмас (ГПК нинг 340-моддаси).

КАССАЦИЯ ШИКОЯТИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИШ ҲАҚИДА

А Ж Р И М

1987 йил 23 июнда Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлисида суд аъзоси Б. У. Норов раислигида, коллегия аъзолари К. Саидов ва С. Комиловалардан иборат

ҳайъатида. Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони судининг 1987 йил 7 майда кўрган 600-рақамли фуқаролик иши бўйича чиқарган ҳал қилув қарорига жавобгар Бахтиёр Дўстмуҳаммедов томонидан норози бўлиб келтирилган кассация шикоят аризаси кўрилиб, иш бўйича ҳайъат аъзоси С. Комиловнинг маърузаси тингланиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар Н. Т. Дўстмуҳаммедова судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, 1979 йили жавобгар Бахтиёр Дўстмуҳаммедов билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганини, ўрталарида икки нафар фарзандлари: қизи Ҳилола 1980 йил 20 июлда, Зилола 1984 йил 10 октябрда туғилганлигини, турмушларининг бошида яхши яшашганлигини, лекин кейинчалик жавобгарнинг муомаласи ўзгариб, тез-тез жанжал қила бошлаганини, сўнг судга ажралиш учун ариза берганлигини, аввалига у болаларини етим қилмаслик учун ажралишга норози бўлганлигини, кейинчалик эса жавобгар бошқа аёлга уйланишини билгандан сўнг у билан бирга яшашга кўзи етмаганлиги сабабли ўрталаридаги никоҳни бекор қилишни, шу билан бирга турмуш даврида олинган мол-мулклар борлигини, шулардан ЛУАЗ—969 маркали давлат номери Д 27 05 ТН автомашинани унинг фойдасига қолдиришни, қолган мулкларни эса жавобгарга қолдиришни сўраган.

Жавобгар Б. Дўстмуҳаммедов ажралишга рози эканлигини, турмуш даврида олинган мол-мулкларнинг ҳаммасини даъвогарга қолдириб, ЛУАЗ—969 маркали автомашинани эса ўзига фойдаланиш учун қолдиришни сўраган.

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони судининг 1987 йил 7 майда чиқарган ҳал қилув қарорига кўра, Дўстмуҳаммедовлар ўрталаридаги никоҳ бекор қилиниб, никоҳни бекор қилишда жавобгар Дўстмуҳаммедовдан давлат божи 100 сўм ундирилиб, томонларнинг турмуш даврида олинган мол-мулклари улар ўртасида тақсимланиб, даъвогар Н. Т. Дўстмуҳаммедовага ЛУАЗ—696 маркали давлат номери Д. 27 05 ТН автомашина қолдирилиб, жавобгар Б. Дўстмуҳаммедовга эса 1982 сўмлик мол-мулк қолдирилган.

Жавобгар Б. Дўстмуҳаммедов томонидан ёзилган шикоят аризасида суднинг ҳал қилув қарорининг мол-мулк

масаласида нотўғри қарор чиқарган ҳисоблаб, автомаши-
нани даъвогарга эмас, балки унга қолдириш лозим экан-
лигини, чунки унга жуда ҳам транспорт зарур эканлигини
кўрсатиб, суд қарорининг мол-мулкни тақсимлаш қисмини
бекор қилишни сўраган.

Судлов ҳайъатининг мажлисида томонлардан Б. Дўст-
муҳаммедов ўзи кассация шикоятни ёзган бўлса-да, суд
томонидан ҳайъат мажлисининг бўлиш вақти, соати
кўрсатилган бўлишига қарамай, номаълум сабабларга кўра
келмади. Шунинг учун ҳайъат ГПК 326-моддасининг
2-бандига кўра фуқаролик ишини томонларсиз кўриши
мумкин деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати ишни атрофлича кўриб, шикоят ари-
засида ёзилган важларни муҳокама қилиб, қуйидагиларга
кўра суднинг чиқарган қарорини тўғри деб топади ва уни
бекор қилиш учун асос йўқ деб ҳисоблайди.

Иш материалларига кўра тарафлар — Дўстмуҳаммедов-
лар 1979 йил 19 июнда никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган,
турмушлари даврида икки нафар фарзанд кўришган. Суд
тарафларнинг никоҳларини бекор қилиш учун сабаб бўл-
ган ҳолатларни атрофлича текшириб, никоҳни бекор
бўлишида жавобгарни сабабчи деб топган, чунки даъвогар
Дўстмуҳаммедованинг кўрсатмаларига қараганда, тарафлар
фарзандлари туғилгунга қадар яхши яшашган, болалар
туғилгач, улар кўп касал бўлганлар, натижада даъвогар
боласи билан касалхоналарда ётиб, жавобгарни ва унинг
ота-онасининг хизматини қила олмаган. Натижада улар
ўртасида жанжаллар бошланган, жавобгар Дўстмуҳамме-
дов иккита вояга етмаган норасида фарзандлари бўлишига
қарамай, ғайриқонуний бошқа аёлга уйланиб олган. Шу-
нинг учун суд ҳар икки тарафнинг келгусида турмуш
қуриб кетишлари мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, улар
ўртасидаги никоҳни бекор қилиб тўғри қарор чиқарган.
Шикоятчи Дўстмуҳаммедов қарорнинг никоҳни бекор
қилиш қисмига қарши шикоят келтирмаган.

Тарафлар ўртасида мол-мулкни тақсимланишига кел-
ганда ҳайъат ҳал қилув қарорининг бу қисмини ҳам тўғри
деб ҳисоблайди, чунки суд автомашинали даъвогар Дўст-
муҳаммедовага қолдиришда, уни автомашина ҳайдаш кур-
сида ўқиётганини, шунингдек, икки ёш болаларини
Н. Дўстмуҳаммедова тарбиясида қолаётганини ҳисобга
олиб, қонун талабига кўра, мол-мулкнинг ҳажми, қийма-
ти, нархи кўпроғини даъвогарга қолдирган. Жавобгар

Дўстмуҳаммедовга эса магнитофон, телевизор, гилам, кўрпа-ёстиқлар ва ҳоказолар — умумий миқдори 1982 сўмлик мол-мулк қолдирган. Ҳозирда Дўстмуҳаммедов янги оила қурган, шунинг учун суд ўз қарорида даъвогарга автомашинани қолдиришда Оила ва никоҳ кодексининг 27-моддасига кўра иккита ёш болаларини ҳисобга олган ҳолда, ҳайъат чиқарган ҳал қилув қарорини асосли деб ҳисоблайди.

Фуқаролик судлов ҳайъати юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 331--332-моддаларига асосан

Ажрим қилади:

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони судининг 1987 йил 7 майда даъвогар Н. Т. Дўстмуҳаммедованинг жавобгар Б. Дўстмуҳаммедовга нисбатан никоҳни бекор қилиш ва мол-мулкни тақсимлаш ҳақидаги даъво аризаси бўйича кўрилган фуқаролик иши юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилсин.

Кассация шикоятни қаноатлантирилмай қолдирилсин.

Ажрим устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Раислик қилувчи: *Б. У. Норов*

Суд аъзолари: *К. Саидов*

С. Комилова

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ АЖРИМИГА НИСБАТАН ШИКОЯТ, ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШИ ҲАҚИДА

Қонун биринчи инстанция судининг чиқарган барча ажримлари устидан шикоят бериш ёки протест келтириш мумкинлигини кўрсатмайди.

Шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин бўлган ажримлар қонунда, масалан, ГПКнинг 105; 109; 114; 136; 143; 158; 221—224; 228; 239; 281; 287-моддаларида тўғридан тўғри кўрсатилган. Бундан ташқари, суднинг ажрими ишнинг келгусидаги ҳаракатига тўсқинлик қиладиган ҳолларда ҳам, масалан, аризани ёки кассацион шикоятни қабул қилиш тўғрисидаги илтимос рад қилиниши, ишнинг юритилишини тўхтатиш ва бошқа баъзи ҳолларда чиқарилган ажримлар устидан хусусий шикоят берилмаслиги ёки протест келтирилмаслиги қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлади. Бундай ҳолларда

ажримларга қарши эътирозлар кассацион шикоят ёки протестда кўрсатилиши мумкин.

Хусусий шикоят ёки протестларни кўришда кассацион инстанциянинг ваколати ГПКнинг 346-моддасида белгиланган. Бу қонунга биноан кассацион инстанция суди хусусий шикоят ёки протестни кураётганда, аажримларни ўзгартирмасдан қолдириб, шикоят ёки протестни қаноатлантирмасликка ёки аажримни бекор қилиб, масалани янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга; ёхуд аажримни тўла ва қисман бекор қилиб, масалани мазмунан ҳал қилишга ҳақлидир.

Хусусий шикоят ёки протест бўйича кассацион инстанция суди чиқарган аажрим устидан шикоят бериш мумкин эмас. Бундай аажрим чиқарилиши билан у дарҳол қонуний кучга киради (ГПКнинг 347-моддаси).

Кассацион инстанция суди биринчи инстанция судига нисбатан унинг томонидан иш кўрилишида йўл қўйилган камчиликлар, қонуннинг бузилиши ҳолларини кўрсатиб (ГПКнинг 235-моддаси) хусусий аажрим чиқариши мумкин (ГПКнинг 342-моддаси).

ХУСУСИЙ АЖРИМ

1989 йил 20 октябрда Жиззах вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлиси бўлиб, унда раислик қилувчи судья Т. Ғ. Норқулов, суд аъзолари К. С. Рустамова, Р. Пўлатжоновалар ҳайъатида даъвогар В. Ғафуровнинг жавобгар Жиззах пахта тозалаш заводидан 500 сўм ундириш тўғрисидаги иши юзасидан Жиззах райони судининг 1989 йил 27 сентябрь куни чиқарган ҳал қилув қарори устидан жавобгар Жиззах шаҳар пахта тозалаш заводининг кассация шикояти кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Жиззах райони судининг 1989 йил 27 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра жавобгар Жиззах шаҳар пахта тозалаш заводидан даъвогар В. Ғафуров фойдасига 500 сўм ундириш тўғрисидаги масала ҳал этилган.

Жиззах вилояти суди фуқаролик судлов ҳайъатининг 1989 йил 10 октябрдаги аажрими билан суднинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган. Шунга қарамай, кассация тартибида ишни кўришда суд томонидан ҳал қилув

қарорини чиқаришда уни бекор қилиш учун асос бўладиган даражада камчиликлар бўлмаса-да, айрим процессуал қонунлар бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ишда тўпланган ҳужжатлар шуни кўрсатадики, судга фуқаролик иши 1989 йил 30 июнда келиб тушганлигига қарамай ва ГПКнинг 115-моддасида кўрсатилган 1 ойлик муддатга рия қилмай, иш мазмунан 1989 йил 10 сентябрь куни кўрилган. Бунга сабаб ишни кўришга етарли даражада тайёргарлик кўрмаганидир. Ишни мазмунан кўриш учун ГПКнинг 161-моддасида кўрсатилган процессуал ҳаракатлар аниқланмаган ва бу ҳақда суд ажрими чиқарилмаган. Бунинг натижасида иш икки марта мазмунан кўришга тайинланган бўлишига қарамай, турли сабабларга кўра қолдирилган; жумладан, 1989 йил 28 август куни кўрилган иш бўйича жавобгарнинг келтирган зарари бўйича унинг айбини аниқлаш мақсадида айрим ҳужжатларни талаб қилиб ишга қўшиш зарурлиги ажримда кўрсатилган бўлса-да, 1989 йил 2 сентябрь кунги суд мажлисида бу ҳужжатларни талаб қилиб олинмаганлиги ва бунинг ижросини раислик қилувчи судья Н. К. Қобулов ўз назоратига олмаганлиги аниқланди. Шу сабабга кўра иш кўриш яна 1989 йил 6 сентябрь кунига қолдирилди. Кейинги суд мажлисида жавобгар тараф ҳам даъвогарнинг айрим ноҳўя ҳаракатларини кўрсатиб бунинг асослаш учун гувоҳлар А. Хидиров, В. Тошпўлатовни чақириб сўроқ қилишни талаб қилди. Бу ҳолатларни текшириш учун суд иш кўришни тайёрлаш масаласига жиддий эътибор бериш лозимлиги тўғрисидаги қонун талабларига рия қилмаганлиги туфайли, судда иш кўриш муддати асосиз равишда чўзилган, бу эса судга чақирилган гувоҳларнинг асосий меҳнат вазифаларини ўз вақтида бажаришга таъсир кўрсатганлиги сабабли даъвогарни норози бўлишига ва шикоят қилишига асос бўлган.

Суд ҳайъати юқоридаги ҳолатларга кўра ГПКнинг 235 ва 342-моддаларига асосан

Ажрим қилади:

Даъвогар Вали Ғафуровнинг жавобгар Сирдарё пахта заводидан 500 сўм зарар суммасини ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишини суд мажлисида кўришда раислик қилган шу район судининг судьяси Н. К. Қобуловнинг жараёнга етарли даражада тайёргарлик кўрмаганлиги ва ишни

кўриш муддатини сабабсиз ўтказиб юборганлиги ҳақидаги ҳаракатлари бўйича Жиззах вилояти Адлия бошқармасига хабардор қилинсин.

Кўрилган чора-тадбирлар ҳақида Жиззах вилояти суди ушбу хусусий ажрим нусхасини олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида хабардор қилинсин.

Раислик қилувчи: *Т. Ф. Норқулов*
Ҳайъат аъзолари: *Қ. С. Рустамов*
Р. Пулатжонова

ХУСУСИЙ АЖРИМ

1990 йил 13 октябрда Наманган вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлиси бўлиб, унда раислик этувчи У. Бакиров суд аъзолари С. Бахриев, Р. Хотамовларнинг ҳайъатида даъвогар У. Зокировнинг жавобгар Наманган райони Вино заводида нисбатан ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун ҳақ ундириш тўғрисидаги Наманган райони судининг 1990 йил 25 сентябрда чиқарган ҳал қилув қарори юзасидан Наманган райони вино заводининг кассация тартибида келтирган шикоят аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Наманган райони судининг 1990 йил 25 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, жавобгар Наманган райони Вино заводидан даъвогар У. Зокиров фойдасига ноилождан бекор юрган вақти учун 213 сўм ундирилган ҳамда ишга тиклаш тўғрисидаги даъвоси қаноатлантирилган. Наманган вилояти судининг фуқаролик судлов ҳайъатининг 1990 йил 18 октябрдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинган. Суд бунга асос қилиб, суднинг ушбу фуқаролик ишини кўришда кўплаб процессуал хатоликларга йўл қўйгани ва йиғилган далилларни таҳлил қилмай ва тайёрлов босқичида бажариладиган процессуал ҳаракатларга эътибор бермай, ГПКнинг 161-моддасидаги талабларга риоя қилмай, ишни мазмунан кўришда шошма-шошарлик билан хулосага келганлигини ва ГПКнинг 15, 208, 213-моддалари талабларини қўпол равишда бузганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, суд, суд мажлиси давомида ГПКнинг 165-моддасидаги талабларга риоя қилмай, мажлиснинг иккинчи куни, яъни 1990 йил 24 сентябрда халқ маслаҳатчиси С. Назировнинг ўрнига Б. Эгамовни қатнаштиради ва суд

иш кўришни тўхтаган жойидан давом эттиради Б. Эгамовнинг суд мажлисида маслаҳатчи сифатида қатнашаётганлиги эълон қилинмаган ва алмаштириш сабаблари ҳақида прокурор, тарафларнинг фикрлари эшитилмаган, бундан ташқари, суд ҳал қилув қарорини ўқиб эшиттириш чоғида Б. Эгамовни қатнашгани ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

ГПКнинг 211—213-моддаларида суд ҳал қилув қарорининг мазмуни ва эълон қилиш тартиби тўғрисида кўрсатилган бўлиб, қонун талабига кўра, суд ҳал қилув қарорини маслаҳат уйида ёзгандан сўнг суд залида тўлиқ ўқиб эшиттирилиши лозим бўлса-да, суд ҳайъати маслаҳат уйида бир неча дақиқагина бўлиб чиқади ва раислик қилувчи У. Бозоров ҳал қилув қарорининг фақат қарор қисмини оғзаки равишда эълон қилади. Унинг бу ҳаракати билан ГПКнинг 208-моддасидаги талаблар бузилган. Ҳал қилув қарорининг тўлиқ матни билан уч кундан сўнг таништириш тўғрисидаги қоида ҳам бузилган. Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб: "суд Ўзбекистон Республикаси ГПКнинг 279—282-моддаларини қўллаб қарор қилади", деб кўрсатган.

Судлов ҳайъати ушбу фуқаролик ишини суд мажлисида кўришда раислик қилувчи халқ судьяси У. Бозоров томонидан йўл қўйилган камчиликларни алоҳида таъкидлаш билан унинг ҳаракатларини Наманган вилояти адлия бошқармасининг оператив йиғилишида муҳокама этилмоғини лозим деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати юқоридагиларга кўра ГПКнинг 342-моддасини қўллаб,

Ажрим қилади:

Наманган вилояти, Наманган райони судининг 1990 йил 25 сентябрда даъвогар У. Зокировни жавобгар Наманган райони Вино заводига нисбатан қўзғатилган фуқаролик ишини кўришда иш бўйича раислик қилган халқ судьяси У. Бозоров йўл қўйган камчиликлари ҳақида Наманган вилояти Адлия бошқармаси хабардор қилинсин.

Кўрилган чора-тадбирлар ҳақида Наманган вилояти суди ушбу хусусий ажримининг нусхасини олган кундан бошлаб бир ой мuddат ичида хабардор қилинсин.

Раислик қилувчи: У. Бакиров
Ҳайъат аъзолари: С. Бахриев
Р. Ҳотамов

Ўзбекистон республикаси олий суди
фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг

А Ж Р И М И

1990 йил 13 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлисида раислик қилувчи А. Б. Турабов, ҳайъат аъзолари К. Г. Соатов ва А. К. Илёсовлардан иборат ҳайъатда, Ўзбекистон Республикаси прокурорининг ёрдамчиси К. С. Расулованинг иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Судининг 1990 йил 20 августда кўрган фуқаролик иши бўйича чиқарган ҳал қилув қароридан Қ. Ўтегеновнинг норози бўлиб келтирган кассация шикоятни кўрилди.

Ҳайъат томонидан иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг аъзоси А. Б. Туробовнинг маърузаси тингланиб, тубандагилар

Аниқланди:

Қайипбой Ўтегенов билан Марзия Абдижакбаровна Қаршиева 1982 йил 18 августда никоҳдан ўтиб оила қурганлар. Шу давр ичида 1983 йилда туғилган Берик, 1985 йилда туғилган Жадра, 1987 йилда туғилган Жанибек исмли фарзандлар кўрганлар. Тарафлар 1990 йил май ойида никоҳдан ажралишган бўлиб, отаси Қ. Ўтегенов уч нафар фарзандларини олиб, онасининг уйига кетган.

Қ. Ўтегенов судга мурожаат этиб, М. А. Қаршиева 1986 йилдан буён спиртли ичимлик истеъмол қилишга мойил бўлиб қолганлиги туфайли оилада тез-тез жанжаллар бўлиб турганлигини, унинг насиҳатларига қулоқ солмаслигини кўрсатиб, никоҳни бекор қилишни, уч нафар фарзандларини ўз тарбиясида қолдиришни сўраган.

М. А. Қаршиева даъвонинг никоҳни бекор қилиш ҳақидаги қисмига рози бўлиб, даъвогарнинг ўзи муттасил равишда спиртли ичимлик истеъмол қилишини, унга ҳам мажбур қилиб ичиришини, даъвогардан қўрқиб бирор жойга мурожаат қилмай келганлигини кўрсатиб, болаларни ўз тарбиясига олиб бериб, Ўтегеновдан нафақа ундириб беришни сўраган.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1990 йил 20 августдаги ҳал қилув қарори билан тарафлар ўртасидаги никоҳ бекор қилиниб, 1983 йилда туғилган Берик исмли ўғли отаси — Қ. Ўтегеновнинг тарбиясида қолдирилган, 1985 йилда туғилган Жадра ва 1987 йилда туғилган Жанибеклар эса онаси — М. Қаршиеванинг тарбиясига олиб берилиб, бу икки нафар боланинг таъминоти учун Қаршиева фойдасига Ўтегенов даромадларидан учдан бир қисми миқдорида нафақа ундирилган.

Қ. Ўтегенов суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, келтирган кассация шикоят аризасида васийлик ва ҳомийлик органининг хулосасини, шаҳар халқ таълими бўлимининг вакили фикрини, наркологик диспансернинг Қаршиеванинг кайфи борлиги ҳақида берган маълумотини ва унинг спиртли ичимликлар ичиб юрганини кўрган гувоҳларнинг кўрсатмаларини ва бошқа иш ҳолатларини эътиборга олмай, икки нафар болани Қаршиевага нотўғри олиб берилганлигини ва у болаларни тарбия қила олмаслигини баён қилган.

Кассация шикоятига билдирган эътирозидида М. Қаршиева Ўтегеновнинг важлари нотўғри эканлигини кўрсатиб, суднинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўрайди.

Суд ҳайъати иш материалларини текшириб, кассация шикоятда келтирилган важларни муҳокама қилиб, тарафларнинг баёнотлари прокурорнинг хулосасини эшитиб, ҳал қилув қарорини қисман ўзгартиришни лозим топди.

Суд Ўтегенов билан Қаршиева ўртасида бир-бирига ҳурмат, эътибор қолмаган деб ҳисоблаб, уларнинг никоҳини бекор қилиш масаласида тўғри хулосага келган.

Суд беш ёшли Жадра ва уч ёшли Жанибекларни Қаршиеванинг тарбиясига тўғри олиб берган.

Никоҳ ва оила кодексининг 73-моддасига кўра, ота билан она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Суд ота-она алоҳида турганларида вояга етмаган болаларнинг ким билан туриши масаласида улар ўртасида келишув бўлмаганида, нисбати фақат болаларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади.

Суд Жадра билан Жанибекни онасининг тарбиясига олиб беришда уларнинг ҳали жуда ёш эканликларини, она меҳри ва муомаласига муҳтож эканликларини, шу

кунга қадар уларни тарбия қилиб келганлигини эътиборга олган. Бундан ташқари, Ўтегенов эртадан кечгача ишда бўлиб, ёш болаларнинг тарбиясига, уларга озиқ-овқат тайёрлаш, усти-бошларини ювиш, тозалаш каби ишларга вақти ва имконияти йўқлигини ҳам суд эътиборга олган.

Қ. Ўтегеновнинг: "М. Қаршиева болаларни тарбиялай олмайди", деган важи билан келишиб бўлмайди, чунки васий ва ҳомийлик органининг хулосасига қараганда, Қаршиева яшаётган турар жой уч хонали, шароити яхши эканлиги кўрсатилган. Қаршиеванинг қўшнилари Р. Бухдиева, З. Жариекапбаевалар даъвогарни спиртли ичимлик ичиб келган жанжал чиқариб, оиласига тинчлик бермай келишини кўрсатганлар.

Нукус шаҳар халқ таълими бўлимининг вакилини болаларни Қ. Ўтегеновнинг онасини ёки янгасининг тарбиясида қолдириш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фикри билан ҳам келишиб бўлмайди, чунки ота-оналар бошқа шахсларга кўра ўз болаларини тарбиялашда устунлик ҳуқуқига эгадирлар.

Қонун бўйича болаларига таъминот беришга ота-онанинг ҳар иккови ҳам мажбурдирлар. Шунинг учун бола она тарбиясида бўлса — отадан, ота тарбиясида бўлса — онадан алимент ундирилади.

Суд 1983 йилда туғилган Берик исмли болани Қ. Ўтегеновнинг тарбиясида қолдиргани ҳолда, унинг таъминоти учун таъминот бериш онанинг ҳам мажбурияти эканлигини эътиборга олмаган ва М. Қаршиеванинг тарбиясидаги икки нафар боланинг таъминоти учун Қ. Ўтегеновнинг ойлик даромадидан учдан бир қисми миқдоридан нафақа ундирган. Иш материалларга қараганда, Қ. Ўтегенов ва М. Қаршиеваларнинг ойлик маошлари деярли тенгдир. Шу сабабли Ўтегеновдан унинг тарбиясида бир бола қолдирилишини эътиборга олиб, икки нафар боланинг таъминоти учун тўртдан бир қисм миқдоридан нафақа ундирилиши лозим эди. Суд томонидан йўл қўйилган бу ҳолатни тўғрилашни ҳайъат лозим топди.

Бинобарин, судлов ҳайъати ГПКнинг 331—332-моддаларига асосан

А ж р и м қ и л а д и :

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1990 йил 20 август-

даги мазкур иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори қисман ўзгартирилиб, Қайипбой Ўтегеновдан ундирилган алимент даромаднинг тўртдан бир қисми миқдориде деб белгилансин.

Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Раислик этувчи: *А. Б. Турабов*
Ҳайъат аъзолари: *К. Г. Соатова*
А. К. Илёсов

Х.

СУДНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ, АЖРИМЛАРИ ВА ҚАРОРЛАРИНИ НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ҚАЙТА КЎРИШ

Агар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими устидан тарафлар шикоят бермасалар, прокурорнинг протести бўлмаса, бундай қарорлар қонуний кучга киради. Аммо гражданлик ишини ҳар томонлама текшириш натижасида суд назорати органлари биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, кассацион инстанциянинг суди эса — ажрими ғайриқонуний, асослантирилмасдан чиқарилган деган хулосага келсалар, ишни назорат тартибида қайта кўриш учун протест келтирадилар ва иш назорат тартибида кўрилади.

Баъзи ҳолларда ишнинг мураккаблиги туфайли биринчи инстанция судининг хатоси кассацион инстанцияда тузалмай қолади. Бундай ҳолларда қонуний бўлмаган, асоссиз ҳал қилув қарорлари ва ажримлари қонуний кучга кирган бўлса, иш назорат тартибида қайта кўрилиб, хатолар тузатилиши мумкин.

ГПКнинг 362-моддасига кўра, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ёки ажримларини назорат тартибида бекор қилишга уларнинг асоссизлиги, қонуннинг қўпол бузилиши ёки давлат ва граждaнларнинг манфаатига очиқдан-очиқ зид келиши асос бўла олади.

Гражданлик ишларининг назорат тартибида қайта кўрилишининг истисно характерга эга бўлиши шундан иборатки, назорат тартибида ишни қайта кўриш мажбурий ва албатта зарур боқич эмас. Тарафлар томонидан келтирилган шикоятлар ўз-ўзидан ишни назорат тартибида

қайта кўришга асос бўла олмайди. Назорат босқичида ишни фақат суд ва прокуратура идораларининг қонун бўйича протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари протестларига асосангина кўрилади.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва ажримларига назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси қонун билан қатъий чекланган (ГПКнинг 349-моддаси).

Кассацион иш юритишдан, суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримларини назорат тартибида қайтадан кўришнинг фарқи шундаки, бунда фақат назорат тартибида протест келтиришга ҳуқуқли бўлган мансабдор шахслар томонидан келтирилган протестлар бўйичагина иш назорат тартибида қайта кўрилади.

Протестга, назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ўзлари имзо қўйишлари лозим. Уларнинг номидан келтирилган протестларга протест келтириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар имзо қўйса, бундай протестнинг назорат тартибида кўрилишига йўл қўйилмайди.

Қонун район ва шаҳар прокурорларига протест келтириш ҳуқуқини бермаган. Бироқ район ва шаҳар прокурорлари судларда гражданлик ишларининг кўрилиши юзасидан назорат олиб бериш билан ГПКнинг 351-моддасига асосан тегишли суддан гражданлик ишларини талаб қилиб олиб, протест келтириш учун асослар борлиги масаласини кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишни чақириб олган район (шаҳар) прокурори суднинг иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан протест келтирилишини лозим деб топса, юқори прокурорга ишни назорат тартибида кўриш зарурлиги тўғрисида тақдимнома киритади. бундай ҳолларда протест киритиш ёки киритмаслик масаласини юқори прокурор ҳал қилади.

Амалдаги қонунда суд қарорлари ёки ажримларига назорат тартибида шикоят бериш ёхуд келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар кўрсатилмаган бўлса-да, бу ҳол судларнинг ҳал қилув қарори ёки ажримини нотўғри деб ҳисоблаган ҳар бир граждан ёки ташкилотга суд назорати инстанциясига шикоят ёки ариза билан тегишли суд, прокуратурага мурожаат қилиш имкониятидан маҳрум этмайди.

Аксарият ҳолларда ваколатли шахслар томонидан ишни чақириб олиб, суднинг ҳал қилув қарори ёки ажримини қонуний ва асосли бўлишини текширишга тарафларнинг, учунчи шахсларнинг ҳамда ишда қатнашган давлат ва жамоат идораларининг шикоятлари асос бўлади.

Тошкент шаҳар судининг раисига
Тошкент шаҳри, Куйбишев райони суди даъвогар
Дилбар Ҳидоятванинг жавобгар Бахтиёр
Ҳидоятов билан тузилган никоҳни бекор
қилиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича
кўрилган фуқаролик иши юзасидан 1989 йил
24 июлда чиқарган ажримига нисбатан назорат
тартибида протест келтириш ҳақида

ИЛТИМОСНОМА

Куйбишев райони судининг иш юритувида менинг даъво аризамга асосан эрим Бахтиёр Ҳидоятов билан тузилган никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги фуқаролик иши бўлиб, бу иш бизга номаълум сабабларга кўра 1989 йил март ойидан буён кўрилмасдан келди. Кейинчалик, яъни 1989 йил август ойининг 10 кунда хабар олсам, судья; "судга келмаганлик сабабли даъво ариза кўрилмасдан қолдирилди", деб айтдилар.

Суд ажримида ишни кўрмасдан қолдиришга асос қилиб, тарафларнинг узрсиз сабабларга кўра бир неча бор суд мажлисига келмаганлик ҳолатлар кўрсатилган.

Суднинг бу фикри асоссиз эканлигини қуйидагича таъкидлайман:

1) мен даъвогар сифатида, жавобгар-эримни ҳам бирор маротаба суд мажлисига чақирилмаганмиз, агар чақирилган бўлсак эди, чақириқ қоғозларини қачон ва кимга топширганликларини аниқлаб беришлари лозим;

2) ГПК 244-моддасининг 5-бандига асосан агар тарафлар иккинчи чақириқ бўйича ҳам узрсиз сабабларга кўра келмасалар ва суд бу ишни кўриб ҳал қилиш мумкин эмас, деб ҳисобласагина, аризани кўрмай қолдириш мумкинлиги кўрсатилган.

Суд юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 116-120-моддаларига риоя қилмаган деб ҳисоблайман.

Шунинг учун ҳам Куйбишев райони судининг 1989 йил 24 июлдаги ажрими билан келишмасдан, ГПКнинг 349, 350, 351-моддаларига асосан

Сўрайман:

Ушбу гражданлик иши юзасидан чиқарилган ажримни қонуний ва асосли эканлиги текширилиб, назорат тартибида протест келтирилсин ва иш қайта кўриш учун юборилсин.

Илова: 1. Халқ судининг ажримидан нусха.

2. Иш кўриш жараёнида хизмат вазифамни бажарганим ҳақида маълумот.

1990 йил 30 сентябрь.

Д Ҳидоятова

ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Суд ва прокуратура идораларининг протест киритишга ҳуқуқли бўлган мансабдор шахсларидан ҳар бир шикоятни ўз вақтида ва унда келтирилган вазларни тўла ва чуқур текшириш талаб қилинади.

Агар иш материалларини ўрганиш натижасида чиқарилган ҳал қилув қарори ёки ажримга протест келтириш лозим деган хулосага келинса, протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг номидан унинг топшириғи билан тегишли суд назорати номига протест тузилади.

Протестда, протест йўлланган суднинг номи ва протест киритган шахснинг номи, протест қилинаётган қарор ёки ажрим ва бу қарор ёки ажримни чиқарган суд қарорининг нотўғрилиги нималардан иборатлиги ва қандай қонунлар бузилганлиги албатта кўрсатилиши ҳамда протест асослантирилган бўлиб, унда ишнинг ҳақиқий ҳолатларига ҳуқуқий таҳлил берилган бўлиши лозим.

Самарқанд вилоят судининг президиумига Самарқанд вилояти прокуроридан

Самарқанд вилояти судининг гражданлик ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 1990 йил 6 мартда даввогар "Шакар" тикувчилик фабрикасининг Азизхон Ботировани турар-жойдан кўчириш тўғрисидаги даввоси бўйича чиқарган ажрими устидан назорат тартибила

ПРОТЕСТ

Самарқанд шаҳар коммунал хўжалик бўлимининг берган маълумотига кўра А. З. Ботирова Домбой кўчаси 37-уйнинг иккидан бир қисмининг эгаси бўлиб ҳисобланган. Унинг ер участкаси ҳам бошқа ерлар каби

район кенгаши ижроия қўмитасининг қарорига асосан "Шакар" фабрикасига кўп қаватли турар-жой қуриш учун ажратиб берилган.

Даъвогар "Шакар" фабрикаси А. З. Ботировага алоҳида бўлмаган 12 метр квадратли хонага кўчиб ўтишини таклиф қилганда, жавобгар бу таклифни рад этади. Булунғур район судининг 1990 йил 3 мартда чиқарган ҳал қилув қарорига кўра жавобгар А. Ботированинг турар-жойдан мажбурий кўчириш тўғрисидаги фабриканинг даъвоси қаноатлантирилмайди. Фабриканинг кассацион шикоятига кўра, Самарқанд вилоят судининг гражданлик ишлари бўйича судлов ҳайъати 1990 йил 10 мартдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Судлов ҳайъати ажримда А. Ботировани умумий квартирага кўчириш унинг манфаатларига зид бўлмаслиги, фабрика жавобгарга алоҳида квартира бермаса ҳам бўлиши ва бу ҳолат қонунда кўрсатилган деган важларни келтирган.

Суднинг бундай асослантирилмаган хулосаси билан келишиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам судлов коллегиясининг ажримини қуйидаги асосларга кўра бекор қилишни лозим деб ҳисоблайман.

Гражданларга қарашли ер участкаларини давлат манфаати учун олиб қўйилаётганда, гражданларга уй-жойнинг нархи тўланиши ёки уларнинг хоҳишига кўра алоҳида квартира берилиши тўғрисидаги амалдаги қонун талаблари бузилиб, А. З. Ботировага алоҳида квартира ўрнига умумий квартирадан битта хона берилган. Бу билан А. Ботированинг турар жойга бўлган ҳуқуқи поймол қилинганлиги кўринади.

Юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 349, 351-моддаларига асосан

Сўрайман:

Самарқанд вилояти гражданлик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1990 йил 10 мартда чиқарган ажрими бекор қилиниб, Булунғур район судининг 1990 йил 3 мартдаги ҳал қилув қарори ўзгартирилмасдан қолдирилсин,

Илова: 1. 2—163-рақамли гражданлик иши.

2. Тарафлар учун протестнинг 2 нусхаси.

Самарқанд вилояти прокурори,
3-класс адлия давлат маслаҳатчиси; Ф. Э. Маҳкамов

1990 йил 15 март.

Тошкент шаҳар судининг раиси томонидан Тошкент шаҳри, Куйбишев райони судининг даъвогар Дилбар Ҳидоятловнинг жавобгар Бахтиёр Ҳидоятловга нисбатан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича кўрилган граждандлик иши юзасидан 1989 йил, 24 июлда чиқарилган ажримига

ПРОТЕСТ

Даъвогар Дилбар Ҳидоятлова жавобгар Бахтиёр Ҳидоятлов билан ўрталаридаги тузилган никоҳни бекор қилишни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Тошкент шаҳри, Куйбишев райони судининг 1989 йил 24 июль куни чиқарган ажримига асосан даъво ариза кўрилмасдан қолдирилган.

Иш бўйича чиқарилган ажримни нотўғри ҳисоблаб, қуйидаги асосларга кўра бекор қилинмоғи, ишни эса мазмунан қайта кўриш учун юборилмоғи лозим деб ҳисоблайман.

Суд ажримида ишни кўрмасдан қолдиришга асос қилиб, тарафларнинг узрсиз сабабларга кўра бир неча бор судга келмаганлик ҳолатлари кўрсатилган.

Суднинг бу фикри билан келишиб бўлмайди, сабаби шуки, ГПК 244-моддасининг 5-бандига асосан; "агар тарафлар иккинчи чақириқ бўйича ҳам узрсиз сабабларга кўра келмасалар ва суд ишни кўриб ҳал қилиш мумкин эмас деб ҳисобласа, аризани кўрмай қолдириши мумкин".

Иш материалларига қараганда, иш кўриш учун бир неча марта тайинланган бўлиши ва тарафлар келмаганлиги сабабли бошқа кунга қолдирилган бўлиши ва тарафлар келмаганлиги сабабли бошқа кунга қолдирилган бўлиши талаб этилади. Бироқ жавобгар Б. Ҳидоятловни ГПКнинг 116—120-моддаларига хилоф равишда бирор марта ҳам судга чақиртирилмаганлиги ишда тўпланган материаллардан кўринади.

Даъвогар Д. Ҳидоятлова нозорат тартибида протест келтиришни сўраб ёзган аризасида бу ҳолатни асослаб, ажрим чиқарилган куни, яъни 1989 йил 24 июлда судга чақирилмаганлигини ва чақириқ қоғозини олмаганлигини баён этади.

Бундай ҳолатда суднинг мазкур иши бўйича даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақидаги ажримини асосли деб бўлмайди.

Ишни мазмунан қайта кўришда ГПКнинг 116—120-моддаларига риоя қилиш асосида тарафлар тегишли тарзда хабардор қилинмоқлари ва ишни уларнинг иштирокида ҳал қилиш чораларини кўрмоқлик лозим бўлади.

Юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 349—351-моддаларига асосан

Сўрайман:

Тошкент шаҳри, Куйбишев райони судининг даъвогар Дилбар Ҳидоятваннинг жавобгар Бахтиёр Ҳидоятовга нисбатан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича кўрилган гражданлик иши юзасидан 1989 йил 24 июлда чиқарилган ажрим бекор қилинсин.

Тошкент шаҳар судининг раиси: *А. Б. Абборов*

1989 йил 29 ноябрь.

ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛИБ БЕРИЛГАН ШИКОЯТ АРИЗАСИ ҲАҚИДА

Агар протест келтириш учун асослар топилмаганда, назорат тартибида протест келтиришни сўраб берган шикоятга хулоса хати тузилади. Хулоса хати шикоят қилиш важларининг ҳар бирига қониқарли ва асосли жавоб бериш билан шикоятни оқибатсиз қолдириш сабаблари ва иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори ёки ажримнинг мазмунан тўғрилиги ва бошқа ҳолатларини ўз ичига олиши лозим.

Протест киритиш учун асос топилмаган ҳолларда ишни чақириб олган ва иш бўйича тегишли ҳал қилув қарори ёки ажримнинг ижросини тўхтатган мансабдор шахс ижронинг тўхталишини бекор қилади ва бу ҳақда манфаатдор шахсларга хабар беради.

Учқўрғон шаҳри, Қамбаров кўчаси, 1-уйда
яшовчи Санобархон Полвоновага
Нусхаси Учқўрғон шаҳар судига берилди.

ХУЛОСА ХАТИ

Сизни Учқўрғон шаҳар судининг 1989 йил 4 июнда чиқарилган ҳал қилув қароридан норози бўлиб келтирил-

ган аризангиз Ўзбекистон Республикаси Олий Судида кўриб чиқилди.

Иш ҳолатларидан кўринишича, Рашид Қурбонов билан 1962 йилдан бошлаб қонуний никоҳда яшаб келгансиз Р. Қурбоновсиз билан никоҳдан ўтгунга қадар Учқўрғон шаҳри, Дзержинский кўчасидаги 18-уйнинг литер "А", "Г", "В", қисмларини қурган. Сиз билан биргаликда эса литер "Б" ва литер "А—Г" даги учта яшаш хонасини қурган.

Шунга кўра суд уй-жойнинг "Б" ва "А—Г" литердаги қисмини сизларнинг биргаликдаги умумий мулкнингиз деб тўғри хулоса чиқарган.

Никоҳ ва оила кодексининг 27-моддасига кўра, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулклари бўлинганда, уларнинг ҳиссалари тенг тақсимланади, шунга асосан суд уй-жойдаги ҳиссангизни пул баробарида ундириб берган.

"Турар-жойга шахсий мулк ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилиш юзасидан суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 8-бандида эр-хотиндан бири уйдаги ўз ҳиссаси учун пул компенсацияси олишга рози бўлган тақдирда уй иккинчисига қолдирилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Аниқланишича, ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, уй-жойдаги ҳиссангизни пул миқдорида олгансиз. Юқоридаги қарорга кўра, Сиз пул компенсациясини олишингиз билан уйдаги ҳиссангизга нисбатан ўз ҳуқуқингизни йўқотгансиз.

Юқоридагиларга кўра суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида протест келтиришга асос топилмади.

Илова: 90 варақли гражданлик иши.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди
раисининг ўринбосари: *О. Б. Эгамов*

НАЗОРАТ ТАРТИБИДА СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ УЧУН АСОСЛАР

ГПКнинг 350-моддасида назорат тартибида келтирилган протестларни кўрувчи судлар айтиб ўтилган.

Фуқаролик ишлари бўйича келтирилган протестларни кўрувчи судлар Ўзбекистон Республикаси суд тузилиши ҳақидаги Қонуннинг 33, 44, 54, 56, 60-моддаларида ҳам кўрсатилган.

ГПКнинг 354-моддасида кўрсатилишича, тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга уларнинг иши бўйича келтирилган протестнинг нусхаси юборилади. Зарур бўлган ҳолларда тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинадилар.

Олий Суднинг фуқаролик судлов ҳайъати назорат тартибида кўриладиган ишлар юзасидан қабул қилинадиган актлари — ажрим шаклида чиқарилади. Тошкент шаҳар суди, вилоят судлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Судининг Президиумлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Пленуми назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича қарор чиқаради.

Назорат тартибида иш кўрувчи суд ҳал қилув қарорини, кассацион инстанция ажримини ва қуйи суд назорати идораларининг қарорларини бекор қилиб, янги қарор чиқариши мумкин. Назорат инстанция суди келтирилган протестни суд мажлисида кўриб, уни рад этса, ўз қарорида (ажримда) протест важларининг нотўғрилигини батафсил кўрсатиб, протест берилган суд қарорини ўзгаришсиз қолдиради.

Агар иш бўйича бир неча ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорлар бўлса, суд назорати идораси улардан биттасини тўғри ва қонуний топиб, ўзгаришсиз қолдириб, қолган ҳамма ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорларни бекор қила олади.

Суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ёки қарорларини назорат тартибда бекор қилиш асослари ГПКнинг 362, 333—335, 241 ва 244-моддаларида кўрсатилган.

Тошкент вилояти суди Президиумининг қарори

1989 йил 13 декабрда Тошкент вилояти Судининг Президиуми мажлисида Президиумга раислик қилувчи С. Н. Наҳанов, Президиум аъзолари В. С. Ёлқинов, Д. Л. Пўлатов, Р. М. Қодиров, А. Б. Набиевларининг ҳайъатида, Тошкент вилояти прокурори вазифасини бажарувчи А. Н. Мирзаевнинг иштирокида иш юзасидан Президиум аъзоси А. С. Қамбаровнинг маърузасини тинглаб, даъвогар А. А. Иброҳимовнинг жавобгар М. А. Аҳмедовага нисбатан шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳақидаги фуқаролик иши бўйича 1989 йил 28 августда Тошкент вилояти, Куйбишев райони суди чиқарган аж-

римига Тошкент вилояти прокурорининг келтирган протести кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

А. А. Иброҳимов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Советская культура" рўзномасида жавобгар М. А. Аҳмедованинг мақоласи чоп этилиб, унда келтирилган фактларнинг асоссиз эканлигини ва бу унинг шаъни, қадр-қимматини камситишга сабабчи бўлганлигини кўрсатиб, Ўзбекистон республикаси ГКнинг 7-моддасига кўра, ўз шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилишини сўраган.

Тошкент вилояти, Куйбишев райони судининг 1989 йил 28 августда чиқарган ажримига кўра, ушбу фуқаролик иши кўрилмасдан қолдирилган.

Иш бўйича келтирилган протестда суднинг ажримини бекор қилиш тўғрисида масала қўйилган бўлиб, бунга асос қилиб даъвогарни судга келмаганлик сабаблари аниқланмаганлиги кўрсатилган.

Суд Президиуми мажлисида иш материаллари атроф-лича текширилиб, протестда келтирилган важлар таҳлил қилиниб, Тошкент вилояти Прокурорининг хулосаси эшитилиб, биринчи инстанция судининг чиқарган ажрими бекор қилиниши ва ишни қайта кўришга юборилиб, протест қаноатлантирилиши лозим деб топилди.

Суднинг фуқаролик ишини кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримда даъвогарнинг судга келмаганлигини асос қилиб кўрсатилган.

Иш материалларига кўра даъвогар Иброҳимов судга 14 майда мурожаат қилган бўлишига қарамай, суд Ўзбекистон Республикаси ГПКнинг 115-моддасига хилоф равишда ишни 1989 йил 17 июлда кўрган. Суд мажлисида жавобгар адвокат ёрдамига муҳтожлигини билдиргани учун иш кўришни 1989 йил август ойининг 18 кунига қолдирган.

Ишни судда кўриш асоссиз равишда кечиктирилиб, 1989 йил 28 августга тайинланган. Суд даъвогарни суд мажлисига келмаган деб, ишни кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради. Лекин даъвогар Иброҳимовнинг 1989 йил 28 августда судга чақирилганлиги бирон-бир ҳужжат билан тасдиқланмаган.

Суд бу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ГПКнинг 116—120-моддаларига хилоф иш тутган, бундан

ташқари ГПКнинг 178-моддасида кўрсатилганидек, ишда иштирок этувчи шахслар ёки улар вакилларининг бирон таси суднинг чақирув хатини олгани тўғрисида маълумот бўлмаса, улар суд мажлисига келмаган тақдирда, суд ишни кўришни қолдириши лозимлиги тўғрисидаги қоидага риоя қилмаган ва даъвогарнинг 1989 йил 28 августда судга нима сабабдан келмаганлигис абабларини тўлиқ аниқламай, ушбу фуқаролик ишини асоссиз равишда кўрмасдан қолдирган деб ҳисоблаб, суд Президиуми унинг ажримини бекор қилишни лозим топади.

Келгусида ишни қайта мазмунан кўришда, тарафларни ишга жалб қилган ҳолда, уларнинг важларини қонун талабларига кўра текшириб, ишда тўпланган далиллар ва ҳужжатларга таянган ҳолда низолни иш ҳал этилмоғи лозим.

Тошкент вилояти судининг Президиуми юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 361-моддасига асосан

Қарор қилади:

Тошкент вилояти прокурорининг келтирган протести қаноатлантирилсин.

Тошкент вилояти, Куйбишев райони судининг 1989 йил 28 августда даъвогар А. А. Иброҳимовни жавобгар М. А. Аҳмедовага нисбатан шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳақидаги фуқаролик иши бўйича чиқарган ажрими бекор қилинсин ва ишни бошқа ҳайъатда қайта кўриш учун шу район судига юборилсин.

Тошкент вилояти суди
Президиумининг раиси: С.Н. Наҳанов

Тошкент вилоят суди Президиумининг қарори

1989 йил 13 декабрда Тошкент вилояти суди Президиумининг мажлисида Президиумда раислик қилувчи вилоят судининг раиси А. Б. Аброров, президиум аъзолари Н. С. Ҳақимов, М. Н. Ниятов, А. С. Иброҳимова, С. Х. Тўхтаевларнинг хайъатида, вилоят прокурори С. Мирзасевнинг иштирокида иш юзасидан суд аъзоси А. Б. Аброровнинг маърузаси тингланиб, Октябрь райони судининг 1989 йил 24 июлдаги даъвогар Д. Ҳидоятванинг никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги фуқаролик иши юза-

сидан Тошкент вилояти суди раиснинг назорат тартибида келтирган протести кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар Д. Ҳидоятова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Б. Ҳидоятлов билан ўрталаридаги никоҳни бекор қилишни сўраган. Тошкент вилояти Откбяръ райони судининг 1989 йил 24 июль куни шу иш юзасидан чиқарган ажримга асосан даъво аризаси кўрилмасдан қолдирилган.

Иш юзасидан келтирилган протестда суднинг ажримини бекор қилиш тўғрисидаги масала қўйилган бўлиб, даъвогарни судга келмаганлик сабаблари тўлиқ аниқланмаганлиги бунга асос қилиб кўрсатилган.

Суд Президиумининг мажлисида иш материаллари атрофлича таҳлил қилиниб, Тошкент вилояти прокурорининг хулосасини эшитилиб, биринчи инстанция судининг чиқарган ажрими бекор қилиниши ва ишни қайта кўришга юборилиб, протест қаноатлантирилиши лозим деб топилди.

Халқ судининг фуқаролик ишини кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримда тарафларни узрсиз бир неча бор судга келмаганлик ҳолатлари асосий сабаб қилиб кўрсатилган. Суднинг бу фикри билан келишиб бўлмайди.

ГПК 244-моддасининг 5-бандига асосан, агар тарафлар иккинчи чақириқ бўйича ҳам узрсиз сабабларга кўра судга келмасалар, суд эса ишга оид материалларга кўра даъво аризасини тарафларсиз кўриб, ҳал қилиш мумкин эмас деб ҳисобласа, аризани кўрмай қолдириш мумкин.

Тўпланган материалларга кўра, иш судда кўриш учун бир неча марта тайинланиб, тарафлар келмаганлиги туфайли бошқа кунга қолдирилганлиги кўрсатилса-да, жавобгар Б. Ҳидоятлов ўз аризасида суд ГПКнинг 116—120-моддаларига хилоф равишда бирор марта ҳам судга чақиртирмаганлигини билдирган. Бу ҳолат материаллари ҳамда тегишли чақирув хатларини ишда мавжуд эмаслиги билан ҳам тасдиқланади.

Бу важларни даъвогар Д. Ҳидоятова назорат тартибида протест келтириши илтимос қилиб ёзган шикоят аризасида ҳам баён этади.

Суд Президиуми мазкур иш бўйича даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақидаги суднинг ажримини қонун талабларига хилоф деб ҳисоблайди.

Келгусида ишни мазмунан кўришда, ГПКнинг 116—120-моддаларига асосан, тарафлар тегишли тарзда хабардор қилинмоқликлари ва ишни уларнинг иштирокида ҳал қилиш чораларини кўрмоғи лозим бўлади.

Суд Президиуми юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 361-моддасига асосан

Қарор қилади:

Тошкент вилоят суди раисининг келтирган протести қаноатлантирилсин.

Тошкент вилояти, Октябрь райони судининг даъвогар Дилбар Ҳидоятванинг жавобгар Бахтиёр Ҳидоятовга нисбатан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича кўрилган фуқаролик иши юзасидан 1989 йил 24 июль куни чиқарган ажрими бекор қилинсин.

Ишни бошқа ҳайъатда мазмунан кўриш учун шу район судига юборилсин.

Президиумга раислик қилувчи: *А. Б. Аброров*

НАЗОРАТ СУДЛАРИДА ХУСУСИЙ АЖРИМ (ҚАРОР) ЧИҚАРИШ УЧУН АСОСЛАР

ГПКнинг 338 ва 342-моддаларида назарда тутилган асослар бўлганда Ўзбекистон Республикасининг Олий Судининг Пленуми, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Суди, вилоят судлари ва Тошкент шаҳар судининг Президиумлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ишни назорат тартибида кўриб, хусусий ажрим чиқариши мумкин (ГПКнинг 364-моддаси).

Тошкент шаҳар суди президиумининг хусусий қарори

1989 йил декабрь ойининг 13 кунда Тошкент шаҳар суди президиумининг мажлисида Президиум раиси К. П. Бакиров, Президиум аъзолари А. Пелв, М. Қобулов, В. Назаров, В. Холовлар ва Тошкент шаҳар прокурори З. Мардаев иштирокида Тошкент шаҳри Чилонзор райони судининг 1989 йил 8 июль куни чиқарган ҳал қилув қарорига келтирган протести кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Тошкент шаҳар суди Президиумининг 1989 йил 13 декабрда чиқарган қарорига кўра, Чилонзор райони судининг даъвогар С. А. Тўлаганованинг жавобгар Э. В. Ҳошимова билан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, Ҳошимовани эса низоли уйда яшаш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги 1989 йил 8 июлда чиқарган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни қайта кўриш учун Оржоникидзе райони судига юборилган.

Халқ судининг қарорини бекор қилишга асосий сабаб, суд томонидан ГПКнинг 131-моддасини талаби бузилган бўлиб, низоли ҳовли-жой Тошкент шаҳар Оржоникидзе райони ҳудудида жойлашган бўлса-да, низо мулк турган жойда кўрилиши қонунда кўрсатилган бўлишига қарамай, суд жавобгарнинг яшаб турган жойига қараб, иш Чилонзор райони судида кўрилган. Натижада судловлик ҳақидаги қоида бузилиб, иш юзаки, қонун талабига хилоф равишда кўрилган.

Ушбу ишни кўришда раислик қилувчи Чилонзор райони судининг судьяси ўртоқ С. П. Аҳроров томонидан йўл қўйилган процессуал хатолик натижасида ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш туфайли судга чақирилган шахсларнинг вақтларини беҳуда сарф қилинишига сабабчи бўлган.

Тошкент шаҳар суди Президиуми, судья С. П. Аҳроровни келгусида ишни кўришда юқорида кўрсатилган хатоларни қайтармаслигини олдини олиш мақсадида хусусий ажрим чиқаришни ва ундаги ҳолатларни муҳокамага юборишни лозим топади.

Тошкент шаҳар суди Президиуми юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 364-моддасига асосан

Қарор қилади:

Тошкент шаҳри, Чилонзор райони судининг даъвогар С. А. Тўлагановани жавобгар Э. В. Ҳошимова билан олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб, Ҳошимовани эса низоли уйда яшаш ҳуқуқини йўқотган деб топиш тўғрисидаги фуқаролик ишини кўришда шу район судининг судьяси иш бўйича раислик қилган С. П. Аҳроров ётарли даражада тайёргарлик кўрмасдан ишни кўрганлиги ва судловлилик тўғрисидаги қонунни бузган-

лиги ҳақида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси хабардор қилинсин.

Кўрилган чора ва тадбирлар ҳақида Тошкент шаҳар судига ушбу хусусий қарор нусхасини олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида маълум қилинсин.

Раислик қилувчи: *К. П. Бакиров*

ХІ.

ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ВА АЖРИМЛАРИНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШ

Янгидан очилган ҳолатлар бўйича суд қарорларини қайтадан кўриш фақат иш бўйича қарор қабул қилинишида маълум бўлмаган ва эътиборга олинмаган, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг очилиши муносабати билан ишни қайтадан кўриш зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин.

Янги очилган ҳолатлар бўйича суд қарорларини қайтадан кўриш, гражданлик ишларини суд назорати тартибидан кўришдан, унинг йўл қўйилиши шартлари, амалга оширилишининг процессуал тартиби, суд қарорининг қайтадан кўрилиши тўғрисида масала қўзғатишга ҳақли бўлган шахслар доираси бўйича фарқланади.

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг янги очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўрилишига оид асосий қоидалар ГПКнинг 365—371-моддаларида берилган. Уларда кўрсатилишича, ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларини янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўришда қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинган асослар мавжуд бўлади:

Биринчи гуруҳга — арз қилувчига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар киради. Масалан, қонуний ворислар ўртасида мерос мулкининг тақсимланиши тўғрисидаги даъво иш юзасидан қарор чиқарилганидан сўнг, мерос мулкининг ёки унга бир кишининг бошқа шахс (ёки шахслар) га васият қилганлиги тўғрисида тегишлича расмийлаштирилган васиятноманинг келтири-

лиши — янгидан очилган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолат сифатида кўрилади.

Иккинчи гуруҳга — суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ҳал қилув қарорининг ғайриқонуний ёки асоссиз чиқаришга сабаб бўлган ҳолатлар киради. Булар: биринчидан, гувоҳларнинг била туриб атайин ёлгон берган кўрсатмалари, экспертнинг фикрлари; иккинчидан, била туриб нотўғри қилинган таржима; учинчидан, ҳужжатлар ёки ашёвий далилларнинг қалбакилигидир. Аммо бундай ҳолларда агар қарорнинг асосига қўйилган юридик фактлар бошқа далиллар билан етарли даражада тасдиқланган бўлса, бу асослар бўйича иш қайтадан кўрилмаслиги ҳам мумкин.

Учинчи гуруҳга — суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ёки уларнинг вакилларини амалга оширган жиноий фаолиятлар киради.

Тўртинчи гуруҳга — шу ҳал қилув қарори ёки ажримни чиқаришга асос бўлган суд ҳал қилув қарори, ҳукми, ажримининг ёки қарорининг ёхуд бошқа орган қарорининг бекор қилинганлиги асос бўлиб киради.

Янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорлари, ажримларни ёки қарорларни қайтадан кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этувчи шахслар ёки прокурор томонидан шу ҳал қилув қарорини, ажримни ёки қарорни чиқарган судга берилади.

Самарқанд вилояти, Булунғур райони судига
Аризачи: Пўлат Қодиров — Самарқанд вилояти,
Булунғур райони, Гўзал жамоа хўжалиги,
Лочин кўчаси, 10-уйда яшайди.

Булунғур шаҳар қурилиш бошқармасининг
менга нисбатан Пўлат Латиповни ишдан
бўшатганлиги сабабли келтирилган зарарни
ундириш тўғрисидаги даъво иши бўйича

АРИЗА

(Янгидан очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш ҳақида)

Булунғур райони судининг иш юритишида даъвогар Пўлат Латиповни ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисида Булунғур шаҳар қурилиш бошқармасига нисбатан гражданлик иш қўзғатилган.

Булунғур райони судининг 1986 йил 23 августдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар П. Латипов Булунғур шаҳар қурилиш бошқармасига дурадгорлик вазифасига қайта тикланиб, Булунғур шаҳар қурилиш бошқармаси ҳисобидан ноилождан бекор юрган 14 кунлик вақти учун унинг фойдасига жами бўлиб 104 (бир юз тўрт) сўм ундирилган.

Суд ҳал қилув қарориди П. Латиповни ишдан гайриқонуний равишда бўшатиш деган хулосага келган ва корхона раҳбари сифатида мени айбдор ҳисоблаган. Шунга кўра, Булунғур шаҳар қурилиш бошқармаси ишчининг ноилождан бекор юрган вақти учун тўлаган 104 сўм зарарни мендан қайтарма даъво тариқасида ундириб олган.

Ҳал қилув қарорни суд қуйидаги янги очилган ҳолатларга кўра қайта кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайман:

Даъвогар П. Латипов ишга қайта тиклаш тўғрисида берган аризасида узрли сабабларга кўра ишга кечикиб келганини, хотинининг касал бўлиб қолганини ва бу ҳолат шаҳар поликлиникасининг 1986 йил 2 августдаги маълумоти билан тасдиқланишини бунга асос қилиб кўрсатган. Суд даъвогарнинг келтирган важдарини асосли деб топган эди.

Булунғур шаҳар судида шу йил 15 сентябрда бўлиб ўтган суд жараёнида шаҳар поликлиникаси бош врачининг жинойи иши кўрилиб, унда унинг бошқа гайриқонуний ҳаракатлар билан бир қаторда Пўлат Латиповга ҳам "хотини касал" деб берган маълумоти асоссиз эканлиги аниқланди. Бу ҳолат суднинг ҳукмида ҳам қайд қилинган. ГПКнинг 365-моддасига кўра суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ҳал қилув қарорини ёки асоссиз чиқаришга сабаб бўлган ҳолатлар ишни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришга асос бўлади.

Шунинг учун ҳам Булунғур райони судининг 1986 йил 23 августда П. Латиповни ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун 104 сўм миқдориди келтирган зарарни қайтарма даъво тариқасида қурилиш бошқармасига менинг ҳисобимдан ундириш ҳақидаги гражданлик иши янги ҳолат бўйича қайтадан кўрилиши лозим деб ҳисоблмайман.

Юқоридагиларга кўра ҳамда ГПКнинг 365, 365¹-моддаларига асосан

Сўрайман:

1. Булунғур райони судининг 1986 йил 23 августдаги Булунғур қурилиш бошқармасининг даъвосига кўра П. Латиповни ишдан бўшатиш ва ноилождан бекор юрган вақти учун келтирилган 104 сўм зарарни мендан қайтарма даъво асосида ундириш тўғрисида чиқарилган ҳал қилув қарорини янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб бекор қилинсин.

2. Булунғур райони судининг 1986 йил 23 августда чиқарган ҳал қилув қарорини қайтарма ижросини таъминлаб, Булунғур қурилиш бошқармаси томонидан ушлаб қолинган 104 сўм зарарни менинг фойдамга ундириб берилсин.

3. Қуйидаги гувоҳларни чақирилсин:

1. М. Бозоров — Булунғур райони, Мичурин номли совхоз, Пролетар кўчаси, 10-уйда яшайди.

2. А. Фориқов — Булунғур райони, Марказ — 6, 17-уйда яшайди.

Илова: 1. Булунғур райони судининг 1986 йил 15 сентябрдаги ҳукмидан нусха.

2. Булунғур қурилиш бошқармасининг мендан 104 сўмни ушлаб қолганлиги ҳақидаги маълумотнома.

3. Аризанинг нусхаси.

1986 йил 30 сентябрь.

П. Қодиров

ЯНГИДАН ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ИШНИ ҚАЙТА КЎРУВЧИ СУДЛАР

Кассацион ёки назорат инстанцияси чиқарган ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш шу ҳолатларга биноан биринчи инстанция судининг қарори ўзгарган ёки янги қарор қабул қилинган тақдирда, аввалги ҳал қилув қарорини ўзгартирган ёки янги қарор чиқарган суд томонидан қайта кўрилади.

Ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўриш тўғрисидаги аризани суд ариза берувчини ва ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда кўради, лекин уларнинг келмаслиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Суд ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўриш тўғрисидаги аризани текшириб, уни қаноатлантиради ва ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни бекор қилади ёки ишни янгидан кўришни рад қилади.

Ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисидаги суднинг чиқарган ажрими устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайтадан кўриш ҳақидаги аризани рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан ГПКнинг 344—347-моддаларида кўзда тутилган тартибда хусусий шикоят қилиш ёки протест келтириш мумкин.

А Ж Р И М

Самарқанд вилояти, Булунғур райони судининг суд залида 1986 йил 5 октябрда очиқ суд мажлисида судья Ф. Э. Маҳкамов раислигида, халқ маслаҳатчилари А. Зарипов ва О. Ботировларнинг ҳайъатида, Г. Қодировнинг котиблигида жавобгар Пўлат Қодировнинг Булунғур райони судининг 1986 йил 23 августдаги ҳал қилув қарорини янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Иш бўйича даъвогар П. Латипов Булунғур қурилиш бошқармасида дурадгор бўлиб ишлаб келган. Бошқарма бошлиғи Пўлат Қодировнинг буйруғига асосан, у 1986 йил 4 августда Меҳнат қонунлари кодексининг 41³-моддасига асаосан, ички меҳнат тартиб қоидасини мунтазам равишда бузганлиги учун ишдан бўшатирилган.

Суд ҳал қилув қароридан "П. Латипов ишдан гайриқонуний равишда бўшатирилган" деган хулосага келиб, ноилождан бекор юрган вақти учун қурилиш бошқармасидан 104 сўм иш ҳақи ундирилган. Етказилган бу зарар айбдор шахс — бошқарма бошлиғи П. Қодировдан қайтарма даъво тариқасида бошқарма фойдасига ундириб берилган.

П. Қодиров аризасида суднинг ҳал қилув қарорини қуйидаги янгидан очилган ҳолатларга кўра қайта кўриб чиқишни сўрайди:

Суд иш материаллари билан танишиб, томонларнинг баёнотини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришини лозим топади.

Даъвогар П. Латипов ўша вақтдаги аризасида ишга кечикиб келиш сабабини хотинининг касал бўлиб қолган ва бу ҳолат 1986 йил 2 августда шаҳар поликникасининг берган маълумоти билан тасдиқланганини ёзди.

Булунғур райони судининг шу йил октябрь ойида бўлиб ўтган суд жараёнида шаҳар поликлиникасини бош врач К. Хожимуродов жиноий иши кўрилиб, унда судланувчи мансабига нисбатан суиистеъмол қилганликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган. Бу ишда бошқалар қатори П. Латиповга ҳам "хотини касал" деб нотўғри маълумот ёзиб берган, бу ҳолат суднинг қонуний кучга кирган ҳукмида ўз ифодасини топган.

Суд ГПКнинг 365-моддасига кўра, Булунғур райони судининг 1986 йил 23 августдаги П. Латиповни ишга қайта тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун келтирилган зарарни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос борлигини аниқлаб, ГПКнинг 365 ва 368—369-моддалариг асосан

Ажрим қилди:

Аризачи Пўлат Қодировнинг Булунғур райони судининг 1986 йил 23 августдаги ҳал қилув қарорини янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилсин.

Булунғур райони судининг 1986 йил 23 августда Пўлат Латиповни Булунғур шаҳар қурилиш бошқармасига ишга қайта тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақти учун тўланган 104 сўмни Пўлат Қодировдан қайтарма даъво тариқасида ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бекор қилинсин.

Ишни мазмунан кўриш 1986 йил 15 октябрь соат 10 га тайинлансин.

Халқ судьяси: Ф. Э. Маҳкамов
Халқ маслаҳатчилари: А. З. Зарипов
О. Г. Ботиров

ХІІ

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

Суднинг ҳал қилув қарорлари шикоят қилиш ва протест келтириш муддати ўтгандан сўнг қонуний кучга киради. Суд қарорлари, шунингдек, гражданлик ишлари тўғрисида бошқа органларнинг қарорлари, одатда, ихтиёрий равишда ижро этилади. Агар бундай қарорларнинг ижро этишга (тегишли суммани тўлашга, нарсаларни топширишга, муайян ишларни бажаришга) мажбур бўлган шахс (ёки шахслар) ихтиёрий равишда ижро этмасалар— суд ва бошқа қарорлар қонун (ГПКнинг 372—463-моддалари ва суд қарорларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги Инструкция) билан белгиланган тартибда мажбурий ижро этилади.

Суд ижрочиси ўз ташаббуси билан ҳал қилув қарорини тез ва белгиланган тартибда ижро этиш учун ҳамма қонуний чораларни кўришга ва тарафларга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилишда фаол ёрдам беришга мажбур.

Суд ижрочисининг ижро ҳаракатлари билан боғлиқ барча талаблари ҳамма мансабдор шахслар ва гражданлар учун мажбурийдир.

Суд ижрочилари суднинг ҳал қилув қарорларини ижро қилишнинг бирдан-бир ягона органи эмас, баъзи ҳолларда, чунончи, гражданлардан солиқлар, қишлоқ аҳолисининг ўзаро боқимандаларни қоплаш учун мулкни олиш (сотиш) тўғрисидаги суд қарорлари тегишли солиқ, суғурта инспекторлари ва шунингдек, қишлоқ кенгашларининг раислари томонидан ижро қилинади.

Ҳар бир ҳал қилув қарори бўйича битта ижро варақаси берилади. Лекин агар ижро турли жойларда ўтказиладиган бўлса ёки ҳал қилув қарори бир қанча даъвогарларнинг фойдасига ёхуд бир неча жавобгарларга нисбатан чиқарилган бўлса, ундирувчиларнинг илтимоси бўйича суд ижро жойини ёки ҳал қилув қарорининг ижро этилишига тегишли қисмини аниқ қилиб кўрсатиб, бир неча ижро варақаси бериши мумкин.

Ижро ҳаракатларини бажараётганида суд ижрочиси, агар ундириш учун зарур бўлса, қарздорнинг бинолари ва омборларини кўздан кечиришга ҳам ҳақли бўлади.

Суд қарорларини ижро қилишда қарздорнинг шахси дахлсиздир. Суд ижрочиси қарздорни судга мажбурий келтириш ҳуқуқига эга эмас ва унинг турар-жойини чеклаб қўя олмайди ҳамда ижро қилиш жараёнида ҳар икки тарафнинг ҳуқуқларини қўриқлаш мажбурдир. У ҳал қилув қарорининг ижросига киришишидан олдин қарздорга ҳал қилув қарорини 5 кунлик муддати ичида ихтиёрий равишда ижро қилиши тўғрисида таклиф юборади.

Суднинг ҳал қилув қарорининг тўғри ва ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни суд ижрочиси бўйсунган суднинг халқ судьяси амалга оширади.

Тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар суд ижрочисининг ҳаракатлари устидан шикоятни шикоят қилинаётган ҳаракатлар содир этилган кундан бошлаб ёки улар тўғрисида шикоятчига маълум бўлган кундан бошлаб беш кун ичида беришлари мумкин.

Суд ижрочисининг ҳаракатлари устидан шикоятларни суд манфаатдор шахсларни чақириб, ҳал қилади, лекин уларнинг келмаслиги шикоятни кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд ижрочисининг ҳаракати юзасидан берилган шикоят бўйича суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят бериш, прокурор протест келтириши мумкин.

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судига
Аминжон Эргашевич Абзаловдан

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Қодиров
кўчаси, 12-уйда яшайди.

Ш И К О Я Т

(Суд ижрочисининг ҳаракатлари устидан)

Ангрен шаҳар судининг 1990 йил 10 июнда чиқарган ҳал қилув қарорига кўра, трест совутгичи (холодилниги) ни ишдан чиқарганлигим учун Оҳангарон умумий овқатланиш трести фойдасига мендан 860 сўм етказилган зарарни Ундириш тўғрисидаги гражданлик иши кўрилган.

Ангрен шаҳар судининг ижрочиси М. Бердиев ҳал қилув қарорини ижро қилиш учун етказилган зарарни ундириш мақсадида 1990 йил 25 июнда менинг уйимдаги бир дона сигирни ва "Электрон" рангли телевизорни рўйхатга олди.

Оиламда 6 нафар мактаб ёшидаги болаларим борлиги, уларни сут билан таъминлашим зарурлиги ҳақида суд

ижрочисига айтиб, сигирни рўйхатга олмаслик ҳақида илтимос қилсам-да, уни асосиз рад этди.

Келтирган зарар суммасини "Электрон" телевизорнинг баҳоси билан (860 сўм) қопланишига қарамасдан, суд ижросиси бир дона 2000 сўмлик сигирни рўйхатга ногўғри олган деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларга кўра, ГПКнинг 459-моддасига асосан

Сўрайман:

Суд ижросисининг қайд қилинган ҳаракатларини асосиз деб, уни бекор қилишни ва мендан ундириш лозим бўладиган 860 (саккиз юз олтмиш) сўм зарарнинг ижросини фақат "Электрон" телевизорига нисбатан қаратиб, бир бош сигир эса рўйхатдан чиқарилсин.

1990 йил 22 июль.

А. Э. Абзалов

ҚАРОРНИ ИЖРОГА БЕРГАН ИДОРАЛАРНИНГ АЙРИМ ҲАРАКАТЛАРИ ҲАҚИДА

Ижро жараёнида вужудга келган бир қатор масалалар суд ёки қарорни ижрога берган орган томонидан ҳал қилинади. Масалан, қарорни еир сақлаш, қарорнинг ижросини кейинга қолдириш, ижро ҳужжатларини олиш. ёки уни ижро қилдириш бўйича ўтиб кетган муддатни тиклаш, қарздорнинг умумий мулкдаги ҳиссасини белгилаш, тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш, қарорнинг ижросини тўхтатиш ва бекор қилиш, ижро варақасининг дубликатини бериш ва шу каби бошқа масалаларни ҳал қилади.

ГПКнинг 396—400-моддаларида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки қисмларга бўлиб бажариш, ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш, ижро ҳаракатларини тўхтатиб қўйиш ва тугатиш тўғрисида умумий қоидалар берилган. Суд ижросиси ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктиришга, қисмларга бўлиб бажаришга ёки ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга бу тўғрида суднинг ажрими бўлсагина ҳақли бўлади.

Ҳал қилув қарорининг ижросини қийинлаштирадиган ёки бажариб бўлмайдиган қилиб қўядиган ҳолатлар мавжуд бўлса (қарздор ёки унинг оила аъзолари касал бўлса, ундирилган мулк натура ҳолда бўлмаса ва шу каби бошқа

қолларда), ижрочи судга ижрони кечиктириш ёки қисмларга бўлиб бажариш, шунингдек, ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш масаласини ҳал этиш тўғрисида мурожаат қилади.

Иш бўйича ижро ҳаракатларини тўхтатиб туриш муддатлари ГПКнинг 399-моддасида кўрсатилган.

Тошкент шаҳри, Чилонзор райони судига
Ундирувчи: Азиза Ботирова — Сирдарё вилояти, Гулстон шаҳри, Гагарин кўчаси, 30-уйда яшайди.

АРИЗА

(Ижро ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида)

Тошкент шаҳри, Чилонзор райони судининг 1991 йил 15 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, жавобгар Эшмамат Қодировдан келтирган 1500 сўм зарарни менинг фойдамга ундириш тўғрисидаги қарорни ижро этиш 1991 йил 25 октябрга тайинланган эди.

Шу йил 18 октябрь куни қарздор Э. Қодировнинг уйида бахтсиз ҳодиса юз бериб, газ балонининг ёрилиб кетиши натижасида ёнгин пайдо бўлган ва қарздорнинг уй-жойининг кўп қисми ёниб кетганлиги туфайли, у жуда кўп моддий зарар кўрган. Қарздорнинг оиласига тушган бундай оғир шароитда юқоридаги суммани ҳозирча талаб қилишни лозим деб ҳисобламайман. Шунинг учун ҳам ГПКнинг 399-моддасига асосан

Сўрайман:

Тошкент шаҳри, Чилонзор райони судининг 1991 йил 15 октябрдаги ҳал қилув қарорини ижро қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар 1992 йил октябрь ойига қадар тўхталиб турилсин.

1991 йил 20 октябрь.

А. Ботирова

МУЛККА АРЕСТ СОЛИШ (МУЛКНИ ХАТЛАШ) ҲАҚИДА

Ҳақ ундириш қарздорнинг мулкига арест солиш ва уни сотиш йўли билан амалга оширилади. Мулкка арест солиш икки турдаги ҳаракатдан: биринчидан, мулкни хатлашдан ва иккинчидан, қарздорга бу мулкни тасарруф қилишнинг

ман этилганлигини билдиришдан иборат бўлади. Шу икки ҳаракат қилинганидагина мулкка арест солинган ҳисобланади. Мулкни хатлаш ҳамма вақт унга арест солиш билан боғлиқ бўлмайди. Масалан, эр-хотиннинг умумий мулкларини бўлишда, агар даъвои таъмин қилиш тўғрисида ажрим чиқарилмаган бўлса, қанча мулк борлигини билиш учун мулк хатланиши мумкин, лекин бу мулкка арест солиш мумкин эмас. Мулкка арест солиш судлар томонидан чиқарилган ҳукм, қарор ва ажримларнинг ижросини таъминлашга қаратилган чоралардан биридир. Арест фақат суд ижрочиси томонидангина эмас, гражданлик даъвосини таъмин қилиш мақсадида прокуратура органлари томонидан, солиқлар ва мажбурий маошли суғурта бўйича боқимондаларни ундириш бўйича, тўловларни ундириш бўйича посёлка, қишлоқ кенгашларининг ижроия қўмиталари томонидан, шунингдек, вафот этганлардан қолган мулкларнинг сақланишини таъминлаш мақсадида нотариал идоралар томонидан ҳам солиниши мумкин.

Суд ижрочиси мулкка арест солишдан олдин қарздорни ижро ҳужжати бўйича ундирилиши мумкин бўлмаган мулклар рўйхати билан таништириши лозим. Бундай қилиш қарздорда суд ижрочисининг ҳаракатининг қонунийлиги тўғрисида ишонч туғдиради ва шикоят қилишнинг олдини олади.

Қарздор йўқлигида мулкка арест солинадиган бўлса, бундай вақтда холисларнинг, уйлар бошқармаси ёхуд маъмурият вакилининг иштирок этиши мажбурийдир. Суд ижрочиси рўйхатга олинган буюмларни муҳрлаши мумкин, бу ҳақда рўйхат актида кўрсатилади.

Мулкни хатлаш тўғрисидаги акт икки нусхада тузилиб, унинг бири қарздорга берилади. Агар мулк сақлаш учун бошқа шахсларга топшириладиган бўлса, акт уч нусхада тузилади ва бири сақловчига берилади. Мулкка арест солингандан кейин қарздор уни тасарруф қилиши мумкин эмас.

Мулкка арест солинганда, учинчи шахслар бу арест солинадиган мулкнинг ўзларига тегишли бўлишини билдиришлари мумкин. Бундай ҳолларда қонун бўйича мазкур мулкнинг бошқа шахсга тегишлилиги аниқ бўлгандагина арест солинмайди. Шунинг учун суд ижрочиси мулкнинг бошқа шахсга тегишли бўлиши тўғрисида асос бўлмаса, у мулкни хатлаши ва учинчи шахсларнинг эътирозларини актда кўрсатиши лозим. Шу билан бирга

суд ижрочиси бу шахсга мулкни арестдан чиқариш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши керак.

Сирдарё вилояти, Мирзачўл райони судига
Даъвогар — Ражабой Жумаева Сирдарё вилояти,
Мирзачўл райони, Киров номли жамоа
хўжалигининг 10-бригадасида яшайди.
Жавобгар — Сирдарё вилояти, Мирзачўл райони
молия бўлими.
Жавобгар — Абдужаббор Жумаев Сирдарё вилояти,
Мирзачўл райони, Киров номли жамоа
хўжалигининг 10-бригадасида яшайди.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(Мол-мулкни рўйхатдан чақариш ҳақида)

Мен — Ражабой Жумаева иш бўйича жавобгар Абду-
жаббор Жумаев билан 1971 йил 31 мартда Мирзачўл
райони никоҳни қайд қилиш бўлимида қонуний никоҳдан
ўтиб, оилавий турмуш қурганмиз, бу ҳақда никоҳ гу-
воҳномамиз мавжуд.

Жавобгар билан оилавий турмушимиз даврида 7 нафар
фарзанд кўрдик, жумладан:

- 1) Жаҳонгир Жумаев — 1970 йил;
- 2) Абдуғаффор Жумаев — 1972 йил;
- 3) Нодира Жумаева — 1974 йил;
- 4) Муборак Жумаев — 1976 йил;
- 5) Сирожиддин Жумаев — 1977 йил;
- 6) Меҳринисо Жумаева — 1979 йил;
- 7) Наргиза Жумасва — 1982 йилда тугилган.

Абдужаббор Жумаев 1983 йилда Киров номли жамоа
хўжалиги бошқармаси томонидан Мирзачўл райони пахта
қабул қилиш заводига пахта топширувчи — вакил қилиб
юборилди.

Сирдарё вилояти судининг 1986 йил 25 мартдаги
ҳукмига асосан турмуш ўртоғим жамоа хўжалигининг
раиси Мирзачўл пахта қабул қилиш заводининг директори
ва бошқа шахслар билан жиноий тил бириктириб, дав-
латнинг кўп миқдорда пулларини талон-тирож қилган ва
ўзлаштирган деб судланган.

Лекин қўшиб ёзилган пулларни бошқа шахслар олган-
лиги ва эримнинг улар билан жиноий тил бириктирма-
ганлиги, балки юқори партия ташкилотлари

раҳбарлариниг мажбурлаши натижасида ғайриқонуний ишлар содир бўлганлиги судда аниқланди.

Жавобгар Абдужаббор Жумаев сотилган пахта пуллари биров сўмидан манфаатдор бўлмаганлиги ҳам судда исботланди.

Мен 1969 йилдан буён жамоа хўжалигида оддий колхозчи бўлиб ишлайман. 0,12 га томорқа еримиз бор. 1985 йилда икки бош қорамолни болаларим билан боқиб жамоа хўжалиги ҳисобига гўштга топширганмиз, ундан тушган пулни эса Мирзачўл райони давлат омонат кассасидан олишимиз керак эди, бироқ шу даврда Абдужаббор Жумаевнинг устидан тергов ҳаракатлари бошланган эди. Тергов органи Абдужаббор Жумаевнинг номидаги Мирзачўл райони 3585-рақамли давлат омонат кассасидаги 1440 (бир минг тўрт юз қирқ) сўм оиламизнинг жамғарма пулини ҳам рўйхатга олган экан. Бу пуллар бизнинг умумий мулкимиз ҳисобланиб, оилавий турмушимиз даврида тўплангандир, чунки молларни боқиш билан фақат биз шуғулланганмиз. Шунинг учун ҳам бу пулнинг иккидан бир қисми менга тегишли деб ҳисоблайман. Никоҳ ва оила кодексининг 25—27-моддалари ҳамда ГПКнинг 459-моддаларига асосан

Сўрайман:

Дастлабки тергов даврида рўйхатга олинган Абдужаббор Жумаев номидаги 3585-рақамли Мирзачўл райони давлат омонат кассасидаги 1440 (бир минг тўрт юз қирқ) сўм пулнинг иккидан бир қисми, яъни 720 (етти юз йигирма) сўми менга тегишли деб топилсин ва рўйхатдан чиқарилсин.

Илова: 1. Яшаш жойимдан маълумотнома.

2. Никоҳ гувоҳномасидан нусха.

3. Болаларимнинг туғилиш гувоҳномаларидан нусхалар.

4. Ҳукм нусхаси.

5. Гўштга топширилган моллар тўғрисида маълумотнома.

6. Даъво аризасининг нусхаси.

7. Давлат божининг тўланганлиги ҳақида чипта.

1989 йил 3 ноябрь.

Р. Жумаева

ҚАРЗДОРНИ ҚИДИРИШ ҲАҚИДА

Алимент ундириш тўғрисидаги ва майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача шикаст етиши, шунингдек, боқувчисининг

Ўлими натижасида етган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича қарздорнинг турар-жойи ва иш жойи маълум бўлмаса, судья қарздорни ички ишлар органлари орқали қидириш тўғрисида ажрим чиқаришга мажбур.

Давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, колхозлар, бошқа кооператив ташкилотлари, уларнинг бирлашмалари ва бошқа хил жамоат ташкилотларининг гражданларга нисбатан бўлган даъволари бўйича қарздорни ҳақиқий турадиган жойи номаълум бўлса, суд қарздорни ички ишлар органлари орқали қидириш тўғрисида эълон қилиши мумкин.

Қидириш харажатлари қарздор устига юкланади.

Алиментлар тўлаш тўғрисидаги ишлар бўйича, башарти, вояга етмаган болаларнинг ота-оналарини қидириш даврида уларга нафақа тўлаб келинаётган бўлса, судья алимент тўлаш бўйича ҳосил бўлган қарз тўғрисида суд ижрочиси берган тақдимномага асосланиб, қарздордан ана шу тўланган нафақаларнинг суммасини ундириб олиш учун ижро варақаси бериш ҳақида ажрим чиқаради, бунда ана шу суммага қонунда белгиланган 10 фоиз ҳақ қўшиб ёзилади.

Ички ишлар органининг аризасига биноан, судья қарздорни қидиришга кетган харажатларни ундан ундириб олиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ҳам ажрим чиқаради.

Тошкент шаҳри, Киров райони судига
Тошкент шаҳри, Киров райони, Тимирязов кўчаси,
15-уйда яшовчи Гўзал Дониёровдан

А Р И З А

(Қарздорни қидириш ҳақида)

Тошкент шаҳри, Киров райони судининг 1991 йил 5 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан 1950 йилда Тошкент шаҳри, Чилонзор районида туғилган А. Х. Дониёровдан менинг фойдамга қизим Ироданинг таъминоти учун жавобгарнинг барча даромадлари тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундириш лозим эди. Бироқ қарздор А. Х. Дониёров алимент тўлашдан бўйин товлаб, шу кунга қадар ҳал қилув қарорини бажармай, номаълум томонларда қочиб юрибди. Уни қидириб Тошкент ва Андижон шаҳридаги қариндошларининг уйларига ҳам бордим, лекин ҳеч қандай

натижа бўлмади. Қарздор охирги вақтларда Тошкент "Малика" фабрикасида дурадгор бўлиб ишлаб келган.

Биз моддий томондан жуда ҳам қийналдик. Шуларни назарда тутиб, ГПКнинг 390-моддасига асосан

Сўрайман:

Тошкент шаҳри, Чилонзор районида 1950 йил 15 ноябрда туғилган, миллати ўзбек Азим Холматович Дониёровга нисбатан қидирув эълон қилинсин.

1991 йил 10 декабрь.

Г. Дониёрова

АЖРИМ

(Қарздорни қидириш ҳақида)

Тошкент шаҳри, Киров райони судининг судьяси Х. Мирзаева томонидан 1991 йил 15 декабрь куни Гўзал Дониёрованинг алимент ундириш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш тўғрисидаги аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Тошкент шаҳри, Киров райони судининг 1991 йил 5 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан, 1950 йилда Тошкент шаҳрининг Чилонзор районида туғилган Азамат Холматович Дониёровдан, жавобгар Гўзал Дониёрованинг фойдасига 1986 йил 10 февралда туғилган Ирода исмли қизининг таъминоти учун ҳар ойда унинг барча даромадларининг тўртдан бир қисми миқдоридан алимент ундириш лозим эди.

Бироқ қарздор А. Х. Дониёров алимент тўлашдан бош тортиб, шу кунга қадар ҳал қилув қарорини бажармай, номаълум томонларга кетиб қолганлиги ва 7 ойдан буён алимент тўламасдан келаётганлиги аниқланди. Қарздор охирги вақтларда Тошкент "Малика" фабрикасида дурадгор бўлиб ишлаб, шу фабриканинг Уста Ширин кўча 10-уйдаги ётоқхонасида истиқомат қилган.

Суд юқоридагиларга кўра ва ГПКнинг 390-моддасига асосан

Ажрим қилади:

Тошкент шаҳрининг Чилонзор районида 1950 йил 15 ноябрда туғилган, миллати ўзбек Азамат Холматович Дониёровга нисбатан қидирув эълон қилинсин.

Ажримнинг икки нусхаси ижро қилиш учун Тошкент шаҳри, Киров райони ички ишлар бўлимига юборилсин.

270-рақамли ижро иши қарздор топилгунга қадар тўхтатилсин.

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Ҳал қилув қарорини чиқарган суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли эмас. Бу ҳуқуқ фақат ҳал қилув қарорининг тўғрилигини манфаатдор тарафнинг шикоят ёки прокурорнинг протести бўйича текширадиган юқори судга берилган.

Суд ишни ҳал қилганда ўзининг қилув қарорида даъвогарнинг барча саволларига тўла жавоб бериши лозим. Суд ўз фикрича асосли деб топилган талабларини қондириши ва асоссиз талабларни рад қилиши қонунда кўрсатилган.

Суднинг ҳал қилув қарори шундай ёзилиши керакки, унинг мазмуни тарафларга ҳам, суд қарорини ижро қилувчига ҳам тушунарли бўлсин. Агар суднинг ҳал қилув қарори ижро қилганда қарорнинг маъноси тарафларга ёки суд ижрочисига англашилмаса ҳамда уни ижро қилиш қийин бўлса ёки мумкин бўлмаса, тарафлар ёки суд ижрочиси қарорни чиқарган судга мурожаат қилиб, ҳал қилув қарорини тушунтиришни (шарҳлашни) сўрашлари мумкин.

Ҳал қилув қарорини тушунтиришга, агар у ижро қилинмаган бўлсагина ва ҳал қилув қарорини мажбурий ижро қилиш муддати ўтмаган бўлсагина, йўл қўйилади.

Тошкент шаҳар суди Президиумининг қарори

1989 йил 4 октябрь куни Тошкент шаҳар судининг Президиум мажлисида Б. К. Норов раислигида, аъзолари — В. Очилов, А. Эргашев, С. Қодиров, Д. Мирходиев, Г. Назаровлар Тошкент шаҳар прокурори С. Жўраев иштирокида, Тошкент шаҳар судининг раиси Б. К. Норов томонидан даъвогар Адиба Шарипованинг жавобгарлар Н. Шарипова, З. Шарипов ва бошқаларга нисбатан уйга киритиш ҳақида 1987 йил 15 ноябрда Акмал Икромов райони судининг чиқарган ҳал қилув қарори устидан келтирил протест кўрилиб, иш юзасидан суд аъзоси Д. Қодированинг маърузаси тингланиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Даъвогар А. Шарипова судга ариза билан мурожаат қилиб уни 2 нафар фарзанди билан Тошкент шаҳри,

Акмал Икромов райони, Дадил кўчасидаги 19-уйга киргизиб қўйишни сўрайди, бунга асос қилиб жавобгар З. Шарипов билан 1976 йил 10 октябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганини, шу низоли ҳовли жойда яшаб 2 нафар фарзандли бўлганлигини, лекин турмуш ўртоғи уни ҳамиша уриб қийнаб келгани ва 1987 йили июнь ойида уйдан ҳайдаб чиқарганини, болалари билан яшайдиган бошқа уй-жойи йўқлигини, ҳозирда эса қўшнисининг уйида яшаётганлигини кўрсатади.

Тошкент шаҳри, А. Икромов райони судининг 1987 йил 15 ноябрда чиқарган ҳал қилув қарорига кўра даъвогар А. Шарипова 2 нафар фарзанди билан низоли уй-жойга киритиб қўйилган.

Ушбу ҳал қилув қарорига шикоят ариза ёзилмаганлиги туфайли иш кассация тартибида кўрилмаган.

Иш бўйича келтирилган протестда суднинг чиқарган ҳал қилув қарорини бекор қилиб, қайта кўриш учун юбориш сўралган.

Тошкент шаҳар судининг Президиум мажлисида иш материаллари атрофлича кўрилиб, суд қуйидагиларга асосан протестни қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суднинг ҳал қилув қарорида даъвогар А. Шарипова ушбу низоли уй-жойда оила аъзоси сифатида 1976 йилдан бери яшаганлиги, турмушларидан 2 нафар фарзандлари борлигини инobatга олинганлиги кўрсатилган бўлса-да, лекин суд ўз қарорида даъвогар икки нафар фарзандлари билан 5 хонали уй-жойнинг қайси хоналаридан фойдаланиши лозимлиги, илгари даъвогарнинг мол-мулклари хоналарнинг қайси бирида сақланганлиги, бирга яшаган вақтларида хоналардан фойдаланиш тартиби оила аъзолари ўртасида қандай бўлганлиги текширилганлиги ҳақида ишда ва ҳал қилув қарорида кўринмайди.

Даъвогар А. Шарипова ўзини назорат тартибида протест келтиришни сўраб берган аризасида суднинг чиқарган ушбу ҳал қилув қарорининг ижро қилиниши қийинлашганлигини, бунга сабаб суд ижрочилари даъвогарни уйга киргизиб қўйишгандан сўнг, жавобгарлар қайси хонага кирса, ҳайдаб чиқариб, "сенга яшайдиган хона йўқ", дея жанжал қилиб, яшашга имконият бермаётганини, даъвогар икки нафар фарзанди билан қийналиб қолганлигини ва даъво аризасида уй-жойни қандай тақсим қилиш лозимлиги аниқ кўрсатилган бўлса-да, суд унга эътибор бермаганини кўрсатган.

Халқ судининг ҳал қилув қарориди илгари тарафлар низоли уйдан қай тарзда фойдаланиб келишгани, даъвогарнинг мол-мулки турган хона қайси бирида бўлганлиги ва болалари билан қайси хоналардан фойдаланиши лозимлиги кўрсатилмаганлиги сабабли ҳал қилув қарорининг ижроси қийинлашган. Шунга кўра суд Президиуми ушбу ҳал қилув қарорини бекор қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Келгусида ишни қайта кўриш жараёнида суд тарафлар бирга яшаган вақтларда низоли уй-жойдан қай тарзда фойдаланиб келишганини, даъвогар боласи билан қайси хоналардан фойдаланиши лозимлигини аниқланмоғи лозим.

Тошкент шаҳар судининг Президиуми юқоридагиларга кўра, ГПКнинг 361-моддасига асосан

Қарор қилди:

Тошкент шаҳар суди раисининг келтирган протести қаноатлантирилсин.

Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони судининг 1987 йил 15 ноябрда даъвогар Адиба Шариповнинг уйга кириши ҳақидаги даъвоси бўйича чиқарган ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни шу район судининг бошқа ҳайъатида кўриш учун юборилсин.

Тошкент шаҳар суди Президиумида
раислик этувчи: *Б. К. Норов*

АРИЗАНИ КЎРИШ УЧУН ЎРТОҚЛИК СУДИГА ЮБОРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқлик судлари ваколатига киритилган гражданлик ишларини кўпчилик тарафларнинг розиликлари бўлгандагина кўрилади.

Ўртоқлик судлари Ички ишлар вазирлиги, прокуратура ва суд идоралари топширган баъзи ишларни; бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан топширилган, меҳнат низомини бузиш тўғрисидаги тартиб-қоидаларда ўртоқлик судлари тўғрисидаги низоมนинг 7-моддасида кўрсатилган бошқа гражданлик-ҳуқуқий характердаги ишларни ҳам кўради.

Ўртоқлик судлари ишларини тарафларнинг иш ёки турар-жойларида гражданларнинг аризалари, касаба уюшмаси қўмиталари, маҳалла (квартал) қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотларининг, маҳаллий ҳокимият

органларининг тақдимига, давлат идоралари, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва жамоа хўжалиги бошқарувини берган маълумотларга; суд, прокурор, шунингдек терговчи, милиция ва бошқа дастлабки тергов органлари, прокурорнинг розилиги билан топширилган материалларга асосан, шунингдек, ўртоқлик судининг ўз ташаббуси билан кўрадилар:

1) Турар-жойларни ва кишилар яшайдиган биноларни ҳамда коммунал ускуналарни бузганлик, ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаганлик тўғрисидаги ишларни;

2) квартираларда ёки ётоқхоналарда ички тартиб қоидаларни бузганлик, ёрдамчи бинолардан ва хўжалик уйлардан фойдаланишда хонадонлар ўртасида чиққан низолар, коммунал хизмат ҳақини тўлаш, умум фойдаланадиган жойларни жорий ремонт қилиш харажатларини тўлаш ҳақидаги ишларни;

3) дарахтлар, ўсимликлар ва бошқа экинларни пайҳон қилиш; ўрмон қоидаларини бузиб, ўрмонзорларга биринчи марта майда зарар етказиш ва етказилган зарар ҳақини ундириб олиш билан боғлиқ ишларни;

4) ота-оналар, васий ёки ҳомийлар болалар тарбиясига нисбатан фарзандлар эса уларга нисбатан ўз мажбуриятларини тегишлича бажармаганликлари, оилада ўзини но-муносиб тутганликлари тўғрисидаги ишларни;

5) гражданлар ўртасида суммаси 50 сўмгача бўлган мулк хусусида чиққан низолар тўғрисидаги ишларни;

б) икки ёки бир неча гражданларнинг умумий мулки бўлган иморатлардан фойдаланиш тартибн тўғрисидаги, колхоз хонадони мулкни тақсимлаш, эр-хотин ўртасида мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги (башарти низолашувчи томонлар бу ишнинг ўртоқлик судида кўрилишига рози бўлсалар) ишларни кўради.

Ўртоқлик судларида кўриладиган ишлар бўйича тарафларнинг розилиги бўлган ҳолларда бу ҳақда халқ судьяси ажрим билан ишни шу судларга юборади.

А Ж Р И М

1990 йил 2 август куни Наманган вилояти, Поп райони судининг судьяси В. И. Турсунов томонидан шу райони ҳудудида жойлашган "Қодир" жамоа хўжалигининг жавобгар Али Акбаровга нисбатан хўжаликка етказилган

зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси кўрилиб, қуйидагилар

Аниқланди:

Поп райони қурилиш бошқармасининг ишчиси Али Акбаров маст ҳолда "Қодир" жамоа хўжалигига қарашли бир неча мевали дарахтларни синдириши натижасида унга 100 сўм миқдорда зарар етказган. Судда даъвогар вакили ҳамда жавобгар билан суднинг тайёрлов босқичида ўтказилган суҳбатда тарафлар бу ишни ҳал этиш учун қурилиш бошқармаси қошидаги ўртоқлик судига юборишни мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида фикр билдирдилар.

Суд тарафларга ўртоқлик судида низони ҳал этиш тартиби ва оқибатлари ҳақида тушунтириш беради ва ГПК 142-моддасининг 5-банди, 241-моддасининг 6-бандидаги қоидаларнинг мазмуни тўғрисида тарафларни огоҳлантиради.

Даъвогар "Қодир" жамоа хўжалигининг вакили И. Эгамов ва жавобгар А. Акбаров ишени ҳал этиш учун қурилиш бошқармаси қошидаги ўртоқлик судига юбориш тўғрисида розилик билдиришиб, ўзларининг мулоҳазаларини ёзма равишда расмийлаштиришиб судга тақдим этадилар.

Суд ҳар икки тарафнинг илтимосини атрофлича текшириб, ишни жамоатчилик ўртасида кўрилса, таъсирчан ўтишини ҳисобга олиб, уни қаноатлантиришни лозим топади.

Шунга кўра суд Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиумининг 1977 йил 30 март Фармони билан тасдиқланган ўртоқлик судлари ҳақидаги Низомнинг 3-бандига асосан

Ажрим қилади:

Наманган вилояти, Поп районидаги "Қодир" жамоа хўжалигининг Али Акбаровга нисбатан шу хўжаликка етказилган 100 сўм миқдордаги зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризасини кўриш учун Поп районидаги қурилиш бошқармаси қошидаги ўртоқлик судига юборилсин.

Ажримдан норози томон 10 кун муддат ичида шу суд орқали Наманган вилояти судининг фуқаролик судлов ҳайатига шикоят билан мурожаат этишга ёки протест келтиришга ҳақли.

Халқ судьяси: *В. И. Турсунов*

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
I. Суд ажримлари тўғрисида тушунча ва уларга оид айрим ҳужжатлар	6
Халқ судьясини четлаштиришни рад этиш тўғрисида	8
Ариза	10
Ажрим	10
Халқ маслаҳатчисини четлатиш тўғрисидаги илтимосни қаноатлантириш ҳақида	11
Ажрим	12
Даъвогарни даъвосидан воз кечганлиги туфайли иш юритишни тугатиш тўғрисида	14
Ариза	15
Ажрим	15
Ишга тегишсиз тарафни алмаштириш ҳақида	17
Ажрим	18
Даъвогар номидан иш юритишга ваколати бўлмаган шахснинг берган аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида	19
Ажрим	20
Ишда тараф бўлган гражданинг ўлими туфайли иш юритишни тўхтатиш тўғрисида	21
Ажрим	22
Хусусий шикоят (Фуқаролик иши бўйича суднинг ажримига нисбатан)	24
Бир неча даъво талабларини бирлаштириш ҳақида	25
Ажрим	25
II. Келтирилган зарарни ундириш тартибига оид ҳужжат намуналари	26
Ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш тўғрисида	26
Ажрим	27
Даъво аризаси (Боқувчисининг ўлими натижасида келтирилган зарарни ундириш ҳақида)	29
Ариза (Байридоғуший равишда жиноий жавобгарликка тортилиш натижасида отказланган зарарни ундириш ҳақида)	30
Даъво аризасини ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида	32
Ажрим	33
Келишув битими тузилганлиги сабабли иш юритишни тугатиш тўғрисида	34
Ариза (Келишув битимини тасдиқлаш ва иш юргизишни тугатиш ҳақида)	35
Ажрим	35
Ўзрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаган гувоҳларга жарима солиш ҳақида	37
Ажрим	39
Езувнинг кимга тегишлилигини аниқлайдиган (график) экспертизани тайинлаш тўғрисида	40
Ажрим	42
III. Уй-жой муносабатларига доир айрим ҳужжатлар	43
Ариза (Тўхтатилган ишни яна қайта тиклаш ҳақида)	45
Тарафларни узоқ муддатли хизмат сафаридан қайтиши муносабати билан иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида ажрим	46
Даъво аризаси (Турар-жойни сув босиши натижасида келтирилган зарарни ундириш ҳақида)	47
Ариза (Келишув битимини тасдиқлаш ҳақида)	48
Ордерни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида	49
Даъво ариза (Ордерни ҳақиқий эмас деб топиш, турар-жойдан кўчириш ва турар-жойга бўлган ҳуқуқни тан олиш ҳақида)	50
Турар-жойдан кўчириш ҳақида	51
Даъво аризаси (Турар-жойдан кўчириш ҳақида)	52
Даъво аризаси (Шахсий уй-жойнинг бузилиши сабабли уйдан кўчириш ҳақида)	54
Ортиқча туланган давлат божини қайтариш ҳақида	55
Ариза (Давлат божининг бир қисмини қайтариб бериш ҳақида)	55
Турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотганлик ҳақида	56
Даъво аризаси (Шахснинг турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақида)	56
Турар-жойдан кўчириш ҳақида	57

Ҳал қилув қарори	57
Эътироз (Ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида)	59
IV. Никоҳ ва оила ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низо- лар бўйича ҳужжат намуналари	61
Никоҳни бекор қилиш ишларини кўриш	61
Даъво аризаси (Никоҳни бекор қилиш тўғрисида)	63
Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёр- лаш ҳақида	64
Даъво аризаси (Никоҳни бекор қилиш ҳақида)	67
Даъво аризаси (Никоҳни бекор қилиш ҳақида)	68
Эр-хотиннинг ярашиши учун муҳлат бериш ҳақида	69
Ажрим	69
Ярашиш учун берилган муҳлатни қисқартириш тўғрисида ажрим	70
Эр-хотин ярашганликлари туфайли никоҳни бекор қилиш ва иш юретишини тугатиш ҳақида ажрим	72
Мустақил талаб билан арыз қилувчи учинчи шахслар тўғрисида	73
Мустақил талаб билан арыз қилувчи учинчи шахс сифатида жараёнга кириш тўғрисида даъво аризаси	75
Мустақил талаб билан арыз қилувчи учинчи шахснинг даъвосини қабул қилиш тўғрисида ажрим	76
Тарафларнинг суд мажлисига келмаслик оқибатлари тўғрисида	77
Никоҳни бекор қилиш ишлари бўйича даъвогарни иккинчи марта чақиришда ҳам судга келмаганлиги сабабли даъвони кўрмасдан қол- дириш тўғрисида ажрим	77
Экспертиза тайинлаш ҳақида	79
Ажрим	80
Даъвои тавминлаш юзасидан манфаъдор шахсларнинг аризасига кўра суд (судья) шўъра ҳаракатлари	82
Ариза (Даъвои тавминлаш тўғрисида)	83
Даъвои тавминлаш ҳақида	84
Ажрим	85
Ишнинг шўъра суд мажлисида кўриш тўғрисида	86
Ажрим	87
Даъво аризаси (Никоҳга қадар бўлган шахсий мулкни қайтариб олин ва никоҳ даврида тупланган умумий мулкни бўлиш хусусида)	87
Суд жаражатлари ҳақида	89
Ариза (Суд жаражатларини тўлашдан озод қилиш ҳақида)	92
Ажрим	93
Суд ҳал қилув қарорлари тўғрисида тушунча	94
Ҳал қилув қарори (Никоҳни бекор қилиш ҳақида)	100
Ҳал қилув қарори (Никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво рад этиш тўғрисида)	102
Суд мажлиси протоколи (қайдномаси)	104
Никоҳни бекор қилиш ҳақида	107
Никоҳни бекор қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини ижро босқичида ижро қилишни тугатиш ҳақида ажрим	108
Фуқаролнк судлови хайъатидаги ажрим	109
V. Алимент ундириши, оталикни белгилашга оид процессуал ҳужжатлар	112
Алиментни ихтиёрли тўлаш хусусида	112
Ариза (Алимент ундириш ҳақида)	113
Алиментларни суд тартибида ундириш	114
Даъво аризаси (Алимент ундириш тўғрисида)	116
Алимент ундириш тўғрисидаги ишни судда кўргунга қадар боланинг таъминоти учун вақтинчалик маблағ ундириш ҳақида	117
Ажрим	117
Алимент ундиришда жавобгарнинг иштироки ҳақида	118
Алимент ундириш ишлари бўйича суд мажлисига жавобгарни узр- сиз сабабларга кўра келмаганлиги учун жарима солиш ва уни маж- бурий тартибда келтириш тўғрисида ажрим	119
Алимент ундириш даъвоси бўйича жавобгарни қидириш тўғрисида ажрим	121
Судловликка риоя қилмаганлик сабабли даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ҳақида	122
Ажрим	123
Қарши даъво ҳақида	124
Даъво аризаси (Қарши даъво)	125

Қарши даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида	126
Ажрим	127
Суд топшириқларини юбориш тўғрисида	128
Ажрим	129
Солинган жаримадан озод этиш ҳақида	131
Ариза	132
Ажрим	133
Жаримани тўлашдан озод этиш тўғрисида ажрим	134
Ариза (Иш кўришни тўхтатиш тўғрисида)	135
Тарафларнинг бирининг касаллиги туфайли иш юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим	136
Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар ҳақида	137
Даъво аризаси (Оталикни белгилаш ва алимент ундириш ҳақида)	139
Оталикни белгилаш тартиби ҳақида	140
Ариза (Оталик фактини белгилаш ҳақида)	141
Суд ҳал қилув қарори ҳақида	142
Ҳал қилув қарори (Алимент ундириш тўғрисида)	143
Алимент миқдорини камайтириш ҳақида	145
Даъво аризаси (Алимент миқдорини камайтириш тўғрисида)	146
Болалар ҳақидаги низони ҳал этиш тўғрисида	148
Даъво аризаси (Болани олиш тўғрисида)	148
Ажрим	150
VI. Мехнатга оид низоларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари	152
Даъво аризаси (Ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақт учун иш ҳақи ундириш тўғрисида)	154
Мехнат низолари юзасидан судга мурожаат қилиш тартиби	155
Даъво аризаси (Ишга тиклаш ва ноилождан бекор юрган вақт учун иш ҳақи ундириш тўғрисида)	156
Ишни дастлаб судсиз ҳал қилиш ва шу туркумдаги ишлар учун белгиланган тартибга риоя қилмаганлик сабабли аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида.	158
Ажрим	159
Жавобгарни қидириш тўғрисида	160
Ажрим	161
Даъво аризасини қабул қилиш ва ишни кўриш учун тайёрлов ишларини ўтказиш тўғрисида	162
Ажрим	164
Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида	165
Ажрим	167
Бир турдаги ишларни бирлаштириш тўғрисида	167
Ажрим	168
Мехнат ишлари бўйича ҳал қилув қарори	169
Ҳал қилув қарори	171
Кўшимча ҳал қилув қарори ҳақида	174
Ҳал қилув қарори	176
Суднинг хусусий ажримлари ҳақида	177
Хусусий ажрим	178
Хусусий ажрим	179
Ажрим	181
Ҳал қилув қарори	184
VII. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар	189
Шикоят	190
Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларнинг судга тааллуқлилиги	190
Ҳал қилув қарори	192
Процессуал муддатни тиклашни рад этиш ҳақида	193
Ариза (Муддатни тиклаш ҳақида)	195
Ажрим	195
Мансабдор шахсларнинг ноҳўя ҳаракатлари устидан шикоят бериш ҳуқуқи ҳақида	197
Шикоят	198
Шикоятни кўриш муддати ва тартиби	199
Ажрим	200
Сайловчилар рўйхатидаги нотўғрилиқлар устидан берилган шикоятларни судда кўриш тартиби ҳақида	201
Шикоят (Сайловчилар рўйхатидаги нотўғрилиқлар устидан)	202

Сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликларни судда кўриш тартиби ҳақида	203
Хал қилув қарори	203
VIII. Алоҳида тартибда кўриладиган ишлар	205
Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақида	206
Ариза (Қариндошлик муносабати фактини белгилаш ҳақида)	209
Хал қилув қарори	210
Болаларнинг туғилганлик факти ва туғилган вақтини белгилаш ҳақида	211
Ажрим (Иш юргизишни тугатиш ҳақида)	212
Эр-хотинлик фактини белгилаш ҳақида	213
Ариза (Никоҳни қайд қилганлик фактини белгилаш тўғрисида)	215
Хал қилув қарори	216
Ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатларнинг муайян шахсга тегишли бўлиш фактини белгилаш тўғрисида	217
Паспортнинг ишга тегишлилик фактини белгилаш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим	218
Граждани бедарак йўқолган деб топиш ва уни ўлган деб эълон қилиш	219
Ариза (Граждани бедарак йўқолган деб топиш тўғрисида)	220
Хал қилув қарори	221
Ариза (Суднинг ўлган деб эълон қилган хал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида)	223
Хал қилув қарори	224
Граждани муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш	226
Ариза (Граждани муомала лаёқати чекланган деб топиш ҳақида)	228
Хал қилув қарори	229
Ариза (Муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида)	231
Ажрим (Руҳий касаллигини аниқлаш мақсадида руҳий касалликлар суд экспертизаси тайинлаш ҳақида)	232
Ажрим (Мажбурий тарзда руҳий касалликлар суд экспертизасига юбориш ҳақида)	233
Хал қилув қарори	234
Хал қилув қарори	236
Мулкни эгасиз деб ҳисоблаш ҳақида	237
Ариза (Уйни эгасиз деб ҳисоблаш ҳақида)	238
Хал қилув қарори	239
Нотариуслар ва нотариал ҳаракатларни бажарувчи идораларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар тўғрисидаги ишларни кўриш	241
Шикоят (Нотариуснинг ҳаракатлари устидан)	242
Хал қилув қарори	243
Ариза (Никоҳни қайд қилиш дафтаридagi ёзувда фамилия нотўғри ёзилганлигини белгилаш тўғрисида)	245
Хал қилув қарори	246
Хал қилув қарори	248
Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқотилган тақдирда уларга бўлган ҳуқуқларни тиклаш ҳақида	250
Ариза (Тақдим этувчига деб берилган омонат дафтарини йўқотганлиги сабабли уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида)	251
Ажрим	252
Маҳаллий рўзномада бериладиган эълоннинг намунаси	253
Ажрим	253
Ариза (Оталик фактини белгилаш тўғрисида)	255
Хал қилув қарори	256
IX. Ишни кассация тартибида қайта кўриш учун асослар	258
Кассация шикояти	260
Протест (Кассация тартибида)	261
Кассация шикоятини кўриш тартиби	262
Кассация шикоятини қаноатлантириш ҳақида ажрим	263
Биринчи инстанция судининг ажримига нисбатан шикоят, протест келтириши ҳақида	266
Хусусий ажрим	267
Хусусий ажрим	269
Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими	271

„УЗБЕКИСТОН“